Чу бингаранд ба як ҳила, ё баҳонаи  
туст.  
Ба ишқи муғбачагон то фитодӣ, эй  
Фонӣ,  
Суруди роҳи фано нағмаи таронаи  
туст.

### **Татаббӯи Шайх**

Эй, риштаи чон чун пай печида ба  
чавгонат,  
Гардида сарам чун гӯ гирди сӯми як  
ронат.  
Тират ба дилам сӯзад он беҳ, ки занӣ  
теғаш,  
К-ин шӯъла нагардад паст, аз қатраи  
пайконат.  
То ҷилвағаҳи ҳуснат чашму дилам  
афтода,  
Дил омада Мачнунат, чашм омада  
ҳайронат.



Дар мардумаки дида аксат набувад  
эй маҳ,  
К-аз ғайрати дил дар вай чон сохта  
пинҳонат.  
Маҷрӯҳ сару поям, гирди сари кӯят  
бин,  
Ин як зи саги кӯят, он аст зи  
дарбонат.  
Ин аст туро дар ҳусн, он ки лаби  
ҷонбахше,  
Ин гарчи кунад зинда, лекин  
кушадам онат.  
Дар роҳи талаб, Фонӣ, аввал зи худӣ  
бигсил,  
Хоҳӣ накунад ҳастӣ з-ин азм  
пушаймонат.

### **Татаббӯи Шайх**

Меравад ёр ҷудо з-ӯ кор бар ман  
мушкил аст,  
Доғи ҳаҷрам бар тану неши фироқам  
бар дил аст,  
Бода дур аз рӯи вай н-орад нашотам,  
эй рафик,  
З-он ки оби зиндагӣ бе ӯ чу захри  
қотил аст.  
Ё диламро сӯхта, ё даргирифта аз  
дилам,  
Ҷои оташҳо-ш дар сахро, ки дар ҳар  
манзил аст.  
Ҳаст он хуршеди зебой маро умри  
азиз,  
Кай аҷаб бошад, ба рафтан к-ӯ  
чунин мустаъчил аст?  
Гар дусад сабру шикебам нақш  
гардад дар замир,  
Дарзамон аз мавҷи селоби фироқаш  
зоил аст.  
Менамояд саъй дур аз вай  
ҳалокамро аҷал,  
Гӯиё аз куштани бедоди ҳаҷраш  
ғофил аст.  
Ҳаст ин ғавғои растохез андар  
қофила,  
Аз дили чокам, на аз бонги диروي

маҳмил аст.

То кадомин маҳфилаш чо гашт боре,

дар ғамаш

Достони ишқи ман афсонаи ҳар

маҳфил аст.

Рафт чон ҳамроҳи чонон, Фонӣ, ар

мирад чӣ айб?

Зинда будан чунки бечонону бечон

мушкил аст.

### **Татаббӯи Хоҷа**

Риндон ҳама дар кӯи муғон гашта

харобат,

Эй муғбачаи шӯх, чӣ маст аст

шаробат?

Лутфу карамат низ кушанда-ст, на

танҳо

Арбоби вафо чон диҳад аз нозу

итобат.

Ҳастӣ ту парӣ, з-он ки дарой ба дилу

чон,

Дар омадани хонаи кас нест ҳиҷобат.

Пурсӣ, ки: «Чу ман ҳаст ба хубӣ

маҳу хуршед?»

Равшан бувад, эй моҳ, чу хуршед

ҷавобат!

Дар дидаи аҳли назар он чехра аён

аст,

Чуз тирагии ҳастии мо нест ниқобат.

Дар бодияи ишқ ба бозӣ натавон

рафт,

К-он ҷост бача садмату бисёр

маҳобат.

Фонӣ, наниҳӣ пой ба сарманзили

максуд, .

То ҳаст ба чуз бодаву мастӣ хӯру

хобат.

### **Айзан**

Дар майкада салоҳу вараъ дар

шумора нест,

Он чо чуз он ки бода бинӯшанд,

чора нест.

Ҳоли маоли дурдкашон гарчи шуд

ниҳон.

Аҳволи аҳли савмаъа ҳам ошкора

нест.

Шуд ин канори баҳри сиришкам  
канори ман,  
В-ин турфатар, ки он тарафашро  
канора нест.

Гар пора сохт теғи ҷафои фалак  
дилам,

К-ӯ дил, ки аз ҷафои фалак пора-  
пора нест.

Хоҳӣ чу қалби лашкари ушшоқро  
шикаст,

«Ҳу»-е бас аст, хочати таблу нақора  
нест.

Бар худ маханд ақли хариф, аз барои  
он-к,

Дар шаҳри ишқ пири хирад ҳечқора  
нест.

Фонӣ, ба як назар ба ту чашм аз ҳаёт  
дӯхт,

Ҳочат ба чашм дӯхтан андар назора  
нест.

### **Айзан**

Дар дайр ҳар ки домани пири муғон  
гирифт,

Баҳри начот домани ӯ метавон  
гирифт.

Набвад дигар зи хиффати даври  
фалак ғамаш,

Он к-ӯ ба кӯи майкада ратли гарон  
гирифт.

Дил доштам ниғаҳ зи вай, аммо ба  
ишвае

Донам гирифт, лек надонам чӣ сон  
гирифт?

Он к-ӯ матои ҳар ду ҷаҳон доду васл  
ёфт,

Гуфтан тавон, ки дурри самин  
ройгон гирифт!

Дар хонақоҳ ғайри риё чун надид  
дил.

Шуд сӯи дайру мазҳаби риндон аз  
он гирифт.

Хуни дилам, ки рӯи заминро  
гирифта буд,

Набвад шафақ, ки доманаи осмон  
гирифт.  
Фонӣ, ба васли дӯст аз он рӯз роҳ  
бурд,  
К-ӯ тарки ҳушу ақлу дилу хонумон  
гирифт.

### **Айзан**

Аз тоби май дигар ба сарам шӯъла  
даргирифт,  
Май боз сӯзи оташи моро зи сар  
гирифт.  
Андар сафоли майкада буд ин, мағӯ,  
ки дӯш  
Дар кунчи дайр муғбачаам чоми зар  
гирифт.  
Як қом то ба ҳашр басам буд, турфа  
бин,  
К-аз рӯи нозу арбада чоми дигар  
гирифт.  
Ҳар к-ӯ чунин ду чоми фано зад зи  
бехудӣ,  
Н-орад ба рӯзи ҳашр сар аз хок  
баргирифт.  
Эй ман — ғуломи ҳиммати ринде, ки  
бахри май  
Нақду хирочи мулки чаҳон мухтасар  
гирифт.  
Эй шайх, агар ту айб кунӣ  
бутпарастиям,  
Пири муғон ба мазҳаби куфр ин  
хунар гирифт.  
Эй ринди чуръанӯш, ки май пурсӣ аз  
риё,  
Фонӣ, тариқи зоҳиди худбин магар  
гирифт?

### **Айзан**

Рафтӣ агарчи аз бари ман, кай  
гузорамаат?  
То бозат оварад, ба Худо  
месупорамаат!  
Корам чу аз азал ба ту афтода то  
абад,  
Гар сад раҳам гузорӣ, ман кай  
гузорамаат?

Домони туст дасти ман, ар афканӣ  
сарам,  
Мумкин мадор, ки даст зи доман  
барорамат.  
Гӯй, ки тарки чон куну аз дил  
бурунам ор,  
Дар чон-т чо диҳам, агар аз дил  
барорамат.  
Чун ғайри номуродиям аз умр умед  
нест,  
Соқӣ биёр бода, ки уммедворамат.  
Бояд шабе, ки субҳи қиёмат сабоҳи  
ӯст,  
Ғамҳои хеш то ба сахар гар  
шуморамат.  
Гӯй, ки Фониё, ба дилам ор рӯзи  
ҳаҷр,  
Кай з-ӯ бурун шудӣ, ки дарун боз  
орамат?!

### **Айзан**

Касе, ки дил ба сари зулфи мушксои  
ту баст,  
Умеди чон ба лаби лаъли чонфизои  
ту баст.  
Ғариби кӯи ту шуд дил, бипурс гаҳ-  
гоҳаш,  
Чаро ки рахти сафар аз Ватан барои  
ту баст.  
На гар тамаввучи хун хост  
нақшбанди азал,  
Чӣ нақшхост, ки бар лаългун қабои  
ту баст,  
Кушой чашми тарахҳум ба сӯи  
мақтулат,  
Ки дида аз чамани даҳр аз чафои ту  
баст.  
Ба боғи васл бикун дилкушоияш, эй  
гул,  
Чу ғунча ҳар ки гиреҳ дар дил, аз  
ҳавои ту баст.  
Чарост пой ту хун мурғи номабар  
гӯё  
Сипеҳр номаи хунини дилам ба пой  
ту баст?.

Ба шoми ҳaчр чу парвoнa сӯхтӣ  
Фонӣ,  
Мағар, ки шамъ сиеҳ аз пaи азoи ту  
бaст.

### **Тaтaббӯӣи Мaвлoнo Шoҳӣ<sup>9</sup>**

Пеши чoми пурмaи рaхшaндa мaҳрo  
тoб нeст,  
Соғaри хуршeдрo гaр тoб ҳaст, ин oб  
нeст.  
Меситoнӣ, вoизo, Кaвсaр зи дaсти  
хури aйн,  
Худ зи дaсти сoқии гулрux шарoби  
нoб нeст.  
Ҳaст қуллoби муҳaббaт аз дили ёрoн  
кaшиш,  
Ҳoчaти пӯлoду oҳaн бaҳри ин  
куллoб нeст.  
Дaргaҳи пири муғoн aст oн, ки  
риндoн сaр нeҳaнд,  
Гaр сучуд oн aст, з-ин бeҳ бaҳри oн  
мeҳрoб нeст.  
Мaй мaдeх, бeҳуш дoру дeх мaрo  
сoқӣ, ки бoз  
Чaнд шaб шуд, к-аз ғaми ҳиҷрoн бa  
чaшмaм хoб нeст,  
Эй муғaннӣ чун хaрoшӣ сaнaам,  
хoҳӣ бa лaҳн,  
Кaш бa рӯи тoр нoхун, ҳoчaти  
мизрoб нeст.  
Тo нишaстӣ, Фoниё, аз ишқ бaр хoки  
сияҳ,  
Шoҳи вaқтӣ, бaр бисoтaт ҳoчaти  
сaнчoб нeст.

### **Тaтaббӯӣи Хoчa**

Oн кoкули мушкин, ки бa рух гaшт  
ниқoбaт, ..  
Oҳaст мaрo кoр пaи рaфъи ҳиҷoбaт.  
Гaнҷeст турo хусн, к-аз ў дaҳр шуд  
oбoд,  
Лeкин дили вaйрoнaи мaн гaшт  
хaрoбaт.  
Сoқӣ, мaи рaвшaн, ки дили ғaмзaдa  
тир aст  
Aз гaрдиши дaврoну сaри зулфи бa

тобат.

Гар моҳ най, чун шуда аз дур  
гузорат?

Гар умр най, дар шудан аз чист  
шитобат?

Гӯй: «Зи лабам коми ту чӣ бувад ки  
диҳӣ чон?»

Ҳам гӯй худ, эй чон, ки дар ин чист  
ҷавобат?

Афсонаи худ чун ба ту гӯям бас  
умре,

Чун бахти ман он лаҳза равад чашм  
ба хобат.

Фонӣ, зи ғами муғбачагон чанд ваҳу  
воҳ,

Шуд дар назари пири муғон вақти  
инобат!

### **Татаббӯъи махдумӣ**

Ба сар алиф, ки кашам, аз ҳавои  
қомати туст,

Ки сарнавишти ман ин ҳарф шуд зи  
рӯзи нахуст.

Фидои қадди ту рӯҳу равони ман, ки  
маро

Ба боғи умр ниҳоле чу қомати ту  
наруст.

Чу бода қисмати ман шуд, бад-он  
хушаму в-он кас

Чӣ хун, ки хӯрд, чу афзун зи ҳадди  
қисмат чуст.

Шаби фироқ нарафт аз сипеҳр хуни  
шафақ,

Ки мавчи баҳри сиришкам рухи  
фалакро шуст.

Замона нақди дили аҳли дил шикаст  
чунон,

Ки ғайри нақди лаимон намонд ҳеч  
дуруст.

Висоли каъбаи мақсуд агар ҳавас  
дорӣ,

Ба қатъи бодияи ӯ на тез бошу на  
суст.

Чу май ба маҷлиси риндон тамом  
шуд, Фонӣ,

Паи сабӯкашӣ инак, ситода чобуку  
чуст.

### **Айзан**

Тира гаштам ҳар ки об андар шароби  
ноб рехт,

Чист ғайр аз тирагӣ он, к-ӯ ба оташ  
об рехт.

Ваҳ, ки мумкин нест дигар чашмро  
дидан ба хоб,

К-аз хаёли лаб намак он маҳ ба чои  
хоб рехт.

Ёр шуд меҳмони ман в-аз гиряи  
шодӣ ду чашм

Дар раҳаш ёкути руммонию лаъли  
ноб рехт.

Дурди чомаш буд коми ман, хато  
буд аз табиб,

Ин ки аз баҳри даво дар соғарам  
чуллоб рехт.

Сад яке з-он чашми қотил нест дар  
мардумкушӣ,

Сад ҳазорон хун, ки дар вақти  
кушиш қассоб рехт.

Он чавон, ё Раб,ки гардад пир, гарчи  
беҳисоб

Ханчари мижгон кашиду хуни  
шайху шоб рехт.

Аз ҳаётам гар асар набвад чу Фонӣ,  
дур нест,

Хуни беҳад чун зи захм ин пайкари  
бетоб рехт.

### **Айзан**

Дами нақд аст маро куи муғон боғи  
биҳишт,

Маи Кавсар ба кафи муғбачаи  
хурсиришт.

Лавҳи рухсори ту омад сабақам рӯзи  
азал,

Килки қудрат чу саводи хати сабзи  
ту навишт.

Бода дех, з-он ки зи ҳар хона сӯи

Ҳақ роҳест,

Агар аз гӯшаи масҷид ва гар аз  
кунҷи каништ.



Гар фалак хоки маро хишт кунад низ  
хушаст,  
Шояд аз давр кунад чо ба сари хум  
он хишт.  
Кор чун кишта даравдан бувад, он  
шуд деҳқон,  
Ки дар ин мазраъа чуз донаи инсоф  
накишт.  
Золи гардун чӣ кунад чилвагарӣ, з-  
атласи чарх  
Хуб аз ҳуллаву аксун нашавад  
шоҳиди зишт..  
Фониё, аз дами риндон шавадат дил  
равшан,  
Ки зукол аз асари оташи тез аст  
ангишт.

### **Айзан**

Дар шавқи лаъли ту, ки дилам хуни  
ноб рехт,  
Шӯробаест он, ки бар оташ кабоб  
рехт.  
Нақши саводи зулфи ту бар сафҳаи  
дилам  
Шуд чун сиёҳие, ки ба рӯи китоб  
рехт.  
Рустаст дар баҳори рухат лолаҳо,  
магар  
Аз ашки хунфишони манаш абр об  
рехт?  
Дар дайр равшанию сафо бин, ки  
муғбача  
Ёқути ноб дар қадаҳи офтоб рехт.  
Шодам ба маънии дигараш ин, ки  
муҳтасиб  
Гӯянд сӯи майкада рафту шароб  
рехт.  
Гӯ дар ҳисоби умр навис, он ки симу  
зар  
Баҳри нашоти мутрибу май беҳисоб  
рехт.  
Дар майкада ба кӯҳнасафоли  
гадоиям,  
Ҳар кас, ки бода рехт, зи баҳри  
савоб рехт.

Гулбӯй гашт бода, магар аз хави  
узор  
Соқӣ, даруни бодаи гулгун гулоб  
рехт?  
Фонӣ, ба пирӣ ашк ба рух рехтан  
хуш аст,  
Май дар қадаҳ хуш он, ки ба аҳди  
шабоб рехт.

### **Татаббӯи Хоча**

Аз рафтани ёрам бувад ошӯби  
киёмат,  
Ё Раб, мабараш чоеву дораш ба  
саломат.  
Дар ҳаҷри ту афтад ба сарам анҷуми  
гардун,  
Эй шомӣ фироқи ту маро рӯзи  
киёмат.  
Эй сокини чаннат, гул агар бар сари  
Тӯбӣ,  
Маръӣ нашудат, бин сӯи он оразу  
қомат.  
Эй шайхӣ риёзатқаш, агар ҷониби  
риндон  
Ташриф наёрӣ, бувадат маҳзи  
каромат.  
Ҳардам зи хаёли ту ба худ дар сухан  
афтам,  
Гӯ ақл бирав, к-ин зи ҷунун аст  
аломат.  
Чун буди ту нобуд шуд аз барқи  
май, эй дил,  
Чӣ суд кунун аз мижа борони  
надомат.  
Дил з-андӯҳи даврон, ҳама атрофи  
чаҳон гашт,  
Дар гӯшаи майхона шудаш ҷон  
иқомат.  
Бе вачҳи май ар шайх даромад ба  
харобот,  
Гӯ хиркаву саччода гарав, кун ба  
ғаромат.  
Фонӣ, чу шудӣ чуръакаши Ҳофизу  
Ҷомӣ,  
Ҷамшед гадоӣ кунад аз чуръаи

чомат.

Сен гўзалсан, хулқинг ҳам гўзал,  
сўзинг ҳам гўзал,  
Гўзалликдан оламда ҳеч ким сен  
каби барно эмас.  
Одам наслидан ҳусн бобида паридан  
гўзал, бошида  
одамгарчилиги бўлган  
сен каби гўзал пайдо бўлган эмас.  
Гўзаллик билан ўлдирасану сўзинг  
билан жон бағишлайсан,  
Оллоҳ-оллоҳ, Исо билан Марям ҳам  
бундай  
гўзал хулқларга эга бўлмаган.  
Мардумнинг кўзига борган сари  
ортиқроқ гўзал кўринганинг учун  
Дилда муҳаббатинг ҳар нафас ортиб  
боради.  
Агар улфат ва ҳамдам бўлган киши  
гўзал бўлса, яхшидур,  
Чунки жаҳонда кишининг анису  
ҳамдами яхши ва  
гўзал бўлиши керак.  
Оламга гўзаллар кўп келган, бироқ  
бутун гўзаллар  
Мусаллам бўлган сен каби гўзал  
бўлган эмас.  
Ошиқ Фонийга гўзаллар тўдаси  
томонидан  
Вафо билан меҳр чиройлигу зулм  
билан кин ҳам чиройлидур.  
Юзингдан ойга юз хил тоб бўлган,  
эй гўзал,  
куёшдан сўз бўлуб турганида ойга  
йўл бўлсин.  
Кўйингда бошқалар менга азоб  
беришади,  
ҳеч ким жаннатда азоб бор деб  
эшитган эмас.  
Кўзимда ёш бўлган ҳолда туш  
кўрмагунимча,  
кўзимда иккинчи мартаба уйку  
кўрмайман.

Тупроқни шароб қайнатгани сингари  
тупроқ тани сенинг ўтлик лаълинг  
билан қайнайди.

Юзингни кўришни хаёл қилган  
чоғимда  
кўп изтиробдан дилимга кучсизлик  
ва суслик келади.

Дайр пири билан муғбача мени маст  
қилсалар  
майхонадаги ёшу қаридан  
хурсандман.

Эй Фоний, ишқ водийларини босиб  
ўтишда  
жигардан овқат, кўздан сув керак.

Ул Нахшаб ойининг оғзи ҳаёт  
булоғидир,  
ундан сув ичиш учун хат сабзаси  
лабида ўсган.

Агар менинг шўхим жилва қилиб  
мактабга йўл олса,  
ақл пири унинг ишқида мактаб  
боласига айланади.

Унинг фитрокига боғланиш учун  
бошимизга йўл бўлсин,  
гўй сингари отинг туёғига етса, шу  
шараф унга етарли.

Ошиқларга девоналикдан телбалик  
қилиш одат эди,  
уларни ул одобли ой ҳаёдан терга  
ботирди.

Отинг туёғидаги тақага янги ой  
қачон тенг бўла олади,  
негаки, у кумушдану бу ошиқлар  
чеҳрасидан олтин рангдир.

Эй ажал, қадам ранжида қил, чунки  
айрилиқ беморлигидан  
жон беришим учун барча асбоб  
муҳайё бўлди.

Фониё, сенинг истаганинг фано  
дайридир,  
у ерга кирсанг муғбача кўлидан  
тиниқ ва равшан  
шаробдан бошқа нарсани талаб  
қилма.

Чамандаги гулдан дўст юзини  
томоша қилдим,  
ундан дўст хиди келгани учун  
(менга) қайта жон кирди.  
Гул рангу исда унинг юзига бир оз  
ўхшайди,  
бошимдан жой беришим ҳам дўст  
юз-хотири учундир.  
Кўз ёшим сели мени оқизиб кетса,  
ҳалок бўламан,  
агар дўст томон олиб борса  
(ўлимдан ҳам) кўркмайман.  
Мен ёр кўйида ҳалок бўлганман, эй  
сабо, Худо ҳаққи,  
ўлганимдан кейин тупроғимни дўст  
кўчасидан олиб кетма.  
Сунбул сенинг зулфинг бандаси  
бўлди, мен сунбулга банд,  
дўст юзидаги холга қул бўлган  
кишининг ҳам қулиман.  
Менинг ўлимим у нозик мижознинг  
ўзгарганидан бўлса,  
унинг аччиғи тезлигидан менда  
ўлим хавфи қачон бўлгай?  
Агар Фоний, заифликда дўстнинг  
соч толасидек бўлса (ҳам),  
унинг (ёрнинг) бир тола мўйини  
икки олам мулкига  
ҳеч қачон бермайди.  
Косадаги майдан офтоб чиққанда,  
У офтоб ичида сенинг аксинг яна  
бошқа офтоб бўлиб кўринди.  
Соқийнинг юзи ва равшан майнинг  
кўрки (бу икки офтоб)  
ҳар бири халқни ўзгача куйдиради.  
Қуёш юзингдан ва май қуёшидан  
тунги базм кундузга  
айланган бўлса, бошқа қуёшни нима  
қиламан?  
Майхона бир ажойиб оламки, унинг  
пештоқи бир осмондир,  
бунда май даври-ю, оташин нурдан  
қизил офтоб бордир.  
Эй донишманд, майхонанинг

қоронғи бурчаги учун  
равшан майдан тўлган хумнинг оғзи  
нурли офтобдир.

Кўк фалакда қуёш сайр қилиб юрар  
экан,  
сен албатта қадах қуёшини яширин  
сақла.

Агар қуёш кеча пардасига бошини  
буркаса,  
базм шабистонини май шамъи нури  
билан ёритгин.

Қуёш чиққанда ой хира бўлгани  
каби,  
шоҳимиз базмининг олтин жомидан  
қуёш хира бўлади.

Султон Ҳусайн хисрави Ғозийдир,  
унинг хизматидагилар  
ўз мартабаларининг  
баландлигидан бошлари қуёшга  
етади.

Қуёшдан зебу зийнат оламда давом  
қилар экан,  
сенинг тулпор отинг тақасидан  
қуёшга зебу зийнат бўлсин.

Фоний ўз раъйининг нуридан  
офтобга файз етказиш учун  
жоминг қуйқасидан бахраманд  
бўлсин.

Мангу умр учун ҳар кимга бир  
сабаб бўлди,

Хизрга оби ҳаёт, риндга эса узум  
суви сабабдир.

Бир қора тунда тонггача сенга  
ҳамдам бўламан дебсан,  
ҳеч бир тун айрилиқ кунимиздан  
кўра қоронғуроқ эмас.

Сенинг хатингу юзинг гўзаллик  
мажмуасининг маъносидир,  
бир дафтарни бир саҳифада яхши  
интихоб қилибсан.

Эй ҳабиб, Юсуфга ўхшаганларнинг  
юзтаси малоҳатингни қулидир,  
сен туз конисан, қандай қилиб сенга  
Юсуф деб лақаб қўяман.

Дарддан таъм олган ҳар бир нарса  
айш учун сабабдир,  
висол куни йиғиси ғамгинларга  
шодлик келтиради.  
Гарчи киши талаб қилиш билан дўст  
васлини топмаган бўлса-да,  
аммо уни топганлар талаб аҳли  
жумласидан бўлдилар.  
Бодамнинг хосиятидан таажжуб  
қилиш ажаб эмас,  
сувда олов хосиятлари бўлса  
ажабланарлидир.  
Мажнуннинг нуктасини телбалардан  
бошқалар қаёқдан тушунсин,  
чунки араб ўз сўзини ақл қонуни  
билан айтади.  
Фоний, ёр жаври расмининг  
сабабини мендан сўрама,  
чунки фано аҳлида сабаб сўраш  
расми йўқдир.  
Ул юз ёғдусидан кўнгил ёришди,  
чунки  
офтоб ёйилганда соя ҳам қуёш сари  
юзланиб ёришади.  
Унинг кўйидан гулшанга тушган  
кўнгил,  
сувдан қуруқликка тушган балиқдек  
типирчилади.  
Киши ёмон тушлар кўриб уйқусида  
чўчиб тушгандек,  
унинг зулфи хаёлидан бехудликда  
талпинаман.  
Агарчи умр ҳамма билан бирдек  
шитоб қилади,  
сен мендан бошқа ҳамманинг  
томонига шошиласан.  
Кўнглимни тилиб ташла, токи ул юз  
сурати ичидан  
ғунчадек ниқобда бўлгандан кўра  
гул бўлиб очилган яхшироқдир.  
Куфр эли мусулмонлардан  
узоқлашишини истагандек,  
зулфинг ҳалқалари юзингдан  
ўзларини тортадилар.

Лабингдаги бир томчи тер,  
кўнглимда шодлик орттиради,  
ҳа, шаробга сув кўшилса,  
сархушликни оширади.  
Эй соқий, тўла жом билан ақл-  
хушимдан айир,  
бу хароб дайрда масти хароб бўлиб  
йиқилганим яхши.  
Эй, Фоний, агар ҳар дам янги бир  
маъно юз кўрсатишинн истасанг,  
маъно аҳли оёғининг тупроғидан юз  
ўгирма.  
Эй соқий, шодлик учун қадаҳга  
майни қуйсангу  
у қадаҳни лабингга теккизиб  
узатмасанг, мен қандай  
хурсанд бўлайин?  
Сенинг лаъли лабингдан ҳаёт  
топишим ажаб эмас,  
лаъли лабингсиз ҳаёт кечиришим  
таажжубдир.  
Ҳусн бобида Миср Юсуфи сенинг  
зархарид қулингдир,  
кулни подшоҳга нисбат бериш  
одобсизликдан бошқа нарса эмас.  
Оғзинг хаёлий нуқтасини талаб  
қилдим (кўзи илғамас  
оғзингни кўрмоқчи бўлдим)  
ақлим «бўлмаган нарсани талаб  
қилма», деди.  
У нозаниннинг иягидаги тер ҳаёт  
сувидир,  
(у тер) лабидан бағбақасига қатра-  
қатра томиб туради.  
Ақл ишқдан қочса, бу ажабланарли  
эмас,  
чунки ақл пири ишқ олдида мактаб  
боласи кабидир.  
Менинг яланғочлигим  
қаландарлигимдан эмас,  
балки бу кеча кавш ва салламни  
майга гаров қўйганимдандир.  
Пасткаш ва жоҳилларнинг баланд  
мартабаларда



туришлари сабабини фалакдан  
сўрганимда:

«Биздан муносиблик сабабини  
сўрамасликлари сабабдир», деди.

Дайрда майхўрлик қилувчи  
ринднинг шароби овқатидир,  
Фонийнинг у билан яқинликни  
исташи маслақдошлигидир.

Тиниқ майдан соқийнинг юзи  
гулдек очилгани учун  
менинг зуҳдим биноси бода селидан  
хароб бўлди.

Май устида дил ва динимнинг нақди  
кетгач,

бу кўҳна дунёда ору номус деган  
нарса қайси ҳисобга кирсин?

Май ичгину оламда девона бўл,  
чунки шароб базми девоналик олами  
учундир.

Ёшлик, хуморлик баҳор ва ишқ  
ўти жамъ бўлди,  
энди май келтирки, девоналик учун  
ҳамма нарса танёрдир.

Бу серташвиш дунёдан тинчлик  
истасанг,  
майхонадан ташқари чиқма ва доим  
масту хароб бўл.

Умр иши тезлик ва суръат билан  
ўтади, агар ундан бир  
нафасгина бахраманд бўлай десанг,  
май ичишга шошил.

Агар жаҳон уйи хароб бўлар экан,  
ажабланарли эмас,

чунки уйнинг сув устида обод  
турганини ким кўрган?

Ҳар кимнинг бошида ҳубоб каби  
май ҳаваси бўлса,  
охир умр май устида кетмоқ (ўлмоқ)  
керак.

Агар Фоний каби йўқ бўлишга  
майлинг бўлса,  
фалакдан нимаики келса юз  
ўгирмагин.

Эй Раббим, у ёш нозанинга

иситмадан бош оғриғи  
пайдо бўлмасин, бу нотавон қари  
унинг садқаи сари бўлсин.  
Ҳажридан «ё Раббим», деб афғон  
қилишим фалакдан ўтди,  
эй Раббим, мени бу афғондан сен  
халос қилғайсан.  
Менинг бу афғонларим у ойга етса  
деган умидда  
финоқ кечаси афғонимни «ё Раб»,  
деб осмонга етказаман.  
Ғам шомиди дайр йиғинига менинг  
«ё Раб»им етди,  
менинг севгилим бу «ё Раб»ларни  
эшитса, нима бўларкин?  
Муғбача маст ҳолда майхонадан  
чиқиб, шаҳар томон кетди,  
эй Раббим, (уни) зуҳд аҳлидан омон  
сақлаб, майхонага етказ.  
Риё кўйида бўлиш шайхлар учун  
яхшидир,  
эй Раббим, менга майхўрлар  
кўчасидан бошқа жой ёқмайди.  
Эй Раббим, риё йўли —ўжарлик  
йўлидир, шунинг учун  
Фонийнинг боши фано дайрининг  
остонасида тупроқ бўлсин.  
Муҳтасиб хумни синдириш учун  
дайрга келганда  
риндлар юраги соқийнинг шўх  
кўзларидек изтиробга тушди.  
Унинг ваҳшатидан дайр аҳли  
ўзларини узоққа тортдилар,  
дин аҳли шайтондан ўзини тортса  
ажабланарлик эмас.  
Унинг офати улфатлар даврасини  
бузди,  
ўзгарувчан чархнинг айланишидан  
унинг жонига офат етсин.  
Агар оҳим ўти гардунгача чиқмаган  
бўлса,  
айрилиқ шомиди гардун нега  
шафақдек қизарди.  
Комгорларни нек билгин-у, неклик

қил,  
чунки ёмон бўлиб, ёмонлик қилиш  
ёмондир.  
Ошиқлик ва дардмандликни пеша  
қил, йўқса,  
ўзингни дард ва ишқ аҳлига нисбат  
берма.  
Фоний, агар фано саҳросидан  
ўтишни истасанг,  
муғлар пири ботинидан муктасиб  
бўлишинг керак.  
Ажойиб қоматинг билан рухсоринг  
бошдан-оёқ гўзалдир,  
гўзаллик бобида ҳар бир чиройли  
сенинг ҳуснинг бандасидир.  
Агар сен тарафдан лутф бўлса ҳам,  
ёки жабр бўлса ҳам  
гўзалдир, чунки ҳар бир ишинг бир-  
биридан гўзал.  
Яхши ниҳолнинг меваси қандай  
лаззатли бўлса,  
Сарв қоматларнинг вафоси ҳам  
шунчалик яхши бўлади.  
Эй наргис, сен у гул (маҳбуб)га  
қарама,  
гўзалларга қарашлик  
соҳибназарларга ярашади.  
Қуёш қошида ой гўзал бўлмагани  
каби,  
Юсуф сенинг қошингда чиройли  
кўринмайди.  
Парилар, ҳурлар гўзал эмаслар, сен  
гўзалсан,  
чунки бизнинг кўзимизга фақат  
гўзалларгина гўзал  
кўринади, холос.  
Эй, Фоний, қудрат қаламидан ёмон  
ёки яхши  
бир нарса содир бўлса, у тўғрида сўз  
очма.  
Хуш он шабе, ки ман аз сархушй  
ҳамесудам  
Ду дида бар кафи пои ҳабибу ў дар  
хоб.

Хароб гашт зи май соқию дилам з-ў  
маст,

Чи айби бехудй аз дил, ки ҳаст  
масти хароб.

Бигуфтамаш: чй шитобат ба рафта  
аст, эй умр?

Бигуфт: умр чу гуфтй, мағў дигар  
машитоб.

Биё, ки махфии ду кавнат ошкор  
кунам,

Ба шарти он ки нахустам дихй ду  
чоми шароб.

Ҳисоби субҳ бимон, зоҳидо, фано  
бигзин,

Зи тоати туву Фонй, дар ин чаҳон чй  
ҳисоб?

Мен шароб денгизи ўртасида ғарк  
бўлганман,

тиник май кемаси ёрдам қилмаса,  
қачон халос бўламан?

Эй май нашъасининг ишора ва  
рамзларини топа олмаган одам,  
энди бир пиёла майни қўлингга  
бераман, у рамз ва ишораларни  
топгил. Муғлар дайридаги жононга  
сажда қилмоқ учун кирган  
бўлсанг, дайр пири нимага ишорат  
қилса, бўйин товламай адо эт.

Бир кунжакдан жой олиш учун  
дилим кўксимдан чиққан  
эди, қошинг меҳрибон кунжидан  
жой олди.

Қандай ажойиб кеча эдики, мен  
кайф билан кўзларимни  
жонон оёғига суртар эдим, у ухлаб  
ётар эди.

Май таъсири билан соқий хушдан  
кетди, мен (эсам) соқийдан маст  
бўлдим, хушдан кетганнинг масти  
бўлган дилга бехудлик айб эмас.

Умр (маҳбуб)га хитоб қилиб: «Нима  
учун мунча шитоб

билан кетяпсан?» дедим. у айтди:

«Мени умр дедингми, (энди) «шитоб  
қилма» дема».

Кел, икки дунё сирини очиб  
бераман, лекин шартим шуки,  
аввал икки пиёла май бергайсан.  
Эй зоҳид, тасбеҳингни кўп ҳисоблаб  
(ўгириб)

ўтира берма, фано йўлини ушла,  
сен билан Фонийнинг тоат-ибодати  
бу жаҳонда ҳисобга кўшилмайди.

Менинг ишим бир ой юзлининг  
ҳажридан ҳар кеча нолаю афғондир,  
фигону нолани ҳар кеча осмонга  
етказаман.

Тоза ишқдан навқирон йигитга  
нималар етдн, айт, ҳар кеча  
бу кекса нотавонга мингларча жабр  
ва зулм етади.

У гўзал ҳар кеча подшоҳ базмидан,  
ўз уйи томон ўтганида,  
бир кўриб қолиш учун бир кунжақда  
яшириниб тураман.

Ҳар кеча мен унинг кўйида, у эса ўз  
дилбарининг кўйида,  
мен унга кўринмайман, у ҳам менга  
кўринмайди.

Гоҳ-гоҳ ўзимни унинг кўйига  
ташлайман, ҳар кеча  
унинг итлари судрай-судрай мени  
ташқарига чиқариб ташлайдилар.  
Сенинг базминг аҳллари улуғ  
кишилардир,  
бошимни остонанг тупроғига  
кўйсам, менга шу бас.

Эй, Фоний, унинг кўйида мингларча  
балолар бордир,  
бош ва жонингдан кечмагунча, ҳар  
кеча у ерга бораверма.

Бу кеча маст эдим, дилимда ёрим  
рухсорининг хаёли пайдо бўлди,  
шу сабабдан бу кеча ўқтин-ўқтин  
беихтиёр йиғладим.

Агар шамънинг дили менинг  
ҳолимга ёнса, айтгинки,  
ўз бошингни олиб, ўз ишинг билан  
бўл,

(чунки) бу хижрон кечасида  
эрталабгача (менинг) ишим шу  
(ёнишдир). Бу кеча у парининг хаёли  
билан шундай ҳолдаманки,  
тоғу тошларга девоналардек чиқиб  
кетгим келади.

Мени томоша қилиш учун  
қўшниларим томга чиқиб,  
хайрон бўлдилар:

«Бу бечора мажнун яна бу кеча  
йиғлаб беқарор бўлди», дедилар.  
Менинг кўз ёшларим ғарқ қилса ҳам,  
эй насиҳатгўй,  
насиҳатдан тилингни тийиб, бу кеча  
мени ўз ҳолимга қўй.

Бу кеча бошимни йиғидан кўтара  
олмаслигим ҳам  
хижрон дардидан, ҳам халойикдан  
уялганимдандир.

Эй дил, мен ҳаётдан бездим, агар  
умр корвони бу кеча  
ўз юкини боғлаб,  
охират ғарибхонасига сафар  
қилмаса, таажжубда қоламан.  
Эй даврон соқийси, видоъ жомини  
бергинки, бу кеча  
бечора жоним ғамгин жисмимдан  
жудо бўлмоқни истайди.  
Эй Фоний, айрилиқдан мингларча  
кечалар кундузга етди,  
(аммо) менга ўхшаганлардан  
мингтаси бўлса ҳам,  
кундуз юзини кўрмайди.

Бу кеча мен-у майхона ва маст  
муғбачадир,  
унинг мастлигидан ҳар дам юракни  
қўлдан берганман.  
Унинг пари каби ҳар нафас мастона  
жилва қилишидан  
телба одамлардек бу кеча пайваст  
наъралар тортаман.  
Бу кеча кўлимни гоҳида туррадек  
бағбақасига узатаман,  
Гоҳида сочдек қадами остида паст

бўламан.

Икки зулфидан қутилишим мумкин  
эмас,

чунки бу кеча юрагим ул  
занжирнинг ҳар бир ҳалқасига  
боғланиб қолган.

Ул чехранинг шамъи бу кеча  
вужудимни парвонадек куйдирди,  
менинг борлигимдан асар қолди деб  
бўлмайди.

Тарсо бу майхонадан шунча май  
ичирдики,  
шайдо юрак бу кеча ўзлик  
номусидан озод бўлди.  
Фонийга жазо (қиёмат) кунигача  
ҳуш юзланмайди,  
чунки у бу кеча ул муғбача қўлидан  
май ичиб маст бўлди.

У пари чехра бу кеча маст бўлиб  
келди,  
мастликдан мени бу кеча девона  
қилди.

Бу кеча менинг беҳудлик ва  
жунунлик кулбам  
ул парининг чехраси сочган нурдан  
парихонага айланди.

Бу кеча қандай бир шамъ нур  
сочдики,  
малаклар унинг атрофида  
парвонадек айланар эди.  
Бу кеча у (махбуб)нинг васл  
хазиначидан  
қоронғу хароба кулбам обод бўлди.

Бу кеча унинг васли майининг  
шавқидан  
фалак паймонамни тўлдираёзди.

Бу кеча шу томоша учун тому  
эшикларимдан  
қариндошу бегоналар ёпирилиб  
томоша қилгани келишди.

Фоний бу ишқ ва май нашъаси  
билан  
(фақат) бу кечагина эмас, бир умр  
девонадир.

Эй дил, муғлар кўйида хушгувор  
жом иста,  
гул юзли шўх муғбачанинг кўлидан  
талаб қил.  
Юрагимдаги ҳарорат бир кишининг  
ўтдек лаълидандир,  
Давоси учун обдор ёқутни иста.  
Вафо аҳлининг рўзгорини қора  
қилиш учун,  
унинг ҳажридан рўзгорнинг барча  
одатларини талаб эт.  
Агар кимё ва меҳригиёни ҳавас  
қилсанг,  
халқдан тўғрилиқ ва аҳдида  
туришни талаб қил.  
Матлубнинг бир илтифоти юз  
талабдан яхшироқ бўлса  
ҳам, талабдан кеч деб айтмайман.  
Бахт кўзгусидан мақсуд чеҳрасини  
излама,  
отга минган ул нозаниннинг оти  
наълидан иста.  
.....  
агар топсанг, бошқа талаб қилиш  
керак бўлмайди.  
Жон бағишловчи шароб сенинг  
лабингга ўхшагач,  
менда шароб орзуси дам-бадам  
ортади.  
Баҳор дилкаш бўлди, гуллар очилди,  
эй соқий, қадаҳ бер,  
чунки бундай фасл шаробни тақозо  
қилади.  
Бизнинг шабистонимизга нима учун  
шамъ кўтариб келасан?  
Ой юзли соқий ва тоза шаробнинг  
нури биз учун кифоя-ку.  
Бошида хорлик тупроғи ва кўлида  
синган сафоли бўлган  
мен янглиғ шароб гадойи майхона  
кўйида йўқдир.  
Башарти шоҳ менинг шеърим учун  
Жамшид мулкини ҳадя қилса,  
уни мен риндлар мажлисида ичилган



шароб учун тўлайман.  
Эй соқий, ҳаёт сувидан қадахимни  
тўлдирма,  
чунки Хизр суви менинг учун шароб  
ўрнини боса олмайди.  
Эй Фоний, ҳаётим озуқаси шаробдан  
бўлгани сабабли,  
ҳаётим ҳам шароб учундир.

Шароб хуморининг азобидан тонг  
отганда тавба қиламан,  
лекин шомда (яна) шароб ичишга  
интизор бўламан.  
Минг марта тавба қилсам ҳам,  
найлайки,  
пиёла айлантирилганда менда  
ихтиёр қолмайди.  
Шаробу ишқ рўзгоримни қаро  
қилди,  
(энди) ишқнинг куни ҳам,  
шаробнинг рўзгори ҳам қора бўлсин.  
Эй дўст, парҳезгорлик менинг ишим  
эмас,  
чунки шароб ичишдан бошқа ҳеч иш  
қўлимдан келмайди.  
Эй соқий, бошимнинг оғирлиги  
махмурликдан эмас,  
лекин кечаги мастликнинг  
тўполонидан хижолатдаман.  
Менки шаробга шунчалик асиру зор  
бўлган эканман,  
шароб агар мени бир нафас олам  
ғамидан қутқарса, ажаб эмас.  
Фоний харобот кўйида шаробхўрлик  
қила бошлагач,  
Жаннату Кавсардан халос топди.  
Шароб баҳоридан юзинг шунчалар  
гул-гул очилибдики,  
кўнглимга қайтадан шароб орзусини  
солди.  
Ишқ хароботи балохўрларининг  
дилларига  
шароб кайфидан турли фитналар  
жойлашади.  
Ҳар тонг вақтида бошимнинг

оғриши хумордан эмас,  
кеча шароб ичиб маст бўлишимнинг  
хижолатидандир.

Хижолатдан қутулиш учун яна май  
керак,

шу баҳона билан шаробга яна  
интизор бўламан.

Май ширасининг атрофида  
мастларнинг йиқилиб ётишларини  
қара,

уларнинг бошига шароб қўрғонидан  
қандай фитна тошлари ёғилади?

Ишқ майини кўзлаб ичувчилар

бамисоли маст туя каби

шароб юкидан дайр йўлида

оғизларидан кўпиклар сочадилар.

Май шишаси шаробга парда бўлиб

турса ҳам, унинг

софдиллиги шундайки, юз

мингларча пардаларни

йиртади (сирини очади).

Майхона кўҳна сафоли билан

тиланиб майхўр

бўлганимдан (кейин),

гадойлик қилиш менга нега ор

бўлсин?

Фоний муғлар дайрида нимадан

маст бўлди дема,

муғбачаларнинг қўлидан маст

бўлди-да, йўқса

шаробнинг қўлидан нима келарди?

Менинг ойим тонг базмидан масту

хароб чиқди,

шарқдан чиққан қуёшдек йиқилиб,

туриб жилва қилиб чиқди.

Анжуман аҳли юлдузлардек ҳар

томон кетиб йиқилдилар,

кўзлари субҳидамда наргис кўзидек

уйқудан маст бўлди.

У мени мастлик билан тўполон

қилганимни кўриб,

юз лутфомуз қаҳр билан бундай

хитоб қилди:

«Эй, сен ноқобиллигидан хос

базмимизга киритилмаган,  
балки толе йўқлигидан айрилиқ  
азобида қолган киши!  
Бошингни қатл тиғи билан чопсам,  
токи бутун  
ер юзи қонинг билан бўялса  
сазовордир.  
Дўстлар биз билан бода ичган  
шундай бир тонгда  
сен ғойиб бўлдинг, ё бу базмдан  
ижтинобинг бор эдими?»  
Мен минг титроқ билан юзимни ерга  
қўйдим,  
тилимда юз сўз, аммо жавоб  
айтишга кимнинг ҳадди сиғади?  
Ҳолим бошқача бўлиб, ўзимни  
йўқотиб қўйганимни кўргач,  
у кулди ва ўша онда соқийдан бир  
жом шароб олди.  
Деди: «Эй, Фоний, қўлимдан ушбу  
майни олиб ич!»  
майни ичдим-у, адам мулки  
(йўқлик) сари шитоб қилдим.  
Азал тонгининг чиқадиган жойи  
дарвешлар дийдори бўлиб,  
абადий нақдина хазинаси  
дарвешларнинг хазинасидир.  
Жаҳон гулзорини ёритувчи қуёш  
шами  
дарвешларнинг пок базмгоҳидан бир  
гулдир.  
Дунё ишлари кўриниб турадиган  
Жамшид жоми,  
дарвешларнинг суҳбатидан бир  
кўҳна сафолдир.  
Малоикалар қаноти билан  
супуриладиган Арши аъзам  
дарвешлар боргоҳининг ҳашаматли  
куббасидир.  
Тураржойи Арш бўлган муқаддас  
куш  
дарвешлар остонасига хабар  
келтирувчи элчидир.  
Юлдузлар инжуси билан безалган

осмон атласи  
дарвешлар исмат ҳарамининг  
пардасидир.  
Хавотирлик пашшалари кўнгилга  
ҳужум қилганда  
уларни ҳайдаш дарвешларнинг  
меҳрибонлик енгидандир.  
Агар тақдир ёйидан ҳар тарафга  
бало ўқи отилса,  
уни қайтариш дарвешларнинг  
ҳимматидандир.  
Эй Фоний, вақтнинг ёруғлигини  
дарвешлардан изла,  
чунки бу очилиш (кушод)  
дарвешларнинг раҳмат  
назари билан бўлади.  
Сен жилва қилган пайтингда  
қоматинг қиёматдир.  
У раъно қоматинг, қомат эмас  
қиёматдир.  
Агар хиром қилган чоғингда юз жон  
тандан чиқса  
майли чиқаверсин, сен саломат  
бўлсанг бас.  
Сенсиз бир нафас олгандан ўлганим  
яхшироқдир,  
агар у Ийсо нафаси бўлса ҳам  
пушаймон қиламан.  
Шайх маломат қилса мен бундан  
қайғурмайман  
маломат аҳли маломатдан ғам  
емайдилар.  
Сайру тамошо қилиш учун равза  
яхши,  
аммо истиқомат қилишга кўйинг  
гўшаси яхши.  
Ишқ қандай қотилдирки, ҳамиша  
қатл товони  
у ўлдирган кишиларнинг бўйнига  
тушади.  
Эй Фоний, ҳамма халқ номингдан ор  
қилади,  
шундай экан номусу номдан кечсанг  
яхшироқдир.

Жонимда то муғбачалар хаёли бор,  
муғлар дайри кўйида менинг нолаю  
фигонимдир.

Бир санамнинг сочи арқонини  
зуннор қилганимдан бери,  
дайр ичра ҳар базмда менинг  
достонимдир.

Соғар тиниқлигини, ундаги майнинг  
қизиллигини кўргин,  
у менинг қон сочувчи кўзимдан бир  
нишонадур.

Кўҳканга қара, Бесутунга ҳам, гўё у  
менинг талпинган юрагим-у, бошқа  
бир оғир ғамимдир.

Майга кўза оғзидан бир қил  
тушибди демагин, у  
киприкда турган ёшдаги менинг  
нотавон жисмимдир.

Мен бенишонлигимдан йўқликка  
тушдим, шунинг учун бу  
йўлда ўзидан кечганлар менинг  
нишонимдир.

Агар мени синаш учун қийналаётган  
бўлсанг, ўзингни қийнама,  
минг жафо тиғи урсанг ҳам юз  
ўгирмайман.

Эй, дил, маъно қизларининг  
гўзаллигини кўргину  
қаердалигини сўрама, улар менинг  
гулистоним гуллари дир.

Фоний, дилу жон нақдини хазинага  
топширди,  
булар сеникими ёки меникими деб  
бошқа сўрама.

Эй майхона пири, мен сенинг  
карामингдан ширакайфдирман,  
бундан кейин бошимни қадамингдан  
кўтармаганим яхши.

Дам-бадам бериб турган  
майларингнинг нашъаси билан  
майхона кўйида тупроқ бўлсам,  
нима айб.

Эй фаришта, ишқ ўтининг гуноҳини  
батафсил ёзишга уринма,

тағин бу бало алангаси билан  
қаламинг ёниб кетмасин.  
Сабо ели ҳарамингга маҳрам  
бўлолмайдиган чоғда,  
саропардангга бориш учун мен  
қандай йўл топайин?  
Дарду ғамингнинг доғлари  
кўплигидан (дилда) жой қолмагач,  
дил саҳифасига айш рақамини  
қандай ёзайин?  
Эй ой юзли, сен шундай ёқимли ва  
чиройлисанки,  
кўксимни ёриб, жонимга жо қилиб  
юборгим келади.  
Эй дил, сен дард лашкарининг  
қалбидадирсан,  
агар маҳбублар ишқининг  
алангасидан кўлингга байроқ  
бўлса, таажжуб эмас.  
Чарх вужудини йўқ деб бил ва  
ўзингни хурсанд қил,  
чунки у чарх олдида бору йўқлигинг  
баравардир.  
Эй Фоний, висол хаёлини  
хотирингдан чиқар,  
чунки сен жуда ҳақирсан ва у ҳаддан  
ташқари буюқдир.  
Сенинг жафою жабринг дилимга  
лутфу иноятдир,  
агар унинг шукрини адо қила  
олмасам, шикоят ўринсиздир.  
Шароб пайида қоронғу тунда  
майхонага бордим,  
шояд муғлар пирининг ҳиммати йўл  
кўрсатган бўлса.  
Соқийнинг мастлиги ишва билан  
дилим ҳушини ўғирлади,  
бу қандай майки, тотиб кўрмай  
туриб асар қилади.  
Даврон қадахидан аччиқ шаробни  
кўп ичганман,  
аммо айрилиқ жомининг майи  
бағоят муҳликдир.  
Ёр ишқида чекаётган ғаму дардим

шиддатидан ким огоҳ бўладики,  
унинг на боши, на одоғи кўринмаса.  
Эй шўхи майфуруш, нега менинг  
қасдимга қадаҳ тўлдирасан,  
менга сенинг соғарингдан бир  
култум етарлидир.

Борлиқ лашкарининг хужуми  
Фонийнинг қотили бўлганда,  
фано майидан бошқа бирор ҳамдам  
уни ҳимоя қилмади.

Майхонада менинг ишим фақат у ой  
юзлини ахтаришдир,  
чунки уни хонақоҳ аҳлидан сўрасам  
ҳеч қайсиси билмади.

Бир пиёла май ичганимдан сўнг,  
димоғимдан чиққан дуд осмонга  
ўрлади, чархга, айт бу маънодан қон  
ютсинки, у тутун ғамдан  
чиққан оҳ тутуни эмас, балки  
шодлик майи туфайли  
димоғимдан кўтарилган тутундир.

Ўзликни йўқотмай майхонага кириб  
бўлмайди,

манманликка берилган кишилар  
учун у томонга йўл йўқдир.

Ҳар бир кўҳна сафол муғлар  
дайрида Жамшид жомидир,  
бунинг сабаби шуки, у ерда шоҳу  
гадо ўртасида фарқ йўқдир.

Ҳажр шоми осмон оёғига юлдуз  
гулмихларини қоқди,  
чунки унда маҳбубнинг васл тонги  
сари боришга ҳаракат йўқ.

Агар ақлинг бўлса, ҳақиқатда бор  
нарсадан бошқасига

кўнгил боғлама,  
чунки бу хаёлий борлиқларинг  
тўсатдан йўқ бўлади.

Эй муғбача, агар сенинг лабинг май,  
зулфинг зуннор бўлса,  
қошларинг олдида сажда қилмоқлик  
мен учун ҳеч макруҳ эмас.

Зоҳид сажда қилиб, Ҳақдан  
узоклашди,

риндлар эса соғарга кўлларини  
«бисмиллоҳ»сиз узатмайдилар.  
Эй Фоний, юзни сомондай  
сарғайтириб, жонни қийнамасдан  
ишқ экинзорида васл ҳосилидан  
бахраманд бўлиш мумкин эмас.

Ишқдан мастлигим шу қадарки, у  
шарху баёнга сиғмайди,  
жигарранг кўз ёшларим майдир, уни  
қон дема.

Унинг ёноғи шаробдан гулгун  
бўлмаган,  
балки шаробнинг ёноғи унинг гул  
рухсоридан ранг олган.

Менинг ишқим камоли-ю, унинг  
ниҳоятсиз ҳусни  
эл тасаввур қилгандан кўра кўп  
ортиқдир.

Эй, тонг ели, унинг сочлари  
занжирини паришон қилма,  
чунки у юз минглаб Мажнун  
дилининг мақомидир.

Шайхнинг ваъзу насихатлари билан  
ишқ ва майдан кечмайман,  
чунки унинг сўзлари гоҳ афсона, гоҳ  
афсундир.

Бода келтирки, бу беш кунлик умр  
муҳлатига қарасанг,  
у чархи фалакнинг макрларидан  
биридир.

Майхона ичкарасидаги май  
ғавғосини ғанимат бил,  
чунки ташқаридаги ҳамма тубан  
дунёнинг ғавғосидир.

Майхона супасида ўтирган гадонинг  
шон-шавкати

ер юзининг подшоҳидан ортиқроқ.

Фоний, амрга хилоф равишда  
фанодан лоф уради,

Эй пасткаш, бандалик тариқи  
шундайми?

Чехрангни кўрсат, унда пок назар  
бор дейман,  
пок назардан менинг мақсадим сени



кўрмоқдир.  
Юрагим биринчи кун сенга  
боғланганда,  
охирда уни узиб ташлайсан деб  
гумон қилмаган эди.  
Май келтир, дил саҳифасини  
ғайрдан ювай,  
чунки бу саҳифани юлмаган киши  
файзга лойиқ эмас.  
Унинг қаддидан кўзимни  
узолмайман,  
негаки бу боғда бундай нозанин  
ниҳол ўсмайди.  
Фироқ кечаси васл гавҳарини нечун  
кўз ёшим билан қидирай,  
киши ариқ сувидан тунни  
ёритадиган дур изламайди.  
Эй кўнгил, рўзгор аҳлидан аҳдга  
вафо қилишни истама,  
чунки аҳдининг устидан чиқиш бу  
қавмининг зотида йўқ.  
Фоний, заифлик ва қариликда  
ишқбоз бўлди,  
негаки эпчил ва чаққон бир ёш  
унинг юрагини ўғирлади.  
Эй соқий, май бергилки,  
хушёрликдан девона бўлдим,  
май кишиларни мажнун қилади,  
аммо бизнинг  
мажнунлигимиз пиёланин  
бўшлигидан.  
Бу ошнолар охири бегона  
бўладилар, жаҳон ошноларидан  
бегоналик йўлини тутсагина киши  
шод яшайди.  
Тўрт хотинни никоҳига олган киши  
мард эмас,  
хотин ва хотинчалиш кишилардан  
кўз юмиш мардликдир.  
Эй дил, агар даврон зулмидан  
вайрон бўлсанг ҳам, ғам ема,  
чунки ишқ йўлида ободлик  
вайронликдан ҳосил бўлади.  
Зухду саломатлик афсона гапдир,

ишқ йўлида расволигимдан афсона  
бўлишим билан хурсандман.

Муборак қанотли риндлар ишқ  
туфайли Аршга учадилар,  
хилватда ўтирган шайхлар эса уй  
товуғидир.

Ул висол шабистонининг шамъи  
нуридан халқнинг  
кўзлари равшан,  
куйиш ва ёнишдан биз парвоналик  
вазифасини адо этамиз.

Хонумонимни тарқ қилиб, унинг  
кўйида маст бўлиб йиқилдим —  
итнинг кўча ўртасида ётиши уйи  
йўқлигидандир.

Эй Фоний, оламнинг арзимаган  
нарсасига

қаноатланувчиларнинг қаноати,  
ожизу нотавонликларидан эмас,  
балки зийраклик ва  
донишмандликларидандир.

Майхона бурчаги осойишта-ю,  
дўстларнинг мастлиги яхши,  
май шишаси каби майхўрларнинг  
аччиқ йиғлашлари яхши.

Совуқ воизнинг ғавғоси ҳол (руҳ)  
қушини хуркитади,  
ишқ хужумидан ошиқларнинг доду  
фарёдлари яхши.

Давлат эгаларининг лаъл жомлари  
унчалик гўзал эмас,  
аммо жигар қони ичувчиларнинг  
кўҳна сафоллари гўзалдир.

Эй саломат киши, соғлигининг  
шукронаси учун  
гоҳо тараҳхум юзасидан беморлар  
ҳолини сўраганинг яхши.

Фано аҳллари майхонада Жамшид  
жомида май ичадилар,  
катта жомда май ичиш беғамлар  
учун яхши.

Қачонгача ноз уйқуда ётасан, агар  
шамъ каби  
равшанликни истасанг,

шуни билки, тунлари бедор ётиб,  
куйиб-ўртаниш яхшидир.

Эй Фоний, хонақоҳни ташлаб,  
хароботга келдинг, энди  
зоҳидликни тарк эт, бу жойда  
майфурушлар расми гўзалдир.

Май ойнадай тиниғу қадаҳ ойна  
рангдир, билки унда  
ёр юзининг аксидан бошқа нарса  
кўринса ҳаромдир.

Ой юзли соқий ишвалар қилиб,  
сенга қадаҳ берар экан,  
у вақтда тақво нима деган нарса-ю,  
зуҳд нимадир?

Май суви-ю, газак донасига қизиқиб,  
шодлигим қушлари ром бўлиб  
базмга келдилар.

Ичган майим қадаҳдан ҳам тошиб  
кетган даражада кўпмидики,  
мастлигим мени ақл доирасидан  
ташқари чиқариб юборди.

Чаққон қадди-қоматининг жилваси  
мени беҳол айлади,  
во-ажабо, бу қандай юриш-у, бу  
қандай хиромдир.

Майхонада тўполон кўтаришим  
ҳаддидан ошиб кетди,  
шу сабабдан томошабинлар тому  
эшиклардан хужум қилдилар.

Эй Фоний, фано жомини сипқариш  
сенга ҳалол бўлсин,  
агар зоҳидликдан Кавсар шарбатини  
ичсанг ҳаромдир.

Дилимда(ёр) муҳаббатининг ўти  
бор,  
кўз ёшларим фироқ тутунидандир.

Дилимдан чиқадиган сарв янглиғ  
(нарса) дилим тутуни эмас,  
(балки) дилимдан ўсиб чиққан унинг  
сарв қоматидир.

У нозаниннинг лаъл лаблари майга,  
кўзим эса унинг ҳасратидан қонга  
беланди.

Унинг чақин сочувчи тақали

отибало булутию,  
юриш чоғида у гўёки офат  
яшинидир.  
Эй шайх, агар ишқ ва май сабаби  
билан хор бўлсам,  
бу хорлик ҳам Тангрининг  
хоҳишидандир.  
Эй зоҳид, майхона пирининг  
кулидурмен,  
фароғатим (эса) унинг суҳбатидаги  
май куйқасидандир.  
Фоний (бўлсину) унга майхона  
дилбари бўлсин, чунки  
унинг хизматида фонийлик  
(йўклик) ҳосил бўлади.  
Чексиз луфтинг билан кулбамга  
кадам кўй,  
чунки бу банда сенинг банданг ва бу  
уй сенинг уйингдир.  
Бугун бутун шахру кўчада сенинг  
достонинг,  
эй, дил, кеча унинг кўйида нималар  
қилган эдинг?  
Мен гадо-ю, сен бадавлатсан, эй,  
бодафуруш йигит,  
ҳазинадаги барча хумларингдан  
менга закот бер.  
Сенинг оёғинг тупроғидан кўзим  
равшан бўлди,  
чунки кўзим қораси остонанг  
гулмихидир.  
Зулм тиғини қўлга олиб, маст ҳолда  
юрагимга кирдинг,  
энди юрагимнинг ҳар томонига  
қарасам сенинг нишонанг бор.  
Қўлимга тушдинг-у, инкор қиласан,  
лекин  
мен ва сен орамизда нима ўтганини  
лабинг билади.  
Эй чолғучи, дайр ичида нағманг  
садоси янгради,  
риндларнинг ўйинга тушгани ўша  
таронангдандир.  
Эй чарх, бедиллар етиша олмаган

ҳар муроднинг сабаби,  
сенинг бир ҳийла ёки баҳонанг  
эканлиги кўринади.

Эй, Фоний, муғбачалар ишқига  
дучор бўлганингдан бери  
фано йўлининг кўшиғи таронанг  
нағмаси бўлди.

Эй, жон ипи чавгонимга пайдек  
ўралган (гўзал)  
бошим отинг туёғи гардида гўйдек  
айланади.

Тиғ ургандан кўра юрагимни ўқ  
билан куйдирганинг яхши,  
чунки бу шуъла пайконнинг  
қатрасидан пасаймади.

Кўзим ва юрагим ҳуснинг  
жилвагоҳи бўлгандан буён,  
Юрагим Мажнунинг, кўзим  
ҳайронинг бўлиб қолди.

Эй, ой, кўзим қорачиғида сенинг  
аксинг йўқ,

чунки юрагим рашкдан уни жон  
ичига яширган.

Кўр, бошим ва оёғим сенинг  
кўйингда мажруҳ бўлган,  
бу бири кўчанг итининг, униси  
соқчингнинг ишидир.

Бир томонда ҳуснинг, бир томонда  
жонбахш лабинг,  
гарчи буниси тирилтирса, лекин  
униси ўлдиради.

Ҳаёт бу ниятдан пушаймон  
қилмаслигини истасанг,  
Фоний, талаб йўлида аввал ўзликдан  
узилгин.

Ёр мендан айрилиб кетмоқда, бу иш  
эса менга мушкулдир,  
ҳажр доғи танимда, фироқ неши  
дилимда.

Эй рафиқ, унинг рухсоридан узоқда  
май ичиш шодлик келтирмас,  
чунки усиз ичилган ҳаёт суви бўлса  
ҳам захри қотилдир.

Сахродаги ҳар бир манзилда ўт

ёқилган жойлар  
ё дилимни куйдирган, ё дилим  
ўтидан куйган жойлардир.  
У зеболик қуёши мен учун азиз  
умрдир,  
у худди умр каби шитоб билан кетса  
таажжуб эмас.  
Қалбимда юзларча сабр ва  
чидамнинг нақши бўлса ҳам,  
фироқ селобининг тўлқинидан бир  
нафасда йўқолиб кетади.  
Ҳажр зулмининг ўлдиришидан  
хабарсиз бўлса керакки,  
мен ундан узок бўлатуриб, ажал  
мени ҳалок қилишга уринади.  
Карвон ичида қўзғалган бу қиёмат  
ғавғо, карвон туялари  
кўнғироғининг садоси эмас, балки  
ёрилган юрагимнинг овозидир.  
Ул маҳбуб, қайси бир базмга борди  
экан,  
унинг ғамида ишқим достони ҳар  
бир мажлисда афсона бўлди.  
Жон жонон билан бирга кетди, энди  
Фоний ўлса нима айби бор  
чунки жонсиз ва жононсиз тирик  
бўлмоқ мушкулдир.  
Муғлар кўйида барча риндлар  
харобингдир,  
эй, шўх муғбача, шаробингда не  
мастлик бор?  
Вафо аҳли фақат нозу ғазабингдан  
жон бермайди,  
балки лутфу караминг ҳам  
ўлдургучидир.  
Сен парисан, чунки жону дилга  
кирасан,  
кишининг уйига киришда ҳижобинг  
йўқдир.  
«Ой ва қуёш мендек гўзалми?»—  
деб сўрайсан,  
эй, ой, жавобинг кундек равшандир.  
Назар аҳли кўзига ул чеҳра  
намоёндыр,

бизнинг борлиғимиз  
қоронғулигидан бошқа ниқоб йўқ.  
Ишқ саҳросига ўйин билан бориш  
мумкин эмас,  
чунки у ерда садама ва кўп хатарлар  
бор.

Эй, Фоний, то май ва мастликдан  
бошқа ейиш-ичишинг  
бор экан, мақсад сарманзилига оёқ  
қўёлмайсан.

Майхонада яхшилик ва  
парҳезгарлик ҳисобга олинмайди,  
у жойда фақат шароб ичишдан  
бошқа чора йўқдир.  
Май қуйқасини ичувчиларнинг  
ҳақиқат ҳоллари маълум  
бўлмаган каби,  
ибодатхона аҳлларининг аҳволлари  
ҳам маълум эмасдир.

Кўз ёшим дарёсининг бу қирғоғи  
менда (танимда) бўлса ҳам  
ажойиброғи шуки, у тарафининг  
қирғоғи йўқдир.

Фалак жафо тиғи билан дилимни  
парчалади,  
фалак жафоси билан пора-пора  
бўлмаган дил қайдадир?

Агар ошиқлар лашкарига шикаст  
бермоқни истасанг,  
бир «ху» етарлидир, довул ва  
ноғорага эҳтиёж йўқ.

Эй алжираб қолган ақл пири,  
ўзингга ўзинг кулги  
бўлма, ишқ элида ақл пири ҳеч нарса  
эмас.

Фоний сенга бир назар ташлади-ю,  
ҳаётдан кўз юмди,  
сенга назар ташлаш учун кўз  
тикишининг ҳожати йўқ.

Кимки майхонада муғлар пирининг  
этагини тутибди,  
нажот топмоқ учун унинг этагини  
ушлаш керак.

Майхонада катта май идишини

қўлига олган кишининг  
фалакнинг тескари айланишидан  
ғами бўлмайди.  
Дилимни ундан сақлаб турган эдим,  
аммо бир ишва билан  
дилимни олганини билиб қолдим,  
лекин қандай олганини билмайман.  
Кимда-ким икки дунё матоини  
бериб, васл топган бўлса,  
қимматбаҳо дурни текинга олди деса  
бўлади.  
Дил хонақоҳда риёдан бошқани  
кўрмагач,  
майхонага бориб риндлар мазҳабини  
олди.  
Осмон этагини тутган шафақ деб  
ўйлама,  
Дилимдан (оқиб) ер юзини тутган  
қон осмон этагига етди.  
Фоний ҳуш, ақл, дил ва хонумонни  
тарк этган  
кундан бошлаб ёрнинг васлига йўл  
топди.  
Май тобидан яна бошимда шуъла  
пайдо бўлди,  
май яна бизнинг оловимиз  
куйдиришини бошлаб берди.  
Майхона сафолида деб айтмаки,  
кеча,  
дайр бурчагида муғбача олтин жом  
тутди.  
Бир жом менга қиёмат кунигача  
кифоя эди,  
бу турфа ишни кўрки, нозу арбада  
юзасидан яна  
бир жом тутди.  
Ҳар ким бундай икки фано жомини  
бехудликдан ичган  
бўлса, қиёмат кунигача тупроқдан  
бош кўтаролмайди.  
Мен бир ринднинг ҳимматига  
қулман, у май учун  
жаҳон мулкининг нақду хирожини  
кам деб билади.



Эй шайх, сен менинг  
бутпарастлигимни айб қилсанг,  
муғлар пири куфр мазҳабида уни  
хунар деб билади.

Риё юзасидан май сўраяпсан, эй  
журъа ичувчи ринд,  
нима, Фоний, худбин зоҳидлар  
тариқини тутдими?

Гарчи ёнимдан кетдинг, сендан  
кечмайман,  
Худога топшираман, то сени яна  
қайтариб келтирсин.

Менинг ишим азалдан абадгача  
сенга тушган,  
агар юз марта ҳайдасанг ҳам сени  
қўлдан чиқармайман.

Менинг қўлим сенинг этагингдадир,  
агар бошимни узсанг  
ҳам қўлимни этагингдан узиш  
мумкин эмас.

Жон тарқини қилгину юрагингдан  
чиқариб ташла дейсан,  
агар юрагимдан чиқарсам сенга  
жонимдан жой бераман.

Умримдан номуродликдан бошқа  
умид йўқ,  
соқий, бода келтурки, умидворман.  
Агар ўз ғамларимни саҳаргача санаб  
берадиган бўлсам,  
шундай кеча керак бўладики, унинг  
саҳари қиёмат тонги бўлса.

Эй, Фоний, айрилиқ куни мени  
қалбингга сол дейсан,  
сен қачон кўнглимдан чиққан  
эдингки, яна қайтариб солсам.

Сенинг мушк каби зулфингга  
дилини боғлаган киши,  
жон умидини жон бағишловчи  
лаъли лабингга боғлаган.

Кўнгил сенинг кўйинг ғариби бўлди,  
гоҳ-гоҳ ҳол  
сўраб тур, негаки, сени деб ватандан  
сафар қилди.

Агар ажал нақшбанди қон мавжини

истамаган  
бўлса, нега сенинг лаъл рангли  
қабонингга нақшлар боғлади.  
Ўзинг қатл қилган киши томонга  
тараххум кўзи билан қара,  
чунки, у дунё чаманидан сенинг  
жафонг туфайли кўз юмди.  
Сенинг ҳавонг туфайли кимнинг  
кўнгли ғунчадек  
тугун боғлаган бўлса,  
эй гул, сен васл боғида унинг  
кўнглини оч.  
Нега оёғинг қон, эй хат ташувчи  
қуш,  
гўё сипеҳр юрагимнинг қонли  
мактубини сенинг  
оёғингга боғлагандек.  
Фоний, ҳажр шомида парвонадек  
куйдинг,  
ёки шам сенинг азанг учун қора  
боғладими?  
Жомда тобланиб турган тўла май  
олдида ой хиралик қилади,  
куёш пиёласи қанчалик равшан  
бўлмасин, унда бу сув (май) йўқ.  
Эй воиз, ҳур кўлидан Кавсар сувини  
оласан-у, лекин у  
гул юзли соқийнинг кўлидан олган  
шаробчалик эмас.  
Дўстлар дилининг тортиши —  
муҳаббат қармоғидир,  
бу қармоқ учун темир ва пўлатнинг  
ҳожати йўқ.  
Риндларнинг бош қўядиган жойлари  
майхона пирининг даргоҳидир,  
агар сажда риндлар саждаси  
бўладиган бўлса, улар учун  
бу даргоҳдан яхши меҳроб йўқ.  
Эй соқий, май берма, балки беҳуш  
қиладиган дори бер,  
чунки бир неча кечадан бери ҳижрон  
ғамидан кўзимда уйқу йўқ.  
Эй созанда, сийнамни нағманг билан  
тирнамоқчи бўлсанг,

тор юзига тирноқ торт, мизроб  
(нохун)га эҳтиёж йўқ.  
Эй Фоний, ишқ туфайли қора  
тупроққа ўлтирган экансан,  
даврон шоҳидирсан, сенга санжоб  
(қимматбаҳо мўйна)  
палоснинг ҳожати йўқ.

Мушкин кокилинг юзингга ниқоб  
бўлди-ю,  
менинг ишим бу ҳижобнинг  
кўтарилиши пайида оҳ чекиш бўлди.  
Ҳуснинг бир ганждирки, ундан даҳр  
обод бўлди,  
лекин менинг вайрон юрагим  
харобага айланди.  
Соқий, равшан май бер, менинг  
ғамгин юрагим  
даврон айланиши ва зулфинг  
тобидан қоронғу бўлди.  
Агар сен ой бўлмасанг нега узоқдан  
ўтасан,  
агар сен умр бўлмасанг, нега бунча  
шитоб қиласан?  
«Лабимдан нима орзунг борки, жон  
берасан»,— деб  
сўрайсан, эй жон ўзинг айт, бунга  
нима жавоб қиласан?  
Ўз афсонамни сенга айтсам бир  
умрдан кейин,  
менинг бахтимдек кўзинг дарҳол  
уйқуга кетади.  
Фоний, муғбачалар ғамидан неча оҳ-  
воҳ қиласан,  
муғлар пири назарида инобат вақти  
келди.

Бошимга алиф тортсам, сенинг  
қоматинг ҳавосидандир,  
негаки, азалдан шу ҳарф менинг  
тақдирим бўлган.  
Менинг руҳу жоним қаддинг  
фидосидир,  
чунки умрим боғида сенинг  
қоматингдек ниҳол қўқармаган.  
Қисматим бода эканлигига розиман,

чунки  
қисматдан кўпроқ талаб қилганлар  
қон ичадилар.  
Фироқ шомида сипехрдан шафақ  
қони келмади,  
балки менинг кўз ёшим денгизининг  
мавжи фалак юзини ювди.  
Замона дил аҳлининг дилидаги  
нақдини шундай синдирдики,  
лаимлар (паст, разиллар) нақдидан  
ташқари ҳеч бутуни қолмади.  
Агар мақсуд каъбаси висолини орзу  
қилсанг,  
У саҳрони босиб ўтишда тезлик ҳам  
қилма, суст ҳам бўлма.  
Риндлар мажлисида май тугаб  
қолди,  
Фоний энди сабукашлик (май  
идишини кўтариб келтириш)  
учун чаққон ва тайёр бўлиб турибди.  
Кимки тиниқ шаробга сув  
аралаштирса, таълим хира бўлади,  
ўтга сув сепганда хираликдан бошқа  
нима бўлади.  
Ажабо, бундан кейин кўзимни  
уйқуда кўриш мумкин эмас,  
чунки у ой лабининг хаёли, кўзимга  
уйқу ўрнига туз тўқди.  
Ёр менинг меҳмоним бўлди, икки  
кўзим шодлик йиғисидан  
гўёки, унинг йўлига гулнор ёқут ва  
лаъли ноб тўқди.  
Менинг орзуим, жом қуйқаси эди,  
табиб хато қилиб дори учун  
пиёламга гулоб қуйди.  
Қассоб юз мингларча  
жониворларнинг қонини тўккани  
ҳам,  
махбуб кўзи қотиллигидан тўкилган  
қоннинг юздан бирича эмас.  
Ё Раб, ул дилбар киприк ханжарини  
тортиб,  
қанча қарию ёшнинг қонини тўккан  
бўлса ҳам умри узун бўлсин.

Эй Фоний, менинг ҳаётимдан асар  
қолмаслиги таажжуб эмас,  
чунки бу хаста вужудим  
жароҳатлардан жуда кўп қон тўкди.

Бу дам муғлар кўйи менга жаннат  
майини ичгин.

Фано майхонасида ўзликдан  
кечиб ҳақиқий жомни иста,  
чунки матлуб юзига манманлик  
парда бўлгандир.

Эй муғбача, ёноғинг  
қирғовулнинг юзи кабидир,  
шунинг учун майинг ҳам  
қирғовул қонига ўхшайди.  
Бу давр кўз юмиб-очгунча  
бошқа шаклда айланади,  
эй умр (жонон), меннинг  
ёнмдан кетишга мунча  
шошиласан?

Эй шайх, тавбани синдириб,  
майхонада майга ғарқ бўлсам,  
бизни кечир, чунки майхона —  
сув оламидир.

Эй Фоний, дунёга нима учун  
мафтун бўласан, ҳолбуки,  
фано даштида кўринган барча  
нарсалар саробдир.

Эй дил, ҳар қачонки дунёдан  
кетар экансан,  
аввал ўзлик юкини ташлаш  
керак.

Умр дарахтининг шохи охири  
синажакдир,  
шундай бўлгандан кейин тақво  
қўлининг кучи билан  
нафсни синдириш яхшидир.  
Қўлингдаги олам асбобларини  
илгарироқ (эсинг  
борида) отиб ташла,  
чунки бир куни ҳасрат-надомат  
билан бармоғингни  
тишлаб қолишинг фойда  
бермайди.

Баланд мартабалиларга паст  
тушиш лозим бўладиган  
бўлса, ўзинг паст бўл,  
чунки тупроқда ётган кишининг  
йиқилиши мумкин эмас.

Узингни фано жоми билан  
бехуд қил, қачонгача худбин

бўлиб юрасан,  
чунки бу кўхна дунёда  
худпарастликдан майпарастлик  
яхшидир.

Дунё давлати гўё чоҳдир,  
кўлингдан келса - сакраб ўт,  
унга йиқилдингми, қаъридан  
чиқолмайсан.

Дунё бир кампирдир, эркак  
бўлсанг, унинг теварагида  
айланишма,  
у хотину, лекин унинг тузоғига  
илинмаган одамни эркак деб  
бил.

Гуллар учун жаҳон гулзори  
тиканлари санчилганини енгил  
деб ўйлама, чунки кўзга  
санчилган тикан, ўқ  
ҳукмидадир.

Эй Фоний, хушёрлик ранжу  
малолдан бошқа нарса эмас,  
агар сенга хушёрликни йўқотиш  
мақсад бўлса, масту мажнун  
бўл.

Чарх денгизидан умр кемасига  
юз зиён этади,  
унинг давоси шароб денгизи ю  
ғазал кемасидир.

Тиниқ май ҳаёт нақди сингари  
бемислдир,  
шафқатли ёр, умрдек  
бебадалдир.

Эй ишқ, унинг васлига етиш  
эҳтимолига йўл қўймайман,  
гарчи хирад аҳли олдида бу  
нишона тахмин қилинса ҳам.

Харобот риндларининг сўзи  
таслимдан бошқа нарса эмас,  
чунки, талашиб-тортишувчилар  
хонақоҳ аҳллари дир.

Бор, эй фақих, ишқнинг  
натижаси фанодир,  
аммо юракдаги ишқ азал  
майининг нашъасидир.

Эй кўнгил куши, дунё  
гулшанидан умидингни уз,  
негаки амал риштаси кудс  
кушлари учун, тузоқдир.  
Фоний, фано йўлини босиб ўтиб  
васлга еттинг,  
бале, бу йўлда мурод амалга  
яраша берилади.

Майхона гадоси ҳеч қачон шох  
ғамини емайди,  
чунки муғлар пири  
илтифотидан ҳеч камлиги йўқ.  
Хорлик тупроғига ёлғиз мен  
йиқилганим йўқ,  
вафо аҳлига фалак ҳаргиз  
ситамдан бошқа иш қилмайди.  
Менда майхонанинг шаробга  
тўла эски сафоли бор,  
бундай ойна Искандарда-ю,  
бундай жом Жамшидда  
бўлмаган.

Кимки висол чоғи ёрининг  
жавру жафосини ғанимат  
билмаса, унга «айрилиқда ўл»,  
деб айт.

Асирлар сари хиром айлаган  
қоматингдан бошқа,  
дахр боғидаги сарвларнинг  
бундай рафтори йўқ.  
Сочининг жингалагидан тузоғи  
бўлмаса ҳам,  
ул ёш шўх халқ юрагини сайд  
этди.

Фоний, ул оғиз хаёлида ўлса  
айб эмас,  
у қачон адам мулкига кетишини  
истамаган эди.

Ё Раб, у шўх муғбача кимнинг  
майхонасидан экан,  
майкадада кимнинг шаробу  
паймонасидан маст экан.  
Кимнинг уйидалиги менга аён  
бўлса ҳам,  
у масжидга борди-ю,



ғайирлигимни келтириб мени  
ўлдирди.  
У ҳусн ганжидир, муҳаббат  
аҳли томон боради, ваҳ,  
унинг юраги кимнинг  
вайронасига майл қилар экан?  
Телба юрак кимнинг девонаси  
эканлигини айтмаса ҳам,  
халқ билдики, ул парилар рашк  
қилувчи гўзал менинг ёримдир.  
Риндлик шуҳратимга  
ишонмаган бўлсанг, қара,  
майхонанинг ҳар анжуманида  
кимнинг афсонаси айтиляпти.  
«Кимнинг қаро кўзлари сени  
ўлдирди?» дейсан,  
эй, қон тўқувчи шўх, қарачи, у  
кимнинг мастона нарғиси экан?  
Агар у кўзлар Фонийнинг дил  
қушига қасд қилмас экан,  
унда сенинг кокилинг ва холинг  
кимнинг тузоғи ва донаси экан?  
Харобот майдонида сув  
сепилган, унинг  
айвонида шоду хуррамлик  
базмига ҳозирлик кўрилган.  
У ерда харобот пири май ичиб  
ўтирибди,  
унинг хизматида харобот  
риндлари саф тортганлар.  
(Харобот пири) ёнида бир шўх  
муғбача маст  
ўтирибди, (у) ҳусн мулкида  
харобот султонидир.  
Ҳар лаҳза дилни овламоқ учун  
ажойиб хонанда  
муғона оҳангда харобот  
достонини ўқир эди.  
Майхона пиридан риндларга  
ҳар бир қадахда  
харобот сирлари очилар эди.  
У махфий сирлардан воқиф  
бўлган кишилар маст  
бўлиб, харобот шабистонида

беҳуш, бўлиб йиқиларди.  
Май бергилки, унинг бир  
култумини хароботдаги  
гадолар юзта шоҳона либосга  
алишмайдилар.  
Кавсару жаннат тўғрисида ҳар  
бир мақтовни эшитган  
бўлсанг, у мақтов май ҳақида ва  
харобот шаънидадир.  
Фоний, майхонада меҳмон  
бўлгач, фано  
хароботига кириб, ўзлик  
номусидан қутулгандай бўлди.  
Дил парвона каби жонона  
юзининг шамъи билан куйди,  
оҳу дил қандай парвонаки,  
унинг шуъласидан уйга ўт  
тушди.  
Сочларинг ва холинг оразинг  
шуъласидан куймасдан  
туриши таажжуб, чунки ердаги  
дона куйса, кўкармайди.  
Вайронага ўт тушганда, унда  
ётган девона куйгани  
сингари, ишқ сийнамга тушиб,  
ундан дилим куйди.  
Шамъ кечаси ўчирилмагани  
сабабли ундан уй куйганидек,  
сенинг шавқинг ҳажрда  
йўқолиш ўрнига, балки дилимга  
ўт ёқди.  
Матога ўт тушганда уй  
куйганидек,  
хирқам майдан ҳўл бўлиб,  
хилватимни куйдирди.  
Майхонага ўт ёқманглар,  
муғбачалар ўтидан  
ҳар нафасда у ерда юзлаб оқилу  
донолар куйди.  
Юзинг шамъининг алангаси  
мени куйдириб, қора тупроққа  
қорди,  
гўё қаноти куйган парвонадек  
тупроқ қурти (чироқ курт)

бўлиб қолдим.  
Майхонага бормаслик учун  
қилган тавбам сабабли майхона  
пири

хирқамни куйдирди,  
шунинг учун мен яланғоч ва  
хор бўлиб қолдим.

Фоний, агар майхонада май  
дурди ичувчиси бўлган бўлса,  
таажжуб қилишга ўрин йўқ,  
чунки унинг май сузгичи май  
пиёласи ўтида куйган.

Дил май учун фано хароботига  
кетган чоғда,  
бошлар май кўпигидек ҳаводан  
барбод бўлди.  
Одамлар «бу тонг ели бўлса  
керак» дедилар,  
аслида сенинг ҳажрингда  
тонггача чеккан дилимнинг оҳи  
эди.

Кеча ул кофири бадмаст  
бизнинг олдимиздан чиқиб,  
йўлда зоҳидларга учраб, кўп,  
тўполон қилибди.

Бизнинг олдимиздан ғойиб  
бўлди, бошқа биздан сўраманг,  
у пари эди, кетди-ю қаерга  
кетганини билмадим.

Сенинг ишҳинг сарманзили  
фано куйидир, чунки,  
у томондан шоҳ келса ҳам гадо  
бўлиб кетади.

Ул ой кетди-ю, «тез ёнингга  
қайтаман» деди,  
эй мунгли кўнгил, ул шўх нима  
бало бўлиб кетди?

Азиз умрнинг барчасини зарқу  
риё билан ўтказган  
фирибгар суфийдан софликни  
қандай кутиш мумкин?

Халқдан одамийлик сифатлари  
йўқолган куни,  
вафо расми ҳаммадан олдин

кетганга ўхшайди.

Даҳр ходисаларидан ҳар ким  
бир томонга қадам урди,  
бу воқеадан Фоний, фано  
хароботига кетди.

Ҳар дил агар пок бўлмаса,  
файзу баракат унга ҳаромдир,  
дўст юзининг тасвири ойнадек  
юрақда акс этади.

Қадаҳ кўзгусида соқийнинг  
юзини кўрдим,  
қадаҳнинг айланиши ул  
кўзгунинг айланишимикин?  
Туйнукдан қуёш, хум оғзидан  
май пиёласи кўринди,  
билмайман, буларнинг ҳар бири  
қайси эди.

Қадаҳдаги оби ҳаётдан комим  
завқ олди,  
менинг умрим аччиқ майдир,  
умрим ком биландир.

Токи муғбачалар том устида  
жилва қилар эканлар,  
дайр осмондир, осмонда ой ва  
қуёшдир.

Май идишлари ғулғулидан  
димоғим хушбўй,  
қизил сандалнинг ҳиди нега  
менга ёқсин?

Ишқ майхонасининг майи  
менга ҳалол бўлгандан бери,  
зуҳд хонақосининг нони ҳаром  
бўлди.

Ҳам шамол ўзига келди, ҳам сув  
ўзидан кетди,  
эй сарв сенинг гулшанингда  
суман қандай хиром қилади?  
Эй Фоний, ўзидан кечмоқ,  
дўстга етишмоқдир,  
фақр йўли гарчи узун бўлса ҳам  
икки қадамдир.

Кел, майхона жарчиси, кеча  
менга май сирридан  
бир ҳикоят айтдики, уни

бошқаларга айтиб бўлмайди.  
Майфуруш чол бу ҳолдан огоҳ  
бўлиб қолгач, муборакбод  
учун май берди ва лутф-эхсон  
билан айтдики:

«Эй харобот гадоси, ноумид  
бўлма, чунки ғайб  
хабарчиси сенга керак бўлган  
нарсани айтди».

Дилим ишқ майидан нашъа  
топгандан бери «дунёнинг  
ҳамма қийинчиликлари менга  
осон бўлди» деди.

Мен дайр пирининг сўзи билан  
йўлга тушдим, чунки  
хонақоҳ шайхи бу сирларни  
бошқа хилда баён қилган эди.

Лолага шунинг учун дилим қон  
бўлиб, бағрим ўртандики,  
у дилининг дардини, хижрон  
доғини айтди.

Менинг зуннор боғлаганим ва  
бутпараст бўлганим  
ҳикоятини халққа у номусулмон  
шўхнинг ўзи охир айтди.

Унинг зулфидан девона бўлган  
дилдан  
нима сўрасам, паришонлик  
билан жавоб берди.

Эй Фоний, кимки бу фалак  
чархининг остида даврон  
аҳлини тарк қилса, у ғамдан  
халос бўлади.

Муғлар пири қошида  
такводорлик ва такаббурлик  
ажаб қоларли бир ишдир,  
пири муғон қадах тутса,  
ичмаслик адабсизликдир.  
Муғбачаларнинг ишқидан  
кутулишга умидим йўқ,  
чунки бу ишқ кейин ўрганилган  
эмас, у менга азалийдир.

Гўзалликда турк ва  
сўзамолликда араб бўлган

қон тўқувчи бир гўзалга  
жонимдан ошиқ бўлдим.  
Тонг чоғида хуморликнинг  
ланжлигидан ташналаб  
бўлганман, мени  
тонг шаробидан бошқа нарса  
билан даволаб бўлмайди.  
У шиша ниқоби ва узум  
пардаларида турган тиник  
майга  
менинг қон сузгич кўзим  
пуфакча бўлмиш.  
Чин ва Ҳалаб шишаларидаги  
бир қултум май,  
Чин ва Ҳалаб мулкидан  
яхшироқдир.  
Кимки Фоний каби қарилик  
чоғида ёш маҳбубга  
кўнгил берса, ақл пирининг  
унга кулмоғи таажжуб эмас.  
Ул ҳурзод нозаниннинг  
алифдек қоматини истамайман,  
тақдири азалда пешонамга шу  
ҳарф ёзилгандир.  
Лаҳад зиндонида бошим остига  
ғишт керак экан,  
муғлар пири хум оғзидаги  
ғиштни берар, деб кўз тутаман.  
Вафо ниҳолини сўрама, чунки  
қазо деҳқони  
бу ажойиб уруғни жаҳон боғига  
экмаган.  
Мен бугун май, муғбача ва  
муғлар дайри билан биргаман,  
шайх эса эртаги Кавсар, ризвон  
ва жаннатни талаб қилади.  
Ғофиллик билан уни  
масжиддан топа олмайсан,  
уни талаб қилишда масжиду  
бутхонанинг фарқи йўқ.  
Сенинг яхши ва ёмонлигинг  
радду қабулга боғлиқ,  
ким яхши ва ким ёмонлиги  
махфий, уни қайдан биласан

Яхшилик ва ёмонлик кишининг  
кўлида бўлмаганидан кейин  
Фоний яхши бўлса ҳам, ёмон  
бўлса ҳам кўябер, май келтир.

Кавсар ва Фирдавсга етиб  
боргунча йўл узундан узоқдир,  
майхона эшиги очик экан, айш-  
ишратни ғанимат бил.

Эй нозанин, ошиқларингни қатл  
этиш учун ноз билан ҳар  
томонга от солма,  
ҳожат аҳлининг боши йўл  
тупроғига қоришиб ётмоқдадир.

Давр чоғида гулранг майнинг  
кўпигига қара!

У кўпик Аёзнинг юзига  
тикилган Маҳмуд  
(Ғазнавий)нинг кўзига  
ўхшайди.

Сенинг зулфинг ҳижрон  
туними-ю, ишқ йўлимики,  
у ҳам қоронғи, ҳамда пасту  
баланддир.

Риндлик майи кўзасини  
кўтарганда елкамда (қолган)  
доғ иқбол байроғидан тикилган  
бир парчадир.

Маъшуқ рухсорига назар  
қилганда агар кўз пок бўлса,  
йўловчининг бу йўли мажоз  
йўли эмас, ҳақиқат йўлидир.  
Хонақоҳда тавҳид нуқталарини  
гапириб нима қиламан,  
(уни) муғлар хароботи  
риндларига айтайин (чунки)  
булар сирларнинг  
маҳраמידирлар.

Осмон азалий ишқдан бир зарба  
кўрди-ю, шундан бери  
саргардон кезади.

Эй Фоний, майга ғарқ  
бўлмагунча бутга сажда қилма,  
майхонада таҳорат олмагунча,  
қандай намоз бўлади.

Таҳсин ва офаринлар бўлсинки,  
юзларча  
Канъон пири муридингдир,  
икки юз чоғлик  
Юсуфлар сотиб олган  
кулингдир.  
Бирлик боғининг шамоли эсгач,  
Тангрига яқинлик гулшанида  
гулинг очилди.  
Кўкда кезувчи қосид васл хуш  
хабарини етказгач,  
кўкка қараб равона бўлдинг.  
Тангрига яқинлик маконида  
ором олганингдан сўнг,  
олам машаққатидан  
вужудингга қандай машаққат  
бўлсин?  
Оёғинг Каъба томига етмасдан  
туриб, осмонга  
улуғлик байроғини тиктирдинг.  
Раҳмат эшиклари қулфланган  
бўлса,  
ўрилган икки кокилинг  
калитингдир.  
Эй Фоний, у ёр кўйининг  
гадосиман, дейсан,  
унинг итлари орасида сени ким  
кўрибди?  
Ҳар замон тилимда ишқдан бир  
афсона бордир,  
гўё тил ишқим ўти  
алангасининг бир ёлқинидир.  
Дину дилимни муғлар  
майхонасида дов тикишдан  
мақсадим, муғбачалар кўлидан  
бир муғона жом ичишдир.  
Бир тўда халқ сени Каъбадан  
излайди, бизлар бўлсак  
дайрдан  
излаймиз, (чунки) у ҳам, бу ҳам  
сенинг кўйинг хонасидир.  
Ибодатхона кунжида ўтириб ва  
дашт-саҳроларни кезиб  
висолингни



истайман, бўлмаса сайриму бир  
жойда туришим бир баҳонадир.  
Сийнамда ғамингдин ўт, эски  
тўнимда май сувидир,  
ҳар бир доғим ишқинг  
балосидан бир нишонадир.  
Замона аҳлидан ҳар кимгаки  
дил нақдинасини топширган  
бўлсам,  
у жонга қасд қилди, бу қандай  
ажойиб замонадир.  
Эй Фоний, Ҳарамга сажда  
қилишимни кўп кутавермагин,  
чунки ошиқлик кўйида  
бошимиз бору (уни) қўядиган  
остонамиз бор.

Лаълинг шароби қизил ёқут,  
дедим, йўқ  
у лаълу ёқут эмас, билмайман  
қандай бир жавҳардир.  
Агар зуҳд аҳли Тўбини қаддинг  
билан тенг кўрса,  
Тўби билан гиёҳ (ўт)ни тенг  
кўргандек бўлади.  
Харобот ҳарамида бизмиз-у,  
май пиёласи,  
кимки жаннат ва Кавсарни  
истаса, булардан маҳрум.  
Қўлида эски сопол ушлаган  
майхона гадосини кўр,  
зар пиёлани кўлига тутган  
шоҳга ўхшайди.  
Эй майфуруш, чопонни майга  
гаров қилдим,  
яна бир жом бер, энди навбат  
дафтарга етди.  
Эй шайх, агар бир фано дайрига  
келсанг,  
макру фирибдан ташқари неки  
истасанг муҳайё бўлади.  
Эй, олам ранжидан кўнгли озор  
топган киши,  
агар бир жом ичсанг бошқа бир  
оламга етишсан.

Ломакон бўстонида учадиган  
кушнинг қабзу бастига  
чарху юлдузлар қачон асар  
қилади?

Фоний, ўзидан кечиб бир  
санамнинг ишқини танлади,  
чунки худпарастликдан кўра  
бутпарастлик яхшидир.

У майга беланган лаълингдан  
масту харобинг бўлдим,  
эй шўх муғбача, шаробинг  
қандай ўткир-а!

Эй ишқ, ҳавойинг қандай  
баҳорки, биз кўнгли  
қоралар хирмонига  
булутингнинг яшини тушсин.  
Агар насрин гули каби шу  
қизил юзинг билан май ичсанг,  
соф майинг чехрангда қандай  
гуллар очилтирарди!

Равшанлик ва тиниқликда сен  
куёшдан ҳам ортиқсан,  
шунинг учун ниқобинг  
рухсорингга ҳаргиз тўсқинлик  
қилмайди.

Эй сарв, либосинг гул  
ранглигининг сабаби шуки,  
у ҳамманинг дили ва кўзлари  
қони билан суғорилган.

Эй муғбача, кўп тавба  
ушатдинг, у гуноҳ эди,  
агар бизнинг тавбамизни  
ушатсанг — сенга савоби бор.

Фоний, маънолар мулкида  
ғарибдир,  
унинг сўзида ажойиблик ранги  
бўлса, ажаб эмас.

Сенинг лаълинг новвоту сўзинг  
ҳаёт сувидир,  
лабингдаги учуқ ҳабби набот  
деган доридир.

У муғбача майхонада (гўзал)  
ҳаракатлар қилгани  
сабабли мен дайрни (тарк этиб)

масжидга бормайман.

Ибодатхонадан ўзимни  
хароботга ташладим,  
у ерда менга манманликдан  
кўра кўпроқ нажот юзи  
очилади.

У паризод хур, барча сифатлари  
билан фариштага  
ўхшайди, билмайманки, қандай  
зот экан у!

Икки қора зулфинг ҳиндуси  
қандай ҳиндудирки,  
фолда лайлатулқадр ва барот  
кечасидан юз қатла  
табаррукрокдир.

Кимки ҳодисалар яшини остида  
тоғ сингари саботли  
ва барқарор бўлса, мақсуд  
гавҳарини қўлга киритади.

Кишилар жаннат боғига бориш  
учун тўғри йўл ахтарадилар.  
Эй Фоний, у йўл шубҳасиз,  
Ҳирот хиёбонидир.

Эй зоҳид, жаннатда май дилдор  
қўлидан олиб ичилмаса,  
менга майфурушнинг  
кулбасидан яхшироқ жаннат  
йўқ.

Ошиқлар учун ҳеч жаннат васл  
гулзори каби эмас, Кавсар суви  
билан

Тўби дарахти ёрнинг лаъл лаби  
билан қоматига сира  
ўхшамайди,

Дилим сенинг жафоларинг  
тикани билан тўлиб,  
типратиконга  
айланди, қаердан бошини  
чиқарса, жафо тикани унга  
қадалади.

Танимдаги ҳар бир туким  
остида ҳажринг неши  
бор, бир қилнинг учича ҳам  
жароҳатсиз жойи йўқ.

Шўх кўзларинг аҳволи зоримга  
қачон назар ташлайди?

Ахир (улар) ноз уйқусидан бир  
лаҳза ҳам уйғонмайди-ку.

Муҳаббатда жонон ғами жон  
(им)га миннат кўяпти,  
махбубнинг жабридан  
дўстларнинг дили озор  
топмайди.

Эй киши: «Ёрнинг кўп-кўп  
жафоси кўнгилга урди» дейсан,  
бу жафолар оз-оз қилингани  
сабабли кўнгил учун кўп эмас.  
Эй соқий, хижрондаман, оғир  
(катта) идишда май бер,  
менга ажал ҳам хижрончалик  
оғир эмас.

Эй Фоний, ошиқликда  
бошингга ҳар бир ғамки тушса,  
шод бўл,  
чунки ишқ аҳллари машаққат ва  
хорликдан ор қилмайдилар.

Айрилиқ туфайли кўнглимни  
малолат қоплади,  
май бер, эй соқий, юрагимнинг  
аҳволи оғир.

Тўби ва ҳур учун тавба  
қилганим сабабли,  
дайр пири ва муғбачадан юз  
хижолат чекаман.

Сахар вақти қуёш соғари  
кўзимга жилва қилди,  
тиник бодага ишоратдир, деб  
тугун тутдим.

Соқий даврада адл пиёласини  
айлантирганда,  
ташналарга кўпроқ берса айни  
адолатдир.

Чархи фалак разилпарвардир,  
бу беш кунлик дунёда  
унга асир бўлиш айни  
разолатнинг ўзидир.

Эй соқий, сабуҳий ваъдасидан  
юз истиҳола бўлганда,

тунги хумордан маҳрум  
бўлишдан нега қўрқай.

Дунёнинг фосиқ кишиларидан  
этак силкмоқ яхшироқдир,  
йиғлоқи кўз каби уларнинг  
кўзларини кўрмаслик  
яхшироқдир.

Улар тупроқ каби пастдир, агар  
устларидан олтин  
сочсанг ҳам, покиза  
бўлмайдилар,

бу хиралардан қуёш каби  
узокда туриш яхшироқдир.  
Улар одамгарчилик йўлидан  
худди девлардек ҳуркиб  
қочадилар.

парилар одамлардан ҳуркиб  
қочганлари каби улардан  
ҳуркиш яхшироқдир.

Оёқларига бош қўйсанг ҳам,  
улар одамгарчиликдан бош  
тортадилар,  
одамгарчилиги йўқ бундай  
кишилардан этак силкмоқ  
яхшироқдир.

Улар ҳар бир вафо қилган  
кишига юз жафо қайтарадилар,  
шундай бўлгач, вафо аҳли у  
жафокор золимлардан бирор  
кунжакда бекинишлари  
яхшироқдир.

Уларнинг дунё йиғишга  
ҳаваслари зўр, улардан қочиш  
мумкин бўлса,  
анқо қуши каби қаноат  
«Кўҳиқоф»ининг чўққисини  
ғажиш яхшироқдир.

Эй Фоний, охир фано йўлини  
кезишинг лозим экан,  
аввалдан ўша биёбонни кезиш  
яхшироқдир.

Майхона эшигида гадолик  
расму одатим бўлгани учун  
динимдаги раҳналар муғбачалар

кипригидандир.

Эй шайх, май тўғрисида  
гапиришимнинг боиси шуки,  
у ғамгин кўнглимга файз  
етказиб турадиган  
ҳамдамимдир.

Муғлар пирининг журъакаши  
(майхўри) бўлганимдан сўнг,  
у ҳарамда ҳашамат ва тантана  
менга насиб бўлди.

Сенсиз менинг ғамим  
шунчаликдирки, агар жаннат ва  
хурларни менинг таскиним  
учун берсалар, фойдасиздир.

Висолингда бирор дамимни  
хурсандлик билан  
ўтказганимда,  
оҳки, фалак гардиши юз бало  
тийғини чиқариб, менинг  
қасдимда бўлади.

Майхонада лабингни таъриф  
қилганимдан буён менинг  
ширин сўзларимни жаҳон  
риндлари такрорлайдиган  
бўлиб қолдилар.

Эй Фоний, ундан ва бундан  
кечгилу (тўғри) йўлга қадам  
қўй,  
чунки фано расм-русумида у  
меники, бу меники деган сўз  
йўқдир.

Ҳусни кўз кўради-ю, кўнгил  
унга мойил бўлди,  
кўнгил кўздан фарёд қилади-ю,  
мен кўнгилдан оҳ чекаман.

Ул чехранинг ниқобига ўт  
солишни истайман,  
чунки у унинг юзини менинг  
кўзимдан тўсиб турибди.

Фироқ зулматида гар Хизр  
сувини ичсам,  
у оби ҳаёт эмас, балки захри  
қотилдир.

Агарчи май қуёши кўнгилни

ёритса-да,  
аммо у ҳам хуснинг  
гулшанининг беаги  
ҳисобланади.

Хизр сувию Исо нафасини нега  
излайман,

агар ул лабга етишсам бу  
иккови ҳам ҳосил бўлади.

Лаълинг жондану ғунчанг  
кўнгилдан нишонадир,  
гўё сен сув ва тупроқдан  
яратилмагандек.

Эй Фоний, санамлар ишқининг  
кўйига кирдинг,  
ғофил бўлма, чунки бу хатарли  
манзилдир.

Яна кўнгил тавбаю томотни  
тарк этди,  
май ичди-ю, хароботда манзил  
қилди.

Бу томондан харобот хайлиға  
ғулғула солди,  
у томондан муножот аҳлига  
дағдаға қилди.

Риндларнинг ҳиммати унга йўл  
кўрсатди,

бўлмаса бунчалик балолардан  
ким қутула олар эди?

Бошини муғлар хароботи пири  
олдида эгса-да,

буни таклиф билан эмас, балки  
фахру ифтихор билан қилади.

Ишқ майининг мастлиги ва  
улфатга шукрлар бўлсинки,  
давр хумор ранжи билан  
жазолади, деб айтмади.

Лутф юзасидан май қуйқумини  
ичувчиларга назар  
солган май сотувчи

муғбачанинг бандасиман.

Фоний, дайр пири ва унинг  
карамини кўрди,

энди у шайх ва унинг

каромотига нега қарасин.

То майхона эшигида гадолик  
одатим экан, муғбача  
кипригидан динимга рахналар  
етаверади,  
Эй шайх, майнинг ёр  
бўлганлигидан гапираман,  
чунки у дилимга  
файз еткарувчи ҳамдамдир.  
Майхонада майхоначининг май  
ичувчиси бўлганим  
учун, ҳарамда менинг виқор ва  
ҳашаматим тантанасидир.  
Сенсиз ғам-андухим шу қадар  
кучлики, жаннат ва  
хурларнинг бари менга таскин  
бермоқчи бўлсалар ҳам  
фойдасиздир.  
Висолинг ҳақида бир яхши сўз  
айтдим, эй воҳ, чарх  
айланиб менинг қасдимга юз  
бало тиғини отади.  
Майкада эшигида лаъл  
лабларингни васф қилган эдим,  
ширин нукталарим жаҳон  
риндларининг вирдига  
айланди.  
Эй Фоний, ундан ҳам, бундан  
ҳам кечиб йўлга қадам  
ур, фано расмида у меники, бу  
меники деган нарса йўқ.  
Ишқ кофириман, нозанинлар  
савдоси — менинг динимдир,  
бутхона тупроғи бўлиш расму  
одатимдир.  
Отнинг тақаси ва итингнинг оёқ  
изи  
ҳижрон кечаси менинг ой билан  
хулқаримдир.  
Осмон ақл (хушёрлик)  
васвасаси билан менга  
душманлик қилади, шундай  
бўлгач,  
мен майхонадан қандай  
чиқаману хушёр юраман.



«Қиш фаслида гулдан жудо  
бўлган булбул лол бўлиб  
қолган» дема,  
у лол куш рухсорингдан жудо  
бўлиб, узоқда қолган ғамгин  
дилим кушидир.  
Бир девона ошиқни ўлдираман,  
деган экансан,  
ана шу сифатларни мендан  
топасан.

Тонгги май ва маҳбуб қошида  
пири муғоннинг сажда  
қилиши тариқат йўлида менга  
қилган талқинидир.  
Фоний, ўзидан кечди-ю,  
фано даштига кетди,  
бу кўраётганларим менинг  
худбин (ўзини кўрган)  
кўзимдандир.

Мен сенинг ёдингда ҳижрон  
захрининг қуйқумини ичаман,  
сен айшнинг тиниғини ички,  
оби ҳаёт бўлсин.

Биз номуродлик бурчагида  
хумордан ўлдик,  
сенинг жоминг мурод майидан  
бўшамасин.

Эй, риёдан қайғуга ботиб,  
майдан қувонган киши,  
ё Раб, бу қувончинг ҳеч қачон  
ғамга айланмасин.

Агар тақво ҳонақоҳининг эшиги  
ёпилса, не ғам,  
фано дайри очикдир, боравер,  
йўлинг очик бўлади.

Риндлик тариқида эътиқодинг  
гар пок бўлса,  
хароботда майга беланган  
хирқанг учун ғам ейишга ўрин  
йўқ.

Қисматингда ҳар нима бўлса,  
розилик йўлида эмассан,  
ҳайронман, сен кимга инодат  
қиялсан?

Эй, Фоний, ироданг дўст  
иродаси бўлишини истасанг,  
бошингни иродат ҳалқасига  
киритишинг керак.

Эй кўнгил, Худо асрорини  
фоний бўлган солик билади,  
агар сен ҳам фоний бўлсанг бу  
сирни била оласан.

Дил мулкининг махрами бўл,  
чунки Жамшид  
оламнинг барча ошкору пинҳон  
розларини жомдан билди.

Агар маънога йўл топмоқчи  
бўлсанг суратдан кўз юм,  
чунки маънони билган киши  
суратдан фориғ бўлади.

Агар чаман кушлари қиш  
торожи-ю, куз зиёнини билса,  
бахор гулларига назар ҳам  
солмайди.

Вақтни ғанимат бил, негаки  
тариқат пири  
вақт паришонлигини амаллару  
омонликдан деб билади.

Соқийнинг жон бағишловчи  
лаби-ю, руҳ бағишловчи  
юзини менинг зор кўнглим  
жоннинг осойиши деб  
ҳисоблайди.

Мен исён (гуноҳлар) билан  
қаридим, энди зухддан не  
фойда,  
кимки ёшлигидан тоат-ибодат  
қилган бўлса, унинг холи  
яхшидир.

Оби ҳаёт булоғи Хизрга бўлсин,  
чунки зиндадиллар учун  
мангу ҳаётни фалончининг лаби  
лаълидан деб бил.

Фоний оламнинг фаношева  
эканлигини билса,  
ўша куни у мангу давлатга  
етишади.

Муғлар пири кўлимга пиёла

берса ҳам  
муғбача мени ишва билан масту  
майпараст қилди.  
Менга шундай кексалар ва  
ёшлар муяссар бўлгани учун  
хонақоҳ шайхй ва жаннат  
хуридан халос бўлдим.  
Осмоннинг баландлигини кўру  
ернинг пастлигига қара,  
осмондек  
баланд бошим (ердек) паст  
бўлмасин десанг, ўзингни паст  
тут.  
Фано жоми майидан ичиб маст  
бўлганимга хурсандман ва  
бунга шукур қиламан,  
чунки мен такаббурлик ва  
худпарастлик майидан ичиб  
маст бўлганим йўқ.  
Зулфларингдан шундай  
занжирлар ясадингки,  
унга боғланган мингларча  
диллар шикаст топдилар.  
Эй дил, май ўти билан ўз  
борлигингни куйдир,  
Кимда-ким шундай қилмаса,  
ўзлигидан қутулмайди.  
Эй шайх, харобот, ринд аҳлига  
майхўрлик қилма деб қасам  
ичирма, чунки азал соқийсидан  
уларнинг қисматлари  
шаробхўрликдир.  
Эй соқий, беихтиёрлик майини  
келтир,  
чунки бу корхонада (дунёда)  
ихтиёр дилга ўрнашмагандир.  
Эй Фоний, висол керак бўлса,  
ўзингдан кеч,  
чунки ўзлигидан кечган  
одамгина маҳбубга етади.  
Дилкаш баҳор келди-ю, сўлим  
гуллар очилди,  
бу шодликдан кўнгиллар  
гуллардан ҳам кўпроқ очилди.

Сахар чоғида очилган ғунча  
сингари  
кўнгил оппоқ гўзал юзингни  
кўриб очилди.  
У гулларнинг ғунчалари жигар  
қонидан очилган бўлса  
керакки, ишқ чаманининг  
гулидан қон ҳиди келади.  
Агар у маҳбуб менинг  
йиғлашимдан кулса,  
ажабланма,  
чунки булут ёш тўкса, тоза  
гуллар очилади.  
Эй соқий, баҳор келди, чаман  
гуллари қийғос очилди,  
(фурсатни ғанимат билиб)  
пиёлани лиммо-лим тўлдир.  
Мевасиз дарахтда гул очилгани  
сингари, у ноз дарахти  
ошиқларга кулиб боқади-ю,  
(лекин) васлидан баҳраманд  
этмайди.  
Эй, Фоний, у гул очилган бўлса,  
ажабланма,  
агар очилса ҳам, булут сингари  
кўз ёшингдан очилгандир.  
Жафо осмонининг ойи менинг  
ой юзли маҳбубим отининг  
тақасидир, унинг юзидаги, ой  
юзидаги каби доғ, оҳим  
нишонасидир.  
Ҳар кеча дуо қилиб Тангридан  
висолингни сўрайман,  
буни бошқага фош этмадим,  
бунга Тангри гувоҳимдир.  
Эй осмон, унинг висолига  
етишимга аччиғланиб нима  
учун бунча заҳмат чекасан,  
ахир, ҳажр мендан сендан кўра  
юз баравар ортиқ ўч олмоқда-  
ку.  
Тонгда кунчиқар томондан  
кўтарилган қорани булут дема,  
У дуддан килла (чодир) боғлаб

олган эрталабки оҳим.

Қиёмат куни қарасам, менинг  
фироқ шомидан  
қорайган номамдан қорароқ  
нома йўқ экан.

Ҳижрон тунида осмон  
юлдузларидан кўз ёши тўкди,  
шу маҳалда ҳолим паришон  
бўлганди.

Эй Фоний, ҳажр шомидан тиник  
май бер,  
чунки бу аланга кеча  
қоронғилигидаги йўл  
чироғимдир.

Унинг кўзи жафосидан бемор  
бўлмаган бирор кўнгил йўқ  
ёки дил ғамидан саҳаргача  
бедор бўлмаган бирор кўз ҳам  
йўқ.

Агар осмоннинг шафқатсизлиги  
ҳаддан ташқари  
бўлса ҳам, жафо қилишда у  
меҳрсиз гўзалдек шафқатсиз  
эмас.

Вайрона бор ерда бойўғли  
гулзорга бормаганидек,  
висол казо-казоларга-ю, кунжи  
ғам кўнглим қушига ошёнди.  
Ишқда Фарҳод билан Мажнунга  
ўзимни таққослайман,  
чунки ақл эгалари билан  
деводаларнинг иши йўқдир.

Агар бирор кеча ҳижрон  
шиддати билан ишқдан  
танг бўлсам, яна тонггача ишим  
авф сўраш бўлади.

Эй бутхона кишиси, бахтсизлик  
ипи бўйнимда,  
мендан тоат ва динни сўрама,  
чунки бу зуннор ипи эмас.  
Эй рақиб, Фоний ёрнинг кўйида  
унинг жафосидан йўқ бўлиб  
кетган,  
сен ҳам кўлингни торт, унда

аввалги ақл-идрок йўқ.

Таним машаққатда  
бечораликдан куйди,  
дилим ишқидан овораликда  
куйди.

Дилимни пора-пора қилиб ишқ  
куйдираётган эди,  
лекин ҳажр келди-ю, бирдан  
ўртаб юборди.

Отининг туёғидан ўт чақнади,  
ўтли оҳимдан отининг туёғи  
куйган бўлса керак.

Майхўрликдан куйсам, ажаб  
эмас,

чунки самандар ҳам оловхўр  
бўлгани учун куйди.

Қара, унинг юзидан бир чўғ  
тушиб

ҳар тарафда мингларча томоша  
қилиб турганлар куйди.

Эй соқий, ўша олов рангли  
сувдан бер,

чунки осмон бизни маккорлик  
ўтида куйдирди.

Фоний ишқда чора топишни  
билмагач, кўргил,  
у бечора, бечораликда куйди.

Лаъл лабинг кулган чоғида оби  
ҳаёт ва қанд тўқди,  
ширин ва равон сўзларинг ҳам  
ўшандоқ оби ҳаёт ва қанд  
тўқди.

Ўлиш расми шояд олам юзидан  
йўқолса, чунки у шакар  
лабларидан кўп

ширин жон ёғдириб туради  
(яъни, унинг ширин лаблари  
кишига жон бағишлайди).

Сен рақиб билан аҳду паймон  
боғлаганингни эшитдим,  
бу сўздан бўғим-бўғимим  
тўқилди.

Яъқуб қонли кўз ёшини кўп  
тўқкан бўлса ҳам,

бир Юсуф юзли ғамида мендек  
кўп тўкмаган бўлса керак.  
Билимдон шайх васлинг майини  
манъ қилмоқчи бўлиб насихат  
дурларини  
кўп тўккан бўлса ҳам, улардан  
бирортаси қулоғимда қолгани  
йўқ.

Фироқинг тийғидан дилим юз  
пора бўлди, унинг ҳар  
бир порасидан ўқинг сувининг  
томчилари томиб турмоқда.  
Фоний хуморликдан қутулди,  
чунки Кавсардан  
умидвор кимса, у  
ҳожатманднинг жомига май  
қуйди.

Яна муғлар дайрида мастлар  
арбадасидир,  
сўз қўли қуруқ (камбағал,  
фақир)ларнинг ганж сочиши  
ҳақидадир.

Сармастларнинг энг паст  
манзили фалак бўлса,  
қўшиқчи Ҳотамнинг ҳимматини  
қандай куйласин.

Жон бериш-у, жон олишни  
соқий лабидан сўра,  
унинг кечгача шундай олиш-  
бериши бор.

Сарв чаман дарахтлари орасида  
баланд бўлса ҳам,  
сенинг раъно бўйинг олдида  
пастлардандир.

Менинг кофир санамим  
Туркистон томонида,  
эй шайх, ислом Каъбаси  
водийсига нега қадам қўяй?  
Агар чарх менинг риндлигим ва  
мастлигим ҳақида дostonлар  
айтса, нима қилай, менинг  
тўғримда бундай юзлаб  
dostonлар бор.

Эй, Фоний, агар йўқлигинг

бўлса матлубга етасан,  
чунки унинг васлига сабаб йўқ,  
бўлса ҳам шудир, холос.

Лабинг устидаги қора тоза  
мушк нима учундир?  
оби ҳаёт устида зулматдан  
ниқоб нима учундир?  
Эй дил, висол куши сенинг  
томонингга мойил бўлди,  
бир нафас сабр эт, нима учун  
мунча бетоқат бўласан?  
Агар тонг майининг хуморидан  
ланж бўлмаган бўлса,  
нима учун қуёш ҳар шомда  
титраб тупроққа ботади?  
Тақдирдан ташқари бир иш  
бўлмагач, агар сенга бирор  
ранжу алам етса, осмону  
юлдузлардан нима учун  
ўпкалайсан?  
Агар сўфини нозанин  
муғбачалар йўлдан урмаган  
бўлсалар, нима учун у  
майхонада масту хароб бўлиб  
йиқилиб ётади?  
Агар мақсадинг (ёр) юзининг  
аксини кўрмоқ бўлса, (бунинг  
учун)  
май жомидан бошқа ниқобсиз  
(тиник) кўзгу борми?  
Эй Фоний, ўтмишда кўрган туш  
ва хаёлларинг тўғрисида  
гапирма,  
чунки бу дунё хаёлу туш  
нақшидан бошқа нима бўларди?  
Дунёда бўлган ҳар бир  
шодлигим фақат ундандир,  
шунинг учун дилим ғамдан  
шодланади, чунки бу ҳам унинг  
(ғами)дир.  
Дунёнинг ғаму шодлигида ҳеч  
тафовут йўқ,  
висол шодлиги-ю, фироқ ғами  
ҳам ундандир.



Унинг ҳажри дилни яралайди,  
васли эса унга (ярага) малҳам  
бўлади, шунга хурсандманки,  
яра ҳам, малҳам ҳам унинг  
ўзидандир.  
Ҳар нафас ундан айрилиқ  
кўрқинчи етиб турса ҳам  
майли,  
чунки дилимга ҳар дам висол  
умидини ҳам солиш ундандир.  
Жоним кетган бўлса-да, унинг  
ўрнига ёрим ғами келди,  
нима учун шод бўлмайин,  
буним ундан каммиди?  
(яъни жон ўрнини олган ғам  
жондан камми?)  
Агар унинг ғамидан шод  
бўлмасам, одам боласи  
эмасман,  
чунки турли одам болаларининг  
ғамгинлигу хурсандлиги  
ундандир.  
Ёр ғамидан хафаман, агар  
хурсандчилигим учун ёр май  
берса, менинг  
шодлигим майдан эмас, балки  
ундан бўлади.  
Ваъдани бузувчи ёрим, дилимга  
жабрни лойиқ кўрди, чунки  
вафо ипининг учини узилмас,  
маҳкам этган ҳам ўзидир.  
Эй Фоний, мотамим ва тўйим  
ҳаммаси баравардир,  
чунки висолда тўй ҳам,  
ҳижронда мотам ҳам ундандир.

### **Дар таври Хоҷа**

Соқии маст софи май андар пиёла рехт,  
Ё худ саҳоб рашҳаи борон ба лола рехт.  
Дар мавсими баҳор чунин тоза кард рӯҳ,  
Он, к-ӯ чу абру лола май андар пиёла рехт.  
Ояд шамими мушк зи хокам аз он ки буд,  
Май мушкбӯю он бути мушкин кулола рехт.

Гардад чавони тоза кӯҳан пири солхӯрд,  
К-ӯ бодаи кӯҳан ба ғами дерсола рехт.  
Болои хатту рӯи ту он холи зери чашм,  
Мушкест, к-аш ба сабзаю гул он ғизола рехт.  
Дар лаъли лаб нигар, дури дандони нозукаш  
Бар барги гул саҳоб кай ин навъ жола рехт?  
Соқӣ ба дайр чархи қадаҳ сохт Фониё,  
Ин ҷоми адл хӯр, ки ба дор-ул-адола рехт.

### **Татаббӯи махдум дар таври Хоҷа**

Биё, ки пири муғон дар сабӯ шароб андохт,  
Ҳавои муғбача дилҳо дар изтироб андохт.  
На соқӣ аз хамаи рухсори худ чаконд ба ҷом,  
Паи нашоти дили ман ба май гулоб андохт.  
Бичуст аҳли тарабро паи нашоти сабӯҳ,  
Вале чу дид маро, хешро ба хоб андохт.  
Зи чарх кор ба ҷуз печу тоб нест, хуш он,  
Ки пайкараро гирдобии май ба тоб андохт.  
Гаҳи фиғон, ки кунад абр ларза, дон ба яқин,  
Ки оҳи сарди ман он ларза дар саҳоб андохт.  
Агар на ринд зи ҷаллоди ғам гурехта буд.  
Чаро ба майкада худро ба сад шитоб андохт.  
Чӣ ғам зи хоки мазаллат чу хешро Фониё,  
Ба хоки дарғаҳи шоҳи фалакчаноб андохт.

### **Мухтараъ**

Агар зи айни ҷафо чашми ӯ дилам бишкаст,  
Чӣ мардумӣ мутаваққеъ бувад зи кофири маст?  
Маро, ки мурғи дил аз қайди дом фориф буд,  
Ба ҳалқамӯи яке турра шуд дигар побаст.  
Чу нахли қадди ту дар боғи сина биншондам,  
Ба сина тири ту чун нахли дигарам биншаст.  
Худӣ фурухта риндон маи муғона харанд,  
На худпараст чу шайх аст ринди бодапараст.  
Зи авҷи майкада н-оям ба боми чарх фуруд,  
Ки ҳимматам накунад майл сӯи манзили паст.  
Зи дасти муғбача май нӯш созам, эй зоҳид,  
Ки ҳаст Кавсару ҳур, ин ду дар ҷаҳон гар ҳаст.  
Ба бода ҳастии худро бишӯй, эй Фониё,  
Ки аз ҳазор бало раст, он ки аз худ раст.

### **Дар таври Хоҷа**

Биё, ки пири муғон ҷом пур зи саҳбо сохт,  
Зи баҳри дурдашон базми май муҳайё сохт.

Маро ба маҷмаъи риндои расид саффи ниёол,  
Вале ба муғбача дар рӯ ба рӯи ман ҷо сохт.  
Сабӯкашонро ҳам соф бода қисмат кард,  
Зи баҳри садришинон қадаҳи мусаффо сохт.  
Сабӯ мукаррару дар пеш чанд ҷому тағор,  
Ҳама пур аз маю орь зи бодаполо сохт.  
Зи хайли муғбачагон низ чандро соқӣ,  
Зи баҳри хотири риндон бодапаймо сохт.  
Муғанниёни хушилхон ба вақти рақсу суруд,  
Ба нақди дини ҳарифон зи баҳри яғмо сохт.  
Чу гашт муғбача соқию давронгардон шуд,  
Маро ҳанӯз қадаҳ норасида расво сохт.  
Ба бурдани дилу дин маҷмаъе бад-ин оин,  
Наёфтам, зи кучо пири дайр пайдо сохт?  
Аз ин шароб касе ком ёфт, эй Фонӣ,  
Ки расми хеш фано сохт, балки афно сохт.

#### **Дар таври Хоҷа**

Субҳ соқӣ баҳри риндон соғари гулфом рехт,  
Чунки дар гул шабнаму майро ба гулгун ҷом рехт.  
Ёфт ороми дилам, к-охар дилороме чунин,  
Май паи оромиши дилҳои беором рехт.  
Субҳи давлат шуд аён аз матлаъи иқболи ӯ,  
К-офтоби май чу субҳи содиқ андар ком рехт.  
Соф май дар Ҷоми Ҷам шахро, ки дар дайрам бас аст,  
Дар сафоли кӯҳна он чи-ш ринди дурдошом рехт.  
Шому субҳаш фарруху фархунда бошад, ҳар ки ӯ  
Бодаи ишрат зи субҳ андар қадаҳ то шом рехт.  
Мурдаму коми дилам бар н-омад аз теғи ҷафо-ш,  
Хуни мардумро чунин к-он қотили худком рехт.  
Пеши риндон сурхрӯ шуд Фонӣ аз як ҷоми май,  
Гарчи дар майхона обрӯи нангу ном рехт.

#### **Дар таври Хоҷа**

Ба мастиям, ки сабӯҳи муғона шуд боис,  
Паи сабӯҳ хумори шабона шуд боис.  
Кашид мурғи саҳар нола дӯш аз ғами гул,  
Маро ба ҷоми сабӯҳ он тарона шуд боис.  
Ба дил нишонаи тираш намудам он махро,  
Ба тирҳои дигар он нишона шуд боис.  
Дилам зи холу рухи ӯ ба доми зулф афтод,  
Ба мубталои мурғ обу дона шуд боис.  
Замон-замон сӯи майхона беш майламо,

Чафои аҳли замону замона шуд боис.  
Чихат ба мастию мачнуниям чӣ мепурсӣ,  
Ҳама таҳайюри ин корхона шуд боис.  
Ба сад баҳона зи худ раст Фонию ўро,  
Ба азми дашти фано ин баҳона шуд боис.

Шаҳ хироч аз мулк агар хоҳад ба гоҳи эҳтиёҷ,  
Беҳ зи май чи б-вад, ки аз кӯи муғон гирад хироч.  
Шоҳ фориф аз хироч он шуд, ки доим бошадаш  
Тахт — хоки майкада, гарди фано бар фарқи тоҷ.  
Баҳри қувват шарбате мумкин набошад мисли май,  
Аз риёзат гар шудат, эй порсо, заъфи мизоҷ,  
Бодаи сирфам деҳ, эй соқӣ, ки хоҳад куштанам,  
Май агар ёбад ба оби зиндагонӣ имтизоҷ.  
Пири дайр орошт базми айшу хуш бошад агар,  
Базми риндон аз ҷамоли муғбача ёбад ривоҷ.  
Эй, ки аз зухди риёӣ пушт омад сад мараз,  
Ҷоми май даркаш, ки бошад сад маразро як илоҷ.  
Тавбаи Фонӣ, агар хоҳад шикастан пири дайр,  
Як ишорат бас бувад, набвад ба таклиф эҳтиёҷ.

### **Мухтараъ**

Сим хуш бошад, ки созӣ бо ҳарифи сода харҷ,  
Лек ғайри он ки хоҳад шуд ба нуқлу бода харҷ.  
Қалби рӯйандуди ман харҷи сағони ёр шуд,  
Ваҳ, чӣ созад ин дам ин зори дил аз каф дода харҷ.  
Мову урёниву сар бар хок мондан, эй ҳариф,  
Баҳри май чун гашт ваҷҳи хирқаву сачҷода харҷ.  
Шайх сими вақфро бо май надод, аммо харид  
Кафшу дастору асо, будаст марди лода харҷ.  
Як қадам неҳ гарчи риндон муфлисанд, эй муғбача,  
Ҳасташон лекин зи нақди дину дил омода харҷ.  
Нақди ҷон шуд як дирам, вобастағони симро,  
Нест як ҷав ганчи Қорун, гар кунад озода харҷ.  
Ҷавҳари ҷон харҷ шуд, Фонӣ, чу меҳмон гашт ёр,  
Он чи дорад мекунад дарвешии корафтода харҷ.

### **Татаббӯи Хоҷа**

Касе ки мулки дилаш кард хайли ғам тороч,  
Паи иморати он ғайри бода нест илоҷ.  
Ҷунуну ишқи бутон боисам ба расвоист,  
Кучост май, ки муҳайё шудааст моюхтоҷ.  
Ба кӯи ишқ миёни гадову шаҳ фарқ аст,

Ки пеши ёри худ он як сар афканад, ин тоҷ.  
Хавотири дилат аз фикрҳои фосид шуд,  
Чу рӯи баҳр, ки аз бод хезадаш амвоҷ.  
Эваз ба чоми маи лаъл чист мулки дилам,  
Чӣ ҷавҳар аст, ки ҳасташ баҳо ба мулки хироч?  
Биё ба майкада, зоҳид ки май муолаҷа шуд  
Туру ба хабти димоғу маро ба заъфи мизоч.  
Чу Фонӣ омада муҳтоҷу ту ба ҳусн ғанӣ,  
Закотро бисупораш, набошад ӯ мӯҳтоҷ.

### Мухтараъ

Насими сабӯҳ намуд аз тағори саҳбо мавҷ,  
Чу боди шурта, ки орад зи рӯи дарё мавҷ.  
Ба бода заврақи майро гар афканӣ, бошад  
Чу киштиё, ки ба дарё раво бувад бо мавҷ.  
Паи ҳалоки ҳарифон зи ҳила духтари раз  
Намуда ҳар тараф аз лола ранги хоро мавҷ.  
Шабе, ки буд бараш ғайр, мурдам аз ғайрат,  
Аз он сабаб, ки фикандам ба баҳри савдо мавҷ.  
Зи чини абрӯ чоҳи зақан фузун кушадам,  
Чаро ки ҳаст зи гирдоб фарқҳо то мавҷ.  
Магар барорадам аз баҳри бода мавҷи карам,  
Ки ғарқаро набарад бар канор илло мавҷ.  
Нигар ба баҳри фано, шарҳи ҳоли Фонӣ хон,  
Аз он хутут, ки созад зи лучча пайдо мавҷ.  
Чист, донӣ нолаи мурғи саҳар ҳангоми субҳ?  
Бо ҳарифони сабуҳӣ медиҳад пайғоми субҳ.  
Яъни авло май чу бигрифтанд шӯҳони чаман,  
Лола аз ёкуту наргис низ аз зар чоми субҳ.  
Бодаи гулрангро дар чоми чун хуршед нӯш!  
Шуста шуд аз чашмаи хур чун руҳи гулфоми субҳ.  
Чун нахандад ҳамчу ғунча субҳ к-инак дам ба дам?  
Ғунчаосо заъфарон ояд бурун аз коми субҳ.  
Субҳ ҳам чоми сабуҳӣ зад, ки чайбаш гашт чок,  
Варна, чун чоки гиребон аз чӣ шуд андоми субҳ?  
Аз чаман акнун сӯи майхона бояд зад алам,  
Гашт чун зоҳир зи рӯи кӯҳсор аъломи субҳ.  
Як саҳар он гул сабуҳӣ кард бо ман з-он нафас,  
Пираҳан чун гул дарам, ҳар кас, ки гирад номи субҳ.  
Бо ҳарифон як саҳар то шом шав масту хароб,  
Чун ба шомат оқибат хоҳад кашид анҷоми субҳ.  
Субҳ чун Фонӣ сафои вақт аз тоат наёфт,  
Бори аввал он ки май надҳад зи каф ҳангоми субҳ.

### Татабӯи Хоча

Ҳаст дар дайри муғон муғбачаи шӯх, фасех,  
К-аз дамаш тоза шавад рӯҳи дусад ҳамчу Масех.  
Шуд мусалло ба ду чомам гарав, эй бодафурӯш,  
Ҷоми дигар, ки равад пеши мусалло тасбех.  
Оби ҳайвон ба кас умр физоят, на нашот, .  
Май кунад ҳар ду, бар ӯ бас бувад инро тарҷех.  
Боғбон гуфт, ки сарвам чу қади гулруҳи туст,  
Рост монанд намуд, арчи дуруғест сарех.  
Шайх, к-аз майкада бурданд ба бозораш маст,  
Даъвии зуҳд шудаш боиси чандин тафзех.  
Шаҳд чун шуд намаколуда, намондаш мазае,  
Ҳаст беҳад мазанок он лаби ширини малех.  
Сайри кӯят сабаби сихҳати Фонӣ омад,  
Дар сафар муждаи сихҳат чу ҳадисест саҳех.

### **Татаббӯи Хоча**

Чун хубобосост равшан рӯзгорам аз қадах,  
То дами охир кунун сар барнадорам аз қадах.  
Ман, ки ғарқи май шудам, бояд сарам додан ба бод,  
Чун хубоб аз сархушӣ гар сар барорам аз қадах.  
Чунки ёкути муфарреҳ хушк месозад димоғ,  
Бод кути рӯҳ лаъли обдорам аз қадах.  
Бурд соқӣ чун қадах бар лаб гар аз дарёи май,  
Пур бувад як катра боқӣ кай гузорам аз қадах?  
Чунки ҳастам дар қадах, беихтиёр аз ошиқӣ,  
Ҳамчунон дар ошиқӣ беихтиёрам аз қадах.  
Не зулоли Қавсарам бояд, на оби зиидагӣ,  
Бахшад ар як чуръа шуҳи бодахорам аз қадах.  
Ҳамчу Фонӣ дар ҳавои дидани он муғбача,  
Бар сари кӯи муғон девонаворам аз қадах.

### **Мухтараъ**

Чӣ сон ба кӯи ту оям мани гадо густох?  
Дар он чаман чу наёрад шудан сабо густох.  
Ба чон ҳаме кунад он тифл қасдам аз шӯхӣ,  
Сазои он ки кунад тифли шӯхро густох.  
Ба ҳар қадам сари риндон шудаест хок ба дайр  
Ба зуҳд кай шавад он чо ниҳод по густох?  
Чӣ сон шикоятӣ зулмаш кунам ба густохӣ?  
Шаҳе, ки менатавон карданаши дуо густох.  
Ғуломи ринди хароботиям, ки лол омад,  
Чу хост таъни маяш кард порсо густох.  
Ниҳояташ ҳама расвоист, агарчи кунанд  
Бар аҳли фақр сухан зумраи риё густох.  
Ба роҳи аҳли фано хок агар шавӣ Фонӣ,  
Қадам ниҳод тавон дар раҳи фано густох.

### Мухтараъ

Ба хубӣ шуд чунон он симбар шӯх,  
Ки дар хубон чу ӯ набвад дигар шӯх.  
Чӣ сон ҳушам бачо монад, ки ҳастанд,  
Ду чашми мастат аз ҳам бештар шӯх?  
Туро шӯхӣ чунон бошад, ки бошад  
Батамкинтар касе пеши ту ҳар шӯх.  
Нагирад дил ба он золим зи бедод,  
Зи шӯхӣ монда гаштан нест бар шӯх.  
Чӣ таскин ёбад аз панди падарвор,  
Ки беҳад ҳаст он зебо писар шӯх.  
Ба ҳар сурат маро девона доранд,  
Парирӯён батамकिनанд, агар шӯх.  
Бувад Фонӣ, ҳалоки чони пирон,  
Агар афтод тифли симбар шӯх.

### Мухтараъ

Бувад гарчи чоми маи лолагун талх,  
Вале чоми ҳаҷр аст аз вай фузун талх.  
Гар ин ҳар ду талх аст, лекин ба ағёр,  
Бувад, ёр, май хӯрдан аз ҳад бурун талх.  
Зи ҳичрон бад-он гуна талх аст умрам,  
Ки ояд бурун гар занӣ захм хун талх.  
Аз он талхкомама гаҳи бода хӯрдан,  
Ки резад май аз чом чархи нигун талх.  
Дар он бин, ки чун шарбати ҳаҷр талх аст  
Магӯ соғари ишратат гашт чун талх.  
Агар айши ман талх шуд, айб набвад,  
Кунад айши аҳли вафо чархи дун талх.  
Ба Фонӣ набуд талхкомӣ, чу шуд ёр,  
Яқин дон, ки шуд коми айшаш кунун талх

### Дар таври Хоҷа

Субҳ чун роят ба фарқи хусрави ховар кашид,  
Бода хуш бошад зи чоми хусравонӣ даркашид.  
Гӯ кулаҳ қач неҳ ба мастӣ, ҳарки дар вақти сабӯх,  
Лоласон дар чоми ёкутӣ майи аҳмар кашид.  
Зебадаш дар боғ раъноӣ намудан, ҳар ки ӯ  
Чун гули раъно маи гулгун зи чоми зар кашид.  
То баҳори дигараш бас ҳар ки як субҳи баҳор,  
Чоми гулранг аз кафи соқии насринбар кашид.  
Дар шабистони фалак афтода ҳамчун соя бош,  
3-он ки тарки сар кунад чун шамъ, он к-ӯ сар кашид.  
Сар фурӯ н-орад ки нушад оби Хизр аз Чоми Чам,  
Дурднуше, к-аз сафоли майкада соғар кашид.  
Сар ба зери санг ҷуст, он к-ӯ мурассаъ кард тоҷ,

Ё зи баҳри сарфарозӣ миннати афсар кашид.  
Даст дар домони пири дайр натвонам расонд,  
З-он ки зайли рифъат аз нӯҳ чарх болотар кашид.  
Шуд сӯи дайри муғон, Фонӣ зи кунҷи хонақаҳ,  
Рахт аз ин олам ба сӯи олами дигар кашид.

### **Татаббӯи мир**

Ба сайр гармравонӣ, ки пок пайванданд,  
Чу меҳр соя бар ин хокдон бияфканданд.  
Агарчи чархравӣ карда чамъ бизгаштанд,  
Валек нуру сафо бар замин пароканданд.  
Ба гирдашон нарасиданд аз гаронборӣ,  
Љавону пир, ки дар банди молу фарзанданд.  
Агарчи ақлу бузругист лофашон лекин,  
На оқиланд, ки тифлони нохирадманданд.  
Чу тифл бехирадӣ гар нагашт шеваашон,  
Чи бо сароча бозича гашта хурсанданд.  
Агар на тифланд, аз айши маънавӣ зи чӣ рӯй  
Кунанд гиряву аз коми зоҳири ханданд?  
Муваффақ онон, ки аз тариқи тифлиашон  
Гусаста, тобеъи пирони пок пайванданд.  
Равандагон, ки надоранд роҳбари пире  
Ба қатъи ин раҳи пурхавф, тифл монанданд.  
Туро, чу роҳнамой набошад эй Фонӣ,  
Қадам ба раҳзанӣ аҳли тариқ напсанданд.

### **Татаббӯи Хоча**

Сирри ваҳдат, ки дар ӯ хилватиён хайронанд,  
Гар зи риндони харобот бипурсӣ, донанд.  
Дафтари хиркаи мо вачҳи хуморӣ на бас аст,  
Гарчи бар ҳар тарафи майкада мегардонанд.  
Бо ҳама беҳабарӣ дурдкашони маи ишқ,  
Рози гардун зи хати даври қадаҳ мехонанд.  
Булачаб муғбачагонанд, ки дар дайри муғон,  
Нақди ҳар дин зи паи чуръаи май настонанд..  
Оқизанд аҳли назар, з-онки ба чавр аз руҳи ёр,  
Чашм гӯянд, ки пӯшем, вале натвонанд.  
Талаби ганҷи саодат зи дили онҳо кун,  
Ки дар ин дашт зи селоби фано вайронанд.  
Дар дилат ишқ зи ақл аст ҳадиси Фонӣ,  
Нест монанди ту девонаи оқилмонанд.

### **Татаббӯи Хоча**

Ҳар ки дар кӯи муғон рафт, гирифтор бимонд,  
Пой дар лои маяш бар дари хаммор бимонд.  
Омаданд аҳли тамошо зи сӯи муғбачагон,  
Беҳабар гуфт, ки зуд ояму бисёр бимонд.



Заҳми ушшоқ ҳама рӯй баровард зи васл,  
Дили мо буд, ки дар дайри муғон зор бимонд.  
Аз хумор ар сару тан барҳанаам, айб макун,  
3-онки дар майкада не хирқа, на дастор бимонд.  
Бути ман рафт, вале дар дили ман нақш бубин,  
Ки дар ин буткада чун сурати девор бимонд.  
Шояд ар дафъи таҳайюр кунадаш даври қадах,  
Ҳар ки дар ҳайрати ин гунбади даввор бимонд.  
Роқими ҳайати нӯҳ доираи миной,  
Чӣ тилсимот, ки дар гардиши паргор бимонд?!  
Хост Фонӣ, ки ба васли ту нависад варақе,  
Рӯй бинмудӣ, дасту дилаш аз кор бимонд.

### **Татаббӯи Хоҷа**

Бод аз турраи дилдор ба ҳар тор чӣ кард?  
Зери ҳар тор ба дилҳои гирифтор чӣ кард?  
Сураташ кард чу ораста машшотаи сунъ,  
Ваҳ, ки дар гунаи он оразу рухсор чӣ кард!?  
Бо ҳама сангдилӣ раҳм кунӣ, гар донӣ,  
Ки шаби ҳаҷри ту бо рӯзи мани зор чӣ кард?  
Рухбахшаст лабат хозини ҳикмат, ё Раб,  
Дурчи дур ҷавҳари он лаъли шакарбор чӣ кард?  
Аксе аз ламъаи лаъли лаби Ширин чу ба кӯҳ,  
Партав афканд, ба Фарҳоди чигархор чӣ кард?  
Манъ аз он зулф макун шайх, ки дар гардани ҷон,  
Пири дайрам ба чуз он ҳалқаи зуннор чӣ кард?  
Ақл дар вазъи фалак пай набарад, бин, ки ҳаким  
Ҳалли ин нукта ба андешаи бисёр чӣ кард?  
Ҳама завқ асту сафо, таъбия меъмори қазо,  
Ваҳ, ки дар чор ҳади кулбаи хаммор чӣ кард?  
Фонӣ омад ба сӯи майкада чун аҳли салоҳ,  
Гар нашуд раҳн ба май, хирқаву дастор чӣ кард?

### **Татаббӯи Мир**

Бӯи шароби ишқи ту беҳушӣ оварад,  
Рангаш зи ранги ақл фаромӯшӣ оварад.  
Бошад такаллуми ту забонбанди аҳли ишқ,  
К-аш истимоъ мояи хомушӣ оварад.  
Лаълаш аҷаб маест, ки кайфияташ ба дил  
Беҳолие физояду мадҳушӣ оварад.  
Пири муғон, ки файзи кафаш мустадом бод,  
Ҳарчанд соғари карамаш нӯшӣ оварад.  
Шӯхе, ки вақти қатл қаландарвашӣ намуд,  
Вой он замон, ки расми қабопӯшӣ оварад.  
Чун ҳар сафоли майкада ҷоми ҷаҳоннамошт,  
Ҷамшед аз он-ш рӯй ба ҷовушӣ оварад.

Фонї чу дид ганчи бақо дар фано, чї айб  
Гар рўй дар тариқи фанокўши оварад.

### **Татаббўи Хоча**

Хуш он, ки сокии шўхаш рафику мунис шуд,  
Ба хилват, ки дар ў бода шамъи мачлис шуд.  
Гадои майкада аз ҳиммати баланд ғанист,  
Зи шуғли муғбачаву бода гарчи муфлис шуд.  
Дилам зи шавқи лаби лаълу чашми масти касе  
Ба бог волаи гулбаргу зори наргис шуд.  
Ба чоки пираҳан он шўхи масти лояъқил,  
Ба сад хаёли аҷаб ақро мувасвис шуд.  
Ба сўи мадрасаву хонақоҳ маст гузашт,  
Ҳалоки шайх намуд, офати мударрис шуд.  
Чї лаъбҳои аҷаб то намудї аз ғамза,  
Ки пири ақл чу тифл он тараф муҳаввис шуд.  
Ба кўи майкада то бешуур шуд Фонї,  
На раҳнамо-ш хирад не, мумидди ў ҳис шуд.

### **Татаббўи Хоча**

Маро дил аз хароботи муғон берун нахоҳад шуд,  
Чї сўи хонақоҳаш раҳнамоям, чун нахоҳад шуд.  
Ба тавфи гулшану гул ринди ошиқро кучо чўй,  
Ки чуз бо рўи гулрангу маи гулгун нахоҳад шуд.  
Ба саҳрои чунун ҳар к-ў қадам зад, чун маро бинад  
Паи таълими савдо, қониби Мачнун нахоҳад шуд.  
Зи қоми васлаш аз як қатра бўе нахоҳам ёфт,  
Дилам то дар ҳавояш қатра-қатра хун нахоҳад шуд.  
Таҳи ҳар васлае аз хирқаам гар як дирам бошад,  
Ба чуз вачҳи шаробу шоҳиди мавзун нахоҳад шуд.  
Чї сўи кўҳна авроқи улум орам назар з-он рў,  
Ки молият надорад, бодаро марҳум нахоҳад шуд.  
Ман он ринди хароботам, ки пеши ҳимматам дар дайр  
Иваз як чуръа майро ганчи Афредун нахоҳад шуд.  
Чу пири дайрро шаън аз нўҳум гардун баланд омад,  
Зи қабзу басти гардун шод ё маҳзун нахоҳад шуд.  
Бари комил қаҳону аҳли ўро вазни хас набвад,  
Ғамину хушдил аз аҳволи дун чуз дун нахоҳад шуд  
Чунон ранчур кардї аз балои ҳаҷр Фони́ро,  
Ки чуз васли ту аз умри абад мамнун нахоҳад шуд.

### **Татаббўи Хоча**

Биё, ки лашкари дай хайли сабза ғорат кард,  
Ба сўи бода зи ях шушаҳо ишорат кард.  
Зи бода чўй ҳарорат, ки рафт он к-оташ  
Ба гармрўии худ даъвии ҳарорат кард.  
Барем дафтари саччода баҳри май сўи дайр,

«Ки суд кард ҳар он кас, ки ин тичорат кард».  
Хуш он касе, ки дар ин фасл тавба гар бишкаст,  
Гуноҳи худ ба шикасти худӣ кафорат кард.  
Шароб гашт ба мо боиси харобиҳо,  
Худош хайр диҳад, арчи пуршарорат кард.  
Ҳавои майкада ишратфизост, бодафурӯш  
Магар ба оби май ин хонаро иморат кард?  
Зи лавси зухди риёӣ муошире шуд пок,  
Ки баҳри сачда ба ибриқи май таҳорат кард.  
Чи сар ба кӯху биёбон ниҳӣ, диле дарёб,  
Ки ёфт Ҳаччи қабул он, ки ин зиёрат кард.  
Зи лафз бигзару маънӣ талаб кун, эй Фонӣ,  
Ки аҳли маънӣ ибо з-офати иборат кард.

### **Татаббӯи Хоча**

Хуш он касе ки ба дайри муғон гузар дорад,  
Ниҳон ба муғбачаи моҳваш назар дорад.  
Дили ҳазини маро, носеҳо, макун мучрим,  
Ба айби ишқ, ки ӯ худ ҳамин ҳунар дорад.  
Масоз нисбати Кавсар ба бодаи лаби ёр,  
Ки ин ҳаловату кайфияти дигар дорад.  
Ба кӯи ӯ чигаролуда ашки ман ҳар дам,  
Ки сад балост равад з-он, к-ӯ чигар дорад.  
Сипеҳру анҷум аз оҳи ман аст, к-оташи ишқ,  
Басе аз ин сон ҳам дуду ҳам шарар дорад.  
Тавон ба пои фано роҳи ишқ шуд, к-ин дашт  
Ба чои хор ҳама раста нештар дорад.  
Сарам фитода ба дайри муғон, ки муғбачае  
Магар ба як қадаҳ ӯро зи хок бардорад.  
Дилам, ки сӯхт чунин, з-он лаби майолудааст,  
Чаро ки бодаи ишқ инчунин асар дорад?  
Ба ҳуш васл маҷӯ, Фониё, чаро ки зи дӯст,  
Хабар надорад он, к-ӯ зи худ хабар дорад.

### **Татаббӯи Хоча**

Душ дар майхона чонон ҳамдами ушшоқ буд,  
То саҳар ғавғои риндонро ба чон муштоқ буд.  
Зӯҳраро оварда буд овози сармастон ба рақс,  
К-он садо андар хами ин гунбади нӯхтоқ буд.  
Гарчи з-ӯ сад ноз аз мо буд сад чандон ниёз,  
Дар тариқи хусну ишқ аз рӯи истехқоқ буд.  
Аз сафою нури маҷлис гар ниҳон буд офтоб,  
Беҳтар аз вай ламъаи чоми маи барроқ буд.  
Мастии риндон зи май ҳам буд, лекин бештар  
Аз навозишҳои он моҳи накӯахлоқ буд.  
З-аҳли он ҳангома ман беҳуштар будам аз он-к,

Бо манаш аз чумла риндон бештар ашфоқ буд.  
Андар он шаб ҳар киро як чуръа з-он май шуд насиб,  
То қиёмат дар чаҳон ринди алал-итлоқ буд.  
Маст шав, гар махласат бояд, ки ҳаргиз вонараст,  
Аз ҷафои аҳли офоқ, он ки дар офоқ буд.  
Фонӣ, андар сайри атвори тариқат ҳар чи дид,  
Буд неку, лекинаш зухду риёӣ шоқ буд.

### **Дар таври Шайх Камол<sup>10</sup>**

Муламмаъ хирқаам аз васлаҳои бодаполо шуд,  
Бад-он ҳайат, ки гӯё доғҳои бода ҳар чо шуд.  
В-аз онҳо пораи дигар ба сони ҷомаи Қабба,  
Бубин, к-аш, дӯхта бар рӯи меҳроби Мусалло шуд.  
Чи олий рутба шуд дайри муғон, к-аз боми ӯ масте,  
Агар як поя боло част, бар боми Масеҳо шуд.  
Маро з-он муғбача зоҳид, ки тарки ишқ фармудӣ  
Чу дидаш, субҳаву саччода зуннору чалипо шуд.  
Ҷавоне дил зи дастам бурду ишқаш май ба дастам дод,  
Маро пиронасар асбоби расвой муҳайё шуд.  
Ба оини салоҳу тақвиям орост шайх оваҳ,  
Ҳама бар бод рафт, аз дур чун он шӯх пайдо шуд.  
Чи пурсӣ дар хароботам, ки нақди сабру ҳушат, к-ӯ  
Ҳам аввал рӯз з-ошӯби маю шоҳид ба яғмо шуд.  
Маро дар хонақоҳ зухду хирад бас тира медорад,  
Хуш он ринде, ки дар дайри муғон сармасту шайдо шуд.  
бўлса, таклифга эҳтиёж йўқ, бир ишорат қилса бас.  
Пулни яхши дўстлар билан харж қилишинг яхшидир,  
лекин у пул газак ва майдан бошқасига харж бўлмасин.  
Менинг сохта қалбим ёр итларига харж бўлди,

мен зор дилни қўлдан бериб қўйдим, энди нимани харж қиламан?  
Дўстлар, биз яланғочлар бошимизни тупроққа қўйиб ётамиз,  
чунки тўн билан жойнамозимиз майга харж бўлиб кетган.  
Шайх ўта аҳмоқ бўлгани учун вақфдан олган пулини  
майга харжламай, кавуш, салла ва ҳасса сотиб олди; пул  
харжлашда бетамиз экан.

Эй муғбача, риндлар фақир бўлсалар ҳам, бир қадам ранжида қил,  
улар дин ва дил нақдини харж қилишга тайёрдурлар.  
Пул бандаси бўлган кишилар учун бир танга жон билан баравардир,  
саховатли кишилар олдида харж қилиш учун  
Қоруннинг хазинаси бир арпача эмас.

Эй Фоний, ёр меҳмон бўлгач, унга жон гавҳари харж  
бўлди, тажрибали дарвеш қўлида борини сарф қилади.

Кимнинг дил мулкини ғам аскари бузган бўлса,  
уни қайтадан бунёд қилиш учун майдан бошқа илож йўқ.  
Гўзаллар ишқидан бўлган телбалигим расволигимга сабаб бўлди,  
май қани, унга бўлган эҳтиёжимнинг ҳаммаси муҳайёдир.  
Ишқ кўйига тушган подшоҳ билан гадо орасида фарқ бор,  
ўз ёри олдида униси бошини фидо этади, буниси эса тожини.

Шамол турганда дарё юзида тўлқин кўзгалгани  
каби дилингдаги хавотирлар бузуқ фикрингдандир.  
Бир жом лаъл ранг май эвазига дил мулки нима деган гап,  
у май шундай жавҳардирки, унинг баҳоси мамлакат хирожидир.  
Эй зоҳид, майхонага кел, сенинг девоналигинг  
ва менинг мизожимнинг заифлиги учун май даво бўлади.  
Фоний муҳтож, сен ҳуснга бойсан,  
жамолинг закотини унга бер, муҳтожликдан халос бўлсин.

Мувофиқ эсган ел дарё юзини тўлқинлантиргани сингарн  
тонг ели май тоғарсининг юзинн мавжлантирди.

Агар бода ичига май қадахини ташласанг  
худди дарё тўлқинида сузаётган кемага ўхшайди.  
Ҳарифларни ҳийла билан ҳалок қилиш учун раз қизи  
ҳар томонда лоларанг тошдан мавж солди.

Ёнида ғайр (бегона, бошқа) бўлган кеча рашкдан ўлдим,  
чунки савдо денгизига тўлқин солган эдим.

Ияги остидаги чуқурчаси қоши ёйидан кўра кўпроқ  
ўлдиради, чунки гирдоб билан тўлқин орасида кўп фарқ бор.  
Бода денгизидан карам мавжи чиқарса керак, негаки  
фарқ бўлган кишини қирғоққа мавж чиқара олади, халос.  
Фано денгизига қара, лужжада тўлқинлар  
солган хатдан Фонийнинг шарҳи ҳолини ўқи.

Тонг куши саҳарда нега нола қилишини биласанми?  
У тонгда май ичувчи улфатларга тонг пайғомини етказди.  
Яъни чаман шўхлари — лолаю наргис,



тонг жомидан ёкут зар шаробини олганлар.  
Сен ҳам гулранг бодани қуёшдек жомда ич,  
чунки тонгнинг гулранг юзи қуёш булоғида ювинди.  
Тонг комидан дамбадам ғунчадек заъфарон чиқади,  
қандай қилиб у ғунчадек кулмасин.  
Тонг ҳам эрталаб май ичди, шунинг учун ёқаси чоқ бўлди,  
бўлмаса нега унинг андоми чоқ бўлган ёқага ўхшади?  
Тонг байроқлари тоғлар устида кўринди,  
энди чамандан майхона томонга отланиш вақти келди.  
Бир саҳар ул гул мен билан шароб ичди, ўшандан бери,  
кимки тонг номини тутса гулдек кўйлагимни йиртаман.  
Бир саҳар шомгача ҳарифлар билан масту хароб бўл,  
чунки тонгнинг анжомини оқибат шомга тортилади.  
Фоний тонг ибодатидан вақт сафосини топмади,  
шунинг учун тонгда майни кўлидан кўймагани яхшироқдир.

Муғлар дайрида ширин тил бир муғбача борки,  
унинг нафасидан юзлаб Исога ўхшашлар қайтадан жон топадилар.  
Эй майфуруш, икки жом май учун жойнамозимни гаров кўйдим,  
энди яна бир жом бер, тасбеҳ ҳам жойнамоз ёнига борсин.  
Оби ҳаётдан кишининг умри узайса ҳам, хурсандлиги  
кўпаймайди, май бўлса-чи, иккиси ҳам бўлади; шундай экан, май оби  
ҳаётдан яхшироқдир.  
Боғбон айтди: «Менинг сарвим сенинг гулруҳинг қоматига ўхшайди»,  
унинг шундай ўхшатиши рост бўлса ҳам, (лекин) сўзи ғирт ёлғон эди.  
Шайхни майхонадан маст ҳолида бозорга олиб бордилар,  
тоат-ибодат даъвоси унинг шунча шарманда бўлишига сабаб бўлди.  
Агар асалга туз қўшилса, (расво бўлади),  
лекин у нозаниннинг малоҳатли (тузли) ширин лаби ниҳоятда лаззатли.  
Кўйингда сайр қилиш Фонийнинг саломатлигига сабаб бўлди,  
«Сафар саломатлик боиси» деган ҳадис тўғридир.

Меннинг ҳаётим майдан ҳубобдек равшан, шунинг  
учун сўнги нафасимгача қадахдан бош кўтармайман.  
Мен майга ғарқ бўлдим, мастлик билан қадахдан  
бошимни кўтарсам, шамолда кўпикдек учиб кетаман.  
Ёкут кўнгилни очса ҳам, димоғни қуритади,  
менинг руҳимга озук бўладиган лаъл май тўла қадахдан бўлсин.  
Соқий қадахни лабига тегизиб, менга берганда, агар у  
май лиммо-лим дарё бўлса ҳам, бир қатрасини қолдирмай ичаман.  
Мен ошиқлигимда беихтиёрман май ичганимдек,  
май ичганимда беихтиёр ошиқ бўламан.  
Майхўр шўх гўзалим қадахда бир култум май узатса,  
менга Кавсар зулоли-ю, оби ҳаёт керак эмас.  
Муғбачани кўриш ҳавасида Фоний каби  
муғлар кўйида девоналардек қадах кўтараман.

У чаманга сабо шамоли эркин боролмайди-ю,  
қандай қилиб мен гадо сенинг кўйингга боришга журъат этай.  
У ёш маҳбуб шўхлик билан жонимга қасд қилади,  
ёш маҳбубни эркалатишнинг жазоси шу-да.  
Майхонанинг ҳар қадамида риндларнинг боши тупроққа тенг бўляпти,  
такводорлик билан у жойга қандай қилиб беодобларча қадам кўйиб бўлади?  
У шундай бир улуғ зот шоҳки, ҳатто, уни дуо қилишнинг ўзи  
одобсизликдир,  
(бас) мен қандай қилиб унинг зулмидан шикоят қила оламан?  
Шундай харобот риндининг қулидирманки, зоҳид  
беадаблик  
билан майхўрлигини таъна қилмоқчи бўлган эди, лол қилди уни.  
Фақр аҳлиға риё аҳллари беадабларча сўзласалар,  
охири ҳаммаси расво бўлади.  
Эй Фоний, агар фано аҳлларининг йўлида тупроқ бўлсанг,  
фано йўлига эркинлик билан қадам кўя оласан.

У оқбадан шўх, шу қадар гўзалки,  
гўзаллар орасида унингдек бошқа бир  
шўх йўк, қандай қилиб ҳушим ўчмасинки,  
икки маст кўзинг бир-биридан шўхдир.  
Шу қадар шўхсанки, ҳар қандай шўх сени  
олдингда вазминлик қилиб туради, у шўх,  
шўхликдан асло чарчамагани учун қалб у  
золимнинг жафоларидан инжимаиди.  
У кўркам фарзанд жуда шўх бўлгани учун оталарча  
насихатдан таскин топмайди, ҳар қандай вазиятда  
ҳам паричеҳралар, оғиртабиатли  
лекин вазмин бўлсалар, мени девона қиладилар.  
Эй Фоний, агар гўзал бола шўх бўлса, қариялар  
жонига ҳалокат келтиради.

Лола ранг май аччиқ бўлса-да,  
лекин ҳажр майи ундан кўра аччиқроқдир.  
Бу иккови аччиқдир, лекин ёрнинг бошқалар билан  
май ичиши ундан ҳам аччиқроқдир.  
Умрим хижрондан шундай аччиқки,  
агар урсанг, захмдан олдин аччиқ қон тўкилади.  
Букилган фалак жомдан аччиқ май кўйгани учун  
май ичган чоғимда оғзим ачийди.  
Ҳажр шарбатини аччиқ ҳолда кўрганингдан сўнг,  
«Айшу ишратинг пиёласи нега аччиқ бўлди?» дема.  
Агар айшим аччиқ бўлса, айб эмас,  
чунки вафо аҳлининг айшини осмон аччиқ қилади.  
Фоний ҳаётида аччиқлик йўк эди,  
ёри ташлаб кетгач, энди аниқ билки, айши талх бўлди.

Тонг шарқ подшоҳи (қуёш) бошига байроғини тиккач,  
шоҳона жомда май ичмоқ яхшидир.

Тонг пайтида лола каби ёқут жомда қизил май ичган  
кишига айтки, мастликда кулоҳини бошига эгри қўндирсин.

Раъно гул сингари зар жомдан гулранг май ичган одамга  
боғда раънолик қилмоқ ярашади.

Кимки бир баҳор тонгида гул ранг жомни насрин гули каби оқ  
бадан соқийнинг қўлидан ичса, иккинчи баҳоргача шу кифоядир.

Фалак шабистонида ерга тушган соя каби бўл,  
кимки шамъ сингари бош кўтарса, бошидан айрилади.

Майхона сафол пиёласидан май-дурдини ичган киши  
Жамшид жомидан Хизр суви ичган кишига бош эгмайди.

Кимки бошига зийнатли тож кийса, бошини тош остида қолдирди,  
ёки юксак мартаба учун бошини тож миннати остига қолдирди.

Дайр пири этагидан тутишга қўлим қисқалик қилади,  
чунки унинг этагининг баландлиги тўққиз осмондан ҳам юқоридир.

Фоний хонақоҳ кунжидан муғлар дайри томон йўл олди,  
гўё бу оламдан бошқа бир олам томон кўчди.

Сайру сулукка маҳкам боғланганлар қуёш каби  
хас-хашакли ерларга ҳам соя ташлайдилар,  
чарх каби юксак мақомлардан ўтган бўлсалар ҳам,  
лекин нуру сафоларини заминга сочганлар.

Молу фарзандларга боғланиб қолганлар юклари  
оғирлигидан уларнинг атрофига яқинлашолмадилар,  
ақл ва улуғликдан лоф урсалар ҳам улар оқил эмас, ақлсиз болалардир.  
Агар рафторлари боладек беақллик бўлмаганида эди, дунё билан ўйнаб  
хурсанд бўлмас эдилар, агар боладек бўлмасалар нега маънавий айшдан  
йиғлаб,

зоҳирий истаклар учун куладилар?

Болалик йўллари ва шаънидан узилиб, покиза пирларга  
эргашганлар муваффақиятга эришганлардир,  
бу хавфли йўлдан борувчилар бир раҳбар пирлари  
бўлмаса, боладек тўхтаб қоладилар.

Эй Фоний, тариқат аҳлининг йўлига қадам қўйишда  
раҳбар (пир)нинг бўлмаса, сени писанд этмайдилар.

Ваҳдат сиррини хилватдагилар билолмай хайрон, агар харобот аҳлидан  
сўрасанг биладилар. Дафтари хиркамизни майкаданинг ҳар томонидан  
айлантисалар ҳам, хумморлигимизни босолмайдилар.

Ишқ қуйқасини ичувчилар барча нарсалардан беҳабар  
бўлсалар ҳам, қадаҳ атрофидаги хатдан дунё сирини ўқийдилар.

Майхонадаги муғбачалар ажабтовурдурким, ҳар бир  
култум майдан сўнг диннинг бирор нақдини талаб қилмайдилар.

Ёр рухидан жабр етаётганда, аҳли назар ожиз қоладилар,  
кўз юммоқ бўладилар, аммо юмолмайдилар. Бу даштда фано

селидан вайрон бўлган қалблардан саодат хазинасини талаб қил.

Эй Фоний, қалбингда ишқ, бироқ ақл билан сўзлайсанки,  
сенга ўхшаган оқилмонанд бошқа бир девона йўқ.

Кимки муғлар кўчасига борса гирифтор бўлиб, хаммор  
(ичкилик ясовчи)нинг эшигида май лойига ботиб қолди.  
Муғбачаларни томоша қилувчилар улар томонга борар  
эканлар, билмасдан тезда қайтамиз дедилару узок қолиб кетдилар.  
Васлдан ошиқлар жароҳати битди, бизнинг қалбимиз  
майхонада зор қолиб кетди. Хумордан бош-оёғим яланғоч бўлса ҳам айб  
қилма,

чунки майхонада на дастор, на хирқа қолди.

Бутим кетди, бутхона деворидаги сурат каби қалбимда  
унинг нақши қолди.

Кимки айланувчи фалакдан ҳайратга тушса, балки,  
қадахнинг айланиши унинг ҳайратини дафъ қилар,  
Қандай тилсимки, хаворанг тўққиз фалак доирасин  
чизувчи паргор айланишида қолиб кетди.

Фоний, васлинг истаб варақда шеър ёзишга уринган эди,  
юзингни кўрсатгач, қўли, юраги ишдан қолди.

Шамол ёр зулфининг ҳар торида нима ишлар кўрсатди,  
ҳар тори тагида гирифтор дилларга нималар қилди.

Сунъ машшотаси суратини безаган чоғда, юзи рангини  
безаш учун кўрсатган ҳунари ажойибдир.

Ҳажринг кечаси бошимга қандай кунлар солганини билсанг эди,  
қанчалик тошқўнгил бўлсанг-да, (менга) раҳм қилар эдинг.

Лаъл лабинг руҳ бағишловчидир, ё Раб, ҳикмат хазиначиси,  
лаъл шакарборинг жавҳарига нима қўшган экан?

Шириннинг лаъл лаби жилосидан тоққа бир шуъла тушганда,  
жигар қонини ютувчи Фарҳодни қандай аҳволга солди.

Эй шайх, у зулфдан менинг кўнглимни совутма,  
дайр пири у зуннор ҳалқасини жон гарданига тақишдан бошқа нима қилди?

Ақл фалак сирларини билишдан ожиздир, бу  
муаммони ҳал этишда ҳақим кўп ўйлаб нима қила олди?

Қазо бинокори майфуруш кулбасининг тўрт томонини  
бутун завқу сафо билан безаб нима қилди?

Фоний майхона томон йўл олди, салоҳ аҳллари тўни  
билан салласини майга гаров қўймасалар, дунёга келиб нима қиладилар?

Ишқинг шаробининг иси беҳушлик келтиради,  
ранги ақл бойлигидан фаромушлик келтиради.

Сенинг сўзинг ишқ аҳлининг тилини боғловчидир,  
сўзингни эшитиш хомушлик сармоясини келтиради.

Лаъл лаби ажойиб бир майдирки, унинг кайфияти  
дилда ҳолсизланишни орттириб, беҳушлик келтиради.

Муғлар пирининг қўли очиклиги ва файзи доимий бўлсинким,

унинг карам пиёласи қанча бўлса ичила беради.  
Бир шўҳки, ўлдириш чоғида қаландарнамолик кўрсатди,  
вой у замонки, қабопўшлик расмини кўрсатса.  
Майхонанинг ҳар бир сафол пиёласи — жоми жаҳоннамодир,  
шунинг учун Жамшид уни истаб келади.  
Фоний бақо хазинасини фанода кўргач,  
фано йўлига юзланса, нима айб?

Бир хилватда гўзал соқий ҳамдами-ю май мажлисининг  
шамъи бўлган киши қандай ҳузур-ҳаловатда-я!  
Майхона гадоси маю муғбача билан шуғулланишда  
фақир бўлса-да, баланд ҳиммати билан бадавлатдир.  
Дилим бировнинг лаъл лаби ва маст кўзи шавқи  
билан боғда гул баргига ошиқу наргисга зор бўлди.  
У шўҳнинг ўта мастликда кўйлаги ёқасининг очиклиги  
юз ажойиб хаёл билан ақлларга васваса солди.  
У нозаниннинг мадраса ва хонақоҳ томонга мастона  
бориши, шайхни ҳалокатга етказди ва мударрисга офат бўлди.  
Ғамзанг билан шундай ажойиб ўйинлар кўрсатдингки, кекса ақл у  
ўйинлар олдида болаларга ўхшаб, у тарафга ҳавас билан қаради.  
Фоний, майхона кўчасида шундай беҳуш бўлиб йиқилдики,  
унга на ақл йўл кўрсатди ва на сезги ёрдам берди.

Дилим муғлар хароботидан ташқари чиқиши мумкин эмас,  
қандай қилиб хонақоҳга йўл кўрсатаман, чунки мумкин эмас.  
Ошиқ риндни гулшан ва гул атрофидан нимага излайсан?  
Чунки у гулранг юзу гулгун майдан бошқанинг теварагида бўлмайди.  
Кимки жунун саҳросига қадам қўйиб, у ерда мени кўриб қолса,  
телбалик таълимини олиш учун Мажнун томонга бормайди.  
Дилим у ернинг ҳавасида қатра-қатра қон бўлмагунча,  
васл жомидан бир қатрасининг исини ҳам топа олмайди.  
Ямоқ тўнимнинг ҳар бир ямоғи остида бир тангадан бўлса,  
шаробу гўзал маъшуқадан бошқага сарф бўлмайди.  
Илмларнинг кўҳна варақларига шунинг учун қарамайманки,  
улар қимматга эга бўлмагани учун гаровга қўйиб бўлмайди.  
Мен хароботнинг шундай риндики, дайрдаги ҳимматим олдида,  
бир қултум майни Фаридун хазинасига алишишга кўз қиймайди.  
Дайр пирининг шаъну шарафи тўққиз осмондан юқори бўлгач,  
у ерда осмон зулмидан хафалигу эркин кўйишидан хурсандлик бўлмайди.  
Камолотга етган киши қошида жаҳону жаҳон аҳлининг оғирлиги хасча ҳам  
эмас,  
паст кишилар аҳволидан паст одамларгина ғамгин ва хушҳол бўладилар.  
Ҳижрон балоси билан Фонийни шундай хафа қилдингки,  
васлингдан бошқа мангу умр берса ҳам, мамнун бўлмайди.  
Келгинки, киш лашқари сабза хайлини ғорат қилди,  
муз қандиллари бода томонга ишорат қилди.

Ҳароратни бодадан иста, чунки олов  
ҳарорат даъвосини қилган замонлар ўтиб кетди.  
Дафтар ва жойнамошни дайрда май учун берамиз,  
ким бу савдони қилса, у фойда топади.  
Бу фаслда тавбасини бузиб, унинг эвазига  
ўзлигини синдирса унинг ҳоли хушдир.  
Шароб бизнинг кўп хароблигимизга сабаб бўлди,  
агарчи кўп шарорат қилса-да, Худо унга хайр берсин.  
Майхонанинг ҳавоси ишартфизодир, бодафуруш  
бу уйни май суви билан қурган, шекилли.  
Намоз учун май суви идиши билан таҳорат қилган  
муошир, риёи зуҳднинг ифлослигидан пок бўлди.  
Неча тоғу биёбонларда ҳаж учун бош урасан, бировнинг  
кўнглини ол, бу зиёрат қилганнинг ҳажи қабул бўлади.  
Эй, Фоний, лафздан кечгин-у, маънони талаб қил,  
чунки маъно аҳли иборат офатидан қочадилар.

Муғлар дайрига йўли тушиб, оҳистагина, яширинча ой  
юзли муғбачани томоша қиладиган кишилар бахтиёрлар.  
Эй насихатгўй, ғамгин дилимни ишқда айблама,  
чунки у бечора дилимнинг шундан бўлак ҳунари йўқдир.  
Ёр лабига кавсарни таққослама,  
чунки бунинг ўзгача ширинлиги ва кайфи бордир.  
Унинг кўйига жигар қони билан бўялган кўз ёшим  
юз бало бўлса ҳам боради, чунки довюрак қаҳрамондир.  
Юлдуз ва осмон менинг оҳимдан ясалган,  
чунки ишқ ўтининг кўп тутуни ва учқуни бор.  
Фано оёғи билан ишқ йўлини кезиб бўлади,  
чунки бу даштнинг тикан ўрнига ўсиб чиққан ништари бор.  
Бошим муғлар майхонасига тушган, бир қадах май билан  
уни тупроқдан кўтарадиган бир муғбача бормикин?  
Дилимнинг шу хилда куйиши у майга беланган лаб сабаблидир,  
чунки ишқ майининг шундай таъсири бор.  
Эй Фоний, ҳушинг ўзингда бўлса, васл излама,  
чунки, ўзидан хабари бор кишининг дўстидан хабари бўлмайд.

Кеча майхонада жонон ошиқларга ҳамдам эди,  
тонггача риндлар ғавғосига жондан муштоқ эди.  
Мастлар овози Зухрани рақсга туширди,  
чунки бу садо тўққиз фалакнинг қаватигача етган эди.  
Гарчи ундан юз нозу биздан юзлар ниёз бўлса-да,  
ҳусну ишқ тариқида бу ҳол истиҳқоқ юзасидан эди.  
Мажлиснинг нури ва сафосидан қуёш ниҳон бўлса-да,  
ёрқин май жомининг нури ундан яхшироқ эди.  
Риндларнинг мастлиги майдан ҳам эди, аммо ундан кўпроқ,  
ул яхши хўйлик ойнанинг навозишларидан эди.

Ўша ҳангома аҳли орасида мен ҳаммадан беҳушроқ  
эдим, чунки риндлар орасидан менга кўпроқ меҳрибон эди.  
Ул кеча кимга ул майдан бир қултум насиб бўлди,  
қиёматгача унга ринд оти қўйилди.

Агар қутулишни истасанг маст бўл, чунки дунёдагилар  
дунё аҳли жафосидан ҳеч қачон қутула олмайдилар.  
Фоний, тариқатда қандай атвор ва одатни кўрса  
ҳаммаси яхши эди, фақат зухду риё ёмон ва қийин эди.

Менинг май сузгич ямоқларидан ямалган тўним  
ҳар ерига май доғлари текканга ўхшаб кўринадиган бўлди.

Қара, ўша май сузгичдан бир парчаси худди Каъба  
либоси сингари меҳроб жойнамозига тикилди.

Муғлар дайри қандай олий мартабага эришганки,  
бирор маст унинг томидан юқорига бир поғона сакраса,  
тўртинчи осмондаги Исо томига чиқади.

Мени у муғбачанинг ишқини тарк этишга буюрган зоҳиднинг  
ўзи уни кўргач, тасбеҳу жойнамозини зуннор билан салибга алмаштирди.

Бир ёш дилимни олди-ю, ишқи қўлимга май берди,  
кекса бошимда расвогарчилик асбоби тайёр бўлди.

Шайх мени тузук ва тақводор киши суратида безаган эди,  
афсуски, узокдан у нозанин шўх пайдо бўлгач, ҳаммаси барбод бўлди.

Харобот ичида турибман, сабру ҳушинг қани деб, нимага  
сўрайсан? Уларнинг ҳаммаси маю маъшукнинг фитна ғавғосида  
аввалги кун талон-торож бўлиб кетган.

Хонақоҳда зухду ақл таъбимни тирриқ қилади,  
муғлар дайрида маст ва шайдо бўлган риндга қандай яхши.

Эй дил, муҳаббат водийси чексиз кенг экан, шунинг учун  
Фоний бу бало даштига қадам қўйгач, аввалгидан ҳам оворароқ бўлди.

Ул қўй тавофидан мақсадим оғзингу юзингдир,  
боғ ғунчасию гулидан кўнглим қачон ёпилиб, қачон очилади.

Ҳақиқат сиррини кўрмоқчи бўлсанг, аввал бода бер,  
токи соғар кўзгусида кўринганини айтиб берай.

Майхона тупроғидан эсган файзли шамолдан  
кўзга нуру, юракка шодлик етади.

Ринд кечаси хонақоҳдан майхонага муфлис бўлиб  
бориб, шайхнинг чопонини май баҳосига тўласа не ажаб.

Булбул, гул ва ғунча билан видолашиш қўшиғини айтганда,  
мен қандай қилиб май баҳорини қўлдан чиқарай.

Агар бутга сажда қилмоқчи бўлсанг, кўнглингни ғайр нақшида юв,  
чунки ботин таҳоратисиз ишқ намозинн ўқиш муносиб эмас.

Эй, Фоний, боқийи мутлақдан ўзгани излама,  
чунки бақоси йўқ нарса кўнгил боғлашга арзимади.

Поклик билан ўз томонига дилни тортувчи у қаландарваш  
гўзал покиза кишиларни дардлик кўчага тартади.

Хусн мастлиги билан у (ёр) сийнасига тортадиган ҳар бир алиф  
гўё тўғрилар дилини сийна чокига тортаётганга ўхшайди.  
Шодлигимнинг сабаби шуки, зора унинг қиличи менга тегса, деган  
умиддаман, чунки (у) қовун тилгандек, кўркмай кишиларга тиф тортади.  
Ишқ табиби айрилик беморининг номини ўқир экан,  
бу айрилик дардидан номимга ҳалокат хатини тортади.  
Давронингдан нимаики келса, шукур қилиш яхшироқ,  
чунки осмон ҳамма зулм ханжарларини шикоят  
қилувчиларнинг дилларига тортади.  
То тириксан, май ич, чунки ўлганингдан кейин  
рўзгор тупроққа жо бўлганларга унутиш қаламини тортади.  
Эй Фоний, фано дунёда ишқибозлик дардини  
поклик билан тортган кишигагина мусаллам бўлади.  
Кимнингки дили сендай жононга мубтало бўлса,  
вужудидаги ҳар туки жон бўлса ҳам, ҳаммасини  
сенга фидо қилади.  
Ул нозик баданни бағримга босишни қандай хаёл қила оламан?  
Чунки сийнамнинг ҳар томонидан пайконлар чиқиб туради.  
Эй мусулмонлар, мени нега масжидга чақирасизлар,  
дайрда бир номусулмон динимга раҳна солган-ку.  
Мен девона ул нозанин парининг рухсорини қачон кўра оламан,  
чунки унинг юзини ақли кулл  
кўришлари билан беҳушу ҳайрон бўладилар.  
Юзимда қонли кўз ёшлар пайдо бўлганини дилида лола  
рухсорлар фироқидан яширин доғи бўлган киши билади.  
Ул дилбардан жудо бўлдим, бетоқатликдан ғамида  
оҳ-фиғониму кўз ёшларим  
ҳар лаҳзада бир тўфон бўлишини билмадим.  
Насиҳатгўй, Фонийни девоналигу ошиқликдан  
қайтармоқчи бўлди,  
унинг шунчалик нодон эканига қандай ишониб бўлади?  
Даврон ёшлик бахтимдан нишона кўрсатмайди,  
муғлар пири кўлидан бир жом тутқазмайди.  
Кимдан жонимга нўшдору сўрасам,  
майхонадан бошқа жойни нишон бермайди.  
Унинг ҳажрида фарёдим бўғзимда қолди,  
фарёдки, фиғон қилишимга йўл бермайди.  
Даврон соқийси тўла жон бермагани учун  
эй, ҳариф, менинг умрим сабукхиром бўлди.  
Менга майхонанинг дорул-омони керак,  
чунки чарх бошқа жонда ғамдан омонлик бермайди.  
Юрагим қонини юз қатра оқизмагунча,  
лабимга бир қатра сув томизмайди.  
Эй, Фоний, гардун мени ҳеч тополмагани учун,



халққа берадиган кому айшни менга бермайди.

Хизр мени майхонага бошлаб келиб,

май оби ҳаётининг сиридан хабардор қилди.

Фалакни қара-я, дурдхўрлар базмига гадолар идиши  
сингари янги ой (хилол)дан бўш пиёла келтирди.

Тонг майини ташувчилар учун жон фидо қилгим келади,  
чунки улар тонг насимидек дўст ҳидини келтирди.

У қандай майхонаки, гадо бошига кийиб олган май куйқали  
сафол косага шоҳлик тожининг ҳавасини келтирди.

Кеча муғбачадан у яхши майни талаб қилиб эдим,  
дилим қонини май каби ичди-да, кейин келтирди.

Кел, агар сен ақлли бўлсанг, хирқани гаровга қўйиб, май ич,  
чунки шайх аблаҳ бўлгани учун дайрга хирқасини келтирди.

Ой юзлимим чодирода май ичганда, зухра юлдузи  
унинг базми учун хиргойи оҳанг тузди.

Зулфинг каманди ошиқларни занжирбанд қилди,  
биз томонга эса бир тугун солиб андак қисқа бўлиб келди.

Эй Фоний, ишқ балоси халқдан қочди,  
лекин унинг юзи бир вайронага йўл олди.

У бевафо ёр биз томонга назар қилса нима бўларкин,  
вафо қиламан деб ваъда қилгач, ваъдага вафо қилса  
нима бўларкин?

Муғбачалар жабридан шикоят қиладиган одам  
муғлар дайрининг пирига илтижо қилиши лозим.

Шоҳларга илтифот қилмаган у шўх бизлардек масту  
ринду гадоларга қачон илтифот қилсин?

Соқий умрида бир марта менга шароб тутса, мен  
қўлимга олмай туриб,

у узатиб турган жомни ерга тушириб юборади.

Бошинга нимаики келса, ихтиёрсизсан, дарвеш  
киши: Нима учун, нимага? деб кимга шикоят қила олади.

(Ёр) ўз кўнглича ошиқларга раҳм қилди,

зора Тангри учун мен ғарибга ҳам раҳм қилса.

Май бер, кўп зору ниёз билан қилган гуноҳимиз  
шайхнинг такаббурлик ва риё билан қилган  
савобидан яхшироқдир.

Қуш ўз гулзорига учиб боришга қурби етмаганидек,  
менинг руҳимнинг ҳам дўст кўйидан қайтишга иложи йўқ.

Фоний мангулик мулкини фатҳ қилишни истаркан,  
у фано даштини майл этса, ажаб эмас.

Лабинг тоза гул баргини бодага қўшади,

бу ажабдурки, Масих бодадан парҳез қилади.

Шўх наргисларнинг ишваси кўз очиб юмгунча,  
минг фитнани ҳар гўшадан қўзғотади.

Менинг юрагим заифу май кучлидир, соқий ўз  
рухсорининг теридан қадахга гулоб томизиши лозим.  
Кўнглим белинг хаёлида ҳар замон ўзини  
ўйин кўрсатаётган лўлилардек ипга осади.  
Даврон бодасидин тиниқлик истама, чунки  
осмон бало ғалвиридан фитна ғуборини элайди.  
Ажабки, гўзалимиз нозланиб рақсга тушганда,  
Зухро юлдузи рақсдан тўхтамайди.  
Ҳийлакор ақл ишқ мулкида туролмайди,  
чунки шер келса, тулки туйнукдан қочади.  
Парвона шам нури билан ўчакишгандек,  
юрагим май кўзаси билан кўп машғул бўлиб куйди.  
Кимки Фоний сингари муғбача-ю, бода истаса,  
муғлар дайри тупроғига юрак қонини кўшиши аниқ.  
Риндлар муғлар кўйи азмини қилсалар,  
муғбача май ўрнида дин талаб қилса ҳам берадилар.  
Иймонларини унинг зулфи зуннорига бой бериб, оғир қадахларда  
май ичиб, ўзларини енгил сезиб шодлик қиладилар.  
Айш-ишратдан сархуш бўлиб қулоҳларини қатлаб оладилар,  
етти осмон юлдузларини териб нуқл (газак) қиладилар.  
Дайр сополидан мастона май ичсалар,  
уни осмондаги олтин қуёш деб гумон қиладилар.  
Дарёнўш бўлсалар чархни жом қиладилар,  
май қуйганда уфқ канорини нишонга оладилар.  
Инъом ва саховат вақтида дайр гадоларини,  
бир пиёла билан дарё ва кондек бой қиладилар.  
Агар ситамгар чархга бадмастлик қилсалар,  
уни йўлдаги тупроқдек ва ҳатто ундан паст кўрадилар.  
Майда ёр юзининг акси жилва қилса,  
уни ичиб ўзлардан кета бошлайдилар.  
Эй, Фоний, ўзлигингдан айрилмасанг, ёр нишонасини тополмайсаи,  
зоҳидлар субҳу шом шундай фиғон қиладилар.  
Майхона пирининг қўлида гулранг бодами,  
ёки муғбача юзининг акси манга тушганми?  
Дайрга бордиму риндларнинг шон-шавкатини кўрдим,  
нимаики хаёлга кела олса, ундан ҳам зиёда эди.  
Муғлар пири юз ҳашамат ва жалол билан ўлтирган эди,  
осмон қоматини эгиб, унинг эшигига бош қўйган эди.  
Маст риндларнинг ҳар бири шунчалик баланд  
мартабада эдики,  
Арш аҳлига ҳақорат кўзи билан қарардилар.  
Ҳар томонда шўху содда юзли муғбачанинг ҳуснидан,  
содда юракка икки юз хаёл нақш бўлган эди.  
Муғлар пири май жомига ишорат қилди,

хаёт ҳосилидан шуни истаган эдим.

Фонийдек муғбачага жонни фидо қилдим,  
дахр онаси мени туғмагандек хаёл қилдим.

Бир гулки, сабо шамоли ғамим шарҳини унинг  
қошида мендек бирма-бир сўзлаб берса, яхши бўлар эди..

Сенинг ғамзангдан кўнгил овлаш келмайди, чунки

у ҳамма вақт зору мубтало дилга қасд қилади, холос.

У нозаниннинг аччиғи тезлиги шу даражадаки, хиром қилган чоғида  
асир бўлган бирор ошиқ дуо қилгудай бўлса, у қилич ўқталади.

Сенинг ҳажрингда ўлганларга фақат сенинг висолинг керак,  
агар Масихо минг марта даволаса, ундан нима фойда.

Дилим харобот пиридан илтимос қилиб, фано йўлини

топдию, лекин шаҳардаги шайхдан у йўлни тополмади.

Бода келтир, бу зангори чарх даврида

кишилар шу тарона билан дил зангини кетказсинлар.

Эй Фоний, солик киши фано манзилига юз

ўгирмагунча, висол ҳарами унга насиб бўлмайди.

Ҳамма паривашликни қуёш юзли ўша гўзал билади,

яна у нозанин мннг турли одамгарчиликни ҳам билади.

У нозанин такаббурлик билан дўпписини яримта қилса,

дунёдаги ой юзликларга бошчилик қилиш расмини билади.

Агар у нозанин диллар мулкига бало лашкарини тортса,

қатл этишда ситамгарликнинг ҳамма турини билади.

Агар у нозанин шодлик базмида Жамшид жомини

кўлига олса, толеъ юлдузи

бўлган ҳолда фалакнинг ҳамма сирларини билади.

Ва агар у нозаниннинг бошига Санжар мулкини ҳаваси тушса,

бошидаги қора зулфи гўё Санжар соябонидир.

Ва гар у нозанин мастлик ҳолида муғлар дайрига борса,

барча ўтпараст бутлари ўзларининг ҳалок бўлиши деб билади.

Олий мақомлиги-ю, тожи-ю, шоҳлиги билан офати жонлигини кара,

ҳолбуки, дилбарлик ва бандапарварлик йўлини ҳам билади.

Қадаҳ жавҳарини пок гавҳардан деб билган риндга

лаъл ранг май ҳалол бўлсин.

Майхона гадоси денгиз ва қуруқлик Дороси бўлди,

шунинг учунки, у дилини Искандар ойинаси (оинаи

жаҳоннамо) деб билади.

Ўрдак дарёда сузганидек май косаси хумга тушса,

ҳеч боки йўқ, чунки у ўрдак сингари сузишни билади.

Фонийнинг мастлик хабари Ҳофиз Шерозийга етса,

(у буни) Жомийнинг жомии-ю, Ҳиротнинг майидан деб билади.

Ишқ вужудим парчаларини йўлингда тупроқ қилди,

зулминг тоши у тупроғимдан чанг чиқарди.

Башарти ишқ йўлининг иссиқ-совуғини кўрмаган бўлсам,

иссиқ кўз ёшиму совуқ оҳим шу айбимни поклади.  
Эй зоҳид, девоналигим дафъи учун қачонгача тумор  
ёзасан, бу қатма-қат афсоналарингни йиғиштир.  
Бедард насиҳатгўй дилимиз дардидан ғофилдир,  
чунки аҳли дарддан бошқа киши дардимизни билмайди.  
Эй нозанин, хаёлингда дилимнинг иши беҳушлик ва  
ғам емоқликдир,  
емоқ-ичмоғи шундай бўлган беморнинг ҳолига вой.  
Сарғайган юзимни кўз ёшларим қони қизартирган бўлса-да,  
сарғайган юзнинг таъсиридан қон зардобга айланади.  
Эй Фоний, агар у қуёш васлини орзу қилсанг,  
Исо каби даврон кишиларидан ажралиб, ёлғизлик йўлини тут.  
Аччиғи тез маҳбубим яна қўлида тийғ билан етиб келди,  
менга етиб келгунча, жуда кўп кишиларнинг қонини  
ҳар томонга оқизди.  
У нозаниннинг ғамида кўз ёшим тўфонидан ҳар нимаики бутун  
ер юзига етган бўлса, аввал менинг юзимга етди.  
Фалак тошбўрони бошимнинг юз жойини ёрди,  
унинг зулм тоши ёлғиз май кўзачамга тегмади, холос.  
Гарчи мен одамларнинг гап-сўзларидан малоллик  
чеккан бўлсам ҳам,  
менинг гап-сўзимдан халққа ҳам малоллик етди.  
Ҳар тола мўйимга юзларча зулм тийғи урдинг,  
уларнинг бари бир тола мўйдек вужудимга етди.  
У ҳусн султони кимники ўлимга ҳукм қилса,  
ишқ миршаби мени излашга киришади.  
Эй Фоний, айрилиқда томоғимга етган бир томчи сув ҳам  
у бебокнинг қиличи эди.  
Гулранг майга юзингнинг акси тушдимми,  
ёхуд саллангнинг бурчидан жомга гул тушдимми?  
Гулдек баданига тушган доғ шакли  
сўлим гулдастага қўшиб боғланган қуруқ гул кабидир.  
Агар у муғбача дайрдан маст бўлиб чиқмаган бўлса,  
ислом халқига тушган бу офат ва торож нима эди?  
Эй зоҳид, ишқ расволигида фарқ бор,  
чунки сендан яхши ном кетди-ю, биздан ор-номус.  
Сенинг замонагда гўзаллар фитна бошламоқчи бўлсалар,  
фитна солувчи кўзларинг бу фитнага бош бўлди.  
Кечанинг иши пардадорлик бўлиб, кундузнинг иши  
парда йиртмоқдир,  
шу сабабдин яширин айшу ишрат кечанинг ҳиссасига тушди.  
Муқаддас гулшандан бир қуш келиб тузоққа тушгандай,  
Фонийнинг дили гул юзингни кўриб, зулфинга илинди.  
Қадаҳ ёрим хилватида бир баҳонадир,

икки дунёдан муродим бир уйнинг бурчагидир.  
Ишқнинг ўтидан кўксимда яра бўлишини истайман,  
токи қаерга борсам сендан нишона бўлсин.

Ҳар остонага бош қўйишимнинг сабаби шуки,  
кўзимнинг равшанлиги бир остонадандир.

Кўнглимнинг муроди ой юзингдаги ўша холдир,  
чумолининг хирмондан ғарази битта донадир.

Ишқнинг ўтининг шарораси биргина чакмоқ эмас,  
дўзах ўти ундан бир алангадир.

Отинг хиром қилганда олдида югуришим шунинг учунки,  
бошимга бир қамчи тегишини орзу қиламан.

Халқнинг чексиз азобидан Фонийнинг муроди шуки,  
барча одамлардан четда бўлса.

Фироқингдан жонимга ҳисобсиз ранжу кулфат етди,  
шунча кўп ранжу кулфат етдики, уни шарҳлашга  
тил ожизлик қилади.

Афсуски, жисми зоримдаги кўйлакнинг йиртиғини тикиб бўлмайди,  
чунки бу кўйлак ёқасидан этагигача юз қатла йиртилгандир.

Гўдаклар яланғоч жисмимга отган тошлардан  
жисмим қону захмлардан телбалик гулистони бўлди.

Охиму кўз ёшларимдан биргина ер эмас, балки осмон ҳам кўпорилди,  
қарагин, бу тўфонимдан коинотга нималар етди.

Эй мусулмонлар, у номусулмондан ислом динга  
етган зарарнинг мингдан бирини ҳам айта олмайман.

Унинг ҳусну малоҳатларидан жону дилим титрамоқда эди,  
дилу жонга етиш эҳтимоли бўлган хатарнинг ҳаммаси етди.

Эй соқий, давр жомини бошқа ошиқлардан кўра менга тўлароқ қуйиб бер,  
чунки ишқу даврон аҳлидан менга кўпроқ дарду ранж етди.

Ҳар вақт ҳажринг водийсидаги мушкуллик  
хурсандликка алмашинар эди,  
унинг ўрнига биёбондан ғам карвонлари кетма-кет келди.

Эй Фоний, васлдан дам урма, шукрини ўрнига келтир,  
биламанки, дўст хаёлидан дилинг мақсудига етади.

Занг шоҳи(тун) санжарий соябонини тоғлар устига тикди,  
еттинчи қалъада кайвон аббосийлар ноғорасини чалди.  
Қуёш мотамида шафақ қонидан уфқ юзи гулгун бўлди,  
осмон юлдузлар тирноғи билан юзини азадорлардек тирнади.

Ошиқларнинг қора кунига қора булутлар ҳар соат,  
кўзидан ёш тўкиб, пасткаш дунёнинг юзига сув сепди.

Мен унинг васлидан ноумид бўлиб, халқ юзига эшик ёпдим,  
ногоҳ марҳамат юзасидан умидворлик эшигини тақиллатди.

Муғлар дайри эшигини очдим-у, у сармаст ташқарига чикди  
ва унинг жамолининг шамъи беқарорлар жонига ўт солди.

Сармастлар ғавғосидан дайрда шундай тўполон бўлдики,

фалак подшоҳлар ноғорасини хомушликда айблаб таъна қилди.  
Унинг киприкларидан юзларига заҳарли нишлар ҳар соат отилди,  
уларнинг барчаси дилафкорларнинг кўнгил ярасига келиб тегди.  
Кокилининг юзлаб мушкин тугунларини очди-ю,  
тунда бедор бўлувчиларнинг тасбеҳ риштасига тугун солди.  
Лаъл жомининг ўтли акси ҳар томонга товланди,  
тавба қилганлар жонига минглар расволик чақинини урди.  
Агарчи халқ қонидан оламни лолазор қилди,  
аммо ёрлар билан бир-икки лолагун жом кўтарди.  
Ўша кеча Фоний, ундан тилаб олган фано жомини  
дамодам боқийлик майидан камронларга сало қилади.  
Майхона эшиги шундай эшикки, ундан ақл паришондир,  
ҳалқаси риндлар даврасининг ҳалқасидир.  
У ёрнинг сарв қадди назарим боғи томон хиром қилмайди,  
чунки унинг гули дил қонидану тикани киприкдандир.  
Муғлар пирининг қулиман, эшигидаги гадоларнинг ҳар бири  
диллари кенглигидан шаҳаншоҳу хоқондирлар.  
Давр майидан мағрурланма ва хуморидан ғавғо қилма  
чунки даврон иши ҳар лаҳзада ўзгача бўлиб келди.  
Шаҳарда яна қандай шовқин-сурон кўзғалди,  
у бепарво кофир майдонга яна маст бўлиб келдимикин?  
Аввал расво бўл, сўнгра риндлар томонга кел,  
чунки тақво билан майхона томон келиб бўлмайди.  
Риё аҳллари томон бориб, унинг ибодатхонасини зиёрат қилма,  
чунки у томонга борган киши пушаймон бўлиб қайтади.  
Ўзлигиндан мутлақо кечиб, Ҳарам эҳроми (лунгиси)ни  
боғла, чунки бу биёбон томонга бориш осон эмас.  
Эй Фоний, фано дайрини ажойиб бир жой деб бил,  
чунки кимда-ким у ерга мусулмон бўлиб келса,  
ишқ кофири бўлиб қайтади.  
Муғлар дайрида маъво қилган ва гўзал муғбачага  
шайдо бўлган вақтларим хотира бўлсин.  
Тунда дайр эшиги то сахаргача беркилар эди-ю,  
харобот риндларининг базми жаннатдек бўларди.  
Муғлар дайрининг ҳар бир эски хонаси жаннат қасри,  
муғбачалар, ундаги ҳурлар ва май унинг Кавсари эди.  
Дайр пири харобот тўрида ўлтирган эди,  
мастликдан тўққизинчи осмонни кўзга илмасди.  
Қўлида ой шаклидаги жом, жомда шафақдек май тўла,  
тизаси остидаги гирдболиши байзо эди.  
Май қуйкумини ичувчилар бариси унинг қуллиғига  
бел боғлаган, осмонда жавзо нисбати қандай бўлса, шундай эди.  
Кимки риндларнинг ҳиммат назарида бўлса,  
унинг учун дунё ва ундаги нарсалар қора тупроқдан кам эди.

Бода сотувчи муғбача хусн жилвасини кўрсатарди,  
ва бу ишдан шайдо юракнинг иши вовайло эди.  
Хушовоз кўшиқчи ҳар замон шундай нағма қилардики,  
хушу ақлни ўғирлаб оларди.

Мастларнинг иши чанг, даф, най ноласи билан,  
муғлар хароботида тонггача ғавғо қилиши эди.  
Эй, Фоний, токи боринг бутунлай йўқ бўлмаса,  
ҳеч қачон бундай базмгоҳга йўл тополмайсан.

Гулзор томон бордиму (лекин) у сарв хиромоним йўқ эди,  
йиғим зўрайди, чунки у ерда у гулбарги хандоним йўқ эди.  
Ҳар томон боғларга булут каби ҳавасманд эдим,  
чунки йиғлаш, ғавғо ва афғонимдан бошқа нарса йўқ эди.  
Дилимни сабр чегарасига тортмоқчи эдим,  
лекин ҳижрон ғамидан ундай қилишга тоқатим йўқ эди.  
Дил изтироби ишимни расволикка олиб борган бўлса ҳам,  
унга сабр қилиб турмоқ менинг кўлимдан келмас эди.  
Турар жойимга ғавғосиз қайтиб келишим керак эди,  
лекин сабру қарорсиз дилимда бу таҳаммул йўқ эди.  
Қотил пойлоқчиларга ишқимнинг сири аён бўлиб қолди,  
чунки ўша соатда аҳволим ёмонлигидан жонимни  
сақлаш ғами йўқ эди.

Эй Фоний, у парилар рашк этувчи маҳбубнинг  
ҳажридан мени маъзур тут,  
бу сингари девоналик қилмасдан иложим йўқ эди.

Агар янги сафарга чиққан маҳбубим уйга қайтиб келса,  
майхонадаги риндларга хабарим яна қайтиб келади.  
Агар у жигаргўша қайтиб келмаса,  
жигарим поралари кўзимдан келса (оқса) не ажаб?  
Агар у гўзал жонон бошимга келса,  
куёш ёғдуси-ю, сарвнинг сояси бошимга тушади.  
Ишвагар муғбачам кўлида май кўтариб,  
дайр эшигидан яна кириб келса, хуморимни тарқатади.  
Ибодатхонага муҳтасиб келиб, менинг мастлигимни билди  
энди бу ердан муғлар дайрига кўчмасам яна келади.  
Мен фано хароботи тупроғини кўзимга суртаман,  
икки дунё мавжудлигини қачон назаримга илибман?  
Эй Фоний, у ой юзли ғазаб билан ёнингдан кетган бўлса-ю,  
агар карам юзасидан яна келса, мангу яшасин.

Кўйинг тупроғидан анбар ҳиди келади,  
ошиқларга у жуда ҳам хуш келади.  
Жаҳон мулкини зулм билан асир қилмоқчи бўлган шох  
ўша мақсадига етмай, сенга асир бўлиб келади.  
Ҳажр даштидан тортинишнинг сабаби шуки,  
ёшу қари у томонга йигит ҳолда кетса, қартайиб қайтади.

Эй нозанин, ҳали оғзингдан она сути ҳиди келиб турган  
бўлса-да, кўзингга менинг қонимни тўкиш ҳалолдир.  
Ҳамоно ишқ кўйида ошиқларни ўлдиришадимики,  
у тарафдан асирларнинг нола ю фарёдлари эшитилади.  
Эй фалак, хушёр бўл, доим кўзим учади,  
шоҳ фақир томонга қадам ранжида  
қилаётганмикан-а?  
Эй Фоний, висол чоғи қандай яхши эди,  
ўша вақт гоҳ-гоҳ хотиримга келиб туради.

Сарвга майлим борлиги қоматинг ҳавасидану  
гулбаргга мафтун бўлишим ҳам юзинг орзусидан эди.  
Фалак тоқида камон ҳайъатидаги янги ой  
қошинг камонхонасини безаш учун эди.  
Рашқдан ўлдим, лекин шавқингдан яна тирилдим,  
чунки сахар чамандаги гулда сенинг исинг бор эди.  
Кеча муғлар хароботида лаъл лабинг майи билан  
зулфинг занжири хусусида,  
тонг чоғигача шовқин-сурон ва тўполон бўлди.  
Каъба билан дайрда тафовут йўқ, чунки ҳамма жойда  
кўзим юзингда-ю, дилим майли сенда эди.  
Кўйингдаги тўтиё рангли ҳамма чанг талаб йўлида бўлган  
кўз билан дилинг равшанлиги учун тўтиё эди.  
Фонийнинг сўзидан ҳар бир нафасда муқаддас файз  
етади, чунки унинг сўзи ширинсўз лабинг сифати эди.

### Мухтараъ

Сахар вазид насими тарабфизои баҳор,  
Ки гашт боиси май хўрданам ҳавои баҳор.  
Сипаҳ кашид сӯи боғу бин ба лола, ки шуд  
Ба милу шукқаи ёкутгун ливои баҳор.  
Беҳ аз баҳор чу фасле барои ишрат нест,  
Зи мадҳ фасле созам адо барои баҳор.  
Баҳор нақди латофат фидои ёрон кард,  
Ки нақди чони чу мо бедилон фидои баҳор.  
Баҳор гарчи зудояд ғам аз дил, аммо ҳаст  
Тамаввучи май сӯҳони ғамзудои баҳор.  
Кушод ғунча ба гулбун зи ҳад бурун, чу сахар  
Вазид сӯи чаман боди дилкушои баҳор.  
Агар ба мурда дихад қон, аҷаб мадор, ки ҳаст  
Насими рӯҳ дар анфоси мушксои баҳор.  
Ғанимат аст баҳори чавонӣ аз паи айш,



Ки то баҳори чавонӣ бувад, чӣ ҷои баҳор?  
Баҳори умр ғанимат шумор, эй Фонӣ,  
Фанояш арчи, ки зуд аст чун фанои баҳор!

### **Татаббӯи Хоҷа**

Соқиё, бода деху тавбаам аз ёд бубар,  
Дафтари тоату тақво хама, гӯ: бод бубар!  
Ман чу ҷон медиҳам аз ҳасрати сарви қади ӯ,  
Боғбон, рахти ман аз сояи шамшод бубар.  
Ғаразат нест чу ҷуз куштанам, эй шаҳнаи ҳаҷр,  
Гарданам баста бад-он ғамзаи ҷаллод бубар.  
Ёди ғайраш ба дил андӯҳ физояд, эй ишқ,  
Ҳарчи ҷуз дӯст аз ин хотири ношод бубар.  
Хонаи тавба чу бунёд ниҳодам ба вараъ,  
Сели май, гӯ: раву ин хона зи бунёд бубар!  
Оби чашмам нанишонд оташи дил, эй қотил,  
Ин ҳарорат зи вай аз ханҷари пӯлод бубар.  
Мани Маҷнун чу шудам муҳзали тифлон, эй дил,  
Баҳри ҳазлам бари он тифли паризод бубар.  
Гар сабукборият аз гулшани даҳр астуталаб  
Ин тариқ аз равиши савсани озод бубар.  
Фониё, зоди раҳи ишқ набошад ҷуз дард,  
Чун дароӣ ту дар он дашт, ҳамин зод бубар.

### **Мухтараъ**

Агар аз шавқи лаълат пур маи гулгун бувад соғар,  
Тавон нӯшиданаи гар худ ҳама гардун бувад соғар.  
Ба базми ҳаҷр чун соғар зи хунобам бувад холи.  
Ки аз сели сиришкам дам ба дам пурхун бувад соғар.  
Гадои майкада то гаштаам, аз давлати риндон,  
Дамодам аз шароби ишратам афзун бувад соғар.  
Чу дилхоҳе нагирад соғарам, ҳаргиз нанӯшам май,  
Ки дилхоҳам ба ишқи соқии мавзун бувад соғар.  
Хаёлаш чун бувад меҳмон, ба базми айш қӯш дорам,  
Маро аз косоҳои чашм пурмай чун бувад соғар.  
Чу манъи соғари ишрат намояд муҳтасиб, ғам нест,  
Ки моро баҳри дафъи ҳузн даҳри дун бувад соғар.  
Малулам аз худ, эй Фонӣ, кашам чуп лаъли руммонӣ,  
Агар пур аз шароби беҳудӣ акнун бувад соғар.

### **Мухтараъ**

Шуд бало чашми ту, эй гулруҳсор,  
Нуқтаи зери бало холи узор.  
Ин, ки дар онудил оташ задай,

Дил аз ин ҳаст ба чон миннатдор.  
Бодаи лаъли лабат пеши назар,  
Аз чӣ шуд чашми ту дар айни хумор?  
Ҷилваи, сарви равони ту ҳаёт  
Дихад, аммо кушадам дар рафтор.  
Сокиё, соғари айшат чу пур аст,  
Нӯшу нӯшон, ба замин пур магузор.  
Булбул ар шефтаи гулшан гашт,  
Дид дар ҳар гулаш аммо сад хор.  
Фониё, аз чамани даҳр бибур  
Шохи уммед, ки он н-орад бор.

### **Татаббӯи баъзе аъиза**

Дар саводи сояи абри баҳорӣ лолазор  
Менамояд дар шаб оташҳои урдуи баҳор.  
Ё баромад дуди оташҳои лола бар сипеҳр,  
Абри наврӯзӣ, ки бинӣ бар фарози кӯҳсор.  
То ҳаво дар ҳовани ёқути лола мушк суд,  
Мевазад аз ҷониби сахро насими мушкбор.  
Тоҷи Парвезаст лола, к-аш дихад барбод чарх,  
То намояд тоҷдоронро зи баҳри эътибор.  
Ҷоми Ҷамшед аст монда аз маи ишрат тихӣ,  
Сокиё, не ҷому не Ҷамшед монад, май биёр!  
Хуш бувад бо лоларӯён бодаҳои лоларанг  
Хоса базми айш бошад бар канори лолазор.  
Дар фироқи лоларӯе тоза доғам бар дил аст,  
К-аш сиёҳе, дар миёни хун нишаста лолавор.  
Нест абнои замонро лоласон бӯи вафо,  
Чун сабо 3-ин дилсиёҳон беҳ, ки бигзинӣ канор.  
Фониё, чун лолазори умрро рӯ дар фаност,  
То бувад мумкин зи ҷоми лолагун сар бармадор.

### **Бимислиҳи**

Пур зи пайконат шикофи синаам, эй гулӯзор,  
Рост бо он раҳна мемонад, ки гирандаш ба хор.  
Оразат чун пеши чашм омад, сиришкам гашт хун,  
Сел рангин мешавад ҳар гаҳ, ки меояд баҳор.  
Рӯзи ҳичрон мӯниси дил шуд ҳаёли он даҳан  
Хурдаи пинҳониям рузи бадӣ омад ба кор.  
Шоми ҳаҷр аз изтиробам гашт зоҳир сӯзи ишқ,  
Ҷумла махфиҳо шавад рӯзи қиёмат ошкор.  
Май ба ҳалқам рез, эй соқӣ, ки баргардонадаш  
3-он ки меояд бурун ҷонам зи ташвиши хумор.

Шӯру ошӯбам зи май кардӣ хаёл, эй мухтасиб,  
Набвад аз мастӣ, ки бошад аз чунун, маъзур дор.  
Фонӣ аз зоҳид бихоҳад сарфа бурдан, з-он ки ҳаст  
ӯ зи зухди хешу мо аз лутфи ёр уммедвор.  
Рӯзгоре шуд, ки ранҷурам зи аҳли рузгор,  
Соқиё, хоҳӣ, к-аз ин ранҷам раҳонӣ, май бидор.  
Май нагӯям, оби оташранг, к-аз вай ҳар ки хӯрд,  
Набвадаш дигар на дар обу на дар оташ қарор.  
Ихтиёр аз даст берун кард дар ишқу чунун,  
Оқили зоҳид, ки аз вай соғаре кард ихтиёр.  
Шорибаш гар гунги модарзод бошад филмасал,  
Лаб бубандад пешаш аз мурғони гӯё сад ҳазор.  
Дидаро равшан кунад з-инсон, ки аз абкори фикр,  
Мими маъдуми даҳан бошад ба наздаш ошкор.  
Табъро аз вай нишоте рӯ диҳад, к-аз ҷаври чарх,  
Оби ҳайвонаш намояд дашнаи захробдор.  
Кишвари дилро чунон вусъат диҳат, к-аз гулшанаш  
Гунбади нилӣ чу як нилуфар афтад бар канор.  
Дил шавад Ҷоми Ҷаму Оинаи Искандарӣ,  
Ҳар гадо, к-аш нӯшад Искандарвашу Ҷамшедвор.  
Фониё, ин ҷумла ҳосил гардадат з-икболи фақр,  
Гар ба як ҷоми фано сози аз ӯ дафъи хумор.  
Зи дил в-аз дилситонам зору маҳчур,  
Дил аз ман дуру ман аз дилситон дур.  
Паричеҳра, саманди турки моро,  
Сазад кардан шикол аз турраи ҳур.  
Чу ҷонам хостӣ, кардам нисорат,  
Агар густоҳам, «ал-маъмур маъзур».  
Бидор, эй муғбача, ҷоми муғона,  
Ки андар дайр натвон буд мастур.  
Раҳон чун чашми мастат аз хуморам,  
Ки ӯ дар айни мастӣ ҳаст махмур.  
Зи ишқу бода шайхам тавба фармуд,  
Ба масту ошиқ ин кардан чӣ мақдур?  
Зи май Фонӣ ҳаёти ҷовидон ёфт,  
Магар оби ҳаёт аст оби ангур?

### **Ихтироъ**

Эй дил, зи ҳуши худ гила бо майфурӯш бар,  
К-ӯро бувад ба майзада доруи хуш бар.  
Аз пири тавбакор нашуд кори айш рост,  
Ин мочаро ба муғбачаи майфурӯш бар.

Н-орад шудан ба хона зи мастӣ ҳарифи мо,  
Ман ҳомилаш, агар ту бигӯӣ ба дӯш бар.  
Гар хирқа раҳни бода кунӣ, хезу сӯи дайр  
Рахти фано зи зовияи хирқапӯш бар.  
Нақди бақо зи оби ҳаёт, эй Хизр, маҷӯӣ,  
Аз дурди чоми он санами бодапӯш бар.  
Дар дарси ишқ нест чадал, боядат чу файз,  
Худро дар он макон ба забони хамӯш бар.  
Фонӣ, паи наҷот ба майхона хешро  
Аз зери тоқи ин фалаки сахткӯш бар.

### **Татаббӯӣи Хоҷа**

Ғайр аз ӯ нест маро дар ду чаҳон ёри дигар,  
Чуз ваям ёри дигар, чуз ғами ӯ кори дигар.  
Ман на он булбулам, эй гул, ки дусад хори чафо  
Гар халад, аз ту кунам рӯӣ ба гулзори дигар.  
Накунам куфр қабул, ар кунадам пири муғон  
Ба чуз аз турраи он муғбача зуннори дигар.  
Қадаҳи давр ба мо чун бирасад, эй соқӣ,  
То ба лаб чунки шавад рехта микдори дигар.  
Он чи ҳусн аст, ки ашбаҳ ба чамоли мақсуд,  
З-ӯ накарда қалами сунъ намудори дигар.  
Носеҳо, панди ту як бор қабулам нафитод,  
Гуфта пиндор аз ин мавъиза сад бори дигар.  
Чами вақтам, ки гирифтам зи сари хирқаи раҳн,  
Чоми дигар ба дусад зорию зинҳори дигар.  
Фониё, дард талаб, гар талабӣ, пайдо кун,  
Дили реши дигару синаи афғори дигар.

### **Мухтараъ**

Дили садпораам аз лаъли ту хун аст дигар,  
Ҳар дам аз раҳгузари дида бурун аст дигар.  
Дили Маҷнун, ки дар он зулф шуд, эй боди сабо,  
Гӯ, ки дар ҳалқаи он силсила чун аст дигар?  
Зи сари нав магар ораста машшотаи сунъ,  
Ки рухат чун маҳу хат ғолиягун аст дигар.  
Он парӣ ишвақунон чоми маям дод ба даст,  
Дар сарам оташи мастиву чунун аст дигар.  
Дил, ки пирона дам аз бозуи тақво мезад,  
Дар кафи ишқи яке тифл забун аст дигар.  
Раста будам зи ғами ишқ чу ёр омад, вой,  
К-он ғамам аз ҳадду андоза фузун аст дигар.  
Эй табиб, аз сари Фонӣ мағзар з-онки зи ҳаҷр,

Заъфи берун-ш ба андӯхи дурун аст дигар.

### **Мухтараъ**

Хуш нест ғайри дайри муғон хонаи дигар,  
В-он гоҳ ғайри муғбача чононаи дигар.  
Паймонаҳои мо зи маи соф пур дихед,  
То пур шудан зи ҳодиса паймонаи дигар.  
Воиз, азоби дӯзаху майхорагон магӯ,  
Чуз ин фасона нестат афсонаи дигар?!  
Эй дил, магӯ ба ишқ, ки Мачнун кӣ будааст,  
Дар кӯху дашт мисли ту девонаи дигар?  
Рӯи ту шамъи меҳру чу заррот аҳли ишқ,  
Ҳар зарра пеши шамъи ту парвонаи дигар.  
Эй чарх, чанд бим намоӣ зи куштанам,  
Гар набвад ин хароби ту вайронаи дигар?  
Фонӣ, аз ин сарои фано баста рахти умр,  
Дорад магар азимати кошонои дигар?!

### **Мухтараъ**

Эй ба ҳар оразат аз оташи май тоби дигар,  
Тоби онро зада ҳар қатраи хай оби дигар.  
Хоб дидам, ки шудам зинда зи нӯшин лаби ту,  
Нест чон дар танам аз орзуи хоби дигар.  
Лаби лаълат, ки бувад мастиям аз вай, ба хаёл  
Кай ба воқеъ хушам ояд зи маи ноби дигар?  
Хоҳам аз қибла бигардад рухам он дам, ки шавад,  
Ғайри абрӯи туам сачда ба меҳроби дигар  
Ба чунун шодам аз он руй, ки дар гардани ман  
Нест чуз силсилаи зулфи ту қуллоби дигар.  
Шаб хаёлаш, ки ба меҳмониям ояд, чӣ кунам?  
Нест чуз бесару сомониям асбоби дигар.  
Ба ҷаҳон ҷашм маро равшан аз он рӯст, ки нест,  
Фоние, чун рухи ӯ меҳри ҷаҳонтоби дигар.

### **Татаббӯи Мавлоно Шохӣ**

Ҳар дам расад ба дил чу зи олам ғаме дигар,  
Ғам нест, чун зи май бувадат оламе дигар.  
Дорад гадои майкада аз бодаву қадах  
Оинаи Скандару Ҷоми Ҷаме дигар.  
Ӯ халқро кушад, ба ман он мотам асту нест,  
3-ин тиратар бар аҳли вафо мотаме дигар.  
Гӯям ба назди пири муғон ҷаври муғбача,  
Чун нестам ба дайр чуз ӯ маҳраме дигар.  
Нобуд шуд дилам зи ғами ҳаҷр, кош Ҳақ

Бахшад нашоти васлу дили хурраме дигар.  
Ин дам ғанимат аст бар он кас, ки набвадаш  
Ғайр аз ҳарифи мушфику май ҳамдаме дигар.  
Фонӣ зи сели ашки ту ғамхонаи сипеҳр,  
Хам ёфт он чунон, ки фитад аз наме дигар.

### **Татаббӯи Шайх дар таври Махдум**

Эй ниҳон дар ҳама аён шуда аз айни зухур,  
Ҳама нур аз ту аён, лек ту дар вай мастур.  
Зулф шуд буркаи рух ҳарду, вале буркаи ту,  
Он чӣ хусн аст, ки бурқаъ бувадаш зулмату нур?  
Ба садат васф нишон баҳри чӣ дод аҳли назар,  
Ношуда хусни ту бар дидаи эшон манзур.  
Лофи наздикият он к-ӯ занад аз зухду вараъ,  
Хешро бошад аз ин васваса андохта дур.  
Оқиз аз васфи ту будан ачабам нест, ки ҳаст  
Зарра моҳияти хуршед надонад, маъзур.  
Хуррам он ринд, ки як лаҳза набошад бе ту,  
Хоҳ дар анҷумани тафриқа ё кунчи ҳузур.  
Ориф он дон, ки гар афлок зи ҳам бишкофад,  
Ба шуҳудаш нарасад шоибаи нуқсу футур.

### **Дар таври Хоҷа**

Дар тавба агар май диҳадам муғбача ё пир,  
Розӣ наям аз хеш дар ин кор ба тақсир.  
Эй шайх, ба майхона агар тавба шикастам,  
Чун хомаи тақдир чунин рафт, чӣ табдир?  
Чун сурати ӯ нест ба мавзеъ як аз сад,  
Наққош намояд чу дусад мавзеъи тасвир.  
Сӯзи дили зоҳид, ки ба тақвои риёист,  
Набвад асараш бештар аз гирияи тазвир.  
Озодиям аз қайд мабодо, агар афтад  
Дар гарданам аз силсилаи зулфи ту занҷир.  
Эй шайх, зи тадбири ту акнун чӣ кушояд,  
Чун мо сари таслим ниҳодем ба тақдир.  
Фонӣ, ту агар ошиқӣ, аз ишқ мазан дам,  
Чун рост наояд сухани ишқ ба тақдир

### **Мухтараъ**

Кайфият бахшадам он лаб, маи ноб аст магар,  
Рух софӣ кунадам, лаъли музоб аст магар?  
Хоб дар чашм надорам зи хаёли мижаат,  
Хайли ҳинду зада саф раҳзани хоб аст магар?  
Ҳумрати байзаи чашми ману хуноби сиришк,  
Омада бар маи гулранг ҳубоб аст магар.

Оби Кавсар зи кафи хур надорад мастӣ,  
Дар кафи соқии гулчеҳра шароб аст магар.  
Тангу торик дилам, к-аз ғами ӯ гашт хароб,  
Кунчи вайрони мани хонахароб аст магар?  
«Надиҳад ишқу маям нашъа ба пирӣ» гуфтам,  
Гуфт: «Пири хирадам аҳли шабоб аст магар?»  
Сели май кишвари ҳушу хирадам кард ғарик,  
Фониё, дар ачабам, олами об аст магар.  
Соқиё, вақт ғанимат шумуру соғар гир,  
Дастбӯсат талабад ҷом, зи хокаш баргир.  
Нест чун ҷоми муғонам зи кафи муғбачагон,  
Филмасал гар зи кафи хур маи Кавсар гир.  
Заррае хушдилиям нест зи хуршедвашон,  
Хоҳ аз сайри фалак, хоҳ асари ахтар гир.  
Базми мо бе рухат афсурда бувад, рӯ бинмо,  
Гӯ аз он шӯълаи рухсори ту сӯхбат даргир.  
Сар-сари ҳодиса гар чарх зи ҳам баргусилад,  
Рафта бар боди фано тӯдаи хокистар гир.  
Тарки девонагӣ, эй дил, чу накардӣ дар ишқ,  
Аз ҷунун домани он шӯхи парипайкар гир.  
Сарбаланд аз шарафи хоки раҳи риндон бош,  
Эй ғанӣ, тарки дуру, гавҳари тоҷи зар гир.  
Воизо, ин ки ба маҷлис талабӣ Фониरो,  
Маслихатро ду-се кизби дигарат бовар гир.

### **Мухтараъ**

Чун ӯ набувад шӯхи ситамгораи дигар,  
Чун ман зи ғамаш бедилу бечораи дигар.  
Ояд чу сагаш аз дили садпора ба тӯъма,  
Сад пора диҳам, ӯ талабад пораи дигар.  
Бас хора, ки ӯ нарм шуд андар кафи Фарҳод,  
Сахт аз дили Ширин набудаш хораи дигар.  
Аз ҳолати Маҷнун ҷӣ тафаҳҳус кунӣ, эй дил,  
Дар водии ҳайрат чу ту овораи дигар.  
Дар ҳар назаре ҳайрати ҳуснат шавад афзун,  
Ваҳ, к-он шавадам боиси наззораи дигар.  
Як ҷониби рухсора кушодию бимурдам,  
Бикшо, ки кунӣ зинда ба рухсораи дигар.  
Фонӣ дигар аз ахтари май гашт тарабнок,  
3-ин сон набувад кавкаби сайёраи дигар.

### **Татаббӯи Хоҷа**

Мастам, эй муғбача, ҷоми маи хаммор биёр,

Гар зи динам бувадат дағдағаи зуннор биёр.  
Софии бода, ки худ нӯш кунӣ, аз дурдаш,  
Марҳаме баҳри давои дили афгор биёр.  
То бисӯзам ҳамагӣ ҳастии худ, рӯ во кун,  
3-он гулистони Халил оташи гулнор биёр.  
Дар тариқи муғӣ аз куфри ту гар баргардам.  
Сабӯ аз майкада в-аз неши ҷафо хор биёр.  
Дар мазиқи қафаси ҳастиям, эй тоири қудс,  
Ҷони зорам бибару муждаи дилдор биёр.  
Боғбоно, дигар аз гулшани худ лоф мазан,  
Ё гуле аз рухи он шӯх намудор биёр.  
Хирқа шуд раҳну сарам хуш нашуд, эй бодафурӯш,  
Катта май жомини кўтар, чунки бемехр олам  
ғамгин жонга аламдан бошқани кўрсатмади.  
Ишқ висол ҳарамиди муҳтарам қилган азизни  
фалак қандай хор қила олади?  
Эй Фоний, менга ёр ҳамдам бўлди, сен кет,  
чунки сийнамни ёриб, уни жонимга жо қиламан.  
Агар зор ошиқларга дардимни улашсалар,  
уларнинг ҳар бирига юз мингтадан биттаси тегади.  
Гўзаллар ов чоғидаги ўлжа каби  
ситама билан ҳуркак дилимни тилка-пора қилдилар.  
Эй кўнгил, ишқ кўйида дўст дарду балосининг  
ҳаммасини олиб кетма, биз учун ҳам насиба қолдир.  
Бир паривашнинг ҳавасида девона бўлганман,  
эй соқий, менга девонавор икки соғар тут.

Дард, бало, шавк, муҳаббат, ҳажр тиғини тортиб,  
дилимни тўрт бўлак қилдилар.  
Эй майфуруш, мастлик ва сархушлик учун эмас,  
хуморимни тарқатиш учун тўла бир жом бер.  
Фоний қадду юзинг ҳасратидан тупроқ бўлди,  
савоб учун мазор гадосига бир шамъ бағишла.  
Ҳар кимнинг азал жомидан нашъаси бўлса,  
мангу хушёр бўлолмайди.  
Тақдир қалами жом доирасини чизган вақтида  
гўёки ғам нақши унинг паргоридан ташқарида қолди.  
Қўлида кўҳна сафол (пиёласи) бўлган майхона дурдкашига назар қил,  
у ширакайф чоғида Жамшид жомидан ор қилади.  
Юз ҳайфки, риёкор шайх улуғликдан маҳрум бўлди,  
чунки у майхонага бориб, май учун салласини гаров қўйди.  
Дил ишқу жунундан харобликка юз тутди  
тақдирга ризо бўлу кўп насихат қилаверма.  
Эй соқий, муғлар пири баланд сўз айтса,  
майни камроқ беру зинҳор эътироз билдирма.  
Чарх сенга душманлик қилса, майхонага кир,  
икки-уч мастона пиёла билан уни йўқ деб бил.  
Бир маст (маҳбуб)га ғамимни айтаётганимда  
ухлаб қолди, уни биров (орамизга тушиб) тез уйғотишини истамайман.  
Эй Фоний, ёр кетди-ю дилинг унга йўлдош бўлди,  
дардидан халос бўлдинг, энди уни (дилни) Худога топшир.  
Мен кўнгли мажруҳ тиғинг тўғрисида (нимаики) айтадиган бўлсам,  
ёнбошим чокидан дилим қулоғига махфий айтаман.  
Дилим васлинг билан хурсанд бўлди, лекин  
узокни ўйловчи ақлда узоклигинг андишаси бор.  
Эй насихатгўй, маҳваш соқий қўлига май олиб, олдингга ўтирса,  
тавба узри билан қандай қутулиш мумкин.  
Муғлар дайрида динимни кофир маҳбублар талаб  
кетсалар, менда дин қоладими?  
Агар маломатдан тил ханжари билан кўксимни  
тилсалар ҳам, май дурдидан дард олиб кетавераман.  
Гадо ва шоҳ дарвешлик лофини уриб ўзаро жанжаллашиб  
келдилар, аммо дарвешнинг ўзи келмади.  
Фоний юз нола билан дард талаб қилди, у ой ўз карами  
билан ҳар бир талаби учун юз дард етказса, ажаб эмас.  
Новакингдан сийнамга жуда кўп пайкон қадалади,  
(уларнинг) адади ёмғир томчиларидан ҳам кўпроқдир.  
Оғзинг орзусида дилим ғунчадек қон бўлди,  
у қон кўринишда оз бўлса ҳам, ҳақиқатда кўпдир.  
Мен сенинг ҳусни жамолинг олдида телба-ю  
ҳайронлигим тасвирига тил лолу қалам ожиздир.

Ишқ биёбони қандай манзилки, унда дил қулоғига  
ашула ва нағмадан кўра кўпроқ оху афғон эшитилади.  
Эй соқий, даврада менга халқдан кўра кўпроқ  
май бер, (чунки) даврон халқидан ранжу малолим кўпдир.  
Най садоси-ю май суви (кўнглингга) таскин бермаса,  
(демак) оҳим билан кўз ёшим асари тўфондан ортиқ экан.  
Соқий қанча қуйса, жанжал қилмай ичавер,  
уриниш билан ризқу рўзни орттириб бўлмайди.  
Эй сабо, у гул томонга борма, чунки сен булбул сочини  
қанча паришон қилсанг, мен шунча паришон бўламан.  
Эй Фоний васл томонига йўл бир неча қадамдир,  
(лекин) у томонга югурма, жадаллаш билан илгари кетиб бўлмайди.  
Тиниқ май ва баҳор рух бағишловчи хушдир, лекин яхши  
ёр бўлмаса, буларнинг ҳаммаси қандай яхши кўринсин.  
Менга яхши ёр бўлса, унинг ишқидан  
яхши ҳаво ва рухсоридан баҳор менга муҳайёдир.  
Эй дил, майдан ёрнинг юзи гулгун бўлибди, уни томоша қил,  
чунки дилбарлик боғининг лолазори яхши очилибди.  
Орзуларим ушалганда фалак бир-бир олиб кетган  
(барбод берган) эди, фалак ўз қилмишидан уялсин,  
ўша яхши кунлар ҳамиша ёдимда турсин.  
Ёр кетди-ю гўзал чеҳраси дилимда нақш боғлаб қолди,  
эй дил, унинг ёдидан ҳам, яхши ёдгоримдан хурсандман.  
Ҳажрингдан кўзим денгизида ва дилим конида дурру лаълим бор,  
агар васлингга етсам, шуларни оёғинг остига тўкаман.  
Эй кўнгил, у ёввойи кийик сенга ром бўлди,  
қўлингга яхши ов тушди, энди тузоғингни йиғиб ол.  
Эй дил, хумор ранжидан сени нохуш кўрдим,  
тўта-тўла бир-икки жом билан хуморингни тарқат.  
Эй Фоний, рақиб овора бўлди, ёр ҳамдамимдир, Ҳаққа  
шукур қилки, меҳрибон Аллоҳинг бор.  
Узоринг худди гулистондек ўт бўлди (қизарди),  
хатинг бинафшазори ўша ўтнинг тутунидир.  
Қайси тунда осмонга ўрлаган шуълани кўрсанг,  
ой жамолинг ҳажрида ёнаётганим деб бил.  
Башарти дилинг бизнинг ғамдай яширин ўртанса,  
У тош ичида сақлаган олов (чакин) га ўхшайди.  
Кўчган корвон манзилида ўт қолганидек,  
дилимдан ақл, сабр ва хуш йўқолди-ю ишқинг қолди.  
Куйганларга ишқ мамлакатидан бошқа ватан йўқ,  
ҳа, албатта, самандарлар макони ўт бўлади.  
Васлинг ваъдаси учун айриликқа қандай розилик  
бераман, ҳеч ким имтиҳон учун ўзини куйдирмайди.  
Қара, хирқамдаги доғлар май нишонасидир,

Ўт доғидан бошқа қандай нишон кўрсатади.  
Дилим куйди, зор жисмимга тараххум қил,  
чунки бу девона ошиқ (дил) ўз хонумонига ўт кўйди.  
Эй Фоний, унинг юзи май ўтидан оламини куйдирди,  
у ўтдан дилимиз оламига ҳам ўт тушди.  
Агар шоҳликка ҳавасинг бўлса, ўзлигингдан кеч,  
фано майхонасининг гадоси бўл.  
Эй ой, сенга «рақиблар билан бирга бўлма», демайман,  
меҳру вафо юзасидан гоҳо биз билан ҳам бўл.  
Соф ҳаво, соф май ва софдил соқий,  
сен ҳам сафо аҳли билан сафоликда бўл.  
Эй дил, агар тахту тожу салтанатга ҳавасинг бўлса,  
муғлар пири даргоҳининг гадоси бўл.  
Агар Холику махлуқ ризолигини истасанг,  
бошингга нима келса, рози бўл.  
Агар муродинг (ёр) гулшани йўлида ўтириш бўлса,  
йўлнинг тупроғи бўлиб, сабо (тонг шамоли) ортидан бор,  
Эй кўнгил риндга тенглашмоқчи бўлсанг ринд бўл, ишинг порсога тушса, порсо  
бўл.  
Агар ҳамиша дилинг дардига даво истасанг,  
дардга ўрган, даводан халос бўл.  
Эй Фоний, агар шоҳлик ва баланд мартабага етиш орзусида бўлсанг,  
Ҳофизнинг кули, Жомий остонасининг тупроғи бўл.  
Тонгда майфуруш пир менга шундай май ичирдиини,  
маҳшар тонгигача ҳушимга келишни мушкул деб биламан.  
У шундай бир майки, ундан бир қатрасини чархга сепсанг,  
чарх шафақ рангига кириб, қайнашга бошлайди.  
Агар унинг атрини тонг шамоли фаришталарга элтса,  
зикрлари бошдан-оёқ мастона шовқин-сурон бўлиб кетади.  
Агар нуктадонлар билан хомушлар (ўша) майдан тилларини хўллаб олсалар  
нуктадонлар хомуш бўлиб, хомушлар тилга кирадилар.  
Риндлар қувватини топдим, чунки кўп йиллар у май  
кўзасини елкамда кўтариб, риндларга ташидим.  
Кўза ташувчилар менинг букилган қоматим билан (хунарим)ни кўргач,  
Дарвешлар дарвишлиги унинг икки қулоғидан ушлабди, дедилар.  
Фоний шайх кунжидан майхонага боришининг сабаби  
шуки, у шайх худбину, бу пир майфурушдир.  
Ё Раб, нима бало бўлди,  
ул шўх бошқа билан май ичганда, мен ҳушдан кетаман.  
Майхона кўзасини кўп ташиганимдан  
елкам маст туянинг оёғи кафтидек бўлди.  
Ул қора кўзга сурманинг хожати йўқ, чунки у кўз ўз  
ғамида ҳалок бўлганлар мотамида қора кийгандир.  
Ҳазиллашиб васлинг ваъдасини қилган эдинг,

У ваъданинг лаззатини ҳеч эсдан чиқармайман.  
У (кўз) ўлдирувчи ғамза ишорати билан юз марта қон  
тўкади, у хомуш лаб эса бир марта ҳам манъ қилмайди.  
У шўхга айтиш учун махфий сўзим бор,  
лекин қулоғи тагига лабимни олиб боришга юрак қани?  
Фоний, агар сенда фано расмининг даъвоси бўлса,  
ўтган (кунга) афсусланма, эртанги кун учун ғавғо қилма!  
Шундай бир майни хоҳлайманки, унинг зўрлиги зуҳд ва илм қўлини буксин,  
майхона қавагидан чиққан ҳар бир чумолиси шердай қадам боссин.  
Бундай май Тангри тавфиқининг хумхонасида бўлади,  
эй дил, уни зар, зўр ва зорланиш билан топиб бўлмайди.  
Аччиқ шаробни ширин жонимдан ҳам яхши кўраман,  
чунки уни ичиб, дунёнинг шўру ғавғосидан бир нафас озод бўламан.  
Соқий юзини дил кўзи билан майда кўрса бўлади,  
буни дили кўр зоҳидларгина инкор қиладилар.  
Давлат қушини тузоқ ва дона билан илинтира олмайсан,  
бу ажойиб келинчакдирки, ажзу ниёз билан ром бўлади.  
Риндлик либосини кийиш ҳаваси зоҳиднинг бошига тушса,  
(у) аввал саломатлик (ўзлик) либосини ечмоғи керак.  
Фонийнинг хотири тоғ томон майл қилса, ажаб эмас,  
чунки шаҳарда маст турк (гўзал) унинг кўнгил мулкини ғорат қилди.  
Лаъл лабинг поклар жонидир,  
кулганингда поклар жони ҳалок бўлади.  
Дилим ғунчадек қонга ғарқ бўлганининг сабаби шуки,  
унинг ҳар томонидан жафо билан чок-чок қилдинг.  
Дил васлингдан хушнуд бўлган бўлса ҳам,  
лекин ҳажр кўрқинчидан ваҳимададир.  
Ҳижрон алангасида ўртанган кишининг  
дўзах ўтидан нима парвойи бор.  
Кўча тупроғида оёқ яланг юришларига сабаб шундаки,  
сен қадам босган тупроқлар покиза зотларнинг жонига айлангандир.  
Муғлар боғида май ичиб яланғоч қолсам,  
Одам Атога ўхшаб ток баргини ўртик (лунги) қиламан.  
Бир томонга телбалик ва бир томонга ишқ тортади,  
Фоний сингари тортишув ўртасида қолдим.  
Телбаликда хаёлни мағлуб этдим, Энди хаёлни  
дилимдан бир соат ташқарига чиқармайман деб ўйлайман.  
Дил унинг тиғидан жароҳатланди, бу жароҳат ҳалок этувчи  
бўлса-да, башарти ўлсам, Исо нафасидан озор бермасин.  
Унинг жафо тошини тўплаб қўйганман, қўлига пул  
тушган гадо каби қувониб, ҳар дамда уларни санайман.  
Соқий лаб ҳўлласин деб май олиб келаман,  
билгин, бу ўз жонимга ўзим келтирган бир балодир.  
Ишқдан қаерга кўзимдан надомат ёмғури ёғдирмай, ўша

ердан пушаймонлик гулларида бошқа нарса унмайди.  
Замон аҳлидан менга май қилиб тутадиган ҳамдам йўқ,  
шунинг учун ўзимга ўзим май тутиб ўзим ичаман.  
Фоний жароҳат тўла дилига (ёр)нинг тиғидан сув берди,  
бу экинзор суғорилгач, унга фано тухмини экаман.  
Агарчи айёр кўзлари қатлимга пайт пойлаб турса-да,  
аммо айёрлик оинида пойлаб туриш расми йўқдир.  
Агар асиринг ажалдан кўпроқ азоб тортишини  
истасанг, уни ўлдирма, балки ҳажр қўлига топшир.  
Жилва қилаётганинда диллар боридан яхши хиром қиляпсан,  
чунки ичингнинг ҳар ториға минглаб диллар боғланган.  
Унинг тиғидан яраланган юрагимга марҳам истамайман,  
негаки, марҳамдан озори камайишидан кўрқаман.  
Ул ой том устида, оёғига қандай бош қўяман,  
кошки деворининг пойида бошимни қўйиб жон берсам.  
Юрагимда ишқу май тикани қадалиб турарди,  
унинг рухсори боғи майдан гул-гул очилганини кўриб бу қадалиш кучайди.  
Чин суратхонасига кириб томоша қилдим,  
аммо на суратда, на маънода унга ўхшайдиганини кўрмадим.  
Эй соқий, хушдан айирувчи шароб бер,  
агар чархнинг вазияти шундай бўлса, бир лаҳза хушёр бўлишни истамайман.  
Эй Фоний, май ва ошиқлик учун халқ сендан юз ўгирса ғам ема,  
чунки ишқу мастлик туфайли халқ душман бўлган кишига Худо ёр бўлади.  
Ер дилим уйида махсус суҳбат қурди, дил унинг  
суҳбатида изтиробидан раққос бўлди (ўйинга тушди).  
Қадаҳ тортдиму хумор балосидан кутулдим,  
бақо сувини ичгач, ўлимдан халос топдим.  
Агар майга тушиб, шодлик дурини топсам,  
Пима айб, чунки ажойиб денгизга ғаввос бўлдим.  
Васлинг тонгида рашқдан шамъни ўлдирдим (ўчирдим)  
ҳажр шомида парвоналар (рақиблар)дан менга интиқом етди.  
Васлинг шаробини барча ошиқлар учун  
умумлаштиринг ҳажр захри қадаҳини менга 'хос қилдинг.  
Муғлар пирининг олдида ихлос билан бош қўйсанг,  
муғбачанинг қўлидан бир жом сени ўзлигингдан халос этади.  
«Чақимчи чақимчини яхши кўрмайди», деган масалнинг аксича,  
Фонийнинг дилида фано аҳлининг муҳаббати сақланади.  
Дайр пири бир култум май берса, мен эвазига жон бераман,  
белимга зуннор боғласа, эвазига имон бераман.  
Ҳар бир пайкониинг эвазига биттадан жон берадиган бўлсам,  
ғаминг тийри боронига юз мингларча жонни қайдан топаман.  
Эй соқий, маҳрумликдан ўлдим, менга бир жом берсанг,  
эвазига Тангри лутфи сенга оби ҳаёт беради.  
Тупроқни жон нақдига алмаштириб бўлмагани каби



лабинг бўсаси эвазига жоним нақдини қандай бераман.  
Харобот пирининг қулиман, чунки фақр йўлида  
биздан ўтган ҳар бир хатога яхшиликдан бошқа эвази бўлмайди.  
Агар раҳм қилиб ишқ зулмидан мени асрасанг,  
унинг эвазига Тангри хуснинг камолини юз чандон оширади.  
Фоний жонон йўлида ширин жонини берди,  
лекин эвазига ҳижрон аччиғидан ўзга насиб бўлмади.

Дилда ўша гулранг майдан қандай шодлик бўлса,  
хотиримда у дилоромнинг лаълидан шундай хурсандлик бўлади.  
Бўстонда гул билан сарв шодлик келтиради,  
У сарви гуландом шодлигини нега орттирмасин.  
Сенсиз шодлик базмида ғамдан бошқа нарса бўлмайди,  
улар ҳаммаси ранжу машаққатдир, лекин номи шоду хуррамликдир.  
Васлинг давронининг айши қўлимдан кетган бўлса,  
шодлик кунлари кимга абадий қолибди.  
Эй соқий, менга май жомини бер, шодликни ҳавас қиламан.  
чунки май жомисиз шод бўлишнинг иложи йўқ.  
Ҳеч кимсага эртадан кечгача шодланиш мумкин бўлмас экан.  
май ва муғбача билан бир шом шодлигини ғанимат бил..  
Эй Фоний, май мастлиги хуморлик сабабидир,  
даврон майдан шодлик излаш хомтамаликдир.

Янги мусулмон бўлган киши Қуръонни ёд олган сингари,  
дилим ошиқ бўлгач, жонон сўзларини ёдлади.  
Менинг мажнун дилим зулфинг шарҳини баён этишда  
бошдан-оёқ телба-тескари (паришон) сўзларни ёдлади,  
Дилим ғам кунлари шавқу фироқнинг андуҳидан Канъон  
Қўдуғи ранжини баён қилган Юсуф сурасини ёд олди.  
Тўрт китоб (Таврот, Инжил, Забур ва Қуръон)ни ўқиб осонгина ёд олган киши.  
Ишқ сири муаммосини ўрганишни мушкул деб билади.  
Кексаликда ишқ балоси билан зор бўлганимни кўрган киши ёд олган  
Шайх Санъон қиссасини унутди.  
Бир нодон маъносини англамай қуръонни ёд олгани-сингари  
шайхнинг ҳам тили тавҳиддан сўзладию, дили беҳабар қолди.  
Ёр Фоний назмини ёд олган бўлса, ажаб эмас, чунки  
аксарият ғазалларида ўз хусни тавсифи бўлгани учун ёд қилган.  
Унинг шодлик базмига бир оқшом шамъ кирди,  
шамъ у ситамгар шўх қўлида қатл этилган мурда бўлди.  
Васл кечаси у маҳвашнинг юзи кифоядир,  
чунки бирваракайига бир неча шамъ ёқиш яхши бўлмайди.  
Рухсоринг ўти шуъласи шамъни ёндирди,  
яъни сенинг жамолинг нуридан шамъ мунаввар бўлди.  
Шунча саркаш ва хуснга хусн қўшувчи шуъласи билан  
сенинг қаддингу ой юзингга шамъ қачон тенг кела олади?  
Эй соқий, базмимизга бу кеча шамъ керак эмас,

чунки тиниқ май ҳам у чехра (хонамизни ёритди).  
Шамъ у сарв суманбар девонаси бўлгани сабабли  
бўйнига занжир тушиб, фонусга қамалди.  
Эй Фоний, бошингдан тож андишасини чиқар,  
кўрдингми, шамънинг олтин тожи бўлгани учун боши (кесилди).  
Май тўла олтин жом айланишда офтобу равшанликда,  
гўёки офтоб билан бирга бўлган юлдуз сингаридир.  
Шундай олтин жомни топиш бош оғриғи қилади,  
бирок у топилса, бош оғриғини дафъ этади.  
Бизнинг борлигимиз анжомини май дурдига беринглар,  
чунки бу матоълар май сузгич баҳосига арзимаиди.  
Ўйинга тушганда ҳар бир рақсига фалак садақа  
бўладиган шундай қаландарвашга жон фидо бўлсин!  
Оламнинг машаққату оғирликларидан кутулишни истасанг,  
бошқалардан ажралиб ёр билан бирга бўл.  
Уринишу сустликдан ризқинг каму ортиқ бўлмагандан кейин  
қисмат учун одамлар билан жанжаллашиш нодонликдир.  
Эй Фоний, жонинг бўлган ёрингдан кеч, чунки бири тезда  
«алфироқ!» дейди ва бири «алвидоъ» дейди.  
Ҳофиз Шерозни ҳаддан ташқари таъриф қилган бўлса, ёки  
Шероз шоҳини доимо мақтаган бўлса.  
Унинг Шероз шаҳри бизнинг Ҳирот каби латиф эмас, ва унинг  
Шоҳи Шужоъси бизнинг шоҳимиз каби баҳодир эмас эди.  
Эски дард доғ қилингандан сўнг тузалгани сингари,  
хирқамга май тўкилди-ю, зухддан фароғат ҳосил бўлди.  
Ғунчадек бошим ёқамда, чунки гул юзли ёримсиз  
қонга бўялган юрагимда боғ сайри ва баҳор майли йўқ.  
Эй соқий, ул рухсору хат ҳажрида ўтдек май  
келтир токи димоғимдан дуд чиқарсин.  
Қоронғи ғам тунида қачон у бода чироғини  
ёқса, кўнгил уйи ишратдан ёришади.  
Даҳр боғида боши эгилган, қўлида жом тутган  
наргисни кўрса, ринд ибрат кўзини солади.  
Агар даҳр боғида тилсиз пирлару нуктагуй нозиклар  
бир бўлса, булбул ва қарға орасида не фарқ қолади?  
Васл истасанг, эй Фоний, фано йўлида йўқ бўл,  
ирсоли масал борки: «Элчи фақат пайғом етқаради».  
Эй гул юзи билан гулшандан дилимга фароғат ҳосил  
бўлган гўзал, икки оташин лаълинг бўлганда, равшан майдан фориғман.  
Қачонгача ёқамни йиртаман, юз шукрки,  
ишқ телбалигида яланғочлик, кўйлақдан кутқазди.  
Эй дил, сенга фароғат керак бўлса, майхонага бор,  
чунки ҳеч кимса учун ўша ердан бошқа жойда фароғат йўқ.  
Ваҳ, бу қандай нозки, ҳар нафасда минг ниёз кўрса

ҳам у сиймин бадан сарв ўзини биздан кўпроқ тортади.  
Кулбамни эшигу туйнукдан равшан қилдинг,  
энди бехонумонлик мени эшигу туйнукдан ҳам фориг қилди.  
Коинотдан парвоси бўлмаган маст жононим,  
агар мени унутиб қўйса, ҳолим нима кечади?  
Кимки Фоний каби борлиқ номусидан халос бўлса,  
дўстдан истиғноси-ю душмандан фароғати бўлади.  
Май жомининг саодатли юлдузи бир кеча қўлимга тушса,  
мастлигидан шодлик ва ёруғлигидан шараф муяссар бўлади.  
Ҳар томонда ҳар бир муғбача бир бало бўлса ҳам,  
муғлар дайрининг майдони ҳар балодан омон бўлсин.  
Агар ғам жонингга қасд қилса, майхонани паноҳ қил,  
чунки у ерда ғам хайлини қайтариш учун хум лашкари саф тортган.  
Юзининг ёришгани ва қизариши биринчи қадахдан  
бўлди, иккиси ҳам ажаб эмас, чунки май ўтининг тафти етишди.  
Ҳаётим нақди ишқу май учун зоеъ бўлди,  
Ҳар киши ҳам нақдини шундай сарфласа арзийди.  
Мастларнинг сархушлигига ва хумда боданинг  
қайнашига қара, оғзидан каф чикқан маст туяларга ўхшайди.  
Ишқ йўлида ҳар кадамда минг хавф бўлса ҳам,  
ўзлик хавфини ташлаб азм қил ва қўрқма.  
Чархнинг ёйидан ўқдек отилиб нажот топгин,  
бўлмаса икки юз зулм ўқларига нишон бўласан.  
Фоний, агар маърифатдан ҳаёт нақдини орзу қилсанг,  
«Ман араф...» ганжининг хазиначиси этагини ушла.  
Муғлар пири қўлингга соф май бергач,  
Май ичмоқдан тавба қилганман,— деб узр сўрама.  
Эй дил, айрилиқ тиғидан сийнам чок бўлгач,  
қўйлагимнинг чокини тикишдан нима фойда?  
Кипригинг жанговар лашкардек саф тортиб,  
бутун ишқ аҳлининг қалбига шикаст берди.  
Эй сўфий, агар матлубинг «Мифтоҳ» ва «Кашшоф»нинг  
кашфи билан очилмаса, ишқ дарсига кириб сабақ ўрган.  
Ишқ одобининг ҳамма дафтари бир ҳарфдир,  
хилоф аҳлининг жанжалидан бу тўғрида сўз узайган..  
Менга Каъба ва зуҳддан сенинг ризолигинг билан  
дайр яхшироқ, чунки «тоатдан инсоф юқоридир» деганлар,  
Бехудлик йили Фонийдан ва ўзлик йўли шайхдан,  
чунки бу йўқликдан гапирди ва у (шайх) лофдан (гапирди).  
Кимки дайрдек омонлик жойида бўлса-ю, дайр пири  
меҳрибон бўлса, мусулмон киши буни тавфиқ деб билади.  
Майга ошнолик кўнгулдан давр малолини чиқариб  
ташлайди, аммо афсуски, бу даврда дўст топилмайди.  
Текшириб кўрилганда, равза-ю, хуру кавсардан ғараз

суроҳи-ю, рафику майхона кунжидир.  
Майхона гадосига май қуйқуми-ю, эски сопол, подшоҳга  
Жоми Жамдан — руҳ қувватию соф май насибадур.  
Мен бода ичишга тушдим, кайфиятимни сўрама,  
чунки чўккан киши дарё ҳақиқатини билмайди.  
Тариқат пири амри билан биёбонни босиб ўтган бўлса,  
шундагина тариқат йўлидан борувчи киши нажот топади.  
Васл ваъдаси билан балолар етказасан, лекин бу  
сўзни тасдиқлайди, деб тасаввур қилма.  
Бу қўхна дайрда ҳар фирқага қўшилдим, аммо ҳеч  
фирқадан дўст нишонини тополмадим.  
Ёр васлини истасанг, эй Фоний, фанони танла,  
чунки илму амал баҳси одатда бошдан-оёқ риёдир.  
Эй соқий, менинг дилимдаги ўт фироқ нишонасидир,  
май келтир, фироқнинг жонига ўт ёқайин.  
Фироқнинг хонумонига ўт тушсин, (у)  
ғам ўти билан хонумонимни куйдирди.  
Йиғлаб фироқ дostonлари шарҳини айтсам, риндлар  
талай дostonлар ўрганиб, уни майхонага олиб борадилар.  
Қани у висолки, лутф билан келсаю,  
мен билан фироқ ўртасига айрилиқ солса.  
Фироқни ғусса билан яширин тутсам ҳам,  
май мастлиги вақтида фироқ ғуссаси фош бўлди:  
Дилим мулки тинчу осойишта эди, бироқ унга  
фироқ корвонидан кўп малолат матои келди.  
Фироқ осмонидан бошимга бало тоши ёғиб турганида,  
қандай қилиб майхонадан ташқарига чиқа оламан?  
Висол базмида фироқ машаққатларини ёрга шарҳ этиб,  
кўз ёшларимни тўкадиган онларим қандай ажойиб фурсат-а.  
Эй Фоний, йўқ бўлмасдан висол хосил бўлмайди,  
чунки ул (йўқ бўлмоқлик) фироқ чоғида сени висолга етказди.  
Агар ишқ жомидан бир култуми тупроққа тўкилса,  
фалакдаги мингларча малойикалар унга сажда қиладилар.  
Кимники у култум билан лойи қорилган бўлса, лок  
Тангри уни исмларни билишга амин қилди.  
Аршликлар бошларини унинг фармонидан тортмагач,  
унинг ичидан бир бепарво (Шайтон) бош тортса, нима зарари бор  
Итлик қилди, шунинг учун уни даргоҳдан қувдилар,  
лаънат ҳалқаси бўлган ҳалокат тавқи унга насиб бўлди.  
Фано дайрининг кенг фазоси покларнинг  
жилвагоҳидир, идроклилар нопок итдан қочадилар.  
Раҳматининг дарёси умумнйдир, май келтир,  
ўтли сувдан ўтимга сув қуй.  
Сен ўзингни риёзат билан файзга қобил қил,

чунки файз мумсиклик туҳматидан покдир.  
Зухдга чаққонлик менинг ҳолимга муносиб бўлмади;  
чункн у қомати чаққон ҳар замон мени ҳолдан тойдиради.  
Узум томири «маҳкам нажот ипи» бўлганидан  
май дурди мен учун тиниқ майдир.  
Мени муғлар дайрида йиртиқ кийим билан маст йиқилган  
ҳолда кўргач, шайх хонақоҳига қараб қочиб кетди.  
Тажаллий яшинининг ўти тушганда хас ва хашакдан асар  
қолмагани каби ёр юзини очгач, Фонийдан ҳам асар қолмади.

Эй пок тийнатиинг туфайли мингларча пок жонлар пайдо  
бўлган зот, ёлғиз жисмимгина эмас, балки сенга руҳим ҳам фидо бўлсин.  
Мунаввар ва порлоқ куёш олдида қора тупроқ қандай  
бўлса, пок зотинининг равшанлиги олдида нурли куёш ҳам шундайдир.  
Сенинг кўйинг тупроғига жон нисор этишни истайман,  
унинг ҳасратида ҳалок бўлсам, у қандай яхши ўлим бўлади-я.  
Қалам фармонингга бўйсунмаганидан қиёматгача  
боши қуйи, юзи қора ва сийнаси чокдир.  
«Дилинг жароҳатига марҳаммиз, бизни талаб қил», деган эдинг,  
«Эй қалбимиз жароҳатининг давоси, сендан бошқа матлубимиз борми?»  
Кимнингки маҳшар кунда сендан шафоат умиди бўлса, бу фано  
дайрида гуноҳдан ва бепарволикдан қандай парвоси бўлсин?  
Эн Фоний, ёмон феълингдан қанча ғамгин бўлсангда, агар  
у яхшилар подшоҳи шафоат қилувчинг бўлса, ғам ема.  
Агар муғлар дайрига бормоқни истасанг Тангри ёринг бўлсин,  
зуҳд ва риё хонақоҳидан узоқроқ бўл.  
Майга туз кўшганда ичиб бўлмаса ҳам,  
жон сенинг тузли (ширин) лабингдан тўймайди.  
Муғлар дайрида фариштанинг қаноти супурги бўлгач,  
рахмат булути у дайрга сув сепса, таажжуб эмас.  
Дўст дил ичида бўла туриб, ўзгдан қандай андиша бўлсин,  
шубҳа пардаси аниқлик юзига ниқоб бўла олмайди.  
Сен Исо каби фалакка чиқишни истасанг, муқаддас руҳ  
ва фаришта қанотининг ёрдамисиз чиқишинг мумкин эмас.  
Рақам юз минг бўлса ҳам, бирсиз мумкин бўлмагани каби,  
бир вужуднинг таъсирисиз ҳеч нарсанинг вужуди бўлиши мумкин эмас.  
Эй Фоний, ўзлик ҳарфининг нақшнини бақо тахтасидан  
тарашлаб ташланмагунча, дил сафҳасидан файз рақамини излама.  
Агар гоҳида тупроққа бир қултум май тўксанг,  
ишқ йўлида тупроқ бўлишдан мен нега кўрқайин.  
Майга йиқилдим, аммо жисмим заифлигидан,  
чўкмай, сув юзидаги хасдек кетяпман.  
Кўз ёшим билан ғайрдан кўзимни юмдим,  
юзингни кўрсат, негаки пок юзлар пок назарлар учундир.

Фигонки, гул юзли соқий гоҳ, май ўти билан,  
гоҳ ўтдек юзи билан жону дилимни куйдирди.  
Бошимни кесган бўлсанг ҳам хурсандман, чунки  
эй, шаҳсуворим уни фитрок (қанжирға)ка  
боғласанг оёғингни ўпаман, деган умидим бор.  
Агар ишқ сарсари эсса, юлдуз, фалаклар  
ўша замонда учкуну кулга ўхшаб нобуд бўладилар.  
Фоний чок бўлган юраги, юз парча хирқаси билан  
ғунча-ю фано боғининг гулларида нишон берадими?  
Йиртиқ ёқамдан чок сийнам (кўксим) кўриниб туради,  
сийна чокидан ўтли ичим (юрагим) кўринмоқда.  
Эй ҳамдам, ёнбошим йиртиғини ип билан тикма, негаки,  
ўйноқи дил тикилган чокни таг-туги билан узиб ташлайди.  
Мен жонимнинг йўлига тикишдан парвойим йўқ, чунки  
рахмсиз маст гўзалим жонга қасд қилишдан тортинмайди.  
Овинг бўлса ҳам, бошимни итингга ташла,  
чунки у ов тасмасига осилишга лойиқ эмас.  
Бир ойнинг ғамидан хафаман, эй соқий,  
осмондек пиёлада шафакранг майни тўлатиб бер.  
Ишқ озгина шуъла кўрсатса, зуҳд хирмонига қандай ўрин бор,  
яшин тиғига хашак лашкари қандай тоб келтира олади?  
Эй Фоний, пок ҳуснга поклидан бошқа кўзда боқма,  
чунки пок кўз билан пок дилнинг йўли шу бўлади.  
Майхонага қара, Бадахшон лаъл макони бўлгани каби  
лаълга ўхшаган май билан ундаги ҳар бир хум лаъл конидир.  
Айш бозорини кўр, бу ерда майфуруш сарроф  
сингари рангин май билан лаъл дўконини очган.  
Қулоғингга осилган лаълинг ҳажридан кўзимнинг ҳар  
бир кипригидан лаълга ўхшаган кўз ёш қатраси осилгандир.  
Ишим лабинг шавқидан қон ютуб,  
ҳажр тоғида лаъл нишонасини излашдир.  
Гул булбуллар олдида лаъл дастурхонини ёзгани  
билан, булбулларга қон ичишдан бошқа нарса насиб бўлмайди.  
Сенинг лабинг майининг акси майхонага тушди,  
шунинг учун майхонанинг ҳар тарафи лаъл жаҳони бўлди.  
Тишлаб жоним ипини уздинг, жоним икки  
лаълинг ўртасида лаъл маржонининг ипидек бўлди.  
Агар тош билан лаълни фарқ қиладиган бўлсанг,  
бало лаъли тошининг жароҳатидан фироқ яхши бўлади.  
Кимки гадоларда ҳам лаъл бўлади деган гумонда  
бўлса, тўғри, Фонийда сенинг лаълинг хаёли бор.  
Сарвим кетадию рафтори дилда қолади,  
ва унинг рухсор гулидан дилда юз тикан қолади.  
Жон тандан чикса, дилда фиғон қолмайди,

Бироқ унинг фироқида зор фиғон дилда қолади.  
Ҳижрони ўқининг нишлари хотира учун пайкондек  
эмас, балки дилда мих янглиғ ўрнаб қолади.  
Дилни тешиб ўтган тўғри ўқнинг захми  
қолгани каби унинг қадди кўзимдан кетадию, дилимда озори қолади.  
Бир мусофир уйига танга кўмиб кетганидек,  
У жонондан кўп яширин доғлар кўнглимда қолади.  
У гулрухсор сарвнинг ўзи ғойиб бўлса ҳам,  
тиканларидан қолган ҳар бир захмдан хурсандман.  
Эй соқий, тиниқ май бер,  
чунки у ширинкор шўхнинг ғамида дилимда кўп захарлар қолган.  
У пари кўз ўнгимдан кетса ҳам,  
Дилда -унинг нақши девордаги сурат каби қолади.  
Эй Фоний, у жонондан асло халос бўлолмайсан, чунки  
Ҳажрида ҳам зулфи хаёлидан дилингда зуннор қолади.  
Шароб тавбасидан хижил бўлган киши сингари,  
лабинг лаълини тарк қилгани сабабли хароб бўлган дил хижолатдадир.  
Агар ярим ўрилган зулфдан хижолат бўлмаса,  
нима учун сунбул чаманда юз хил товланади.  
Майхўрлик билан шуғулланганимдан ёшу қарилар олдида  
хижолатманд бўлганим сабабли, на тақводорлик қила оламан ва на ошиқлик.  
Агар шароб жилосидан қуёш хижил бўлмаган бўлса,  
нима учун шабистонимиздаги базмимиздан қочди?  
Гуноҳимиздан азобдаю, савобимиздан хижилмиз,  
шунинг учун қиёматда афвингдан умидвормиз.  
Эй кўнгил, агар дўст карам билан қўлласа,  
савол чоғида жавобдан хижил бўлмаймиз.  
Эн Фоний, дўст лутф конидир, гуноҳнинг ҳаддан  
зиёда бўлса ҳам хижолатдан юз ўгирма:  
Дил хуморликдан кетма-кет типирчиладими,  
ёки майнинг хушхабариданми?  
Дилим шу зайлда кетма-кет уриб турибди,  
уни лиммо-лим пиёла дафъ қилармикан?  
Маҳваш соқий менга қадах тутмоқчи бўлдимики,  
шодликдан юрагим ўйнаб кетди.  
Дилимнинг уриши оби ҳаёт учун эмас, балки май  
учун дил (бўлар-бўлмас нарсаларга) ураверади деб ўйламанг.  
Гулдаги шудринг менга қандай таскин берсин,  
у терлаган рухсор учун юрагим уради.  
Дилнинг уриши най нағмасидан дема,  
унинг беқарорлигига ўша созанда маҳваш сабабдир.  
Эй Фоний, дил соқий ва май бўлмаганидан  
уради, ҳуру кавсар учун қачон урсин?  
Мушк сўзи лом («л»)га яқин турганда, «мушкул» деган сўздан бошқа нарса ҳосил

бўлмагани каби, унинг Мушкин зулфидан менга мушкулдан бошқа нарса ҳосил бўлмади.

Ниқобда чиққанинда ҳам аҳволимизга назар ташла,  
чунки кўз пардаси кўриш йўлини тўсмайди.

Ажал яқинлашганда, умр шошилгани каби рақибим  
олдимга келганда, ёр кетишга шошилади.

Кўзинг дил қонини ичгани унинг дил ўғриси эканига  
далилдир, иккинчи далилим шуки, ошиқинг бедилдир.

Эй дил, агар ўз маҳбубим ҳузурда бош кўйсам, ажаб эмас,  
чунки лабининг шираси жон бағишловчию ғамзасининг неши қотилдир.

Ақлу ҳушёрлик хонақаҳ аҳлига яхши, аммо майхонада  
маст бўлиб, ақлдан озиб йиқилган ринд қандай яхши!

Агар ошиқ ўзлигини эсласа, дўстдан маҳрум бўлади,  
дилигни дўстга уламоқчи бўлсанг, уни (дилни) ўзликдан уз.

Эй неъмат бағишловчи, дунёда гадо бўлиб қолмаганинг  
шукронаси учун албатта гадолар дилини овла.

Эй Фоний, агар мақсуд каъбаси висолини истасанг,  
беҳуномонлик водийсидан бошқа жойга туянгни сурма.

Соқий, хумор дардидан ҳолим ёмондир,  
хўлимга лиммо-лим қадаҳ тут.

Шундай қадаҳ берки, у кўнгилга даврон  
ғамидан тушган зангни йўқотсин.

Шундай ичайки, қадаҳда май  
намлигидан асар ҳам қолмасин.

Токи бир дам ақлдан айрилиб маст бўлай,  
борлиқ олами ҳам хаёлимга келмасин.

Ул бода қандай яхшики, бору-йўқдан  
бир нафас фориғ қилади.

Агар кишиларнинг эҳсони азиз қилса,  
бунинг баробарида тиланиш хорлигини кўр.

Фоний, илму амал айрилиқдир,  
висол томонга фано йўли олиб боради.

Қаддига кўп диллар гирифторлиги аён бўлгач,  
ул сарв дилларнинг кўплигидан ноз гулининг ниҳоли бўлди;

Ҳар кеча шамънинг шуъласи каби куйиб,  
нола қилган дилим беморлигидан ҳолим харобдир.

Кўзим кўп йиғлаганидан дилим қонга ботди,  
дилимининг зоридан таним ранжиб, жонидан безор бўлди.

Дилимга ғаминг тийғи иш кўрсатгану,  
афсуски, ғам ўқи санчилган дилда ғаминг йўқ.

Ғаминг тоғи дилга гарчи оғир тушган бўлса ҳам,  
лекин сендан бошқанинг юкидан енгиллигимга хурсандман.

Эй соқий, май жоми берки, уни қондек симирайин,  
чунки дилнинг хунхорлиги жонимга тегди.



Фоний оёқда (туролма) йиқилди, лекин висол  
умидида дилнинг талабгорлигидан бир нафас кечмайди.

Дил яна мени гулгун май жоми томон тортади,  
чунки дилим бир гулранг либосли ғамидадир.  
Лаъл лабинг ғамидан дилимдан шунча қон оқдики,  
излаган билан қон ичидан дилимни топиб бўлмайди.  
Дилим майга шундай ғарқ бўлдики, бало селига ғарқ бўлган киши  
гоҳ-гоҳ бошини чиқаргани каби дилим ундан гоҳ-гоҳ бошини чиқаради.  
Дил мени излаб унинг кўйидан топа олмасди,  
юз воҳки, энди мен овора ахтариб, дилни топа олмайман.  
Ул гулнинг куйи санавбар боғи каби бўлди, у ерда  
дил берганлардан кўра, санавбарлар дилини кўпроқ овлайди.  
Рақиб мен девонанинг қонини ичдию кечирдим,  
Лайлининг ити -Мажнуннинг дилини еса, таажжуб эмасдир.  
Фоний бир ой ишқида май ичди, энди дили  
осмон доирасидан жом даврасини истайди.

Ҳижрон қачонгача хирад нақдидан дилни талайди,  
агар ғам ва жудолик дарди шундай бўлса, дилнинг ҳолига вой.  
Рухсоринг боғидан жаҳон оройиш топгани  
учун уни «Боғи Жаҳоноро» дейиш мумкин.  
Шоҳ ов қилса арзийди, чунки дил саҳроси  
гўзаллар кўзлари бўлган Хўтан кийиги билан тўла.  
Сарв дарахтига қўнган нола қилувчи куш каби  
Дилнинг раъно қадинг ниҳолидан бошқа ошёни йўқ.  
Агар овора бўлган дилни дилбардан сўрамасам, айби йўқ,  
Дилбарнинг васли муяссар бўлганидан кейин дил билан кимнинг иши бор.  
Ҳушим борида дилни сақлайман, май ичдимми,  
Дилнинг фарёд вовайлоси мени бетоқат қилади.  
Занжирдек зулфингдан дил савдони бўлди,  
энди овора Фоний, дилнинг савдосидан Мажнун бўлиб кетди.  
Раъно қоматингнинг жилвасидан дилга қандай бало,  
мушкин соч ўримингнинг ҳар толасидан дилга юз мубталолик (етади).  
Баҳор ёмғирининг кўп ёғишидан ғунча очилганидек,  
сендан қанча жафо ўқи ёғилса, кўнглим шунча очилади.  
Ҳар кеча дилни ишқдан манъ этиб, юз можаро қилсам  
ҳам, тонг отгач, ишқдан унинг туғёни юз баробар ортади.  
Дилим ва кўзим сенинг ҳалокинг бўлгану, яна кўзимда  
сен жилваланасан, бу зулмни дилга раво кўришинг тўғри эмас.  
Ишқингда шод эканимнинг сабаби шуки, ҳар томонга  
ўқ отсанг, У ўқ жонимга, ё кўзимга, ё кўксимга, ё дилимга келиб тегади.  
Фалак ҳамиша вафо аҳлига озор бериб келади,  
агар у бевафодан менга озор етса, хурсандман.  
Эй соқий, одамгарчилик юзасидан менга катта идишда май тут,  
чунки дуиёнинг одамгарчилиги йўқ кишиларидан дилимда қайғулар бор.

Ҳажрингдан кўзим ва дилимга нималар келганини билсанг (эди), кўнглинг ачиб, менга раҳм кўзи билан қарар эдинг. Эй Фоний, ўзинг айтган фано биёбонини кесиб ўтсанг, ажаб эмаски, бақо ҳарамига етсанг.

Гўзалимнинг туриши ширакайфларга ўхшаса, дилим ҳар нафасда унинг қўлидан май олиб ичишга мойил бўлади. (Дилбаримнинг) юзи порлоқ қуёшдан ҳам равшанроқдир, бунга қуёш каби равшан далилларим бор. Сенинг иштиёқингда кўзимдан ғайрат ёшини оқизаман, кўзимдан сендан ўзганинг нақши бирдан ювилади. Бўйнингга тумор осиишингни истамайман(у), унга қўлимни ҳамойил қилишга қандай ҳаддим, сиғсин? Қуёшга булут тўсиқлик қилгани сннгари, васли қуёшига (эришишга) ўзлигингдан бошқа нарса тўсиқ бўлолмайди. Гадонинг ҳоли зорин ҳамма вақт кўриб турибсан, жон бағишловчи лаълингдан сўрашни қандай ҳожати бўлсин. Эй Фоний, ишқ ҳақиқатини фанонинг бир ҳарфи деб бил, ўзингни машаққатга солиб, уни ўрганаман деб, китоблардан излаб юрма.

Маҳваш соқийнинг акси қизил майдан кўрингани каби тўлин ой ҳам шафақ орасида жамолини кўрсатди. Лекин ой билан шафақ хаёлда соқий билан май сингари дилкашу латофатли бўлиб жилваланмайди. Осмон шафақ билан ойга ва мен эсам май билан соқийга (эгамиз), шундай ўхшашликдан бошим кўкка етади. Қандай яхши май ва қандай яхши соқийки, ҳар нафасда бу биридан ҳушҳол ва у биридан беҳол бўламан. Эй гулчеҳра, менга гулранг бода тутгинки, у зулол (ўша бода) билан сийнамдан малол гардини ювиб ташлайин. Шамол менга жон бахш этади, чунки ёр исини олиб келади, (шу) шамол насими Исонинг нафасимикан? Эй Фоний, куфру дин мартабаси (даражаси)ни шайхдан сўрама бу тўғрида дайр пиридан сўрашимга фурсат бер.

### **Татаббўъи Маҳдум**

Набошад аз чунуну ошиқӣ бар дил задан сангам,  
Ки аз бедоду зулми дил ба ў афтода дар чангам.  
Физояд бар ҳама фориғдилон андӯҳу дилтангӣ,  
Ҳар он оҳе, к-аз андӯҳат барояд аз дили тангам.  
Зи хуш барное андар сар халонам лолаи хуршед,  
Нашоту айш чун муфрит шавад аз чоми гулрангам.  
Кашад гаҳ қониби майхона, гаҳ дар қониби риндӣ,  
Ҳавои шоҳиди шӯхам, навои мутриби шангам.

Зи сар то поям аз санги ҳаводис хӯрд бод, эй дил,  
Агар бошад ба хотир орзуи тоҷу аврангам.  
Муғона нағмаву оҳангу ноқусам бувад дар дил,  
Сӯи дайри муғон ҳар гаҳ бувад мастона оҳангам.  
Равад чун зикри бадномони кӯи ишқ, эй Фонӣ,  
Ту номи некномиро мабар, к-аз вай бувад нангам.

### **Татаббӯи Хоҷа**

Паи сабӯҳ ба дайр ар гузар фитад саҳарам,  
Чу ҷоми май ба каф афтад, кучо бувад гузарам?  
Хабар чӣ пурсиям аз худ даруни дайри муғон,  
Зи худ кучо хабарам, аз худӣ чу беҳабарам?  
Ту коса-коса хурӣ май ба ғайру хун аз дил  
Чакад чу май, ки хӯрӣ қатра-қатра аз чигарам.  
Сарам ба тоҷи вараъ буд, то ки н-омада буд  
Зи ҳодисоти балоҳои ошиқӣ ба сарам.  
На он ки ишқ сарам хок кард, бал нагузошт,  
Ҳам аз вучуд нишонам, ҳам аз худӣ асарам.  
Мағӯ ба манзили ин кӯҳнадайр ишқ мабоз,  
Ки зод нест ҷуз ин, то ба манзили дигарам.  
Ба даҳр дил чӣ ниҳам, Фониё, ки гар сад қарн  
Бимонам, охир афтад азимати сафарам.  
Чун саги девона ҳар паргола, к-аз тан барканам,  
Қасдам ин бошад, ки дар пеши саги ӯ афканам.  
Дорад аз хунҳои доғи тозаам ҳар сӯ нишон,  
Доғҳои бодаи гулранг дар пироханам.  
З-он ба воми бода додам хирқаро, к-аз майкада,  
Маст чун оям бурун, дасте нагирад доманам.  
Мазраи дилро, ки доғи сина хирманвор сӯхт,  
Зад руҳи соқиву май ин оташ андар хирманам.  
Ростиро гоҳи сайри гулшани озодагӣ  
Хуш наёяд ҳеҷ нахлу гул чу сарву савсанам.  
Ҳашмати дунё наярзад душманиро, май биёр,  
Дӯсте, к-ӯ з-ин раҳам водошт, бошад душманам.  
Фонӣ аз пиру чавон шармам, ки дар пиронасар,  
Бо ҷавонон ошиқӣ меварзаму май мезанам.

### **Татаббӯи Мир**

Сайри бӯстон чу кунам бе бути гулпираҳанам,  
Пираҳанро чу гул аз фурқати ӯ чок занам.  
Ёдаш, он навъ диламро зи худӣ карда халос,  
Ки гаҳе ёд наёяд ба дил аз хештанам.

Ончунон ман зи миён рафта, ҳама ӯ шудаам,  
Ки ба худ ҳеч тахайюл накунам ин ки манам.  
Гар бичӯянд зи ман, ҳеч наёбанд чуз ӯ,  
Ин тани орият ар з-он ки зи худ барфиканам.  
Аллоҳ-аллоҳ, чи фироқ асту ба зимнаш чу висол,  
Ки маро чон шуда чонон ба ватангоҳи танам.  
Соқӣ, оинаи май дех, ки дар ӯ чун худро  
Нигарам, чилва кунад гулрухи симимбаданам.  
Нест чун анҷуману хилвати ман, бе рухи ӯ,  
Чӣ тафовут кунад аз хилвати ман анҷуманам?  
Воизо, равза туро, з-он ки зи ёди рухи ӯ  
Рашки Фирдавс шуда гӯшаи байт-ул-ҳазанам.  
Фониё, давлати васлам зи ғами ҳаҷр расид,  
Марҳами сина бувад хору гули ин чаманам.

### **Татаббӯи Махдум**

Чу бо сад ҳасраташ аз дур бинам,  
Чӣ роҳи он ки бо он маҳ нишинам?  
Зи ашкам остонаш низ тар шуд,  
Чу оби ӯ гузашт аз остинам.  
Биронад тундбоди қахраш аз хашм,  
Агар чун гард бар кӯяш нишинам.  
Паи як диданаш в-он гоҳ мурдан  
Шуда умре, ки ҳар сӯ дар каминам.  
Ниёзам сад ҳазору ҳар якеро  
Фузун з-он ноз бо он нозанинам.  
Ба уммеде, ки шояд по расонад,  
Ба роҳаш суда шуд умре ҷабинам.  
Чи созӣ манъ, Фонӣ, зоҳид аз ишқ,  
Ту дар қисмат чунону ман चुнинам.

### **Айзан**

Анвори таҷаллӣ зи маҳи рӯи ту ёбам,  
Меҳроби дуо токи ду абрӯи ту ёбам.  
Дил гар шавад овора зи ошуфтагии ишқ,  
Ҳар сӯ талабам, оқибаташ сӯи ту ёбам.  
Аз меҳри ту ҳар субҳидамам тоза шавад рӯҳ,  
З-он рӯй, ки аз боди сахар бӯи ту ёбам.  
Пеши лаби Исонафасат чун надихам чон?  
К-он муъҷиза аз лаъли суҳангӯи ту ёбам.  
Гесӯи кашон чун кашӣ аз хок нишонаш,  
Аз сояи сарви қади дилчӯи ту ёбам.  
Сар монда ба зонӯи ғамам, ваҳ ки муҳол аст,

Он к-аш нафасе бар сари зонӯи ту ёбам.  
Фонӣ, ки дилаш дар шаби савдои ту гум шуд,  
Гар ёбамаш аз турраи ҳиндуи ту ёбам.

### **Татаббӯи Мир**

Зи ҳаҷрат, эй маҳи бадмеҳр дил нобуд шуд, тан ҳам,  
Чӣ будӣ гар бад-он ду рафта ҳамрах будаме ман ҳам.  
Агар мирам, нахоҳам дӯхт захми теғи он қотил,  
Зи Марям ришта гар оранду аз Иси-ш сӯзан ҳам.  
Зи ишқам сад гиреҳ даркор буд, аз ҳаҷр боз инак  
Гиреҳ афтод бар чоки гиребон, балки доман ҳам.  
Ҷудо з-он зулфу рӯ солу маҳ аз бас ранҷӣ маҳҷурӣ,  
Малул аз шомӣ тира гаштаам аз рӯзи равшан ҳам.  
Маро то бори сар бардошти аз гардан, эй қотил,  
Сарам шуд зери бори миннати теғи ту, гардан ҳам.  
Зи ҳаҷрат хонаи дил тира буд, эй маҳ, хушам, акнун,  
Ки дар вай теғу тират рахнаҳо афканду равзан ҳам.  
Сарам гирди сарат гардад, чу хоҳӣ дураш андозӣ,  
Зи бас санги ҷунун хӯрдан шуд ӯ санги фалохан ҳам.  
Шаҳу базми нашот, эй дил, гадову кунҷи майхона,  
Чу набвад соф соғар, бад набошад дурдии дан ҳам.  
Аз он бадахд дилро гар тавонам кандан, эй Фонӣ,  
Кунам шарте, ки дигар дил ба аҳди дилбарон нанҳам.  
Акси рухсор чу бар соғари саҳбо фиканам,  
Гунаи зардвашӣ дар маи ҳумро фиканам.  
Эй гадоёни дари майкада, ҳиммат, ки ба ҷаҳд,  
Хештанро дигар аз савмаа ин ҷо фиканам.  
Ваҳ, ки он муғбача парво накунад, гар худро,  
Бар дари дайр зи айвони Масеҳо фиканам.  
Аҳли дин тавба диҳандам зи май, эй дил, чи аҷаб,  
Хешро гар ба миёни муғу тарсо фиканам.  
Ҷоми миной агар пири муғонам дорад,  
Аз хушӣ ғулғула дар гунбади мино фиканам.  
Дили волашуда чун бед биларзад ҳар гаҳ,  
Чашм бар ҷилваи он қомати раъно фиканам.  
Фонӣ он сайд шуд аз даст ҷӣ суд ар худро,  
Саги девонасифат ҷониби саҳро фиканам?.

### **Татаббӯи Маҳдум**

Зи доғи тоза, ки кард аз ғам ошкора дилам,  
Шудааст аз ғами моҳе сияҳситора дилам.  
Ҳазор пора агар шуд зи теғи зулми ту, лек  
Ҳавои васли ту дорад ҳазорпора дилам.

Марост бехудии дил зи чашм, з-он ки зи дӯст  
Равад аз хеш зи чашмам ба ҳар назора дилам.  
Маро бурун зи шумор аст пора дил, яъни  
Ки пеши хайли ғамат нест дар шумора дилам.  
Биёр бода, ки дар ҳалли мушкилоти сипеҳр  
Ба ғайри риндию мастӣ наёфт чора дилам.  
Ба ҷуз шароби сабуҳӣ надод раҳ ҳарчанд,  
Ба азми ту бех сахар кард истихора дилам.  
Шарорҳои фироқам, зи сина, эй Фонӣ,  
Равад ба чарх яке дон аз он шарора дилам.

### **Татаббӯи баъзе азизон**

Бигуфт ишқ, ки Май нӯшу рав ба мулки адам,  
Бигуфтамаш, ки: Бидеҳ, чоми май дам асту қадам.  
Ридо ба рӯи тағори май асту шуълаи оҳ  
Марост кишвари риндӣ кунун ба таблу алам.  
Дирам-дирам, ки шуда доғи май ба сачҷода,  
Чӣ суд чун нашавад раҳни май ба ним дирам?  
Мабин ба тавбаам, эй пири дайру чомам дех,  
Зи ман агар камӣ омад, ту бош аҳли карам.  
Ҳадиси дӯст ба риндон бигӯ, не ба малак,  
Ки аҳли ишқ бувад сирри ишқро маҳрам.  
Ба ғайри чоми маю рӯи хубу гӯшаи амн,  
Ба муфт низ наярзад ҳукумати олам.  
Иморати дили вайрони реши Фонӣ агар  
Зи лои бода кунӣ, ҳам гиласту ҳам марҳам.

#### **Татаббӯи Хоҷа Ҳасан**

Мунаввар аст ба рӯи ту дидаи чонам,  
Муаттар аст ба бӯи ту кунчи эҳзонам.  
Аз он замон, ки туро ёри хеш донидам,  
Ба ёрият, ки дигар хешро намедонам.  
Сабо, масоз парешон шиканчи турраи ёр,  
Ки аз тахайюли он, дил шавад парешонам.  
Чӣ сон бурун равам аз дайр, эй мусулмонон,  
Ки сарфи муғбачагон гашта нақди имонам?.  
Мабин ба майкадаам масту остинафшон,  
Ки ҳаст остине, к-аш ба олам афсонам.  
Ҷунуну бехудии ишқ олами дигараст,  
Ба ақл ёфтани он набошад имконам.  
Кучост гардиши соғар даруни майхона?  
Ки ман ба гардиши ин корхона ҳайронам.  
Ҳадиси тавбаву тақво зи ман маҷӯ, эй шайх,

Чӣ гуна даъво коре кунам, ки натвонам?  
Маҷӯ, ба хонақаҳи зоҳидонам, эй Фонӣ,  
Ки ман ба дайри фано хоки пои риндонам.

### **Татаббӯъи Хоҷа**

Ман, ки ғампарвари ин дайри хароб, ободам,  
З-онам обод, ки доим ба хароби шодам.  
Ватанам гулшани мурғони уло аҷниҳа буд,  
Ба гуноҳи падар аз чарх ба хок афтодам.  
Ғурбате пеши ман афтод аҷаб дуру дароз,  
Ки бишуд манзили асли ҳамагӣ аз ёдам.  
Шуд зи омезиши ин чор муҳолиф, ҳайҳот  
Тахтабанди қафас ин тоири қудсӣ зодам.  
Гарчи ин лаҳза чу мурғони ба дом афтода,  
Чанд рӯзе ба шабистони бадан мӯътодам.  
Ин қафас чун шиканад, қост нишиманғаҳи асл,  
Боли руҳонӣ аз ин ғамкада чун бикшодам.  
Лек чандон ки дар ин дайри муғонам ватан аст,  
Ки ба ҷуз қоми маю муғбача дил нанҳодам.  
Маст дар кӯи харобот фитодан авло,  
Ки надонам агар аз чарх расад бедодам.  
Бӯса нодода, ки қон металабӣ, эй қотил,  
Нукта ин гуна наёмӯхт ба ман устодам.  
З-аҳли ин дайр чӣ бунёди вафо дорам чашм?  
Нест маҳкам чу дар ин дайри куҳан бунёдам.  
Фонӣ, сарсари оҳи ту шуда пайдарпай,  
Тарсам ин оҳи дамодам бидиҳад барбодам.

### **Дар таври Маҳдум**

Дар дайри муғон шефтаи пиру ҷавонам,  
Хоки қадами муғбачаву пири муғонам.  
Айёми қадаххориам, эй шайх, чӣ пурсӣ,  
Аз ғояти мастӣ чу шаб аз рӯз надонам.  
Ман беҳуду пурсанд, ки чунӣ, чӣ ҷавоб аст?  
Ин масъаларо чунки надонам, ки чӣ сонам?  
Бе гуфтани аз нуру сафои маи равшан,  
Бар халқ бувад фош ҳама рози ниҳонам.  
Чун бӯса ба пои ту задам, кард дилам заъф,  
К-аз пои ту бардоштани сар натавонам.  
Сайри малакут аз қадаҳи пур кунам, оре,  
Ин навъ сабукрӯҳ аз он ратли гаронам.  
З-он рӯй ба майхона кунам азм, ки як дам  
Аз ранҷи худӣ хоҳири худро бираҳонам.

Фарёд, ки осудагиам нест замоне,  
Аз ранчи замон, балки зи абнои замонам.  
Фонӣ, ба биёбони фано рафт, чу шуд маст,  
Уммед аз ӯ, чунки шавам маст, намонам.

Шаби ҳаҷри ту худ май аз суроҳӣ дар қадаҳ резам,  
Хаёлатро ҳарифи май кунам, сӯҳбат барангезам.  
Худ аз дасти хаёлат коса дорам хешро в-он гаҳ,  
Паи бигрифтани он аз паи таъзим бархезам.  
Аз он май чун димоғи ман шавад ошуфта чун зулфат,  
Мусалсал қиссаҳои шомӣ ҳаҷри худ фурӯ резам .  
Гаҳ аз роҳи тахайюл сар ниҳам бар хоки пой ӯ,  
Гаҳ аз рӯи таманно дасти дил дар зулфаш овезам.  
Дар он мастӣ, ки дорам бо хаёлаш даст дар гардан,  
Шабехунам агар хайли ачал орад, напарҳезам.  
Шавам бо айши пинҳони хаёле шод чун Фарҳод,  
Муяссар нест з-он шириндаҳан чун коми Парвезам.  
Намеебам раҳи пайвастагӣ бо дӯст чун Фонӣ,  
Магар ҳам к-аз худӣ гардам чудо в-аз хеш бигрезам.

### **Мухтараъ**

Боз дар дайри муғон оҳу фиғон овардаам,  
Оламеро зи фиғони худ ба қон овардаам.  
Аз гуноҳи тавба бо зуннор габри хешро,  
Дасту гардан баста дар дайри муғон овардаам.  
Ҳарчи мехоҳӣ ба ин расво бикун, эй муғбача,  
К-он чунон к-ат хостӣ дил, он чунон овардаам.  
Лутфи пири дайр ҳаст афзун зи ҷурми ман аз он  
Аз гунаҳ шарманда, сар бар остон овардаам.  
Соқиё, ратли гаронам дех, ки аз шармандагӣ,  
Сар ба зер афканда, худро саргарон овардаам.  
Гарчи аз ному нишон озодам, аммо доғи ишқ  
Бар ҷигар аз бенишониҳо нишон овардаам.  
«Лююқолай» гуфта сирри ишқро чун пири дайр,  
Фониё, чун гӯям ар сад достон овардаам.

### **Татаббуъи Хоҷа**

Ман, ки хурсанд ба бӯе зи маи рангинам,  
Бех, ки бар раҳгузари дайри муғон биншинам.  
То бувад чунки дамодам гузаронанд шароб,  
Ҳама бе миннати май маст шудан оинам.  
Не ки бар садри харобот кунам сарманзил,  
Сафи риндони ҷаҳон аз ду суви худ бинам.  
Нигарам неку бади маҷлиси риндону бувад,



Адаби сӯҳбату май хӯрданашон талқинам.  
Ҳаст чун оқибати кор паси пардаи ғайб,  
Таъна, эй шайх, зи риндӣ чи занӣ чандинам?  
Кофири ишқаму сармаст, ки дар дайри муғон,  
Дар сару кори маю муғбачагон шуд динам.  
Ман ки дар арбада афтодаам аз мастию ҳаҷр,  
Ҳам магар чилваи маъшуқ диҳад таскинам.  
Доман аз хори тааллуқ раҳад андар раҳи ҳаҷр.  
Гар диҳад даст, ки доман зи ҷаҳон дарчинам.  
Фониё, нест чу маълум, ки аз чист наҷот,  
Андар ин дайри куҳан очизу ҳайрон з-инам?.

#### **Айзан**

Ин, ки худро ба дари майкада урён кардам,  
Хирқаро раҳни шароб аз паи риндон кардам.  
Дӯш як ҷуръаам эҳсон нанамудӣ, ҳарчанд  
Ашк чун шамъ фишондам, чу най афгон кардам.  
Умрҳо он чи дил аз илму амал ҷамъ намуд,  
Ҳамаро дар сари он зулфи парешон кардам.  
Хами чавғони фалак дасти умедам бикашид,  
Даст ҳар гаҳ сӯи он гӯи занахдон кардам.  
Бими оташ мадеҳ аз ҷурми маям, эй зоҳид,  
К-ончи қассоми азал амр намуд, он кардам.  
Хирқаи чоки маро бар сифати тўгма шудааст,  
Он гиреҳҳо, ки ба домону гиребон кардам.  
Партави меҳри висол за дару бомаш афтод,  
Хонаи дил, ки ба савдои ту вайрон кардам.  
Дил, ки гумраҳ шуда буд аз ҳаваси ҷаннату ҳур,  
Бозаш аз ёди висоли ту пушаймон кардам.  
Васл агар боядат, аз худ бигузар, эй Фони,  
Бин, ки чун қиссаи мушкил ба ту осон кардам.

#### **Айзан**

Дурде, ки аз сафоли сағони ту даркашем,  
Беҳтар зи софи айш, ки аз ҷоми зар кашем.  
Дар дайр чун ки каъбаи васлат муяссар аст,  
Баҳри ҷӣ сӯи бодия раҳти сафар кашем?  
Баҳри симоъи муғбачагон бо фиғони ҷанг,  
Дар дайри муғ таронаи мастона баркашем.  
Дар рақс то кунанд ба мастон мутобаат,  
Зоҳид зи ҳучра, шайх зи хилват ба дар кашем.  
Дар дайру Каъба ёр мурод аст, ёр агар  
Дар Каъба нест, раҳт ба ҷои дигар кашем.  
Бигрехтанд мухтасибу шаҳна, беҳ бувад

Базми нашот бар сари бозор агар кашем.  
Дигар мағӯ, ки маст шудӣ, рав зи базми ёр,  
Бигзор, мон, ки як-ду қадах беҳабар кашем.  
Соқӣ, ба як-ду чоми чигаргун халос дех,  
То кай зи чоми ҳодиса хуни чигар кашем?  
Фонӣ чу васл нест муяссар ба саъйи мо,  
То чанд нолаи шабу охи саҳар кашем?

### **Дар таври Хоҷа Камол**

Бувад ҳамчун дили ман сунбули он сарви симандом,  
Парешону ду ниму нимаи ӯ долу ниме лом.  
Бад-он монад, ки резад дар шафақ аз ҳар сӯе кавкаб,  
Чу аз хай қатра ҳар ҷониб давонад он рухи гулфом.  
Диламро андар он зулф аз тапидан ғамза таскин дод,  
Диҳад қатл изтироби мурғи домафтодаро ором.  
Ба васл он рух, ки медидам, ба ҳаҷраш ҷом менӯшам,  
Ба ҷои офтоби субҳ, оре, маҳ бувад дар шом.  
Чу мурғи рух хоҳам дар тани зораш диҳам таскин,  
Кабутар, к-оварад з-ӯ номаву аз ман барад пайғом.  
Шуоаш хонаи торики дилро кард нуронӣ,  
Чу тоқӣ дошт пешам офтоби май ба зарринҷом.  
Накӯ н-ояд, ба аҳли ринд шахди софии Кавсар,  
Ки муътоди шароби талх бошад ринди дурдошом.  
Зи хони вақти шайх омад яке маҳзузу даҳ маҳрум,  
Ғуломи пири дайрам, з-он ки бошад файзи ҷомаш ом.  
Фикан бори худӣ аз худ ба дашти фақр, эй Фонӣ,  
Агар хоҳӣ сабуктар гардадат дар сайри ин раҳ гом.

### **Татаббӯи Хоҷа**

Аз ҷӣ, эй муғбача, надҳӣ ба сӯи хум роҳам,  
Ки зари нақд ба каф дораму май мехоҳам.  
Нақди ҷон низ физоям ба вай ар аз паи май,  
Бӯсае з-он лаби ҷонбахш диҳӣ ногоҳам.  
Лутф кун з-он ки шаб асту сабӯи май бар дӯш,  
То бари дурдкашон дур ба ғоят роҳам.  
Дастбӯси санами чуръакашам хоҳад дил,  
Ваҳ, ҷӣ хуш бошад, агар даст диҳад дилхоҳам!  
Ҳоҷибам баҳри ҷӣ ронад, зи дари дайри муғон?  
З-он ки умрест, ки хоки дари ин даргоҳам.  
Бутпарастист, ба ҷуз дӯст чи фирдавсу чи хур,  
Кофирам з-он ҳама гар нест ба табъ икроҳам.  
З-оҳи ман парда барафканд, бар оинаи рӯй,  
Гашта ғофил, ки кунад пардакушои оҳам.

Нест чуз пӯст маро қиблаи ҷон, эй зоҳид,  
Соқии дайр ва гар озими Байтуллоҳам.  
Шайху асҳоби риё, Фонию арбоби фано,  
Хуш бувад муттақиён бо ҳаму риндон боҳам.

### **Татаббӯи Махдум**

Ба рӯяш то ки моил шуд дили садпораи зорам,  
Ба як дил не, ба сад дил ошиқи он моҳрухсорам.  
Маро чун риштаи ҷон шуд ба ҳар мӯи ту вобаста,  
Биё биншин даме в-он риштаро магсил зи рафторам.  
Агар хоҳам чудо созам, танам афгортар гардад,  
Чунон часпида хунин пираҳан бар ҷисми афгорам.  
Чунон дар хонаи дил нақш баста сурати он маҳ,  
Ки бо нӯги қалам он ҷо мусаввар гашта пиндорам.  
Ниҳодам сар ба хоки пои ӯ, ваҳ, хок бодам сар,  
Агар хоҳам ки дигар ҳаргизаш аз хок бардорам.  
Шаби ғам ахтари ашкам наёяд дар ҳисоб, арчи  
Ки шаб то рӯз ахтар мешуморад чашми бедорам.  
Мусулмонон, ману дайри муғон, чун муғбача ҳар дам  
Намояд аз лаби худ бодаву аз турра зуннорам.  
Бигардон даври соғар соқиё в-аз давр камтар гӯ,  
Бир кечалик ҳажринг дардидан шундай ҳолга тушдимки,  
кундузи мени кўрган одам бир йил бемор бўлиб ётган деб ўйлайди.  
Фонийнинг телбалигидан Мажнун таажжуб қилган бўлса  
У вақтда ҳали бу қадар телба эмас эканман.  
Кўйлагим май доғидан гул-гул бўлибди,  
агар шу кўйлагим кафан бўлса, гўрим гулистон бўларди.  
Оламдан шундай маст бўлиб кетаманки,  
қиёматда ҳам ўзимга келишим қийин бўлади.  
У ой васл майи билан мени шундай ўзгартириб юбордики,  
мен ўзимда йўқман, ўзимнинг ўзим эканим ҳам гумон бўлиб қолди.  
Менинг қуруқ тоат-ибодатимга май рутубати даво бўлади,  
азалдан ватаним бўлган жой — майхонага бораман.  
Мен улуғ олам кабирман, қадах (майхўрлик) гуноҳидан нима  
ғамим бор? Чунки маҳшарда бу баданим дўзахга сиғмайди.  
Мен муқаддас гулшан қушиман, ўзимни  
ўша (гулшан) сувию ҳавосига ташлаганим яхшидир.  
Бу жаҳон бир-икки кунлик омонат жой-ку шундай экан,  
жаҳон боғида туришни қандай хаёл қила оламан?  
Мени муғлар дайрига муғбачалар орзуси олиб боради,  
мен у томонга ўз ихтиёрим билан қандай қадам босаман?  
Эй Фоний, агар унинг висолисиз боққа борсам,  
мен учун қандай гул (суман) очиладию, қайси сунбул чирмашади?  
Мен бедил ошиқ у кумуш баданнинг қомати учун ўлсам,  
гоҳ гўзал рафтори учун ва гоҳ зебо бадани учун ўламан.  
Кийими ғижимланиши — умрим саҳифаси ғижимланиши бўлса керак,  
чунки унинг кийими турли рангда жилоланишидан ўламан.  
Жафосининг ҳар бир ўқиға сийнамни қалқон қиламан,  
бундан мақсадим қандай қилиб бўлса ҳам унинг ўқидан ўлишдир.  
Агар ишқнинг гуноҳи учун мени ўлдирса, жоним унинг фидоси,  
ундай қилмаса, мен тийғининг қошида ўз ишқим билан ўламан.  
(Мен) Вомиқ, Фарҳод, ва Мажнунларга мотам тутар эдим,  
энди ўлсам, мен каби мотам тутадиган одам қолмайди.  
Ҳажринг куйдиришидан кимсасизлик шомиди шамъ каби сўнажакман,  
кўйлагимга (вужудимдан) ўт туташиб ўлсам, ажаб эмас.  
Зухд истиғноси билан тиниқ Кавсардан ҳамиша жон излаган эдим,  
эй Фоний, ишқнинг фаносини кўрки, хумнинг дурди учун (ҳам) ўлиб кетяпман.  
Ул Чин оҳусининг ортидан саҳрога юз қўйсам,  
ҳар қадамда кўзимни тупроққа суртиб, ундан сўнг оёқ босаман.  
Эй рафиқ, унинг кўчаси тупроғини менинг қонимга қўшма,  
шайдо юрагим ярасига қўйиш учун бир малҳам истайман.

Унинг зулфидаги печу тобни хаёлимга келтирсам,  
савдойи юрагимга яна савдо соламан.  
Хаёлимда унинг юзини кўз олдимга келтирар эканман,  
қандай қилиб бошқа бир гули раънонинг юзига кўнгил қўя оламан?  
Кошки унинг ити кўзиму юзимга оёғини қўйса,  
ёки мен унинг нишонини топиб, у ерда юзимни қўйсам.  
Ҳонақоҳ аҳлининг макридан шундай малул бўлдимки,  
энди муғлар дайрию тарсога юзланишни истайман.  
Соқийнинг лаби текканлиги учун, май пиёласини  
оғзимга олиб борганда, унинг нақшини йўқотаман.  
Эй Хизр, мен риндлар жомининг қуйқасини ичганман,  
хаёт сувига юз истиғно билан лаб текизаман.  
Эй, Фоний, дайрда қадаҳ кўтаришдан олдин  
юзимни қадаҳ кўтарувчи риндлар оёғининг тупроғига суртаман.  
Мен ул хумор бўлган муғбача қадахининг қуйкумини ичгучидурман,  
жоми Жамни унинг эшигидаги эски сопол деб тасаввур қиламан.  
Унинг базми хос кишилар йиғиладиган даврадир,  
мен ҳайдалган ва ошифта бир кишиман, у ерга боролмайман.  
Май кўзасини кўтариб риндлар сари борсам,  
зоҳиднинг таънасини эшитаман, лекин ўзи билан ишим йўқ.  
Белим фалак жафосининг юкидан эгилди,  
елкам бир ойнинг базмига кўза ташишдан афкор бўлди.  
Эй зоҳид, ўзимнинг куфримни, сенинг динингни кўрдим,  
энди зуннорим ёнида тасбеҳингни қўйишга рози бўлмайман.  
Шаҳримнинг шайхи майдан тавба қилдиради, валекин,  
дайр пири буни эшитиб қолса, истиғфордан бошқа ишим йўқ.  
Агарчи фалакнинг расми баланд-пастлик бўлса-да,  
Фониё, ундан зулм ва ситам бир текис етиб туради.  
Ишқ девоналиги мени қора тупроққа ўтказгани учун  
бу гулханнинг кули оромгоҳим бўлиб қолди.  
Гулханнинг кули эмас, ҳажрингда  
самандар сингариману ишқ оловхонаси оромгоҳимдир.  
Ишқида ўртанишим шу даражага бориб етдики,  
унинг ўрташидан қочсам, ғам ўтхонаси паноҳим бўлади.  
Ғаму андуҳнинг тийғи мени қонга ботирди, дилим  
хунобаси билан гулранг кўз ёшим етарли далилдир.  
Қиёматда менга Кавсар насиб бўладими, йўқми, билмайман,  
яхшиси шуки, бугун майни қўлдан қўймайин.  
Эй зоҳид, агар менинг гуноҳим унинг лутфи билан кечирилсаю,  
май билан ишқ гуноҳ бўладиган бўлса, мен гуноҳсизман.  
Сенинг пок юзинг кўзимга тушса, манзур бўлади,  
агар нигоҳим қуёшга тушса, (кўзимни) кўз ёшим билан юваман.  
Эй кўнгил, муғлар дайри томонига мени тақдирнинг  
қўли тортиб тургандан кейин,

айт, қандай қилиб тақдир панжасидан чиқиб қоча оламан?  
Эй Фоний, шоҳимнинг фатҳи билан гўзалим  
васлидан хабар келгани учун  
менга Искандар билан Хизр келиб (мадад бергандай бўлди).

Муғлар пири назарида хушимдан қандай асар бўлсин?  
Чунки май ичганим учун муғбача қулоғимни бурайди.  
Хушим ўзимда бўлган чоғда хушдан кетай деб май ичаман,  
айт-чи, энди беҳуш бўлган чоғимда қандай қилиб ичмай тура оламан?  
Ичаману, дунёнинг ғамини кўрмайин деб кўзимни юмаман,  
кўзимни очсам, ваҳмдан яна юмаман.  
«Майдан дилингда ўзгача жўш пайдо бўлади», дейдиган киши,  
дилимга ёндирувчи ўт тушганда қайнаб кетсам, нима таажжуби бор?  
Сени мақташ учун бошимдаги ҳар сочим тилга айланганда ҳам  
ғаминг шарҳини (баён) этишга ожизлик қиламан.  
Ризқ азал тақсимдан ортиқ ёки кам бўлмайди,  
менга тақсимдан ортиқ келмагач, нега орттиришга уринаман.  
Агар мен баданим доғларини йиртиқ-ямоқ тўним билан бекитсам,  
йиртиқ тўнимдаги май доғларини нима бекитади?  
Ишқинг савдоси менинг қучоғимда бўла туриб,  
ҳижронингдан танҳоликдан қандай нолийман?  
Фоний жони бадалига пири муғондан бир пиёла май сўради,  
У карам қилиб «текинга бераману, лекин сотмайман» деди.

Муғлар пири эшигида ҳар кун хизмат қиламан.  
давлат аҳли олдида шу шарафли ишим билан ғоятда фахрланаман.  
Агар майхона пири менга ҳар бир умр учун бир жом май берса,  
ўша майнинг мастлиги билан кўп йиллар кайф қилиб юраман.  
Сенинг ишқингда мажнун бўлганлигимни пайқамасликлари учун  
баъзида сени яхши кўраман деб ҳар бир паривашга тухмат қиламан.  
Мен жабру жафога одатланганман, кўп лутфу карам қилаверма,  
чунки мен у (лутфу карамингга) одатлансам, касал ва ланж бўламан.  
Майхонада гадо бўлсам ҳам, лекин бир пиёла май  
билан юз Фаридуну Жамшидга ҳашамату дабдаба изҳор қиламан.  
Ох, бу қандай ажойиб ишқки, кун сайин ҳар хил  
телбалик билан шаҳардаги эл оғзида дув-дув гап бўламан.  
Мен бир кофир (махбуб) учун миллат (мазҳаб) имни ўзгартирганман  
мусулмонлар мени куйдирсалар ҳам, (гуноҳимга) яраша жазо бўлмайди.  
Гоҳ зоҳидлигим билан мағрурланаман, гоҳо майхона ринди бўламан,  
ўз ҳолимнинг турли-туман рангга киришидан ҳайратланаман.  
Эй Фоний, зоҳид ўз мақсудига етмоқ учун хилватда ўтиради,  
лекин мен мақсудимни топганимдан кейин хилватга кираман.  
Ичишдан тавба қилганман деган узр билан риндлардан четлашсам,  
дайр пири қадаҳ тутиб қолса, нима чора қиламан?  
Тақводорлик зулматидан кўзим хиралангандир,



май шуъласига қандай қарай оламан?

Мен тавбага қараб юриш учун шайхдан ёрдам сўрашим лозим эмас — хайри иш учун истихора қилишнинг нима ҳожати бор?

Гул юзлигимни эслаб, май ичиб аччиқ-аччиқ йиғлаб,  
либосимни пора-пора қилган дамларим қандай яхши дамлар эди.  
Ғаминг билан сийнамда пайдо бўлган доғлар алифини санаганимда,  
Давроннинг сарву лолаларидан ортиб кетади.

Мунофиқлик «бол»идан ҳароратим ортиб кетса,  
маст қиладиган аччиқ май ичишга бошлайман.  
Эй Фоний, фанолик бахтингнинг қаролигидан экан  
фалак билан юлдуздан нима учун шикоят қиласан?

Агар хароботда бир кеча қадахга камроқ майл қилсам,  
унинг узрини кундузлари пиёла бошида қиламан.  
Жафо доғию гардун захмидан лола янглиғ тупроғу  
қонни бошимга кўтармоқчи бўламан, тупроғу қондан бош кўтаришни истайман.  
Майхонанинг кўхна сафолидан май қуйқасини ичиб юрганман,  
олтин жомнинг тиниқ ишрат майига қандай майл қилай?

Муғлар дайри ўтхонасида бўлган давримда,  
ўлиш чоғида алангага ўхшаб роҳат тўшагини кулдан ясайман.

Май кайфидан ҳар дам бир оламга тушаман,  
чунки маст бўлсам бошқа бир оламга майл қиламан.

Бу нилуфарли гулшан (жаҳон) дан менга кўп ғам  
тиканлари қадалади, бас шундай экан,  
гулшандаги нилуфар гулларига қандай майл қилай?

Мен киму, висол номини эшитиш қаерда? Девоналикда  
У пари пайкар ҳурга жон фидо қилсам — шу кифоядир.

Эй донишманд! Модомики, ҳар иш тақдирдан ташқари бўлмас экан,  
чархнинг айланишию юлдузнинг сайрига қандай эътибор қиламан.  
Эй Фоний, фақр йўлида менга қизил юзлилик керак бўлса,  
хирқам билан жойнамозимни қизил май эвазига гаров қўяман.

Ғам тўдасидан бир замон ҳам амонликни кўрмагач,  
майхонадан бошқа жойда амонлик уйини кўрмайман.  
Таним кўйингда шундай нобуд бўлдики, заифлигидан  
бу нотавон баданнинг ҳаракат қилаётганини кўрмайман.

Эй кўнгил, муғбача менга бир пиёла май берса,  
муғлар пири хизматидан бошқа хизматни қилмайман.

Бўса сўраганимда жавоб қайтармаса,  
ажабланма, оғзини ҳеч кўрганим йўқ.

Жаҳонда аҳду вафо жаҳони сенгинасан, йўқса, аҳдига  
вафо қилишни жаҳон аҳлида кўрмайман.

Вомиқ билан Мажнун қиссасидан ўқимаю менинг қиссамни ўқи!

Ўқиб-ўқиб йиғлаш учун бундай дostonни кўрганим йўқ.

Эй Фоний, унинг жамоли кўришдан покдир,

Кўз назари билан уни кўриб бўлмайди.

Ҳар нафасда менга фалақдан юз алам келади,  
беҳушлигу мастликдан бўлак нима илож қилайин?  
У кофир табиат қотилнинг хизматида бўлганимдан  
кейин зуннор билан белимни маҳкам боғласам, айб этма!  
Итингга жигарим билан дилимни овқат учун  
бермайман, чунки жигарим ғаминг захридан  
оғриган ва дилим пора-порадир.  
Менга дарвешона либоснинг фойдаси йўқ,  
сабаб шуки, фақр тўнида келганман, дарвеш эмасман.  
Базмингнинг тиниқ майи нима учун менга  
ҳамма ошиқлардан кейин тегади?  
чунки қуйқа симиришда ҳамма риндлардан олдин тураман.  
Кўзимдан қонли ёш оқиши таажжуб эмас, у лўли  
сифат киприги билан кўзим қорчиғига ниш урган.  
Эй Фоний, мен ишқда ўз балойимга гирифтор бўлган  
бўлсам, маҳвашларнинг балолигидан менга нима ғам?  
Замон аҳлининг вафосизлигидан озурда ва хафа эмасман,  
улардан ким вафо кўрганки, мен вафо тамаъ қиламан.  
Кимнинг қўлига меҳру муҳаббатим гулшанидан бир гул тутган бўлсам,  
жабр даштида хотиримга юз тикан санчади.  
Уларнинг жабридан шундай бўлдимки,  
агар ҳурга кўзим тушса, девмикан деб ундан қўрқаман.  
Кимники жону дил билан харидори бўлиб вафосида жон берсам,  
у жафо билан дилимни мажруҳ қилди.  
Уларнинг вафосизлигига чарх ҳам шерикдир,  
чунки менга бу жафо кўпроқ хиёнатчи чархдан етади.  
Одат ва расм аҳли менинг бошимга хорлик келтиради,  
шундай бўлгандан кейин ой юзли гўзаллардан нима умид қолди?  
Кимни йўлига бош қўйсам, нега у андак жилва ҳам  
қилмай ситам оти билан мени тупроққа тенг қилади?  
Кимнинг ҳолига кўз мардумимни фидо қилсам,  
ғамза ўқи билан дийдамга мих урмайдими?  
Эй Фоний, агар шу балодан қутулсам,  
жабрларидан ишимнинг охири қаерга бориб анжом топади?  
Кундузи фиरोқнинг дардидан меҳнатим шунча кўп бўладики,  
кечаси нола қилиш учун қувватим қолмайди.  
Дилим уни кўрганда бетоқат бўлса, ўзга  
бир киши уни кўрганда, оҳ, қандай тоқатим қолсин?  
Унинг ҳуснига ҳайронлигим ҳаддан зиёда бўлса-да,  
ўз ишқимнинг ҳаддан ортиқлигига ундан ҳар ҳайронроқман.  
Эй «юзини кўрганингда, нега беҳуш бўласан?» дейдиган кишилар,  
бу менинг эски одатим, буни ташлашга ихтиёр ўзимда эмас.  
Дил, ишқ доғидан кечалари куйиши ҳадсиз эди,  
лекин унинг устига бу кеча айрилиқ доғи ҳам куйдирди.

Менга биёбондаги ёввойи махлуқлар суҳбати  
кишилар суҳбатидан яхшироқдир,  
чунки ёввойи бўлиб қолдим, улар (кишилар) дан қочишим керак.  
Мардумлар (кишилар) дан дилимга кўп (озор)лар етган,  
агар улар кўз мардуми (кўз қорачиғи) бўлганларида  
ҳам, улар билан суҳбатлашмайман.

Эй соқий, мени бир жом шароб билан тупроқдан кўтар,  
чунки ҳимматим чарх узра чиқишга мойилдир.

Эй Фоний, даврон аҳли вафосиздир, лекин мен вафо  
аҳлидан бўлганим учун ўзимни уларга таққосламайман.

Кечаси майхонадан маст бўлиб, бошим чайқалиб чиқсам,  
осмону юлдузлар, сабзау шудринг бўлиб оёғим остида кўринади.  
Мастлигим хурсандлиги мени ашулага солиб юборса,  
ҳар бир нағмада мастона ғавғомдан Зухро юлдузини йиғлатаман.  
Кайфим ошиб кетиб, ўйинга тушиб кетсам, муштари  
юлдузининг сиёҳини ва Уторуд юлдузининг давотини оламан.  
Зухал юлдузи тожинию Миррих юлдузи тиғини олгач,  
буларни йиғиштириб, мажлисни безовчи гўзалим базмига элтаман.  
Тўрт осмоннинг матоини унинг базм тупроғига тўкаман,  
сўнгра унга бандалик изҳор этиб, кўзим ва юзимни оёғи тупроғига суртаман.  
Агар у бемисл лутфу марҳамат юзасидан мени бир жом билан сийласа,  
агар у жом катталиқда осмондай бўлса ҳам, ҳаммасини сипқараман.  
Чарху юлдузлардан ҳодисалар асбоби йўқолгач,  
фалак офатларига абадий парво қилмайман.

Агар осойишталик топиш учун бир дам тинмайдиган бўлсам,  
хотиримни жаму дилимни фориф қилиб майхонага бораман.

Эн Фоний, қилаётган хаёлларингни фанодан изла,  
агарда фанони топсанг, шу орзуларни сенга кўрсатаман.

Муғлар куйида сармаст бўлиб, ўзимни ҳар томонга ташлайман,  
ҳар хил баҳона билан ўзимни у томонга етказаман.

Агар рақибнинг жавру-бедоди сабабли у томонга йўл тополмасам,  
турли ўйинлар ва афсунлар билан ўзимни у кўчага етказаман.

Сочи агар қўлимга тушса ва унинг ҳар торини ҳар лаҳзада  
юз бор тугсам, шу менинг дардимнинг ҳисоби бўлади.

У турк отининг чангини гоҳо кўзимга дору қиламан,  
тийра кўзим ундан баҳра топиб равшан бўлади.

Ҳар қачон унинг дилтортар қоматига ва юришига қарасам,  
юрагим эриб сув бўлади, кўзимдан қон ариғи оқади.

Бадхўй гўзаллар туфайли қачонгача юрагим куйиб юради,  
кошки, бадхўй юракни оловга ташлаб куйдирсам.

Муғ дайрида, Фонийга ўхшаб қаердан май ҳиди чиқса,  
фано аҳли мажлисида ўзимни ўша ҳид томон ташлайман.

Эй саф синдирувчилар подшоҳи, камон андозларнинг хисрави!  
Сенинг кипригинг сафидан саф синдирувчиларга юз шикаст етади.

Лаъл лабинг шакардан ширин лабларнинг коми аччиқ,  
ширин лабингдан чучук оғизликлар хижолат билан жилмаядилар.  
Шамшод қадлар даражаси қаддингдан паст бўлди,  
танингдан кумуш баданларга симоб сингари ларза тушди.  
Сабза хатлар савдонг хатини пешоналарига чизганлар,  
хунарлари жабру жафо бўлганлар зулминг тошини кўксиларига урганлар  
Рақиблардан лабингни яшир, чунки девлардан  
Сулаймон узугини яширган яхши.  
Мен бараҳманлар базмининг қунқахўри  
бўлган муғлар пирининг қулиман.  
Кеча парвонадан: «Нима учун ёниб турган  
ўтга чарх уриб борасан?» деб сўрадим,  
Май жоми йиғлаб туриб: «Жон ўртовчи аланга  
назарингда жилвагар бўлса, шундай бўлади», деди.  
Эй Фоний, лола янглиғ қонга ғарқ бўлиб бор,  
чунки бу саҳронинг ҳар томонида сен каби қонли кафанлар кўпдир.  
Султон Ҳусайннинг тахту маснади билан онт ичаманки,  
мартабаю мақсад йўлида ҳеч киши билан жанжалим йўқ.  
Кимдаким аҳли назар (узоқни кўрувчи) бўлса,  
кўзларини нурли қилиш учун (Султон Ҳусайн)нинг эшиги  
тупроғини киприги билан супуриши фарзи айнди.  
Дил боғчасига жамолининг бўстонидан шону шавкат,  
жамолинг гулзоридан жон гулшанига зебу зийнат бордир.  
Ҳамма шоҳлар ундан жон билан қарздор,  
лекин у олмайди, оламан деса, дарҳол топширадилар.  
Агар давлатининг душманлари бутун дунёни тўлдириб лашкар  
тортиб келсалар, пайғамбарга қарши Бадр билан  
Ҳунайн жанг қилганидай бўлади.  
Унинг отини юришида осмон йўрғаси деб бил,  
чунки отининг тақаси билан янги ой орасида тафовут йўқ.  
Эй Фоний, мулк ва динни ҳурматловчи ғозилар отаси  
Султон Ҳусайн риндлар бахтига қиёматгача омон бўлсин.  
Хароботда қандай матлаб бор деб сўрама,  
муғбачанинг юзи ва томдан бошқа нима бўлиши мумкин.  
Эй соқий, май беришни бошла, негаки,  
охири нима бўлишини ҳеч ким билмайди.  
Эрта тонгда қуёшдек жомни кўлимга бер,  
чунки шомда нима бўлиши менга ойдин эмас.  
Гул юзли соқийнинг кўлида нима яхши, деб сўраган,  
эй инсон, гулранг майдан ўзга нима бўлиши мумкин?  
Орзуга бир лаҳза етай десанг, май жомини тилагин,  
охири нокомлик нима эканини билиб оласан.  
Мен дуогўйман-у, муродинг нималигини биламан,  
бир-икки дашномдан бошқа нима ҳам бўларди?

«Эй, Фоний Каъбадан муродинг нима?» десанг,  
сенинг кўйинг сари боришдан бошқа нарса эмас.  
Эй, ой юзликларнинг куёши, жамолинг фироқида,  
икки кўзимнинг тонггача юлдуз сочишига қара.  
Сен паришон сочингни ёзиб кетасану,  
ишқ раҳнамоси сочимдан тортиб, изингдан йўллайди.  
Қошинг олдида сажда қилишга йўл бўлсин,  
отинг туёғи изини қибла қила олсам басдир.  
Вафо аҳли даврдан шод эмаслар, эй соқий,  
бир-икки қадах билан уларни шод этсанг  
яхши бўлади Юрагим шуъласи фалакка етиб борди,  
эй ой, юзингни яшириб, бу шуълани сўндирма.  
Ёронлар фурқатидан ҳаддаш ташқари малулман,  
сабо улар ёнига борсанг менинг ниёзимни етказ.  
Эй дайр пири, Фонийга тўла қадах тут,  
аммо худбин зоҳидга бир қултум ҳам ичирма.  
Осмон куёшини дадил кўрса бўлади,  
лекин унинг ой юзини кўриб бўлмайди.  
Уни юз рақиб ва минг кўрқув билан кўрганимда,  
ўша кўришимдан юз минг бало дилга етди.  
Паривашимни аҳён-аҳёнда кўрмоқ  
жунунимни лаҳза-лаҳза туёнга келтиради.  
Юзидан узоқда бўстон гулини томоша қилганимдан кўра,  
кўзимга тикан санчилгани минг марта яхшироқ.  
Қоши томонга кўз қиримни ташласам,  
бамисоли камон бурчидан қарагандан бўлади.  
Мавҳум нуқтани кўриш муҳол бўлгани  
каби ақл қошида у оғизни кўриш ҳам муҳолдир.  
Эй, кўнгил, уни кўриш орзусида беҳудага вақт ўтказма,  
куёшни олисдан томоша қил.  
У гўзалдан кўз узиб, бошқаларга қараш  
билан рақибларни ўз ишқимдан адаштираман.  
Эй Фоний, ундан ўзгалардан кўз юм,  
чунки ёр юзини ағёрдан яшириб кўриш яхши.  
Эй соқий, бир коса Май билан бошимга ёр лаъли озусини сол!  
Дам-бадам жошг зоримга шавқ ўтини сол!  
Эн жонон, ҳажр куни билан ғам рўзгори ажойиб  
зулматдир, ҳаётимга равшан жом билан ўт ёқ!  
Нақшинкор ую ипакли чодирлар подшоларга ярашади,  
бизнинг базмимиз палосини баҳор булутининг соясига сол!  
Эй кўнгил, у пари базмига йўлинг тушмаса насихатимни  
эшит! мажнун бўлиб, девоналардай у ерга ўзингни ташла!  
У чаққон ёрим бир куни ғамза ўқи билан овлагани устимга  
келиб қолар деб, кўп йиллардан бери саҳро ваҳшийлари орасида кезаман.

Эй кўнгил, хумор билан тавба мени хароб қилди,  
май сели билан тавба биносинн ва хумор тарҳини буз.  
Даҳр боғида ғунча билан наргис тупроққа тўкилар экан,  
Дилимни хушга келтир ва бир лаҳза ибрат кўзини ташла!  
Агар аччиқ май ичсанг лабингни тишлаб мен томон  
бир қараб қўй, умидвор хотирга мингларча орзу сол!  
Эй Фоний, фано ўзликдан тинч қолган бир мамлакатдир,  
агар мард бўлсанг, беҳудлик йўли билан ўзингни у диёрга от!

Хирқа кийганлардан юзингни яшир,  
риндлар билан бода ич ва уларга ичир.  
Сенинг савдоларинг оташгоҳида хирқапўшлар  
риё чопонларини куйдирадилар.  
Бизнинг май учун қарзга берган ридомизни,  
майфурушлар майни тозалаш учун майга солдилар.  
Хомушлар кўйида йўқолишдан олдин,  
эн кўнгил, май ичиб шовқин кўтарганимиз яхшироқ.  
Хум ичида бода куйкуми қайнай бошлаганда,  
дурднўшлар кўнгли қайнаб тоша бошлади.  
Эн соқий, хумор мени куйдирмоқда,  
карам қил, бу ўтни бода суви билан ўчир.  
Ҳар базмда Фонийнинг риндлардан топган мансаби,  
уларнинг кўзаларини елкага кўтариш бўлди, холос.  
Ишқинг ўтида манзилим тупроқ бўлганда,  
қабрим байроғи дилим тутунининг шуъласи бўлади.  
Лойимдан ўсган ғаму кулфат ғунчалари,  
дилим қонидан рангу пайконингдан сув топди.  
Тийғни бошқага урасану, мен ҳалок бўламан,  
бошқаларга руҳ бағишловчию менинг қотилим бўласан.  
Мушкилим оғзинг сирини билишдир, мени койиш учун  
оғзингни очмагунингча, бу мушқулим ҳал бўлмайди.  
Май учун майхонада яшаб юрибман, сув билан  
лойимни маю майхона тупроғидан олганмикинлар?  
Муғлар пири мени риндларга бошлиқ қилиб қўйди,  
чунки маст муғбача манзилим оyi бўлди.  
Эй Фоний, оғзинг фикрида йўқ бўлганимдан  
бери манзилим фано юртига бир қадамча қолди, холос.  
Эй соқий, навбахор шабадаси ҳаёт бағишламоқда,  
булут каби борлик анжомингни тоғлик томонга торт.  
Хотирни сўз эшитадиган қил, дафтарни майга гаров  
қўй фақр йўлида мақсадга эришувчиларнинг янги расмини туз.  
Ел Исо каби нафас урди, лола тоғ устига байроқ тикди,  
ёронлари билан у томонга қадам қўйган одамнинг дили шод бўлсин.  
Майпарастлик билан мастлигу девоналик қилавер,  
хушёрларга айт, улар борлик рангидан уялсинлар!

Зоҳидлар замона машаққати нишонаси-ю,  
майхўрлар муғларча май ичишдан хушвақтдирлар.  
Ҳар куни хуррам эдим, рўзгордан беғам эдим,  
эй ҳамдам, дўст айт, қани у кун билан у ҳаёт.  
Найрангбоз чарх даврда дўст ҳам, дўст тутувчилар ҳам  
душман бўлганлари сабабли Фоний нола ва фарёддадир.  
Хумор балоси ғамимни орттнрган бўлса ҳам,  
май билан муғбача биздан ғамни кетказди.  
Зулфининг хар ўрими мингларча дилнинг масканиднр  
шуниси таажжубки, у зулфинг бўғими занжир узра занжирдир.  
Унинг гул юзидаги тер шабнамлари гўё шафақдаги юлдузлардир,  
шафақдаги юлдузлар эмас, дилим қонию кўзим ёшидир.  
Танида қимматбаҳо ипакли кўйлаги бўлсаю, мен уни  
рашқдан пора қилиб, йиртиб ташласам, ажабланманг.  
Тилим, дилим ўтининг алангасидир,  
лабимдаги учуқлар ўша ўтнинг асаридир.  
Кўксим ғамнинг тоғи, уни тирноқ билан қазийман,  
дилим юки Бесутун тоғи, мен унинг остида тоғ қазувчи Фарҳодман.  
Эй Фоний, Хисрав билан Ҳофиз сенга йўл кўрсатувчи  
бўлсалар ҳам, сени Жомийга пайравлигинг энг яхшидир.  
«Бу гўзалимизни қандай ишвагар санамдир?» дейсан,  
бу гўзал ишвагар санам: эмас, балки ўзгача бир балодир.  
Сени деб кўз ёшим ёқутга ҳамранг бўлди,  
ёқутга ҳамранг эмас, балки жигарнинг нишонасидир.  
Терлаган юзинг шабнам тушган насрин гули,  
япроғи эмас, тоза гул япроғидир.  
Сен сабабли юзлаб маломат тоши кўксимга урилди,  
бу кўкс эмас, маломат тошига қалқондир.  
Фаришталар у гўзалнинг базмида юлдузларни кўриб:  
«Бу юлдузлар у юз ўтининг учқунларидир», дедилар.  
Ҳажрннг қоронғи кунида оҳим шуъласн ўша  
қоронғи кеча тонгида балқиб чиққан нурдир.  
Фоний ўзликдан кечдию мангулик бахтини топди,  
бу — фано касби фойдасидан бир асардир.  
Олам аҳллари нима бўлсалар ҳам, уларни ёдингга келтирмаганинг яхши,  
уларни эсласанг, қилган зулмлари ёдингга тушади.  
Уларнинг феъл-атвори вафосизлигу, унутмоқ бўлади,  
вафо аҳллари уларни ёдларидан чиқариб юборишлари яхшидир  
Макри кўп фалак золи, ҳар вақт уларнинг устодидир айт,  
улар (фалақдан) яна нимани ўрганмоқчи бўладилар?  
Булардан зиддиятдан бошқа ҳеч иш вужудга келмайди,  
чунки буларнинг яратилиши тўрт зиддият (тўрт унсур)дан иборат.  
Улардан вафо расму одати шамолга учиб кетган,  
шунинг учун уларни вафо каби барбод бермаган кишини вафосиз бил!

Уларнинг табиати бевафоликни вужудга келтиради,  
даврон онаси уларни бевафолик билан туққанми?  
(Уларнинг) ҳар бириси ғаразлар билан тўла бир идишдир,  
лекин турли-туман шунинг учун табиатлари ҳар хил бўлишини ўзларидан узоқ  
тутмайдилар.

Уларнинг зикрларини ёзмаганим яхшидир, чунки улар  
зикридан қаламнинг боши қуйи-ю, юзи қора бўлади;  
Эй Фоний, агар мени бандаликдан озод қилсинлар  
десаң сен ҳам уларни сарву савсан каби озод қил.

Гардун машаққатдан менда рангба-ранг малолатлар бор  
ҳар бирини бир-бир ёзиб жамъ қилсам, гардун тўлиб кетади.  
Менга даврон малолати гардундан ортиқдир ва унинг аҳлининг  
ҳар биридан шиддатим — икковига баравар, балки зиёдадир.  
Томошани кўрки, шунча кулфату охири йўқ ҳам билан пасткаш  
даврондан кўчиш пиёласин ҳам сипқармоқ лозим экан.  
Эй соқий, гулранг май бер! Чунки гул Жамшид каби кўп олтин  
сочувчи бўлади, биз эсак, Фаридун хазинасига ўхшаб, ер остида ётамиз,  
Наргис кўп вақтлар Мусо снингари мўъжиза қўлини кўрсатади,  
лекин биз тупроқ ичида Қорун хазинасидек ётаверамиз.

Бундан ҳам ажойиброғини эшитки, кўчиш пиёласини ичгандан  
кейин мингларча қонга заҳар қўшилган кўрқинч жомлари туради.

Буларнинг ҳаммасининг андишасидан қадду қомати келишган  
соқий қўлидан гулранг майни ичган замонимда халос бўламан.  
Ўзинг айт, шарҳ этиб ўтганим қадду қомати келишган соқий қўлидан олиб ичган  
гулранг майимни лиммо-лим симириш навбатини қандай ўтказиб юбора оламан.  
Ҳамма нарсадан халос бўлиш учун, эй Фоний, фано жомини  
симира агар ундай бўлмаса, бу ҳикоятлар афсонаю афсун бўлади.

Замон аҳлининг меҳру вафо қиладиган феъли йўқдир,  
шундай феъл-атвори бўлмагач, ундан бундай нарсани излама!  
Тил уларни гап-сўз қилгани учун аччиқдир,  
яхшиси шуки, уларнинг гап-сўзлари тилга олинмасин!  
Юзсизликнинг ҳаммаси вафосизликдандир, вафо аҳлига  
ўларнинг юзини кўрмаган яхши (уларнинг юзларини кўрмасинлар)  
Агар улар нутқи жисмга оби ҳаёт бахш этса ҳам; эй дил,  
умрингдан кечсанг кечу, уларнинг томонига майл қилма.  
Орзуларининг ҳаммаси зулм ва зўравонлик бўлгач,  
ўзлари учун зулм билан зўравонлик орзудир.  
Ҳар бир тола мўйларига жон нисор қилсанг ҳам бир қил  
учича на миннатдорликлари бору на мукофотлари.  
Эй Фоний, халқда вафонинг рангу иси йўқдир,  
рангу исидан кўзинг билан димоғингни бекит.

Ишқ майхонасининг гадоси бўлу, подшоҳлик қил!  
Нима истасанг қилу, нафсингнинг сўзига кирма!  
Жабру зулм билан султонлик даъвоси лоф (ёлғон) гапдир,



жаҳонда ақл паноҳинг бўлсину жаҳонпаноҳлик қил.  
Тавбаю таквони дастак қилиб дўст қабулини излама,  
ўз гуноҳингни изҳор этиб, гуноҳсизлигингни исбот қил.  
Тариқат йўлига кирган солиқлар йўлига юзингни сур,  
шу йўл билан йўлга киришганингни изҳор қил!  
Эй ой, ғамни шомни давосини қилмасанг,  
тонг чоғидаги оҳим ўқидан ҳазар қил!  
Эй қалам, дўст қошида гуноҳ тутуни билан юзим қорадир,  
қора юзли унвони билан номамни адо эт!  
Агар сенга балиқдан ойгача (бутун дунёча) дабдаба керак бўлса,  
унга ойдан балиққача (жаҳон бўйича) гадолик қил!  
Эй соқий, гулранг юзинг ҳаққи хурмати, бир пиёла май  
билан менинг сомон каби бўлган рангимни йўқот.  
Эй Фоний, қўлингдан келса, зуҳд билан мағрурланма,  
ўзингни фано йўлини касб қилиш билан фахрланишга ўргат.  
Енгингни ташлаб, этагингни судраб муғ кўйига равона бўл!  
агар енгинг билан этагинг бенишон бўлса, яхшироқ бўлади.  
Лекин дайр фақирлари орасига йўл топсанг, қўлингда нимаики  
бўлса, бамисоли енг ташлаганинг янглиғ ташла!  
Қўлингу этагинг ўзлик нақдидан бўшаганидан кейин,  
фақирлар жоми қуйқасидан ичиб шодланасан.  
Эй соқий, қадаҳ остида қолган майни тупроққа тўкма,  
мен тупроқман, сарқитингни менга тўк.  
Ширакайф бўлган чоғида Жамшид билан Фаридун малайлари  
мақомида бўлган харобот пиринннг бандасиман,  
Эй зоҳидлар, маломат йўлини босиб ўтмоқ мушкулдир  
бу риёзатни тортмоқ машқсизлар қўлидан келмайдн.  
Эй дил, подшоҳнинг хос базмида мастлар билан  
майхўр маҳвашларни кўрсанг, Фонийни эсла!  
Мен ҳажридин ҳалокману у ой бошқаларнннг кўнглини олувчидир,  
ўзгалар жони билан тирик туриш қандай мумкин бўлади?  
Бошқаларнинг ортиқча шарҳ ва баён қилишига эътимодим  
бўлмагандан кейин, ўз ҳолимни ўзим қачон арз қила олар эканман?  
Афсуски, халқ ўз тилидан риёзат тортади, мен  
бошқалар тилидан юз хил тухматга қолганман.  
Бошқани синаш учун менга зулм тиғини урасан,  
бошқаларни синаш учун бошқа кишини куйдирасан  
Азал тақсимида бошқалар мақбулу мен рад этилганман,  
меҳнат меники ва айшу ишрат бошқаларннки бўлиб келган.  
Бошқаларга васлу мен қаду оразини излаб юрувчи ошиқман,  
сарву гулим бошқалар бўстонида.  
Бошқалар жон мақсудини васлингдан топади, ҳа, майли,  
ўлдириш учун Фонийни бошқалар қаторидан чиқарсанг яхшидир.  
«У қомат алифдир» дедик, бу сўзни унга айтингллар, у бадфеълнинг

қошида алифдан юқори сўз айтиб, (сўзнн иккита қилиб) бўлмайди.  
Одатида висол тўғрисида сўздан бошқа нарса келмаса-да,  
минг марталаб интизор бўлганимда васлдан биргина сўз айтади, холос.  
Мурда эдим, бир сўз айтдингу қайта жон топдим,  
шундай ҳаётбахш сўзни Исо ҳам айтганмикан-а?  
Лабинг жон истаганда эвазига мен бир бўса истадим,  
жоним, ранжима, чунки сўздан сўз пайдо бўлади.  
Хумор чоғимда қулоғимга бировнинг сўзи ёқмайди, эй соқий,  
бундан кейин майни айлантираётганимда гапирма!  
Сўзда маъною маънода сўз бўлмаса, қачонгача  
риндлар қошида сўз билан маъно изҳор қиласан?  
Эй Фоний, хилватда айтишга ёлғиз бир сўзим бор,  
лекин хилват бўлгач, менда танҳо сўзлаш бўлмайди.

Эй, мендек юзлаб зорларнинг қўли этигида бўлган гўзал,  
хиромон жилва қилишинг ажабдир.

Мен йўлинг тупроғиман, аммо бошингда кеча-кундуз,  
мендек паст мақомлар эмас Арш малаклари айланадилар.

Сен гўзалларнинг шоҳисан барча шоҳлар,  
шоҳ олдидаги қуллардек олдингда турадилар.

Мен айрилиқ дўзахидаман-у, шайх жаннат истади,  
аланга кайфиятини хомлардан сўраманг.

Менинг тонгим айрилиқдан қора бўлди, эй шомлари  
дўст юзидан ёруганлар, шукр қилинглр.

Қўнглимни олиб кетдинг-у, юз ошуб билан ташладинг,  
Агар бу мато сенга ёқмаса, ўз жойига қўй.

Фақр кийимида бўла туриб, жонондан шикоят қиладилар,  
Эй Фоний, бу ҳирқаси ҳаромлардан этагингни торт.

Сенга шароб керак бўлса, муғларнинг майхонасига бориб ич!  
Майфуруш муғбачасига имонингни фидо қил!

Даъвогардан яширинча қулоғингга айтадиган сўзим бор,  
эй йигит, хушёр бўл, бу кексанинг насихатини эшит!

Висол хилватида тўла-тўкис май ич, биров ташқарига  
хабар олиб кетмасдан илгари ҳушингни тарк қил!

Ишқинг гап-сўзида бошқача бир тил бор, эй зоҳид,  
сен бу таронани тушунмайсан, жим ўтир!

Эй хожа, дайр пири сўзи айшу ишратингга далолат  
қилгандан кейин Жабраил нидосига қулоқ сол.

Эй соқий, аксинг юзингга ҳусн лофини урди,  
агар мункир бўлса қўлингга май олу, унга рўпара қил!

Эй муғбача, юзингни очу юзларча хирқапўшларни  
Фоний каби хуш либосидан яланғоч қил.

У санамнинг хаёли равшан кўзимдан ташқарига чиқмайди,  
чунки акс ҳеч маҳал ойнадан ташқарига тушмайди.

Кўп ўримли зулфинг занжири хаёлида бир оҳ тортсам,

дилим тутуни бамисоли сунбул сочинг каби ўралиб-ўралиб чиқади.  
Ичим дард билан ғаму, ташим бошдан оёқ кулфат,  
яъни ишқинг лашқари ҳам ичиму ҳам ташимни ўраб олган.  
Ишқинг ғамидан танним шундай куридики, ғам ўқлари ҳар  
томондан томоша учун бошларини ташқарига чиқардилар.  
Муғбачалар васли билан сийлади, дайрдан ташқарига қандай чиқай?  
дилга маҳрам бўлган одам ҳарамдан ташқарига чиқмайди.  
Агар кўз ёшим билан оҳим дам-бадам сирримни ошкор этмасалар,  
сенинг ишқинг ғамини дилим билан дийдамда яшираман.  
Эй дил, у ёр оғзи фикрида Фоний қандай деб сўрасалар,  
у бақо мулкидан йўқлик дашти томон чиқиб кетди, деб жавоб бер.

Сен барча подшоҳларнинг кажкулоҳисан, йўқ,  
янглишдим, кажкулоҳлар подшоҳисан.  
Бу қандай хуснки, кимнинг қонини тўксанг,  
узр айтиб, юзинг олдида бош қўяди.  
Ишқинг қонимни даъво қилса, қон  
сочувчи икки кўзим икки гувоҳдир.  
Сенинг бағбақангни топганимда Исфаҳон олмасидан эмас,  
жаннат олмасидан ҳам қўнглимни узаман.  
Ҳажрингда кўз мардумидан қон оқади, бу юзи  
қоралар (кўзларим) ишқинг билан қизилдир.  
Гуноҳсизлар қонини тўқдинг, менинг қонимни  
тўкмадинг, гуноҳим нима эди, билмайман.  
Фонийга бир қара! Чунки баъзида подшоҳлар  
гадолар томонга ҳам назар ташлайдилар.

Ширакайф бир ринд дайрдан чиқса, унинг олий мартабасидан  
саркашларнинг (бош тортувчиларнинг) боши унинг йўлидадир.  
Мажнунга ўхшаганлар қайдаю, васл қайда?  
Чунки паривашлар юз қўрқув билан унинг кўчасига қадам қўядилар.  
Дунёдан этак ва охиратдан энг силкиб,  
майхонага борган киши хурсанд бўлади.  
Бир-икки қадах симиргач, на майдан,  
на майхонадан ва на ўзидан нишон қолади.  
Ишнинг сири яширин, шунинг учун баҳсу мадраса  
аҳлининг илм даъво қилишлари нодонликларига далилдир.  
Муғлар пири дайр томида қадах ичаётганда  
Исо қуёш тоқидан туриб бир қултум май сўрайди.  
Фоний, агар фақру фано йўлида тупроқ бўлсанг,  
шаъну шавкатинг улуғлигидан чархнинг тўридан жой оласан.

Эй майхўрлар шоҳи, мен йўлинг тупроғиман,  
Майинг саркитидан бир қултумни бу тупроққа соч!  
Диним олдида минг уятдаман, чунки ҳар кеча мастлигимдан  
муғлар мени дайр тупроғидан судрай-судрай ташқарига чиқариб ташлайдилар.  
Эй соқий, сахарда хумор дардидан нохушмиз,

икки қадах тонг майи билан бизни хурсанд қил!  
Васлинг жомидан тиниқ май ичувчилар серобдирлар,  
куйқа симирувчиларга ҳам бир томчи ичирсанг, нима қилибди?  
Мен майхонаси тупроғини фаришталар қанотлари  
билан супурадиган муғлар пирининг қулиман.  
Эй маҳвашларнинг подшоҳи, ишқинг туфайли маҳвашларнинг  
қулиман. номингни тилга олишга қандай ҳаддим сиғсин?  
Фонийнинг нишонасини излама! Чунки у ошнқ бўлгандан  
бери фано даштида ҳеч кимса ундан ному нишон топгани йўқ.  
Тонг чоғидир, файз талаб қилсанг, уйқуни тарк эт,  
қачонгача маст уйқуда ётасан, қадахга шароб тўлдир.  
Шишамизга май қую, койиш ва лутфдан  
тош ҳам отма, лаъл ноб ҳам.  
Эй нозанин умр, интизорингда ўлдим,  
кетишга эмас, бир нафас келишга шошил.  
Ризқ тақдирга ёзилгандир, хоҳ ҳаракат қил,  
хоҳ қилма, ортиқ ёхуд кам бўлмайди.  
Эй жонон, сенга ризқ ҳамиша етиб туради, мастлигу  
ғурурингда хоҳ чархга ноз қилу хоҳ юлдузга итоб айла.  
Ишқ вужуди олдида осмоннинг бақосини денгиз  
суви бетидаги кўпикка қиёс қил!  
Эй Фоний, висол кечаси бизга беҳисоб май туту  
уни биз учун мангу умр деб ҳисобла!  
Шомгача нима бўлиши маълум бўлмагач,  
маю жом билан тонгнинг ғами нима бўларди?  
Ҳаммага айт, май сипқаришга бошлаганимиздан  
огоҳ бўлишсин, охири нима бўлишини ҳеч кимса билмаяжакдир.  
Бу кўҳна дайрда янги бир дилором изла, негаки,  
орому қарор нима бўлиши маълум эмас.  
«Олам гулшанидан мақсудинг нима?» деб неча марта сўрайсан?  
Май билан гулбадан ёрдан бўлак нима бўларди.  
Ҳақнинг зоти абадийдир, ваҳм ойинасида икки дунё  
нақшу хаёлидан бошқа нима бўларди?  
Ҳунарлари риёю ҳасадчилик бўлган пок номлиларнинг  
ишлари мен бадномга жафо қилишдан бошқа нима бўларди?  
Лабингдан мени таҳқир этишдан бошқа нарса чиқмади,  
таҳқир билан бизга бўса ҳам бўлса, нима бўларди?  
Эй Фоний, фано бўлмай туриб, дўстдан васл сўрайсан,  
бу — хаёл ва хом тамаъдан бўлак нима бўлажакдир?  
Дайрнинг бу эски сафолини сафо ойинаси деб бил,  
агар мусаффо май билан тўла бўлса, бу жаҳоннамо, жомдир.  
Агар қўлингда Жамшид жомию Искандар оинаси бўлса,  
бу (дайр сафоли) ҳар иккови ўрнини босади, қара, шарофатда қайси ўринда экан.  
Мен ёр фиरोқида жон бераману у висол билан халққа жон бахш этади,

ишқ йўлида бундай зулм қандай раво бўлади?  
Васлни ғанимат билмагани учун дил фироққа асир тушди,  
кимда-ким висолга шукр қилмас экан, оқибати шундай бўлади.  
Мен унинг муҳаббати балоси билан тупроқ бўлдим, лекин у қандай балоки,  
ҳар нафасда бошқа турли балога айланади.  
Бир бўса баҳосига жонимни олиб кетди, ўша ваъда қилган бўсасини сўрасам:  
«Бир куни ваъдамга вафо қиламан» деди, бу ажойиб нозу карашмадир.  
Эй шайх, Фоний қадам ташласа, сен такаббурлик юки билан  
(у ерга) борма, у ерни риё ибодатхонаси деб ўйлама, бу — фано саҳросидир.  
Бу қандай ҳолатки, давр навбати менга етганда соқий  
рўпарамга ўтирмасдан, пиёлани ёнбошимдан узатади.  
Соқий хизматида ҳар лаҳзада томоқ қириб ўтираман,  
кўрган одамлар эса мени томоғи қичияпти деб ўйлашади.  
Унинг бир тола мўйидан ажралишга ҳам сабру тоқатим йўқ,  
чунки унинг ҳар тола мўйига ўзимнинг ҳар тола мўйим билан боғланганман.  
Сенда қандай ҳусну ва менда қандай орзуки,  
ёрликда ҳуснинг каби лаҳза-лаҳза менинг орзуим ҳам ортади.  
Ишқу расволикда мен билан дилимнинг ажойиб бир одати бор,  
менинг одатимга унинг ва унинг одатига менинг одатим тўғри келмайди.  
Бу кўҳна дайрда ҳар томонда кўза ташувчилар ҳадсиз кўп,  
аммо шу ўртада бало тоши менинг кўзамга тегди.  
Эй Фоний, унинг истагисиз ахтаришларинг фойда бермаса ҳам,  
ахтаришдан бир дақиқа ҳам тинчимайсан.  
У гул рақиблар билан май ичса,  
мискин ғариблар кўрадилару ўладилар.  
Эй гул, гулшанда жилва қилганингда  
булбуллар сайраса, айб қилма.  
Ошиқлар ишқи гўзаллар ҳусни булбулу  
гул сингари бирлашмасдан турмасин!  
Биз сабрсизлардан бўлганимиз учун  
биздан ёрсиз сабру тоқат изламанг!  
Сийна яраси ёқамиз чокидан кўриниб тургач,  
уни қандай яшира оламиз?  
У маст, мен бошимни оёғи остига ташладим,  
эй дил, Худо ҳаққи жойимдан ағдарма!  
Эй Фоний, у маҳвашдан насибанг йўқ,  
лекин бенасиблардан яхши насиблисан.

### Мухтараъ

Чу мили қабрам оройд ба гулҳо гулўзори ман,  
Шавад гулдастаи мулки фано мили мазори ман.  
Сиёҳ аз дуди оҳу қатраҳои хун ба ҳар захмаш,  
Чу шохи арғувони дарду ғам шуд, қисми зори ман.

Маро аз бодаи лаъли лаби соқист махмурӣ,  
Чӣ мумкин аз шароби майкада дафъи хумори ман!  
Ба рӯзи рӯзгорам зулфу ҳачри ёр шуд боис,  
Ки рӯзам тира гашту тиратар 3-он рӯзгори ман.  
Тани хокӣ зи наълу доғ пур шуд, гӯиё, эй дил,  
Ки рахш он чо ба ҳар сӯ дод чавлон шаҳсувори ман.  
Фалакро ихтиёре нест дар борону барқу раъд,  
Кучо дар ашку оху нола бошад ихтиёри ман?  
Зи чашми ашкборам дар канор омад дури мақсуд,  
Ҳамоно шуд миёни баҳр, эй Фонӣ, канори ман. Гул юзли ёрим қабрим байроғини  
гуллар билан безаса,  
мазорим байроғи дастаси фано мулкининг гулдастаси бўлади.  
Зор жисмимнинг ҳар бир жароҳатига оҳ тутинидан қоралик ва  
қон қатралари дарду ғамнинг арғувон шохи каби бўлди  
Махмурлигим бир соқийнинг лаъл лаби шаробидандир, майхона  
шароби билан менинг хуморимдан ёзилишим қандай мумкин бўлсин!  
Тирик юришимга ёрнинг зулфи билан ҳажри сабаб, шунинг учун  
кундузим қоронғию турмушим ундан ҳам қоронғироқдир.  
Эй дил, бу тупроқ таним тақа изидан пайдо бўлган доғларга тўлди,  
у шаҳсуворим отини ҳар томонга елдирдими?  
Ёмғир, чакмоқ ва момақалди роқ бўлишда фалакнинг ихтиёри йўқ,  
кўз ёши, оху нола қилишимда менда қандай ихтиёр бўлсин?  
Эй Фоний, денгиз ўртаси қирғоғим бўлгани учунми,  
кўз ёши ёғдирувчи кўзимдан мақсуд марвариди кучоғимга келди.

### Мухтараъ

Зи таърихи Чаму Искандар омад тирагӣ бар ман,  
Магар чоми чаҳонбин созадам оинаро равшан.  
Маро аз оташи Намруд гулзори Ирам кам гӯ,  
Бидеҳ он чоми оташгун, ки олам гардадам гулшан.  
Фалак ҳар рӯз мардони чаҳонро афканад бар хоқ,  
Зи чоми марг то кай боре аз як чоми мардафкан?  
Чу бар умр эътимод нею давронро бақое нест,  
Хуш он, к-ӯ сохт дар умри киромӣ даври соғар фан.  
Зи абнои замон онро, ки гӯй дӯсти қонӣ,  
Яқин медон ба қони хеш пайдо сохтӣ душман.  
Паи дунёи дун то чанд дасту по занӣ як раҳ,  
Фурӯ каш даст андар остину пой дар доман.  
Зи майхона шигофе гар бувад дар хилватат, эй шайх,  
Аз он беҳтар баче, к-аз равза дар гӯрат бувад равзан.  
Чавонони чаманро аз баҳори умр чун бар нест,  
Ба ашку нола гӯё абр аз ин маънӣ кунад шеван.  
Агар Фонӣ дар ин дайр-ул-ҳаводис чанд рӯзе ҳаст,

Бувад беҳтар, к-аз офатҳо кунад майхонаро маскан. Жамшиду Искандар  
тарихидан менга қоронғилик келди,  
жаҳоннамо жом (май) ойинамни ёритармикан?  
Намруд ўтидан ва Эрам гулзоридан менга кўп гапирма,  
менга оламни гулшанга айлантирадиган олов ранг май бер!  
Ҳар куни фалак жаҳон мардларини тупроққа кулатиб туради,  
қачонгача ўлим жоми билан бизни олиб кетасан, полвонларни кулатувчи бир жом  
бер.

Умрга бир эътимоду, даврон мангу бўлмагач,  
азиз умрда пиёла даврини хунар қилиб олган киши хурсанддир.  
Замон кишиларидан биронтасини «жон дўстим» деб айтсанг,  
шубҳасиз, билки, ўз жонингга душман пайдо қилдинг!  
Разил мол-дунё деб қачонгача қўл-оёғингн тебратасан?  
Қўлингни енгингга ва оёғингни этагинг остига яширсангчи.  
Эй шайх, майхонадан хилватхонангга бир туйнук очганинг,  
қабрингга жаннатдан бир дарча очганингдан минг марта аълодир,  
Чаман ёшларига умрдан досил йўқдир,  
гўёки булут шу маънодан ёш тўкиб нола қилади.  
Агар Фоний бу ходисалар дайрида бир неча кун бўлса, бу офатлардан  
сақланиш учун майхонани бошпана қилиб олгани яхшироқ.

#### **Татаббўи Хоҷа**

Эй пургулу шукуфа зи рўят баҳори ҳусн,  
Равшан зи офтоби рухат рўзгори ҳусн.  
Дар лаълат оби зиндагӣ, аммо чу Зиндарӯд,  
Шодоб аз ҷамоли ту шуд чўйбори ҳусн.  
Хуршеду зар фишондани ҳаррўзааш ба даҳр,  
Бар пой ту зи чарх фишонад нисори ҳусн.  
Дар осмон маҳе буду дар бўстон гуле,  
Пайдо ба даври рӯи ту шуд эътибори ҳусн.  
Нахли қади ту сарви сарафрои ҳусн шуд,  
Боло гирифт, эй гули нав, аз ту кори ҳусн.  
Маҷнун, ки буд сшиқи Лайлию ҳусни ў  
Ҳаргиз набуд чун мани девона зори ҳусн.  
Акнун, ки масти ҳуснӣ, дарёб хотирам,  
3-он пештар, ки дар сарат афтад хумори ҳусн.  
Султони ҳусн рӯи туву ҳоҷиб абрўят,  
Ҷаллоди чашму зулф шуда пардадори ҳусн.  
Бо ҳусни бениҳояти ў шукр, Фониё,  
К-аз рӯи ошиқӣ нашудӣ шармсори ҳусн. Эй ҳусн баҳори юзидан гулу чечаклар  
тўлган гўзал,  
ҳусн рўзгори юзинг офтоби билан равшандир.  
Лаълингдан обиҳаёт, жамолингдан  
ҳусн ариғи Зиндаруд сойи каби сероб.

Ҳар кун жаҳонга зар сочиб турувчи қуёш чархдан  
туриб оёғингга ҳуснинг нисори учун зар сочади,  
Осмонда бир ой ва бўстонда бир гул бор эди,  
Юзинг даврида ҳуснга эътибор пайдо бўлди.  
Қаддинг нахли ҳусннинг бош кўтарган сарви бўлди,  
эй янги очилган гул, ҳусннинг қадри сен билан юқори кўтарилди.  
Лайлига ва унинг ҳуснига ошиқ бўлган  
Мажнун мен девона сингари ҳуснга зор бўлган эмасди.  
Ҳозир сен ҳусн мастисан, ҳусн хумори  
бошингга тушмасдан бурун менинг хотиримни топ!  
Юзинг ҳусн султони, қошинг дарвозабони,  
кўзинг жаллоди ва зулфинг ҳусн пардадоридир.  
Эй, Фоний унинг чегараси йўқ ҳуснига минг қатла шукур,  
чунки ошиқлик юзасидан ҳусни олдида уятли бўлмадинг.

### Айзан

Манам, ки шўҳраи дайрам ба дурд нўшидан,  
Ба бода хирқа гарав карда айб пўшидан.  
Ба ғайри рӯи накӯ, карданам назар хуш нест,  
Бирав рақиб, ки хуш нестам бар бадон дидан.  
Басо, ки ранҷ кашад аз ҷафои аҳли замон,  
Касе, ки дарнавардад бисоти ранҷидан.  
Ки дил гуфту шунуде чунин, ки доим ҳаст  
Зи мо фасонаи дил гуфтан, аз ту нашнидан.  
Чу кард қисми ту қассоми ризқ бе каму беш,  
Чӣ ғуссаҳо, ки хурӣ аз зиёда кӯшидан.  
Ҳама зи варзиши ишқам камол шуд дар ишқ,  
Бувад ба кор маҳорат зи беш варзидан.  
Ба ҳаҷри тира маро ҳаст бештар зорӣ,  
Ки шаб зиёда бувад з-аҳли дард нолидан.  
Ба сарви нози ту дар боғи ҳусн ҷилваи ноз,  
Маро назар ба хиромаш фиканда нозидан.  
Чу хокбӯсии дайри фано ба Фонӣ бас,  
Лаби пиёлаву соқӣ чӣ ҳадди бӯсидан?! Дайрда май қуйқумини ичишда машҳур  
менман,  
бода учун хирқани гаров қўйган ва айбини яширган менман.  
Гўзал юздан ўзгага қарашни ёқтирмайман, кет,  
эй рақиб, ёмонни кўришдан хурсанд бўлмайман.  
Кимки ранжиш бисотини йиғиб ташламаса,  
замон аҳли жафосидан кўп ранж чекади.  
Мен доим кўнгил афсонасини айтаман, сен эшитмайсан,  
бундай айтишу эшитишни ким кўрган?  
Тақсимловчи (Худо) сенинг ризқингни оз-у-кўп қилмай  
берган бўлса, нега кўпайтириш учун қайғурасан?



Ишқда кўп машқ қилганимдан камол топдим,  
машқ қилиш орқали ҳамма ишда маҳорат ошади.  
Менинг дардли зорларим айрилиқ қоронғулигида кўпаяди,  
чунки дардли кишилар тунда кўпроқ нола қилади.  
Хусн боғида сарви нозинг нозланиб ишва қилади,  
унинг хиромига қараб ноз қилишни ўрганяпман.  
Фоно дайри тупроғини ўпиш Фонийга басдир,  
пиёла ва соқий лабини ўпишга не ҳадди бор?

### Айзан

Эй моҳ, майли соғари чун офтоб кун,  
Бар офтоб таънаву бар маҳ итоб кун.  
Ҳар дам зи мастият ба фитодан шудаёт майл,  
Сар неҳ ба зонуи ману як лаҳза хоб кун.  
Обод кун ба чоми ниҳон олами дилам,  
Е фош чоми май хуру олам хароб кун.  
Онро, ки аҳли дард наёбӣ ба кӯи ишқ,  
Зинҳор, к-аз мусоҳибаташ иҷтиноб кун.  
Ёрам парию ман шуда Мачнунаш, эй рафиқ,  
Моро дигар ба Лайлию Мачнун хитоб кун.  
Оби даҳони дўст, ки дандонаш андар ўст,  
Дандон магўву тасмия дурри хушоб кун.  
Онро, ки сар зи сачдаи он бут кашад, бад-ин  
Бо кофирӣ ба фатвии ман эҳтисоб кун.  
Дар дил хаданги ишқи вай, эй қон халидааст,  
3-он сиху оташаш ба саги ў кабоб кун.  
Фонӣ, ҳичоб шуд чу миёни ману ҳабиб,  
Эй ишқ, парда афкану рафъи ҳичоб кун. Эй ой, офтоб каби пиёлага майл қил,  
офтобга таъна қилу ойни таҳқир эт!  
Қаттиқ маст бўлганингдан ҳар лаҳзада йиқилаёзьяпсан,  
хоҳласанг, тиззамга бош қўйиб бир оз мизғиб ол.  
Кўнглим оламини махфий май билан обод қил,  
ёки ошқора май ичиб, оламини хароб эт.  
Ишқ кўйида кимни дард аҳли деб билмасанг,  
ундай киши билан суҳбат қилишдан ўзингни торт.  
Эй дўст, ёрим парию мен унинг мажнуниман,  
бизни бундан кейин «Лайли ва Мажнун» деб ата.  
Ёр тиши оғзининг суви ичида бўлгани учун  
уни тиш эмасу, қимматбаҳо дур де.  
У санам саждасидан юз ўгириб, дин томон кетган  
кишини менинг фатвом билан кофир ҳисобла.  
Эй жон, унинг ишқи ўқи дилга қадалди,  
у сиху олов билан итига кабоб қилиб бер.

Фоний, мен билан ёр орасида парда (пайдо) бўлди,  
эй ишқ, пардани олиб, ўртани очиб қўй.

### Мухтараъ

Эй ринди дурдошом, чуз дайри муғон маъво макун,  
Дилро ба ғайр аз муғбача чон дигар шайдо макун.  
Соқй ба сад фархундагй чун боядат пояндагй,  
Гар ёбй оби зиндагй дар чом чуз саҳбо макун.  
Дар тарфи боғ, эй симбар, гулранг май дар чоми зар,  
Афканда дар вай кун назар, майли гули раъно макун!  
Дар дину дил оташ зада, кардй чу азми майкада,  
Ҳар лахза азми арбада бар зумраи тақво макун.  
Чун мулки дил яғмо кунй, чавру ситам бо мо кунй,  
Сад нозу пстиғно кунй, дар ноз истиғно макун.  
Дилро чу бинй сўи худ мачнуну зор аз рўи худ,  
Ҳар дам марон аз кўи худ, девонаро бечо макун.  
Аз ишқ, Фонй, дам мазан, гулбонг дар олам мазан.  
Ҳоли маро барҳам мазан, бешам аз ин расво макун! Эй дурд ичувчи ринд, муғлар  
дайридан бошқа жойин  
макон этма, муғбачадан бошқа ерга кўнглингни шайдо қилма!  
Эй соқий, бахтли яшаш мақсадинг бўлса, обихаёт топсанг ҳам,  
жомингни майдан бошқа нарса билан тўлдирма!  
Эй кумуш бадан, боғнинг бир четида гулранг майни  
жомга куйиб, унга назар қилу, гулраънога майл этма!  
Дин билан дилга ўт уриб, майхонага азм қилдинг, тақводорлар  
тўдаси билан ҳам ҳар дамда майдан шовқин-сурон қилиб ўтирма!  
Дил мулкини талаб, бизга жабру ситам қилганингда  
юз нозу истиғно қилгансан, ноздан истиғно қилма!  
Дилни ўз тарафингда, юзингга мажнуну зор бўлганини кўрганингда,  
ҳар нафасда кўйингдан хайдаб девонани беватан қилма!  
Эй Фоний ишқдан дам урма, оламга доврӯғ солма,  
ҳолимни барҳам бериб, мени бундан ортиқроқ расво қилма!

### Ихтироъ

Нест дар дайри муғон бадмасти бебоке чу ман,  
Аз гиребон то ба доман пираҳан чоке чу ман.  
Он чунон, к-он дар камоли ҳусн поке чун ту нест,  
Ёфт набвад дар камоли ишқ ҳам поке чу ман.  
Ғам чу набвад аз ғами ишқат ба олам саъбтар,  
Шуд яқин ин ҳам, ки набвад низ ғамноке чу ман..  
Дархури идроки ҳуснат ҳар касеро ошиқист,  
Нест дар ушшоқи зорат аҳли идроке чу ман.  
Гар рабояд сарсари ишқат чу хас ушшоқро,  
Нест дар дашти ғаму андӯҳ хошоке чу ман.  
Гил агар бояд пай таъмири кўи ошиқй,

Баҳри он обе чу ашкам набваду хоке чу ман.  
Қатъи дашти фақр агар дар шеваи чолокӣ аст,  
Фониё, дар қатъи ин раҳ нест чолоке чу ман. Муғлар дайрида мен каби бир  
бепарво бадмаст йўқ,  
битта мен каби кўйлаги ёқасидан этагигача йиртилган ҳам йўқ.  
Ҳусннинг шундай камолотида сен каби бир пок йўқ  
бўлиб ишқ камолотида мен каби бир покни ҳам топиб бўлмайдӣ.  
Оламда ишқинг ғамидан машаққатлироқ бир ғам бўлмагач,  
шу ҳам шубҳасизки, мен каби бир ғамгин ҳам бўлмайдӣ.  
Ҳусннинг идрок қилишга лойиқ ҳар бир кишида бир ошиқлик бор,  
зор ошиқларнинг ичида мен каби идрок аҳли йўқдир.  
Агар ишқинг бўрони ошиқларни хас каби учириб кетса  
ғам даштида мен каби бир хас-хашак йўқдир.  
Ошиқлик кўйи иморатини солиш учун лой керак бўлса,  
кўзим ёши каби сув ва мен каби бир тупроқ бўлмайдӣ.  
Эй Фоний, агар фақр даштини кесиб ўтиш чаққонликда  
бўлса бу йўлни кесиб ўтиш учун мен каби чаққон йўқдир.

### **Татаббўъи Хоча**

Зи бас мастӣ даридан чома бар тан,  
Гиребонро намедонам зи доман.  
Фалак ҳар гаҳ, ки вақтам тира дорад,  
Надонам чорааш чуз чоми равшан.  
Ба рағми чарх чоми чархкирдор,  
Лаболаб дар кашидан кардаам фан.  
Маро ҳар к-ў қадаҳ дорад бувад дўст,  
Чу резад муҳтасиб, з-онаст душман.  
Чӣ хуш бошад баҳорон чоми гулранг,  
Зи дасти гулрухон бар тарфи гулшан!  
Зи чархам хонаи дил ҳаст торик,  
Зи тираш гарчи сад беш аст равзан.  
Зи дасти муғбача чоми муғона  
Сен икки юз бор кимсасизлигинг билан қандай йўл топа оласан?  
Эй Фоний, гарчи йўловчилар у йўлда кўп юрсалар  
ҳам, тавфиксиз фано дастидан ўтиб бўлмайди.

### Мухтараъ

Эй шаби ғам, чанд дар ҳичрони ёрам мекушӣ,  
Зинда медорам туро, баҳри чӣ зорам мекушӣ?  
Хунам, эй гардун, биҳил бодат агар аз рӯи лутф,  
Зери пои рахши он чобуксуворам мекушӣ.  
Ихтиёрам нест дар қон додан андар пеши ту,  
Гарчи аз мастӣ ту ҳам беихтиёрам мекушӣ.  
Рӯй аз май гашта гул-гул, менамой бо хасон,  
Ман, ки нолон булбулам, з-он хор-хорам мекушӣ.  
Соқие, ҳарчанд к-аз май метавонӣ зинда сохт,  
Лек, з-истигно дар андӯҳи хуморам мекушӣ.  
З-он чу шамъам гиряву сӯзи ниҳонӣ муҳлик аст,  
К-аз саводи зулф дар шабҳои торам мекушӣ.  
Оташи дил низ хоҳӣ кушта гардад, з-он сабаб,  
Ҳар дам, эй қотил, ба теғи обдорам мекушӣ.  
Азбарои куштанам доғи фироқат бас набуд?  
К-аз паи васлат ба доғи интизорам мекушӣ!  
Ин ки мондам зинда бе рӯи ту, қоно, з-ин ҳаёт,  
Чунки донӣ, пеши рӯят шармсорам мекушӣ.  
Аз ту шуд, эй ишқ, Фониरो фано, к-он дар фироқ,  
Сӯзиям пинҳону аз васл ошкорам мекушӣ.Эй ғам туни, қачонгача ёримнинг  
ҳажрида мени ўлдирасан?  
Сени тирик тутаман (кечалари бедорман)-ку, нима  
учун мени зор қилиб ўлдирасан?  
Эй осмон, меҳрибонлик юзасидан, у ел қадам отли дилбарим  
оти оёғи остида мени ўлдирсанг, қоним сенга ҳалол бўлсин.  
Мени мастлик билан беихтиёр ўлдирганигда ҳам,  
қошингда жон беришда мен ҳам беихтиёрман.  
Май билан юзингни гулгун қилиб пастларга кўрсатасан,  
шу ишинг билан мен навосоз булбулни андишада ўлдирасан.  
Эй соқий, май билан тирилтира олсанг-да,  
лекин истиғно билан хуморилик ғамида ўлдирасан.  
Қора зулфинг билан қоронғи кечаларда ўлдирганинг сабабла  
шамъ каби йиғлашиму яширинча куйишим ҳалокатлидир.  
Эй қотил, ҳар нафасда кескир қилич

билан мени ўлдирмоқчи бўлганинг  
боиси шуки, дилим ўтини сўндиришни ҳам истайсан.  
Мени ўлдириш учун фироқинг доғи каммиди,  
яна васлинг йўлида интизорлик доғи билан ўлдирасан.  
Эй жоним, жамолингсиз тирик қолдим, буни билсанг,  
юзинг қошида ҳаётдан шарманда қилиб ўлдирасан.  
Эй ишқ, Фонийга фано сен томондан ҳосил бўлди,  
чунки айрилиқда яширин куйдирасану,  
васл билан ошкора ўлдирасан.

### **Айзан**

Чу даврон надонад ба чуз бевафой,  
Вафочўй аз аҳли даврон чарой?  
Чунон з-аҳли даврон малулам, ки н-орад  
Маро соғари даври ишратфизой.  
Нихон, эй парй, бо ту дорам суханҳо,  
Кучо гўямат чун надонам кучой?!  
Мачў ҳоли риндони олий зи соҳид,  
Ки н-ояд зи ҳар пашша фарри хумои.  
Агар носеҳам тавба фармуд, соқй,  
Бидеҳ чоми май, ман кию порсой.  
Талоқи ситамгораи даҳр кардам,  
Ки бас фитна зояд аз ин кадхудой.  
Ба масчид марав, Фониё, салтанат чў,  
К-аз он бар дари дайр бехтар гадоӣ. Даврон бевафоликдан бошқани билмагандан  
кейин,  
нима учун даврон аҳлидан вафо излайсан?  
Даврон аҳлидан жуда хафаман,  
менга ишрат кўзғатувчи пиёлани келтирмайди.  
Эй пари, сенга яширин сўзларим бор,  
қаерда айта-ю, қаердалигингни қайдан билай?  
Баланд мартабали риндлар ҳолини соҳиддан сўрама,  
хумо қушининг шон-шавкати ҳар пашшада бўлавермайди.  
Эй соқий, агар насиҳатгўй менга тавба буюрса,  
бир жом май бер, мен киму такводорлик нима?  
Ситамкор дунёни талоқ қилдим,  
чунки бу билан бирга яшашдан фитна туғилади, холос.  
Эй Фоний, масжидга салтанат излаб борма, ундан кўра  
дайр эшигига бориб, гадолик қилиш яхшироқдир.

### **Татаббуъи Махдум**

Сўи чоми маи лаъли ту дорам орзумандй,  
Вале бошад зи нокомам ба чоми бода хурсандй.  
Шавад зоянда сад гул даҳрро аз чашми хунборам,  
Бале, абри баҳориро зи гулҳо ҳаст фарзандй.

Гаҳи куштан яке дар хоку хунам бингар, эй қотил,  
Зи сина чок чоке бин, зи дил парканд-паркандӣ.  
Чу ман аз хори захролуди мижғони ту чон додам,  
Чӣ судам халқро аз ғунчаи лаълат шакархандӣ.  
Зи захми тан чу андар хонаи дил сохтӣ манзил,  
Ҳамон беҳтар, ки ин дарро ба рӯи ғайр дарбандӣ.  
Чу гаштам ошиқи расво, сари худ гиру рав, эй ақл,  
Ки аҳли ишқро дар васла наншинад хирадмандӣ.  
Гариби дайрам, эй пири муғон, набвад аҷаб, к-аз лутф  
Маро баҳри сабӯ бардоштан сози худовандӣ.  
Ба лутфи орадат миръоти дил ҳам акс бинмояд,  
Мусаллам шуд туро дар дилбарӣ бемислу монандӣ.  
Писандад гарчи хайли ошиқонро чуз ту он маҳваш,  
Валекин ҳеч касро чуз вай, эй Фони, ту напсандӣ. Лаълинг майи жомини орзу  
қиламан,  
лекин кокилингдан бода жоми билан қувонаман.  
Қон окувчи кўзларимдан юз гул дунёга келади,  
ҳа, кўклам булутларининг гуллардан фарзанди бўлади.  
Эй қотил, мени ўлдирадиган пантда тупроғу қонимга қара,  
унда чок-чок кўксиму, парча-парча юрагимни кўрасан.  
Киприкларинг тикани захридан жон берганимдан сўнг,  
халқ лаълинг ғунчаси шакархандини кўрса менга не фойда.  
Таним яраларидан юрак уйини манзил қилдинг,  
энди бу эшикни бошқалар юзига ёпиб қўйсанг яхшидир.  
Мен ошиқу расво бўлдим, эй ақл, бошингни олиб кет,  
чунки ишқ аҳли ақл билан бирга ўтиролмайди.  
Дайр ғарибиман, эй муғлар пири, лутф билан  
менга кўза ташиш ихтиёрини берсанг аҷаб эмас.  
Юзинг гўзаллигида юрак кўзгуси ҳам акс этади,  
дилбарликда ўхшашинг йўқлиги мусаллам бўлди.  
Ул ой юзли сендан бошқа ошиқлар хайлини писанд қилса-да,  
бирок, сен, эй Фоний, ундан бошқа ҳеч кимни писанд қилмайсан.

### Айзан

Ҳар сӯ саманди хеш сабукхез мекунӣ,  
3-он бод оташи дили мо тез мекунӣ.  
Гулҳо шукуфт ҳусни туро, 3-он насимро  
Ҳар сӯ вазад ба даҳр, суманбез мекунӣ.  
Бошад чунон ки кас ба Ҳарам тарки дин кунад,  
Эй, к-аз қадаҳ ба майкада парҳез мекунӣ.  
Овехта ба зулфи ту ҳар сӯ дусад дил аст,  
Ҷоно, чаҳон ба зулфи диловез мекунӣ.  
То субҳдам зи нолаат эй, дил, зи гулруҳӣ,

Ҳар шаб шикасти мурғи саҳархез мекунӣ.  
Н-аз май бувад тараб, ки ту бо он расонда лаб,  
Майро бад-ин сабаб тарабангез мекунӣ.  
Лаб баст Фонӣ аз асари бода, соқиё,  
Ин лаҳза ҷоми ӯ зи чӣ лабрез мекунӣ?! Учқур отингни ҳар томонга чоптирасан,  
унинг шамоли билан юрагим ўтини аланга олдирасан.  
Ҳуснинг гуллари очилибди, шунинг учун ел  
дахрда қай томонга эсса, суман ҳидини таратади.  
Эй, майхонада ўтириб майдан парҳез қилган киши,  
сенинг бу ишинг Каъбада динни тарк этган  
кишининг ишига ўхшайди.  
Сочингни ҳар томонида икки юз юрак осилган,  
юраклар осилган сочинг билан, эй жон, кесмалар қиласан?  
Эй кўнгил, тонггача бир гул юзли ишқида нола чекиб,  
ҳар кеча тонг кушига шикаст берасан.  
Шодлик майдан эмас, сен унга лабингни теккизасан,  
шу сабабли майни қувончбахш этувчи қиласан.  
Фонийнинг лаблари май асаридан жипслашди,  
энди нега унинг жомини тўлдириб тоширасан?

### **Мухтараъ**

Зи лаб дар ханда гарчи барги гул дар ангубин дорӣ,  
Вале сад неши тез аз гамзаҳо андар камин дорӣ.  
Фарози он даҳан холест ё худ қатли ошиқро  
Намудӣ хат, мўхраш сиёҳӣ бар нигин дорӣ.  
Ба дил бурдан чу молӣ, даст бинмой яди байзо,  
Вале баҳри дили мо беҳ, ки андар остин дорӣ.  
Ба базми айш аз ҳар кас, ки дилтангӣ, бурун ронаш,  
Фидоят аҳли базм, эй маҳ, чаро чин дар чабин дорӣ?  
Набошад ғунчаи гулро ба ғайр аз ханда, эй булбул,  
Аз ин фарёдҳо к-он дар дили андӯҳгин дорӣ.  
Чаро таксир дар ноз аст бо аҳли ниёз охир,  
Ки сар то по зи хубӣ ҳарчи дорӣ, нозанин, дорӣ.  
Аҷаб гулҳост дар таҳ хатти сабзатро бигӯ, эй маҳ,  
Суман дорӣ ба зери сабза, ё худ ёсумин дорӣ?  
Суман бо ёсамин баҳри чӣ гўям з-он, ки дар хубӣ  
Рухе дорӣ беҳ аз ҳар ду, ҳам он дорӣ, ҳам ин дорӣ!  
Ба сурма хонаи он чашмро сози сияҳ, гўё,  
Ки қасди хонумони мардуми гўшанишин дорӣ.  
Кунун баҳри чӣ аз бутхона берун оям, эй зоҳид,  
Чу кардам дар сару кори буте бинӣ, ки ин дорӣ.  
Ба чархат эҳтиёче нест, Фонӣ, чун ба баҳри дил,  
Фузун аз ахтараш ҳар гўша дурҳои самин дорӣ. Кулганингда лабингда асал ичида

гул япроғинг бўлса ҳам,  
лекин ғамзаларингда пистирмада турган  
юзларча ўткир нишларинг бор.  
У оғзинг устида холми ёки ошиқларни қатл  
этиш учун хат ёздинг-у,  
уни муҳрлаш учун узугингнинг кўзида сиёҳ борми?  
Дилни ўғирлаш учун кўлингни суйкаганингга  
мўъжиза кўлини кўрсатасан,  
лекин кўнглимиз учун уни енгинг ичида сақлаганинг маъқул.  
Ишқ базмида кимда-ким сени зериктирса, ташқарига ҳайда,  
эй ой юзли, базм аҳли сенга фидо бўлсин,  
нима учун пешонанг тиришади?  
Эй булбул, гул ғунчасида кулгидан бошқа нарса бўлмайди,  
бу ғамли дилингда бўлган фарёдларингдан у кулади.  
Ҳожат ахлларига нима учун ноз қиласан, ҳолбуки,  
сен бошдан оёқ гўзалсан, ниманг бор бўлса ҳаммаси нозаниндир.  
Сабза урган хатинг остида ажаб гўзал гуллар очилибди,  
эй ой юзли, айт, у гуллар оқ хушбўй гулингми  
ёки қизил хушбўй гулингми?  
Суман билан ёсуман гулини сенга нима учун ўхшатай?  
чунки гўзал икки юзинг борки,  
иккаласидан ҳам яхши, унда ҳам униси бор, ҳам буниси бор.  
Кўзинг уйини сурма билан қорайтириб,  
бир бурчакда ётган кишиларнинг уйини куйдирмоқчимисан?  
Эй зоҳид, бир бут (маҳбуб) нинг йўлида дийдорликни  
қабул қилганимдан кейин  
нима учун бутхонадан ташқари чиқайин?  
Эй Фоний, осмонга сенинг эҳтиёжинг йўқ, чунки  
дилинг дарёсининг ҳар бир бурчагида  
юлдуздан ҳам кўпроқ қиммат баҳо инжуларинг бор.

### **Мухтараъ**

Соқие, нўшам равон, ҳар гаҳ маи нобам диҳӣ,  
Дар хумор обе агар з-он лаъли серобам диҳӣ!  
Ин ки киштӣ киштии май мекашам, лабташнаам,  
Кош чун лангар ба баҳри бода партобам днҳӣ.  
Холи абрӯ марҳами захми дили решам кунӣ,  
Баҳри сарпӯши хуми май хишти мехробам диҳӣ.  
Гар диҳӣ уммеди васлу гар диҳӣ бими фирок,  
Заҳр пӯшонӣ аз он чоме, ки чуллобам диҳӣ!  
Рост чун торе, ки метобанд онро баҳри лаъл,  
Чанд дар заъфи хумор аз баҳри май тобам диҳӣ?  
Баҳри хосон чоми молмоли айш омад, бас аст,  
Гар таҳи соғар туфайли базми аҳбобам диҳӣ.

Ман киям, эй Фонию, базми висолаш, то ба кай,  
Ёди чизе, к-аз ба чон додан намеёбам, дихй?!  
Эй соқий, ҳар вақт гиниқ май берсанг ва хумор чоғида  
сўлим лаъл лабингдан бир сув берсанг, дарров ичаман.  
Кема-кема май ташиганим билан яна ташнаман,  
қани энди май дарёсйга мспп лапгар кабн ташласапг. Эй соқий, ҳар вақт тиниқ  
май берсанг ва хумор чоғида  
сўлим лаъл лабингдан бир сув берсанг, дарров ичаман.  
Кема-кема май ташиганим билан яна ташнаман,  
қани энди май дарёсига мени лангар каби ташласанг.  
Дилим захмига кошингдаги холдан марҳам қўй,  
май хумининг оғзини ёпиш учун менга меҳробинг ғиштини бер.  
Гоҳ васл умидин берасан, гоҳ айрилиқ билан қўрқитасан,  
гулоб берган жомдан заҳар ҳам берасан.  
Лаъл шодамамоқ учун пишитилган ип каби хуморилик  
карахтлигида қачонгача май учун мени чийратиб қийнайсан?  
Айшу ишрат чоғида улуғлар учун жомлар  
лиммо-лим қилиб берилади,  
дўстларимнинг базми туфайли менга пиёланинг  
тегини берсанг ҳам бўлади.  
Эй Фоний, мен киму, унинг висоли базмига етиш қаерда?  
Жонингни бағишлаш билан ҳам топишинг маҳол бўлган  
нарсани қачонгача эслайсан?

### Айзан

Кўдаки дайрам занад санги маломат бешаке,  
Ман, ки дар пиронасар гаштам асири кўдаке.  
Гарчи аз тифлона тирам захм бар дил мезанад,  
Лек дар куштан кунад кори синони новаке.  
Андаке сабрам на в-андӯҳи бисёрам ба дил,  
Зулми ў бисёр, аммо ҳаст раҳмаш андаке.  
Васлчўёнаш саду ман як ба ҳичрон монда, лек  
Садыки ман дар вафои ў бад-он чуз садяке.  
Чун занандам кўдакон санги чафо, набвад ачаб,  
Ҳар тараф аз чаврашон дар пўя бардорам таке.  
Базми тифлон аст дилкаш савт, лекин ман хамўш,  
Эй муғаннӣ, нола тезам кун зи мадди ғижжаке.  
Аз паи мақсуд солик гар чавон, гар тифл дон,  
Фониё, беҳтар зи роҳи ишқ набвад маслаке. Мен кекса бошим билан бир ёш  
дилбарнинг асири бўлдим,  
дайрдаги (ёш дилбар) нинг иши менга маломат  
тошини отиш бўлиб қолди.  
Гарчи болаларча ўқи билан дилимни яраласа ҳам,  
лекин ўлдиришда ўқи найза вазифасини ўтайди.



Сабрим озу дилимда хафалик кўп,  
унинг зулми кўпу раҳми оздир.  
Васлини истаганлар юзларча, ҳижронида эса, мен якка-ёлғизман,  
унинг вафосида улар менинг юздан биримча,  
у бўлса вафода юздан бир.  
Гўдаклар жафо тошини менга отганларида  
улар жабридан ҳар томонга югурсам, ажаб эмас.  
Ёшларнинг базмию овозлари дилкашдир, лекин мен жим  
ўтирибман, созанда ғижжакни чўзиб тортиш билан ноламни тезлат.  
Солик хоҳ гўдак, хоҳ йигит бўлсин, ўз  
мақсадининг орқасидан боради,  
эй Фоний, билки, ишқ йўлидан яхшироқ маслак йўқ.

### **Татаббўъи Хоҷа**

Боз дар кўи муғон ошиқи мастам чое,  
На зи хешам хабару, не зи касам парвое.  
Эй, ки расвоии ман металабидӣ, хуш бош,  
Ки зи ишқат натавон ёфт чу ман расвое.  
Маст дар дайр, ба ҳар нағма, ки аз ишқ кашанд,  
Дасте афшо нам аз он ҳолату кўбам пое.  
Хориям бин, ки ба базми дигарон бояд шуд,  
Орзу гар шавадам сўхбати базморое.  
Пиру барно агарам таъна занонанд чӣ айб?  
Ман, ки ниронасарам шефтаи барное.  
Ёр бо ғайр кашад бода, бигӯ, ман чӣ кашам?  
Чуз ба бадҳолии худ нолаву вовайлоє.  
Фониё, нест ба чуз тафриқа з-абнои замон,  
Гар кашӣ раст ба сар ҳадди фаноосое. Яна муғлар кўйида шундай ошиқу маст  
бўлдимки,  
на ўзимдан хабарим бор, на бировга парво қиламан.  
Эй, менинг расво бўлишимни истаган ёр, энди қувон,  
чунки ишқингда мендек расво топилмайди.  
Дайрда ишқнинг ҳар бир нағмасига маст бўлиб  
гоҳ қўлимни, гоҳ оёғимни қимирлатиб рақса тушаман.  
Хорлигимни кўрки, агар бирон базморонинг суҳбатини орзу қилсам,  
бошқаларнинг базмига боришим керак бўлади.  
Мен қарилигимда бир ёш гўзалга ошиқ бўлдим,  
Энди ёшу қари менга таъна қилсалар не айб.  
Ёр ўзга билан бода ичади, айтчи, мен ўз  
ёмон ҳолимга нолаю вовайло чекишдан бошқа нима иш қиламан?  
Эй Фоний, замон аҳлидан фақат тафриқа келади,  
агар фанога эришсанг, осониш топасан.

**Айзан**

Мову маи муғонаву гулбонги паҳлавӣ,  
Пири муғон ҳар ончи кунад кор, пайравӣ.  
Май дех, ки дӯш кӯҳна бараҳман ба дайр маст  
Май мезаду шунидам аз он пири маънавӣ.  
К-эй ринди дурдкаш, чу ба давр эътимод нест,  
Аз даври бода беҳ, ки даме баҳравар шавӣ.  
Дунё рабуд чун ту ҳазорон ҳазорро,  
Дил чун ниҳӣ ба васвасаву макри дунявӣ.  
Дил дар нигорхонаи Чинӣ мабанд аз он-к,  
Монад гаҳи шудан ҳама ин нақши монавӣ.  
Бар дӯстии даҳр манеҳ дил, чаро ки ту  
Бас дӯсти заифию ӯ душмани қавӣ.  
Бадмаст ринди арбадагар дар буруни дайр  
Беҳтар ба кунчи савмаа аз шайхи мунзавӣ.  
Тарсо ҷавони шӯх ҳамесозадам ҳалок,  
К-аз нуктааш аён бувад анфоси Исавӣ.  
Фонӣ, агарчи Ҷомию Шерозият хуш аст,  
Натвон зи даст дод ҳам оини Дехлавӣ. Мен бўлсаму, муғларча май бўлсаю  
паҳлавий ашуласи бўлса,  
муғлар пири нима қилса, ишимиз унга эргашишдир.  
Май бер, кеча кекса ҳинд бараҳмани дайрда маст ҳолида  
май ичиб турганда, у маънавий пирдан эшитдим:  
«Эй қуйқахӯр риндлар, билингларки, даврга эътимод йўк,  
бир нафас ҳам бўлса, май давридан баҳраманд бўлганинглар яхши.  
Дунё сен каби мингларча одамларни олиб кетди,  
шуни билсанг, қандай қилиб бу дунёнинг васвасасига алданасан?  
Нигорхонаи Чин (дунё) га кўнгил боғлама, чунки кетиш  
вақтингда наққош Монийга нисбат берилган бу  
ҳамма нақшларни қолдириб кетасан.  
Дунёнинг дўстлигига кўнглингни берма, чунки сен  
жуда кучсиз дўстсану, аммо у кучли душмандир.  
Дайрдан ташқарида ринднинг маст бўлиб қилган жанжали  
одамлардан йироқ ибодатхона кунжида  
ўтирган шайхдан яхшироқдир.  
Бир тарсо шӯх гўзал мени ҳар вақт ўлдиради, чунки унинг  
нуқтасидан Исо нафаси аён бўлди  
(яъни ўлдиргани билан, яна тирилтиради).  
Эй Фоний, агар Жомий ва Хожа Ҳофиз Шерозийнинг  
шеър айтиш усули гўзал бўлса ҳам  
Хисрав Дехлавийнинг шеър усулини қўлдан бериб бўлмайди.

#### **Айзан**

Дило, гар тўъмае баҳри сағони ёри ман созӣ,  
Ҳам аз парголаҳои синаи афғори ман созӣ.

Чунунамро бувад гар устухоне, к-аш сагат хояд,  
Кашй ҳам бар таноби он сагу тумори ман созй.  
Ба базмаш гар кашй овоз, эй мутриб ғанимат дон,  
Саровозаш агар аз нолаҳои зори ман созй.  
Паи озурданам ағёрро ҳозир кунй, то кай?  
Ҳузури дигаронро мӯчиби озори ман созй.  
Сарам, эй муғбача шуд хоки поят баҳри дурди май,  
Чй бок, ар бодаполо гӯшаи дастори ман созй.  
Чу базм аз гиряхои зор-зорам, сокиё, тир аст,  
Бидех чоми пуро-пур май, шавад гар кори ман созй.  
Чу ту бисёр, эй Фонй, агар чӯянд кам ёбанд,  
Агар дар ишқ бо камсабрии бисёри ман созй. Эй дил, менинг ёрим итларига ем  
бўлсанг,  
кўксим парчаларини ҳам унга ем қилсанг.  
Менинг телбалигимда суюк бўлса-ю, уни итинг кемирса,  
уларни ипга тизиб бўйнимга тумор қилсанг эди.  
Эй қўшиқчи, унинг базмида овоз чиқарадиган бўлсанг,  
бу овозларнинг бошини менинг нола-ю  
зоримдан тузишни ғанимат бил.  
Қачонгача менга озор бериш учун ағёрни чақириб,  
бошқаларнинг ҳузурини менинг зоримга сабабчи қиласан.  
Бошим май куйқуми учун оёғинг тупроғи бўлди,  
Эй муғбача, салламнинг бир бурчини бодани  
тозалаш учун ишлатсанг, не бок?  
Менинг зор-зор йиғлашим туфайли базм қоронғи бўлди,  
менинг бу ишимни тузатишни истасанг  
менга лиммо-лим қадах бер.  
Агар ишқда кўп сабрсизлигимга чидасанг,  
эй Фоний, сенга ўхшаган кишини кўп изласалар-да кам топадилар.

### **Айзан**

Ба ғайри дайр дилам чун ҳаво кунад чое,  
Маро, ки баст ба занчири зулфи тарсое.  
Шудам чу кофири ишқи ту, эй бути чобук,  
Яқин, ки нест маро беҳ зи дайр маъвое.  
Ба сад чамолу латофат, ки мекунй чилва,  
Худойро нафасе, то кунам тамошое.  
Ба шӯхи масти ман оё чй нозу истиғност,  
Ки чон ба пош фишондам, накард парвое.  
Чамоли ӯ манмо, ё Раб, ар бувад дар дил,  
Ба ғайри дидаву чон доданам таманное.  
Ту меравй ба дусад нозу ҳусн, аз он чй ғамат,  
Ки дид рӯяту чон дод ношикебое?

Агар ба майкада пиронасар равӣ Фонӣ,  
Зи ишқи барное зинҳор бар н-ое.Юрагим бир кофирнинг зулфи занжирига  
боғланган,  
энди дайрдан ўзга жойни қандай орзу қилсин?  
Эй, чобук санам, ишқингда кофир бўлдим,  
менга дайрдан бошқа яхшироқ манзил йўқлиги аниқ.  
Юз жамолу латофат билан жилва қиласан,  
Худо ҳақи, бир нафас томошо қилишга рухсат бер.  
Менинг маст, шўх гўзалимда шунча нозу-истигно борки,  
жонимни оёғига ташласам ҳам ҳеч парво қилмади.  
Агар кўнглимда жону кўзимни беришдан ўзга орзу бўлса,  
ё, Раб, унинг жамолини менга кўрсатма.  
Сен икки юз ноз ва ҳусн билан кетасан,  
агар бир беқарор юзингни кўриб жон берса, нима ғаминг бор?  
Эй Фоний, агар қариганда майхонага борсанг,  
барнолар ишқига зинҳор бардош беролмайсан.

### Мухтараъ

Биё, ки хайма барафрӯхт абри дай моҳӣ,  
Чу абр маст шав акнун ба савти хиргоҳӣ.  
Фирӯз манқали оташ даровар, онгаҳ май  
Бикун зи оташу май лаъл чехраи коҳӣ.  
Чу огаҳӣ нашуд аз корхонаи олам,  
Беҳ он ки набвадат аз май зи худ ҳам огоҳӣ.  
Ба май шикаста сафолу намадқулоҳи кӯҳан,  
Зи чоми зар беҳу аз афсари шаҳаншоҳӣ.  
Шаби дароз гузашту адои қиссаи мо,  
Зи тӯли ҳаҷр наёвард рӯ ба кӯтоҳӣ.  
Зи раҳ наяфтӣ агар пешвост пири тариқ,  
Зи ҳамраҳи Хизр, эй дил, маҷӯй берохӣ.  
Сулуки роҳи фано, Фониё, зи даст мадеҳ,  
Халос аз худу аз ғайри худ агар хоҳӣ.Кел, қиш булути чодирга ўт ёқди,  
энди булут каби маст бўлиб, хиргойи ашула айтайлик.  
Манқалдонга ўт ёқ, ундан кейин майни суз,  
сарғайган юзни бу ўту май билан қизартир.  
Олам корхонасидан огоҳ бўла олмадик,  
сен ҳам ичиб ўзлигингни йўқотганинг яхши.  
Май ичиш учун синган сафол, кийиш учун эски наMAT кулоҳ,  
олтин жом, подшоҳлик тожидан ортиқроқдир.  
Узун кечалар ўтдию, ҳажринг узунлигидан  
қиссамиз тугаллаш муддати қисқармади.  
Эй дил, тариқат пиринг бўлса йўлдан адашмайсан,  
Хизр ҳамроҳлигида йўлсиз бўлмайсан.

Эй Фоний, ўзлигингу ўзгалардан қутулишни истасанг,  
фано йўли сулукини кўлдан берма.

### **Татаббўъи Мир**

Зи ғамза тире аз мижа саф ошкор мекунӣ,  
Магар ки оҳуи дили маро шикор мекунӣ?  
Бунафша тоб мезанад, шикасти сарв мешавад,  
Ба рух чу нил мекашӣ, ба каф нигор мекунӣ.  
Зи гирия баҳри ашки ман чу мерасад ба доманам,  
Зи хирқа домани маро бад-он канор мекунӣ.  
Ҳисоби куштагон туро чӣ шуд, дусад ҳазор беш,  
Адад чу бешумор шуд, чаро шумор мекунӣ?  
Ба санги ҷавр куштиям, намекашӣ чу даст аз он,  
Магар ғариби куштаро аз он мазор мекунӣ? Ғамзадан ўқу кипригингдан сафлар  
тузасан,  
дилим кийигини овламоқчимисан?  
Рухсорингга нилу кўлингга хино кўйганингдан  
бинафшанинг бўйнини эгиб, сарв дарахтини синдирасан.  
Йиғламоқдан кўз ёшим дарёси этагимга етганда  
хирқам этагидан нариги қирғоққа тортасан.  
Ўлдирганларингнинг ҳисоби икки юз мингдан ортиқ,  
сон-саноксиз, нега яна санайсан?  
Жабру жафо тоши билан мени ўлдирдинг, яна кўлингни тортмайсан,  
ўлган ғарибни ўша жабр тоши билан кўммоқчимисан?

### **Татаббўъи Шайх**

Шикеби дил барад аз хоби субҳгоҳат рӯи,  
Ба оби чашмаи хуршед рӯи хеш машўй.  
Дилам ба кӯи маҳе гум шуду маҳе беш аст,  
Ки дар суроғи ваям рӯ ниҳода рӯй ба кӯй.  
Ба гирди дидаи гирёнам он қадди раъно  
Бувад чу сарви хиромон ба чилва бар лаби чўй.  
Гуле зи дидаи ман гашт ғоиб андар боғ,  
Чу бод медавам аз изтироби он ҳар сўй.  
Ту хубрӯию ушшоқро маранҷон беш,  
Ки хуб нест ба рӯи накӯ шудан бадхўй.  
Магар зи бодаи лаълат ба ман расад бӯе,  
Ба сӯи базми ҳарифон кашам ба дӯш сабўй.  
Чу Саъдӣ ар ҳарами васл хоҳӣ эй Фонӣ,  
Забон бубанду қадам неҳ, сухан зиёда мағўй! Ҳижрон тунида менга ойдан нима  
фойда, ёр жамоли бўлиши керак,  
хира кўзимга у дилдор рухсорининг шамъи лозим.  
Ой юзингни тўйиб кўрмасдан ҳижрон балосига дучор бўлдим,  
сени кўрган вақтда кўпроқ томоша қилишим керак.

Кўчиш тонгида ёронларнинг юзини кўрмасдан эшигингдан кетдим,  
менинг бахтимга, у сахарда итларинг уйғоқ бўлиши керак эди.  
Юзингни тўйиб кўриш қаёқда дейсан, афсуски, ўлдим,  
кўрган чокда кўзимда киприк ўрнида тикан бўлиши керак эди.  
Тавба қилганимда тилимга «алҳамду лиллоҳ» келган бўлса ҳам,  
лекин даргоҳингда истиғно суви бўлиши керак эди.  
Шайх мени хонақаҳ кунжигга чақирди, риёлик ибодатидан ўлдим,  
менга дайр пири остонаси ва майфурушнинг кулбаси лозим.  
Эй Фоний, висоли йўлида юзингни кўйи тупроғига суртдинг,  
бир дафъа муяссар бўлмаса, юз қатла суртишинг керак эди.

### **Татаббўъи Хоҷа**

Зи Кавсар дам мазан пеши лаби вай,  
Касе кай об хоҳад то бувад май?  
Ба май монад, ки мамзуч аз гулоб аст,  
Лабашро чунки резад аз рухаш хай.  
Ба вазъи коргоҳи даҳр мангар,  
Ки бо андеша натвон бурданаш пай.  
Ҳамон беҳтар, ки нанҳй бода аз даст  
Бисоти Бармаку Ҳотам кунй тай.  
Чу барбод аст кору бори олам,  
Бинўшй бодаро бо нағмаи най.  
Чу орад соқият соғар лабо-лаб,  
Кашй чоми дамо-дамро паёпай.  
Мағӯ, Фонй зи ишқи он парй мурд,  
Касе к-ӯ мурд чи-твон кард, бо вай. Юзи, сахардаги уйқудан дилнинг сабрини  
олиб кетса,  
юзингни қуёш суви билан ювма (кўп ухлама).  
Бир ой юзлининг кўйида дилим йўқолди, бир ойдан  
кўпроқ вақтдан бери уни сўроқлаб кўчама-кўча юрибман.  
Йиғлоқи кўзимнинг атрофида у раънонинг қадди-қомати  
ариқ лабига ўтказилган сарв хиромон каби жилва қилиб туради.  
Боғ ичида кўзимдам бир гул ғойиб бўлди,  
шунинг изтиробидан ҳар томонга елдай югураман.  
Сен гўзалсан, ошиқларингга кўп озор берма,  
гўзал юзлининг бадфеъл бўлиши яхши эмас.  
Лаъл лабинг майидан менга бир ис келармикин деб,  
улфат базмига май кўзасини кифтимга қўйиб кўтариб бораман.  
Эй Фоний, шайх Саъдий каби висол ҳарамини истасанг,  
тилингни тийиб қадам қўй, ортиқча сўзлама.

### **Татаббўъи Махдум**

Чу хас гум гаштам андар боғи ҳусну нози гулрӯе,  
Ки боди бениёзй мевазид он чо зи ҳар сӯе.  
Ба бадхуй, ки мардум мекушй ҳар дам, накӯ набвад.

Бадй, эй мах, муносиб кай бувад аз чун ту некӯе?  
Ба ишқат не тавонам панча афкандан на з-ӯ частан,  
Ки аз заъфам таки пое намонду зӯри бозуе.  
Таку пӯям, ки дар кӯи муғон омад, чӣ айб эй шайх,  
Зарурат гашт соликро давидан чун ба ҳар кӯе.  
Кушод аз машъали айн-ул-яқин гар хоҳӣ, эй дида,  
Зи хоки даргахи пири муғон беҳ нест доруе.  
Сари соғар мапӯшон, соқиё, з-он рӯ, ки бошад нафъ  
Ду чашмамро аз ӯ ранге, димоғамро аз ӯ бӯе.  
Маҷӯ дар кунчи хилват Фониё он лаб, ки бас бошад,  
Агар ёбӣ ба ёдаш кунчи боғею лаби чӯе. Лаби олдида кавсар сувидан сӯзлама,  
май бўлса кишининг сув ичгиси келадими?  
Юзидан лабига тер тӯкса,  
гулоб аралаштирилган майга ўхшайди.  
Дахр ишхонасини қандай қурилишига қарама,  
буни андиша билан топиб бўлмайди.  
Бармаку Ҳотам Тоий давлатига эга бўлсанг  
ҳам, яна қуруқ қайтиб кетасан.  
Оламнинг иши барбоду вайрондир,  
ундан кӯра нағмаю най билан май ич.  
Агар соқий сенга пиёлани тўлдириб берса,  
дам-бадам жом торт.  
Эй Фоний, ўлу, аммо у парининг ишқидан сӯзлама,  
ўлган одам нима қила олади?

### **Татаббӯи Махдум**

Чу хас гум гаштам андар боғи ҳусну нози гулрӯе,  
Ки боди бениёзӣ мевазид он чо зи ҳар сӯе.  
Ба бадхуй, ки мардум мекушӣ ҳар дам, накӯ набвад.  
Бадй, эй мах, муносиб кай бувад аз чун ту некӯе?  
Ба ишқат не тавонам панча афкандан на з-ӯ частан,  
Ки аз заъфам таки пое намонду зӯри бозуе.  
Таку пӯям, ки дар кӯи муғон омад, чӣ айб эй шайх,  
Зарурат гашт соликро давидан чун ба ҳар кӯе.  
Кушод аз машъали айн-ул-яқин гар хоҳӣ, эй дида,  
Зи хоки даргахи пири муғон беҳ нест доруе.  
Сари соғар мапӯшон, соқиё, з-он рӯ, ки бошад нафъ  
Ду чашмамро аз ӯ ранге, димоғамро аз ӯ бӯе.  
Маҷӯ дар кунчи хилват Фониё он лаб, ки бас бошад,  
Агар ёбӣ ба ёдаш кунчи боғею лаби чӯе. Бир гул юзлининг ҳусн боғида хасдек  
йўқолдим,  
чунки у ерда бениёзлик шамоли ҳар томондан эсарди.  
Бадхўйлик билан ҳар дам кишиларни ўлдирганинг яхши эмас,

эй ой, сендек яхшига ёмонлик қачон муносиб бўлсин?  
Ишқингда панжа уришга ҳам, сакрашга ҳам кучим йўқ,  
чунки заифликдан тепишга оёғимда дармон, билагимда куч қолмади.  
Эй шайх, муғлар кўйида бориш-келишимнинг нима айби бор?  
Ҳар томонга югуриш солиқ учун заруратдир.  
Эй кўз, агар «айнул-яқин» машъалидан очилишни истасанг,  
ҳеч бир дори муғлар пири даргоҳи тупроғидан яхши эмас.  
Эй соқий, қадах устини ёпма, негаки,  
икки кўзим унинг рангидан, димоғим ҳидидан нафъ олади,  
Эй Фоний, хилват кунжида у лабни излама,  
агар унинг ёдида бир боғ чеккаси ва ариғ лабини топсанг кифоя.

### **Татаббӯи Мир**

Агар Фарҳоду Ширин ҳарду дар даврони ман будӣ,  
Яке шарманда аз ман, он як аз чонони ман будӣ!  
Агар Мачнун ба дашти ишқ ҳамроҳам шудӣ як раҳ,  
Ба чон з-ошuftагиҳои дили вайрони ман будӣ.  
Мағӯ, к-аз ашқ дар кӯи вафо рӯяд ниҳоли васл,  
Ки гар будӣ чунин, аз дидаи гирёни ман будӣ.  
Чу гул чоки гиребонам нагаштӣ ҳар сахар зохир,  
Чу дурри ашқ агар он шӯх дар домони ман будӣ.  
Ҳазорон шаб ба бедорӣ ба рӯзам н-омадӣ дар ҳаҷр,  
Шабе гар он маҳи номехрубон меҳмони ман будӣ.  
Зи нозу ғамза гоҳи чашм агар во кардӣ он маҳваш,  
Зи ҳайронӣ, ки дорам дар руҳаш, ҳайрони ман будӣ,  
Вафоро дар дили хӯбон асар гар будӣ, эй Фонӣ,  
Набудӣ ёр азони бевафоён, з-они ман будӣ! Агар Фарҳод билан Ширин  
икковлари  
менинг давронимда бўлсалар эди,  
бири мендану, иккинчиси жононимдан шарманда бўларди.  
Агар Мажнун ишқ даштида бир марта ҳамроҳим бўлса,  
вайрон дилимнинг телбалиги жонига тегар эди.  
Вафо кўйида васли ниҳоли кўз ёшидан кўкаради дема,  
агар шундай бўлса, мени йиғлоқ кўзимда бўларди.  
У шӯх кўз-ёшим менинг этагимда бўлса эди,  
ҳар сахарда ёкам чоки гул каби кўринмас эди.  
Бирор кеча у номехрибон ёрим меҳмоним бўлганида,  
мингларча кечаларим уйқусиз кундузга айланмас эди.  
У маҳваш гоҳо нозу ғамза билан кўзини очса эди,  
юзига ҳайрат билан термулганимни кўриб, ҳайрон бўлиб қоларди.



Эй Фоний, гўзалларнинг дилида вафодан асар бўлганида эди,  
вафосиз кишининг ёри бўлмай, менинг ёрим бўларди.

## ИЗОҲЛАР

1. Татаббуъ — луғ. маъноси бирор нарсанинг кетидан тушиш, изидан боришни англатади; адабиётшуносликда бирор шеърдан таъсирланиб, ундаги вазн, қофияни (радиф бўлса, уни ҳам) сақлаган ҳолда асар ёзиш, баъзан бундай шеърларни ўхшатма, жавобия, назира ҳам дейдиар. Татаббуънинг табиатини бизда биринчи ўрганган А. Шомухамедов, татаббуъларда шоирлар ўз ғояларини ифода этишга интиланлар, деб ёзади (Қаранг: Шомухамедов в А. «Традиция татаббу в творчестве Алишера Навои» Ташкент: Фан, 1984; Ўзбек адабиёти тарихи. 2-том. Тошкент, 1978, 12— 17-бетлар).

2. Шайх Саъдий— (1203, Шероз—1292, шу шаҳар) Муслихиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибни Мушрифиддин Саъдий Шерозий улуғ форс шоир. Унинг «Гулистон», «Бўстон» асарлари ва 4 девони таркибидаги ғазаллари ғоят машҳур бўлган. Унинг араб тилида қасидалари бор.

Саъдий ёшлигида етим қолган. У аввал Шерозга кетган. Бағдоддаги «Низомия» мадрасасида таҳсил олган. У кўп саёҳат қилган. Жом, Ҳизож, Шимолий Африка мамлакатларида бўлган.

Саъдий асарларининг кейинги адабиётга таъсири ғоят кенг бўлган. Навоий, «Девони Фоний»да Саъдийнинг 22 ғазалига татаббуъ қилган ва унинг ғазаллари таврида 2 ғазали бор.

3. Хожа Ҳофиз Шерозий — Шамсуддин Муҳаммад (1321, Шероз — 1350, шу шаҳар) буюк форс шоири. Тожир оиласида дунёга келган ва отадан ёш етим қолган Шамсуддин новвойга шогирд тушади. Тезда Қуръони мажидни ёд олиб, гўзал тиловат қилади. Шу муносабат билан «Ҳофиз» тахаллусини олади. Ундан бир девон қолган. Ҳофиз шеърлари ишқи мажозни ва ишқи ҳақиқий тараннумига бағишланади. Мавзунинг турли-туманлиги, улардаги бадииятнинг ғоят юксаклигидан Ҳофиз шеърлари ўз замонасидаёқ шуҳрат қозонади, кейинги давр шеърлятига ҳам баракали таъсир кўрсатади. XVII асрдан бошлаб Ғарб адабиётига ҳам таъсир ўтказди. Гёте Ҳофиздан илҳомланиб «Ғарб ва Шарқ девони»ни яратгани шоирни ғарб тафаккур оламига қадам сурганига далилдир.

Навоий Ҳофиз ғазалларидаги маҳоратни юксак баҳолаган. «Девони Фоний»да Ҳофизнинг ғазаллари татаббуъида 211, таврида эса 20 ғазал мавжуд. Айтиш керакки, Навоий Ҳофиз ғазалларидан тасаввуфий мазмундагиларни олган.

Ҳофизнинг дўсти ва шогирди Муҳаммад Гуландом йиғган, шоир вафотидан 38 йил кейин тузилган девон нашр қилинган. Ҳозирча аниқланган шеърлари 418 ғазал, 5 қасида, 41 рубоий, 3 маснавий («Соқийнома», «Оҳуйи ваҳший», «Муғаннийнома»)дир.

Ҳофизнинг мақбараси Шероздаги Мусалло боғида, ҳозир «Ҳофизия» деб аталади. Ҳофиз ижодини ҳар томонлама ўрганишда Эрон олимлари Абдурахмон Халҳолий, Муҳаммад Қазвиний, Қосим Ғани, Саид Нафисий, Абдулхусайн Зарринқўб, Хусайн Али: Ҳиравий, Баҳовуддин Хуррамшоҳ кўп иш қилдилар. Ҳофиз ғазалларига кўплаб шарҳлар ёзилган. Оврупода Я. Рипка, А. Арберри, Х. Ремер, Х. Риттер ва бошқалар, рус олимларидан Е. Бертельс, А. Болдирев, И. Брагинскийлар, тожик олими А. Мирзоев ҳофизшуносликка етук ҳисса қўшдилар.

4. Хусрав Дехлавий — (1253, Патёлий —1325, Дехли) Яминуддин Абулҳасан Амир

— Хусрав Дехлавий номи билан машхур шоир, адиб, мутафаккир, бастакор. Отаси Сайфуддин Махмуд туркий лочин кабиласидан бўлиб, мўғуллар истилоси арафасида оиласини Шахрисабздан Ҳиндистонга кўчириб кетган эди. Хусрав ёшлиқдан ёза бошлаган шеърларида «Султоний» тахаллусини қўллаган. У узоқ муддат Бангола ва Дехли султонлари хизматида бўлган. Хусрав Шарқ мумтоз шеърятининг ва насрининг барча жанр ва турларида ёзган ва Шарқ адабиёти тарихида биринчи бўлиб ўз шеърларини ҳаёти фаслларига мослаб, девонга ажратган ва уларга алоҳида номлар берган. Бу анъанани кейинчалик Жомий ҳамда Навоийлар давом эттирганлар.

Хусрав Низомий Ганжавийнинг 5 достонидан таркиб топган «Панж ганж»ига жавобан 5 достондан иборат «Хамса» яратган, бу билан «хамсачилик» анъанасига асос солган. Шоир бошқа воқеий достон («Хизрхон ва Дувалроний») ва адабиёт илми, иншо санъати, мусиқа назарияси (адвор илми)га оид асарлар ёзган. У ҳинд, урду, араб тилларида ҳам асарлар ёзган. Хусравнинг катта ҳажмдаги: «Эъжози Хусравий» номли асари турли масалалардан баҳс этувчи алоҳида рисоалар мажмуасидир. Алишер Навоий Хусрав Дехлавийни «Хамсадаги ҳар достони аввалида ўзининг мўътабар салафи сифатида таърифлайди, унинг бадиий маҳорати юксак баҳоланади. Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Хусрав ҳақида унинг пири Низомиддин Авлиёнинг: «...киёматда ҳар киши бир нима била фахр этгай, мен бу туркнинг, яъни Хусравнинг кўксининг куюки била фахр қилғумдур»,— деган сўзларини бежиз келтирмайди. Навоий ишқ ва муҳаббат машрабидин тўла хабардор ориф, шеърятда мажозий муҳаббат ва ҳақиқий ишқ тараннумида ёниб-ёниб фикр юритган шоир Хусрав ғазалларидан «Девони Фоний»да 32 татаббуъ қилган ва таврида битта ғазал битган.

5. Мухтараъ — арабча сўз бўлиб, кашф этилган, асосланган маъносини англатади ихтироъ ҳам шу тушунчани англатади. айзан — арабча, юқоридаги каби, яна, шунингдек маънола-рини англатадн. Тавр—луғ. бирор нарса атрофида айланиш, тарз, йўсин, усул, тартибни, одат (манера)ни англатади; адабиётшуносликда бирор шеърнинг моҳияти услубини олиб, шу йўсинда асар ёзишдир. «Девони Фоний»да шундай ғазаллар мавжуд. Масалан, «Дар таври Хожа», «Татаббуъи Махдум, дар таври Хожа». Бундай ғазалларда вазн, қофия (радиф) мезон қилиб олинмайди, балки услуб, мазмунни шеърини талқинига, услуб, рангга риоя қилинади.

Бу адабий йўл шоирларнинг ўзаро мусобақаси йўсинида бўлиб, мазмун ўзгалик, жилоларини янги талқинини яратишга ундар эди. Янги талқинда эса тимсоллар, бадиий воситалар, баёндаги адоларга алоҳида эътибор қилиш даркор бўлар эди.

6. Амир Шайхим Суҳайлий — (1444—1502) Низомуддин Аҳмад. Амир Шайхим номи билан машхур шоир. Навоийнинг дўсти ва мусоҳибларидан. Давлатшоҳ Самарқандий «Тазкират ут-шуаро»да Суҳайлий тахаллусини унга устоди Шайх Озарий тавсия қилган, деб ёзади ва туркий девони ҳам бор, деб хабар қилади. Суҳайлий Хусрав Дехлавийнинг «Дарёи аброр» (Поклар дарёси), Жомийнинг «Лужжат ул-асрор» («Сирлар тўплами ё дарёси»), Навоийнинг «Тухфат ул-афкор» («Фикрлар тухфаси») асарларига жавоблар ёзган. Унинг «Лайли ва Мажнун» достони ҳам бор. Навоий Шайхим Суҳайлийни «Ёри азиз», деб ардоқлаган. «Девони Фоний»да Суҳайлийнинг 3 ғазалига Навоий та-таббуълари бор.

7. Абдурахмон Жомий— (1412, Жом — 1492, Ҳирот) Нуруддин Абдурахмон Жомий «Ҳазрати Махдум» номи билан машхур бўлган шоир, аллома. Навоий Жомий билан 1476—1477 йилларда танишган ва уни ўзига пир, устоз қилиб олган: Жомий вафотига қадар Навоий у билан самимий дўст, маслакдош бўлиб қолган. Жомий «Ҳафт авранг» (Етти тахт) номли асарини (7 достондан иборат) Низомий ва Хусрав Дехлавий достонлари жавобида ёзган: Булар «Силсилат уз-заҳаб. («Олтин силсила»), «Саломон ва Абсол», «Тухфат ул-аҳрор»

(«Хурлар тухфаси»), «Сабҳат ул-аброр» («Поклар тасбеҳи»), «Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун», «Хирадномаи Искандарий» лардир. Жомийнинг 3 та алоҳида номланган, ғиноий шеърлар девонлари, «Мактублари» мажмуаси, рисоалари, «Аруз», «Қофия», «Муסיқа» ва бир канча асарларга шарҳлари бор. Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» тазкирасини Навоий туркийга таржима қилган ва Жомий вафотидан сўнг у ҳақда «Хамсат ул-мутаҳаййирин»ни ёзган. «Девони Фоний»да Жомийнинг 31 ғазалига татаббуъ ва 8 ғазали тавридаги ғазаллар мавжуд.

8. Салмон Соважий—(1310, Сова —1376, шу шаҳар) Жамолуддин Хожа Салмон ибни Хожа Алоуддин Муҳаммад. Салмон Соважий номи билан машҳур форс шоири. У замоннинг аксар илмларини, жумладан, адабиёт, риёзат, шеършунослик, тилшуносликни мукамал эгаллаган. Шоир ўзининг «Қасидаи маснуъ» номли ўта мураккаб, бир неча баҳрда ёзилган, жуда кўп ноёб шеърӣ санъатлар, воситалар қўлланилган мувашшаҳ (безатилган, зийнатланган) йўлида ёзилган асари билан кенг шуҳрат қозонган. Салмон «Куллиёт»и (16 минг байт)дан «Жамшид ва Хуршид», «Фироқнома» дostonлари етиб келган. Салмон ўз ғазалларида Хожу Кирмоний, Носир Бухорий ва Ҳофиз Шерозий каби шоирлар анъанасини давом эттирган. Навоий «Девони Фоний»да Салмон Соважийнинг 2 ғазалига татаббуъ ғазал битган.

9. Шоҳий Сабзаворий — (1385, Сабзавор —1453, Астробод) Амир Оқ Малик ибни Малик Жамолуддин Ферузкуҳий, тахаллуси Мир Шоҳий. Шоҳий хаттотлик, наққошлик, муסיқа ва олтинлаш санъатида номдор устодлардан бўлган. Тазкираларда Шоҳийнинг шеърӣятида Хусравнинг ёниши, Ҳасан Деҳлавийнинг латофати, Қамол Хўжандийнинг назокати, Ҳофизнинг ёркин ва теранлиги жамъ бўлгандир, деб таърифланади. Шоҳийнинг аждодлари мўғул истилочиларига қарши деҳқон ва хунармандларнинг «сарбадорлар» номи остидаги кўзғолони етакчиларидан бўлганлар. Бу ижтимоий-сиёсий маънодаги халқ ҳаракатига айланган кўзғолон аёвсиз бостирилгач, Шоҳий Бойсунғур Мирзо саройини тарк этиб, Сабзаворга кетади ва деҳқончилик билан шуғулланади. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»да ёзишича, қандайдир юмуш билан Журжонга борганида Астрободда казо қилади. Унинг наъши Сабзаворга келтирилиб, иззат-ҳурмат билан дафн этилади. Шу асарда Навоий Шоҳийни кўрмаганини, лекин ораларида ёзишмалар бўлиб турганини эътироф қилади. «Девони Фоний»да Навоий Шоҳийнинг ғазалига татаббуъ қилган.

10. Камол Хўжандий—(1318, Хўжанд—1401, Табрз) Камолуддин Масъуд, Шайх Камол, Камол Хўжандий номлари билан машҳур шоир. У Хўжанд, Самарқандда таълим олган. Хоразм ва Шош (Тошкентда) истиқомат қилган. Камол ниҳоятда билимдон шахс бўлган: адабиёт, араб тили, фикҳ, ҳадис, калом, ҳикмат, тафсир ва тасаввуфни пухта билган. Ироқ ва Озарбайжон ҳокими Табрз атрофида Валиёнқўх деган мавзёни унга тухфа қилгач, Камол боғ барпо этиб, уни Беҳишт деб атаган ва боғдорчилик билан рўзғор тебратган. Камол «Девон»ида 14 минг байт бўлган, дейилади. Лекин бизгача етиб келган «Девон»ида 7989 байт мавжуд. Унинг ғазалларида инсоннинг ботиний олами очиб берилади. Ошиқона ҳис-туйғулар тараннум этилади. Камолнинг ўзбек тилида ҳам ёзгани ҳақида биринчи бўлиб А. Ҳайитметов ёзди. (Қаранг: Шайх Аҳмад қози Худойдо Тарозий. Фунунул балоға. Ҳазина, 1293). «Девони Фоний»да Камол ғазалларига 4 татаббуъ ва таврига ғазаллар бор.

11. Соҳиб Балхий — Давлатшоҳ Самарқандий бу шоир тахаллуси «Шарифий» бўлган, дейди. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да: «Шеър фанида маҳоратли киши эрди. Адвор — муסיқий илмида комил эрди», — дейди. Соҳиб ўз ғазалларига ўзи куй басталар экан, унинг «Чоргоҳ» амалидан бошқа асар Жўги Мирзо (Шоҳруҳ Мирзо ўғли) мажлисларида айтилмас экан. Соҳибнинг Хожа Салмоннинг «Маснуъ» қасидасига жавобияси бор. Қабри Балҳда. «Девони Фоний»да Соҳиб Балхийга 1 та татаббуъ ғазал бор.

12. Котибий — (ваф. 1435, Астробод) Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ — машхур шоир, хаттот ва мунши. Яхши хаттот бўлганлигидан Котибий тахаллусини олган. Котибийнинг Нишопурда таҳсил олгани, Ҳирот, Самарқанд, Мозандарон, Гилон, Ҳизож, Табрез ва Исфахонларда бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Навоий «Мажолис»ида шоирнинг «Тажнисот», «Зул-бахрайн», «Зул-қофиятайн», «Ҳусн ва Ишқ», «Нозир ва Манзур», «Баҳром ва Гуландом» номли асарлари борлигини, умри охирида эса «Хамса»га киришганини, лекин тугалланмай қолганини хабар қилади. Котибий тоун — вабо касаллигидан вафот этган ва қабри Астрободнинг «Нўх гурон» гўристонидан экан. «Девони Фоний»да Котибий ғазалига татаббуъи бор. Алишер Навоий «баъзе аз зурафон замон», «баъзе аз акобир», «татаббуъи баъзе ёрон» каби сарлавҳалар остида яна бир неча машхур шоирларга татаббуъ қилган. Жумладан:

Ҳасан Дехлавий — (1254—1337/38) Нажмуддин Ҳасан. 1280-85 йилларда Хусрав Дехлавий билан Мултонда Султон Муҳаммад хизматида бўлган. Шеърлар девони ва «Ишқнома» маснавийси бор. Ғазалда Саъдийга эргашган, у уйланмаган, камбағалона ҳаётни маъқул кўрган, қабри Аврангободда. «Фавойид ул-фуод» («Юрак фойдалари») номли насрий асари Низомуддин Авлиё (шоирнинг пири)нинг айтган сўзлари мажмуасидир. Унда шоир таржимаи ҳолига оид маълумотлар ҳам бор. Камол Хўжандий, Ҳилолий, Биноий, Мушфиқий каби шоирлар унга пайравлик қилганлар. «Девони Фоний»да Ҳасан Дехлавийнинг икки ғазалига Навоийнинг 2 татаббуъи келтирилган.

Аҳмад Ҳожибек Вафой — (вафоти 1495-96, Бухоро). Отаси Султон Малик Қошғарий жуда маърифатли ва тенгсиз сиймолардан бўлган. У 10 йил Ҳиротда, 1496 йилгача Самарқандда ҳокимлик қилган. Навоий 1465-69 йиллар Самарқандда таҳсил олаётган вақтда Аҳмад Ҳожибек унга мураббийлик қилган ва моддий жиҳатдан кўмак бериб турган. Аҳмад Ҳожибек ақлли, тадбиркор ва адолатли бўлган, шеърият билан ҳам машғул бўлган. «Девони Фоний»да Вафойнинг икки ғазалига Навоийнинг татаббуъи ғазали мавжуд.

Сайфий — (ваф. 1503, Бухоро) шоир, адабиётшунос. Бухоро ва Ҳиротда таҳсил олган. 1487 й. Бухорога қайтган. Сайфийнинг 2 девони, аруз ҳақида ва мусиқа бобида рисолалари бор. «Аруз рисоласи»да шеър ва шоирлик, аруз қонун-қоидалари, баҳр ҳамда доиралари анчайин содда ва равон тил ҳамда услубда ёзилган. «Девони»даги шеърлар анъанавий ғазалчилик йўлида яратилган. Шоир касб-ҳунар эгаларини мадҳ этиб, кўп шеърлар ёзган. Кейинчалик бу хил асарлар «Шахрошўб» деб аталган. «Девони Фоний»да Сайфийнинг бир ғазалига Навоийнинг татаббуъи ғазали бор.

Султон Ҳусайн Бойқаро — (1438—1506) Соҳибқирон Темур наслидан Мирзо Мансур Бойқаро ўғли, подшоҳ, шоир. Навоийнинг болалиқдан дўсти. 1469 йилда у Ҳирот тахтига чиққанида Самарқандда таҳсил олаётган Навоийни дарҳол махсус фармон билан пойтахтга чақиртирган эди. Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳирот бутун Шарқда илм-маърифат, санъат, адабиёт ва маданиятнинг яшнаган марказига айланган эди. Ҳусайн Бойқаро соҳиби девон шоир ҳам бўлган. Ғазалларини Ҳусайний тахаллусида битган (1485 й.), насрий бир рисола ҳам яратган. Унда Навоийнинг ижодий фаолиятига берилган юксак баҳо мавжуд. Навоий ҳар бир асарида ўз шоҳини мадҳ этади, унинг васфига алоҳида боблар бағишлайди. «Девони Фоний»да Ҳусайнийнинг 2 ғазалига татаббуъи ўрин олган.

Исмат Бухорий — (ваф. 1497, Бухоро) Хожа Исматуллоҳ ибн Хожа Масъуд, гўзал ғазал ва қасидалар ижод қилган шоир. Халил Султон саройида бўлган, унга 40 қасида бағишлаган. Халил Султон феодаллар исёни пайтида зиндонбанд этилгандан сўнг шоир саргардонликка учраган. Улуғбек тахтга ўтиргач, уни саройга таклиф қилган, лекин Исмат рози бўлмаган. У узлатни, дарвешона ҳаётни орзу қилган. Шоирнинг «Девон»и (800 байт) ва «Иброҳим Адҳам» маснавийси мавжуд. Исмат Бухорийнинг тасаввуфий фикрлар, сўфиёна ҳис-туйғулар билан

кўчирилган шеърлари халқ орасида шухрат тутган. Шоир шеърлятида Хусрав Дехлавийннинг куйинишини, Ҳофизнинг ирфон ақидалари, Саъдийнинг равонлиги кўзга ташланади. Шоир Исмаилов, «Исмаилов» ва Халил Султон тавсия қилган «Насрий» тахаллусларида ёзган. «Девони Фаний»да Исмаилов Бухорийнинг бир ғазалига татаббуъ бор.

Коҳий—(1414, Самарқанд, Миёнқоли—1481, Агра) Нажмуддин Муҳаммад Абулқосим. Самарқанд, Бухорода таҳсил олган. Ва Ҳиротдаги «Низомия» ва «Ихлосия» мадрасаларида ўқиган. Коҳий адабиёт, тарих, фикҳ, тиб ва жуғрофияни пухта ўрганган. Шеърлятда Саъдий ва Жомий анъаналарини давом эттирган. «Бўстон»га ўхшатма қилиб «Гулафшон» номли маснавий ёзган. «Маънолар илми», «Балоғат илми» ва «Музыка рисола»лари бор. «Девони Фаний»да Навоийнинг Коҳий Миёнқолийнинг 1 ғазалига татаббуъи келтирилган.